

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2005**



И. Сагыз

ЯҒРА САЪДУЛЛАЕВА

КАТТА ҲОВЛИ

Эссе

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2005

84(59)6-4

С—12


1031298
3 g1**Саъдуллаева Я.**

Катта ҳовли: Эссе — Т.: «Шарқ», 2005. — 272 б.

Учрашувлардан бирида Яйра опадан: «Сизнинг санъаткор Саъдиев ва Саъдуллаевларга алоқангиз борми?» — деб сўраб қолишди. Опа камтарлик билан: «Улар менинг укаларим бўлади», — дедиларда бу катта санъаткор хонадони ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қила кетдилар...

Қўлингиздаги ушбу китобни ёзиш нияти ўша вақтларда пайдо бўлган бўлса ажабмас.

Санъаткор бўлиш осонми? Китобни ўқисангиз, бу саволингизга жавоб топасиз.



ББК.84(59)6.

Азизлар, Себзор даҳасига жойлашган хонадонимизни «Катта ҳовли» дейишарди. Шу хонадондан ўзбек театр санъатининг ilk қалдирғочлари парвоз қилишган. Лекин улар артист бўламан, дейишгану бўлиб кетаверишмагандир. Оталар йўли давомчилари бўлган иккинчи авлоднинг санъатдаги ҳаёти осон кечмагандир? «Катта ҳовли» бағрида ўсиб-унган бошқа фарзандларнинг ҳаёти қандай кечган? Бас, шундай экан, улар ҳақида сизга нималарнидир ҳикоя қилиб бергим келяпти. Буни хонадонимиздан етишиб чиққан кишилар ҳаётининг айрим нуқталари деб қабул қилгайсиз.

Муаллиф

I. БАЛАНД УЧГАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

МУҲАББАТДАН ОРТИҚ АЖИБ ДУНЁДИР

Дарё шовуллаб оқмоқда. Елиб-югуриб кимгадир яхшилик қилмоқ, кимнингдир корига ярамоқ, кимгадир бир қултум сув тутмоқ учун шовуллаб оқмоқда. Баъзан шу сокин дарё тўфонлар кучини ўзига жо қилиб, уммонлар қудратига эга бўлиб ҳайқиради. Осмону фалакка отилиб исён кўтаргудек у. Юраклар туғени унга кўчгудек. Янглишдим чоғи. Унинг тўфони юракларни забт этгудек.

Ҳа, ҳайқиради у, яна тинади. Яна ҳайқиради, яна тинади. Бир зум атрофига боқиб жимгина кимгадир, негадир имо қилади. Унинг қаршисида туради инсон, гўё андозаси ундан олинган. Бу — ҳаёт дарёси, умр дарёси!

Мен ҳам шу дарёнинг томчи сувиман. Сиз ҳам! Ҳаёт деб аталган сирли дунёнинг нуқра улушиман. Сиз ҳам! Бир-бирига интилган, бир-бирига ҳамдард бўлган одамлар, Сиз ҳам! Қай ҳолда бўлса-да, умрим завола кўрмасин деб, бирор юмуш қилай деб, юзим ёруғ бўлсин деган инсонлар, Сизлар ҳам! Ким билади дейсиз,

Аллоҳ берган умр кимга қандай вафо қилди-ю, вафо қилади. Боболарим, ота-оналарим, устозларим, умр йўлдошим... Мен улар ҳаётида вафони кўрдим. Суратини чизишим мушкул бўлган ўша нафис вафони кўрдим. Босган қадамларида, юрган тошли йўлларида, қолдирган уюм-уюм изларида ҳаёт севгисини кўрдим.

Сизга сирим очай, сир десам агар. Яқинда туш кўрдим, ажиб туш. Дилга ёқиб хуш... Баҳорнинг гуллари сада-садамиш, олманинг гуллари шода-шодамиш. Гуллар хандон уриб, улар ортидан умримнинг йўлдоши қиё боқмишлар. Улар кекса эмас, анча ёшмишлар. Мен ҳам ҳозиргидек хаста ҳам эмас, қаддиларим кўҳлик, қилиб сал шўҳлик, деразам ортидан кулиб боқмишман. Нозик бир ниҳолни унга отмишман. Улар гулни шундай тутмишлар-у, шукрона қилгандек тин ҳам олмишлар. Шу пайт пайдо бўлмиш ҳури парилар. Даста-даста гуллар хўп келтирмишлар. У кишим бир мамнун ва ёниш ила, ўзгача тақаллуф ва хониш ила уларни мен томон тез ирғитмишлар. Шунда чехралари ёришиб кетмиш, узатган гуллари қўлимга етмиш. Мен ҳам не қиларим билмай, довдираб юм-юм йиғлармишман, кўзларим ёши сел бўлиб оқармиш, юзим ювармиш. «Бу... Сизга... Бу Сизга!» аста дермишлар ва илиқ табассум ҳадя этмишлар.

Шу пайт пайдо бўлмиш азиз одамлар — қариндош-уруғлар, ҳатто бобомлар. Икки қўл кўксида, сал эгилиброқ у киши бурчларин адо этмишлар, салом бермишлар. Аммо жонсарақмишлар. Она-жоним буни дарров сезмишлар. Недан илинжи бор, — дея мен томон оҳиста боқмишлар. «Кела-қол», — дермишлар ялингансимон. Шунда шошиб қолиб азиз инсоним: «Йўқ, йўқ, келмасин, ҳали иши кўп», — дермишлар чуқур хўрсиниб. Ҳамма жимиб қопти. Шунда бобожоним дуога оҳиста қўл очиптилар. Ҳамма уларга эргашипти. Мен ҳам қўл очибман пири дуога. Икки кафтимни бир-бирига зич ушлармишман. Бармоқлар ҳам зичмиш. Ахир дуолар уларга келиб қўнармишда.

Заррасин ҳам тушириб юборгим келмас эмиш-
да. Уларни кўзимга суртиб, юзимга тортармиш-
ман. Дуолар дуоларга уланармиш. Бошим узра
сочилармиш зар бўлиб, гавҳар бўлиб...

* * *

Тонгда уйғонаман. Оҳ, бу туш не бўлди? Не
хушнудлик келтираркин менга у. Бегим тутган
гуллар, балқиб турган дуолар не рўшнолик олиб
келаркин? Бирдан дард ва қайғу ичидан ўзимни
юлиб оламан. Енгил тортаман. Гўё қанот қоқаман.
Еттинчи фалакда ўзимни ҳис этгандек бўламан.
Беғубор баҳор фаслида, кўнгилининг муҳаббат ко-
шонасида атир гуллар тераман. Мен учун бу гул-
лар ўткир садодир, муҳаббатдан ортиқ ажиб дунё-
дир!

ТАХТАПУЛ, 147

Эски Жўва¹ қачондан Эски Жўва бўлган, рос-
ти бунга унча қизиқмаган эканман. Лекин бо-
лалигимдан шу манзил ва шу номга ошно эканли-
гимни биламан. Эски Жўвадан ўнгга қараб юр-
сангиз, олдингиздан бўй-баста билан Хадра кўри-
нади-қўяди. Мабодо чапга юрсангиз, ана бизга
кераклиги шу жойлар, ҳар ғишти қадрдон, ҳар
дарахти кўзингизга тўтиё бўлган жойлар. Чапга
бурилину... Эссиз-эссиз, ҳозир уларнинг айрим-
ларини сиз кўролмайсиз, бузилиб кетган. Зарар-
сиз. Эски Жўвадан чиқиб, Зарқайнар кўчасига
бурилмай сал юрсангиз, Охангузар келади. Уни
Охангузар деб юборилган. Охангузардан кейин
Ғишткўприк, ундан Шоҳингузарга ўтасиз. Одам-
лар уни Шокингузар деб юборишган. Юқоридан
келинса Тахтапул, кейин Тарновбошидан ўтиб,
Себзорга келасиз. Себзор даҳасининг юраги шу
ерда. Себзор билан Шоҳингузар оралиғи бир ту-
тамгина. Катта кўчамиз Тахтапул кўчаси дейила-
ди. Унга бу ном 1883 йилда қўйилган. Гузарнинг

¹Эски Жўва майдони IX асрда ташкил этилган.

Тешик қопқоқ ёки кексалар айтмиш, Табиб кўчанинг катта кўчамизга қўшилмиш оғзида ҳам пичагина сайхон ер ва қулогини зарб билан боссангиз, суви вишиллаб тушадиган чўяндан қурилган бақувватгина сув жўмраги бор. Уни босишга унчамунча одамнинг кучи етмайди. Шуниси ҳам тузик. Сув ҳам бўлар-бўлмасга исроф бўлмайди. Барибир каттароқ пақирини кўтариб чиққан баъзи кишилар: «Намунча қаттиқ бўлмаса-я», — деб шикоят ҳам қилиб қўйишади. Бу бебаҳо сув шохингузарликларга, қолаверса, Табиб кўча аҳолисининг бир қисмига хизмат қилади. Ҳа, айтганча, Табиб кўчада Тошкентнинг етти даҳасига донғи кетган Маннон табиб яшайди. Ибн Сино илмидан хабардор бу инсонни, ёши анчага бориб қолган, қўли енгил бу табибни бошига дард тушган ҳам, тушмаган ҳам дуо қилади. Унинг малҳамлари беморларга шифо беради.

Катта кўчамизнинг ўнг томонида бежиримгина ариқчадан зилол сув оқади. Ариқнинг яна бир хизмати бор. Баҳорда эриган қорларнинг, шаррос оққан ёмғирнинг суви унинг бағрига сингиб кетади.

Гузаримизнинг, сизга айтганим, кичкинагина сайхон ери бор. Ойим берган тангага коса ё пиёла қўшиб у ерга чиқамиз. Саватларда дастурхонга ўраб қўйилган, ҳиди гуркираб турган иссиқ нон, зогора нон... Пақирда суту (эрталаб), хурмачада қошиқ билан кесиб оладиган қатиқлар. Хурмачадаги қатиқ юзига оппоқ дока ёпиб қўйилган. Дока қатиқнинг зардобини териб туради. Мен қатиққа чиқишни жуда яхши кўраман. Ўзиям маззада, келаётганда четидан ялаб, яна ялаганимни билдирмаслик учун қатиқни бир оз чайқатиб қўяман. Боламанда, ойим билмасинлар деб ўйлайман. Улар қатиқни кўриб, тамшанаётганимни сезиб, кулиб қўядилар ва мураббо пиёлага икки-уч қошиқ солиб берадилар.

Гузардан бизнинг хонадонга келгунча болохонали, катта дарвозали иккита хонадон, сўнгра шаҳарга овозалари кетган Рокия доянинг уйлари

(бизникига уларниқидан туйнук очилган). Мана энди бизнинг торгина жин кўчага келдик. Ёз кунлари туя сомонли қанори билан чўкса, ёнидан на у ёққа ўтиб бўлади, на бу ёққа. Тор кўчамизда ўзига тўқ тўртта хонадон яшайди. Кираверишда, чап қўлдаги биринчи эшик — бизники. Икки табақали, жуда бақувват эшик. Унга қорамтир, қизғиш, жигарранглар антиқа қўшилиб кетган. Эҳтимол, бу ўтган узоқ йилларнинг бизга атаганидир. Лекин ўйилган нақшларини томоша қилсангиз, бу санъат унча-мунча устанинг қўлидан келмаслигини биласиз. Дарвозамиз ҳозиргиларга ўхшаб ошиқ-мошиқли эмас. Паст ва тепасидан ўзидан ўйиб чиқарилган «ўқлар» кесакига ўйиб ўрнатилган. Икки зулфини паҳлавон одамларнинг қўлини эслатади. Керак киши бировни чақирмоқчи бўлса, уни тақиллатади. Овозини юрган ҳам, турган ҳам эшитади. Бу овоз бошқа эшик зулфининикидан сал бошқачароқ. Мен бу икки зулфини ушлаб, эшикни сал беркитиб туриб, бор кучим билан итарвориб очаман-да, арғимчоқ қилиб учаман. Роҳат қилгандан мен роҳат қиламан. Йўлагимиз дарвозамиздан бирозгина паст, ҳовлимиз сатҳига тенглаштирилган. Йўлақдан ҳовлига тўғридан-тўғри кирилмайди. Ўрта эшигимиз бор. У ҳам икки табақалик, лекин оддий нақшли, ихчам. Бу эшикни секингина итариб, орасидан қўлингизни тиксангиз, занжир шилқ этиб тушади.

Ҳовлимиз, сизга ростини айтсам, қўшниларимизникига ўхшаб теп-текис эмас. Ичкарироқдаги ошхона ва отхона жойлашган майдонимиз ҳовли сари қиялаб кетган. Неча-неча йиллардан бери ҳосил бераётган буваки узумимиз тагига супа қурилган. Ҳовлимиз гир айлана иморат. Бир қисми ўзимизники бўлса, бир қисми Рокия дояники. Биз уларни негадир ача деймиз. Ачамнинг уйлари бизга орқа ўгириб тушган ва ҳовлимизни анча кесиб қўйган. Шу бир тутамгина ҳовлимизда турли хил гуллар бор. Эшиқдан кириш билан уларнинг анвойи ҳиди димоққа урилади. Ана шу уй, мана шу хона-

донда менинг отам, амакиларим, аммам туғилишган. Болаликлари, ёшликлари шу хонадонда ўтган. Саъдуллақори бувамларнинг оталик ўғитларини, Иқболхон ойимнинг оналик меҳрларини шу ерда олишган. Ҳаёт йўлини, умр йўлини, меҳнат йўлини шу ерда танлашган. Бу хонадондан ҳеч қачон қаттиқ овоз эшитилмаган. Ундан одамларга ҳурмат таралган, оқибат таралган, илм-маърифат, зиё таралган. Бу хонадоннинг ўз аниқ манзили, аниқ кўриниши бор. Бу — Тахтапул, 147. Уни ҳамма «Катта ҳовли» дейди. Уни фарзандлар, келин-куёвлар бисёрлиги, қариндош-уруғларнинг сероблиги, келдикетдининг қўплиги учунгина эмас, унда яшовчиларнинг бағрикенглиги, ақлу заковати, тиллари ширинлиги учун, маърифат гулшанида қанот қоққанлари, одамларга фақат яхшилик келтириб, яхшиликка ундаганлари, санъат йўлидан юриб, одамларни бу нурдан баҳраманд бўлишга чорлаганлари — ҳамма-ҳаммаси учун «Катта ҳовли» дейишади. Шу «Катта ҳовли»га маҳаллада қалдирғоч бўлиб патефон кириб келди. Мулла Тўйчининг, Домла Ҳалимнинг қўшиқлари ёзилган пластинкалар кириб келди. Пештоққа илиб қўйилган ва ҳаммани маҳлиё қилган радио овози маҳаллада илк бор шу ҳовлида эшитилди. Бу ҳовлида дуторнинг ҳам мунгли ноалари, ҳам шўх куйлари янгради. Зеро, дутор чертмоқни бу хонадонда деярли ҳамма билади. «Катта ҳовли» соҳиби буларга сира-сиромонелик қилмайди. Фақат дуо қилади. Аллоҳдан фарзандлари йўлида қилган дуоларининг ижобат бўлишини истайди. Бу азиз инсон Саъдуллақори бувам бўладилар... Саъдуллақори ибн Исмоил ибн Содиқхўжа, яъни Содиқхўжаев Саъдуллақори Исмоил ўғли 5 ўғил ва бир қизнинг отаси. Ҳозирдан айтиб қўйганим маъқул. Бешала ўғилнинг фамилияси замонанинг зайли билан тўрт хил ёзилган: Қориев Ҳикматулла, Саъдуллаев Убайдулла, Саъдиев Ҳабибулла, Саъдуллақориев Ҳамидулла, Саъдиев Фатхулла.

Бобо ўқтин-ўқтин Эски шаҳарни, бозорни айлангиси келарди. Кечагина атторлик дўкони-ни очиб, камтарона савдо қилиб юрган кунларини эслайди. Хўп даврлар экан-да, қаторасига кичик-кичик дўкончалар, дўппифуруш, маҳси-дўзлик, заргарлик... Зарур ишинг чиқиб қолса, ё намоз ўқийдиган вақтинг келса, дўконни бер-китиб ўтирмайсан, олдига шундай ип тортсанг бўлди, ҳеч ким яқинига келмайди, ё қўлини чўзиб бирор нарсага тегмайди, бировнинг луқ-май ҳалолига тегишга Аллоҳдан қўрқишади. Бобонинг ўғиллари олдинма-кетин етилиб, бозор-ўчарни ўз қўлларига олишган. Оталарига игна кўтартиришмайди. Лекин бобо хушрўйгина жилмайиб, билганидан қолмайди. Ўғиллар ишлайди. Ишлари ҳам халқнинг кўз ўнгида. Баъзан эрталаб кетиб, алламаҳалда келишади. Айниқса, шунақа пайтларда безовталаниб, хавотирланган кампирига сабр беради, тинчлантиради. «Одамларнинг кўнглини олишнинг ўзи бўлмайди», — деб қўяди ўқтин-ўқтин. Чол-кам-пир ўғиллари танлаган йўлга монелик қилмаганларидан ўзларича мамнун бўлиб қўядилар. Бобо ниҳоятда ширинсўз, қувноқликни севган, хушчақчақ. Аскияда унча-мунча одамга бўш келмаган. Умрида қўшиқ айтмаган бўлса ҳам овози ширали, қироати юксаклиги билан кўпчилик қорилардан устун бўлган инсон. Ҳаёт оқимини тез илғаб олган, уни тушунишга ўзида куч-қудрат топган, фарзандларининг раъйини қайтармай, уларни тўғри англашга интилган ота, отажон!

... Бобо қаддини ростлаб олди-да, Тахтапул кўча бўйлаб паст томон юриб кетди. Кўнгли бозорни қўмсаган эди. Бозор даҳадаги хонадонларга нисбатан пастликда жойлашган. «Қаёққа?» «Пастга!», «Йўл бўлсин!» «Пастга» — сўзлари, айниқса, кўчада тез-тез эшитилиб туради. Бобо Ёишт-кўприқдан ўтиб бораркан, кўчага тош терганлар-

ни дуо қиларди. Ўзлари катта кўча деб атаган, аслида эса тор бўлган кўча ўртасидан бир томонлама трамвай юради. Бобо бундан ўзича мамнун бўлади. Трамвайлар у ёқ-бу ёққа юраркан, Оҳангузар ва Себзорда тўкнашиб қолмаслик учун бир-бирларини кутиб туришади. Ўтказиб юборгач, ўз йўлларида давом этишади. Бобо трамвай юрганига суюнса ҳам ўзи кўпам тушавермайди. Оёқларининг чигили ёзилишини истайди. Қолаверса, кутишга унчаям тоқат қилавермайди. Баъзида ҳув деса эшитиладиган жойга ҳам одамлар трамвайни кутиб ўтирганларига ҳайрон бўлади. Маҳалладагилар орасида «эшак арава» деб ном олган 6-трамвай барибир кўпчиликка асқотади. Кўпчилик унга қизиққанидан тушади. Ёш-яланглар эшиклари очиқ бўлгани ва секин юргани учун йўл-йўлакай бемалол сакраб чиқиб, сакраб тушаверадилар.

Бобо йўлда учраганларнинг бирига салом беради, биридан алик олади. Тошкентда таомил шундай: ҳеч ким бесалом ўтмайди. Сўрашмай ўтиш одобсизлик саналади, болалар ҳам шунга ўрганишган. Тўғрироғи танглайлари шу билан кўтарилган. Бобо Қорасарой кўчаси оғзидаги масжиддан чиқиб келаётган кўз таниш кекса билан қуюқ сўрашди. Бир нафас тин олиб, хайр-маъзур қилмоқчи эди, мўйсафид унга ажабтовур қараб қўйди ва кутилмаганда мижровланиб қолди.

— Тақсир, қарқуноқдан булбул чиқибдида-а?

Бобо зукко ва сезгир эмасми, гапнинг нима ҳақида кетаётганига дарров тушунди ва ҳозиржавоблик билан деди:

— Себзорнинг қарқуноғи булбулга дарс берур, тақсир.

Мўйсафид бундай жавобни кутмаган экан шекилли, мўйлов-соқоли сал учиб, кинояли жилмайди. Жилмайди-ю, лекин бўш келгиси келмади. Дилида патос боклаган ва ўзи учун ҳақиқат деб билган фикрини чертиб-чертиб айтди-қўйди:

— Ахир театру хўжа авлодига, айниқса, Си-

зингдек қори-ю қурро одамга лойиқ эмасдур. Яна кетма-кет икки ўғлингизга ижозат бермушсиз.

— Аллоҳдан инсофларини сўрайман, тақсир. Шу ишга кўнгул қўйиптилар, йўлларини берсин, — шундай дея бобо қўлини кўксига қўйиб у билан хайр-маъзур қилди-да, йўлида давом этди. Бозорга кираверишда қўлини очиб турган гадойга садақа бериб, ўзига қадрдон раста томон бурилди. У ердагилар билан узоқ сўрашди. Кейин Карвонсаройдан ўтиб, ичкарироқ кирди. Бирор нарса олиш нияти бўлмаса-да, бир айланиб ўтгиси келди. Бозорда нарса кўп. Нархига чидаса бўлади. Бошига дўлписини бостириб, оппоқ яктагининг устидан қаватма-қават белбоғ боғлаб олган деҳқоннинг сон-саноғи йўқ. Ҳаммаси молини кўз-кўз қилгиси келади. Ўзича мақтаган, харидор чақирган бўлади.

Бобо қовун бозоридан ўтаётганида қулоғига таниш овоз чалинди-ю, орқасига қаради. Йигит кўзига иссиқ кўриниб кетди. Яқинроқ борди.

— Олаверинг, чақмоқлаб бераман, — деди деҳқон харидорига боқиб.

— Уринманг, тортаверинг.

— Сизга тортмай бераман. Деҳқон укангизнинг совғаси деб олаверинг, ақчангиз керакмас.

Олувчи йигит ҳазиллашиб деди:

— Ҳаммага ҳам текинга берасизми?

— Сиздақангилар келса, бераверамиз. Бу ёғи деҳқончилик.

— Ҳосилингизга барака-ку, сабаби? — қизиқсиниб қолди харидор.

— Ака, сизни танидим, театруда ўйнайсиз, шаҳарга келганда тушиб турамиз.

— Э, гап буёқда денг. Шу гапингизга яна битта қовун танлайман. Яхшиси сиз танлай қолинг кексаларим учун.

Деҳқон каттагина, ҳидлари гуркираб турган олтинранг босволдини танлаб узатди. Харидор йигит чўнтагидан пул олаётиб, унга кулиб қараб турган бобога кўзи тушди. Бобога салом бера туриб, сотувчига пул узатди. Деҳқон минг хижолат ила уни

олди. Йигит шоша-пиша бобога: «Нима қилиб юрибсиз, ота?» — деди ҳайрон бўлиб. «Шунча ўғил бўлсак ҳам, ўзлари тушиптилар-да», — дея хижолат тортди. Бобо алик олиб, ўғлининг саволига жавоб бериш ўрнига ўзи уни саволга тутди:

— Нима қилиб юрибсиз, ўғлим?

— Машқимиз барвақтроқ тугади, бозорга шўнғиб ўтай дедим.

— Кечқурун театрингиз борми?

Бобонинг спектакл дейишга сира тили келишмайди.

— Ҳар галгидек, ота. Сизни кўрганим яхши бўлди. Бирга гаплашиб кетамиз.

Йигит бобони жонидан яхши кўради. У билан гаплашиб, ҳангома қилиб ўтиргилари келади. Шунча пайтлар бўлади ҳам. Спектакллар кечаси алламаҳалда тугайди, отасини безовта қилгиси келмайди. Отаси бир хил шинавандаларга ўхшаб кунора театрга боравермайди, ийманадими, тортинадими, ўзиям яхши билмайди.

— Сиз йўлдан қолманг, ўғлим, мен битта-битта бозорни айланиб бораман.

Ўғил ота раъйини қайтара олмайди. Уларнинг хонадонига ота раъйи қайтарилмайди. Айниқса, ўртанча ўғил Ҳабибулла унга бошқача қарайди. Беш ўғилнинг ҳаммаси яхши, ҳаммаси марду-майдон. Аммо бу ўғилнинг кўзларидан, юриш-туришидан ўзгача нур ёйилади. Ўғил ҳеч нарса кўтарманг, дея тайинлай-тайинлай жўнади.

Аслида отанинг бирон нарса олиш нияти йўқ эди. Рўзғори бут, тўкин. Айтганимиздек, айланиб, одамларнинг дарду аҳволини билиб, кўргани келганди. Лекин бобо уйига қуруқ қайтмади. Юки анча оғир бўлиб кетганини хонадонига келганидагина, югуриб келган келини юкини қўлидан олгандагина сезди.

— Вой, отажон-ей, қийналиб кетибсиз-а? Уйда бор эдику.

— Бир бечора картишқасини сота олмай ўтирган экан. У ёққа ўтсам ҳам кўзи жовдирайди, бу ёққа ўтсам ҳам. Шу бечорани уйда бола-чақаси

кутаёттандир, шу бечоранинг ҳам қозони қайна-син деб олақолдим.

Келини бобони дарров тушуна қолди. Ҳов бир-да ҳам бурниларигача қисилиб, сарғайиб ўтирган бир деҳқоннинг молини олибдилар. Пулини тўлабдилару: «Буни бола-чақага олиб боринг», — деб орқаларига қарамай кетаверибдилар. «Ота-жоним-ей», — деб қўйди келин унинг чарчаганига ачиниб ва халтани донхонага омонатгина қўйди. Тезгина обдастадаги сувни янгилади-да, қўлига сочиқ олди. Гулзор ёнига чўккалаган бобонинг қўлига сув қўйди.

— Умрингдан барака топ, қизим, — деди бобо қўлини артаётиб, — картишканинг сал майдалигидан хафа бўлмагин. Маҳкамбойникига ҳам чиқартириб юбор.

Ота турмуши анча қашшоқ бу қўшнисини ҳеч оддийгина қилиб Маҳкам ё Маҳкамжон дея олмайди. «Маҳкамбой» деса ҳурмати ошаётгандек, унинг қора қозонига барака кириб, пири бадавлат умр кечирадигандек туюлаверади. Аёли бешик устида фожиали ўлдирилган ва икки боласи билан шип-шийдон ҳовлида юпунгина қолган Маҳкам отага у ачингандан ачинади. Маликахон келинига бу оиладан хабардор бўлиб туришини тайинлайди. Маликахон ҳам сахий келинлардан. Қўшнисига кўп нарсa илиниб туради. Отага, албатта, кечқурунлари косада иссиқ овқат чиқаради. Қизи эса кўпинча «Катта ҳовли»да у-буга қарашади. Иссиқ-совуқсиз, кийим-бошсиз қолмайди...

Бобо бир-бир босиб айвонга чиқди. Ихчамгина ўралган салласини ечиб, қозикқа илмоқчи эди, кампири қўлидан олишга улгурди. Енгилгина матодан тикилган, ўзига жуда ярашган чакмон ҳам қозикқа илинди. Бобо энди ўтирмоқчи эди Ҳабибулла қорининг уйидан ғалатироқ овоз эшитилди. Буни сезган кампири:

— Ўғлингиз театрусини қайтаряпти, — деди.

Бобо чуқур нафас олиб, «Ундоқ бўлса майли», — деб қўйди. У билади. Ўғли уйда бўлганда

ҳам вақтини бекор ўтказмайди. Дам қўшиқ хиргойи қилади, дам аллақандай гапларни қайтаради. «Бу... сахна деганлари мўъжиза бўлса керак. Туппа-тузук одам сахнага чиқиб, бошқа одам бўларкан-қоларкан». Бобога маъқули фарзандларининг одоби-ю обрўси. «Халқ артис деганини яхши кўрарканда», — деб қўйди ичида ўзига-ўзи бозорда атрофдагиларнинг Ҳабибуллага тўймай қараётганини эслаб.

Бобо ўтиргач, кампири унинг орқасидаги ёстиқни тўғрилаб қўйди:

— Барака топгур-ей, уринибсиз-а, — деди Иқболхон ойи мулойимлик билан.

— Қимирлаб турган яхши.

Келин бақиллаб қайнаб турган оқ рух самоварни олиб келиб самовар патнисга қўйди. Дарров олма гулли чойнакка чой дамлади. Самовар кампирагини эҳтиётдан яна бир босди-да чойнакни унинг устига қўйди. Дастурхон неъматга тўлди. Айни вақтда Ҳабибулла қорининг уйидан эшитилаётган овоз дам пасайиб, дам бир оз кўтарилиб, охири тинди.

— Бу... театру деганлари оғир нарса экан, — деди Иқболхон ойи ичкарига ишора қилиб. — Қайси куни анув қўшни чиқувди, патефондаги пластинкани қўярда-қўймай синдириб, ашулачини қидирган бор-ку...

Бобо хўш дегандек унга қаради.

— Болаларингиз хўпам масқаравоз бўлишиптими? Ҳикматуллангиз аёл бўлиб чиққанмиш. Ўлди-кетти-ей, шундай оиланинг фарзанди, дегани чиқибди азза-базза.

— Айтмадингизми, мард одам сахнага чиқади, деб.

— Қайдам.

— Бундайларга бўш келманг. Бунақалар атайлаб жиғингизга тегади.

— Рост айтасиз, — бобонинг гапини тасдиқлади Иқболхон ойи.

— Улар бу ишларни ҳазм қилолмайди. Ё бундай ишга қўл урганларни кўриша олмайди.

Иқболхон оий бобонинг гапларига тўғри дегандек бош силкиб қўйди. Ними-дими тамадди қилган Ҳабибулла қори ота-онадан фотиҳа олиб, театрға жўнади. Чол-кампир дуо қилиб йўлакка етганча орқасидан қараб қолишди.

* * *

Гап келганда «Катта ҳовли»нинг яна бир ўзига хос томонини айтиб ўтгим келяпти. Унинг санъатта бевосита алоқаси бўлмаса-да, бажарилишини санъаткорона деб ишона оламан.

ГУЛҚАНД ЁХУД БОБОМНИНГ «ДЎКОН»ЛАРИ

Хонадонимиз доим ораста, айниқса, ёз кунлари кўлоблатиб сув сепилганда ҳовлимизнинг файзи бошқача бўлиб кетади. Эшиқдан кириш билан атиргулларнинг анвойи ҳиди димоққа урилади. Ҳамманинг ҳовлисида турли хил гуллар ўсгани учун хонанинг ичига гул олиб кириб идишларга солиб қўйиш у вақтларда расм эмас. Ҳовлимиздаги гулларнинг эгалари кўп. Ким ишга кетса, бир-икки донасини бўлсаям олиб кетгиси, кимнидир хушнуд этгиси келади. Лекин улар етилиб, қийғоч очилганда ҳовли жудаям бошқача бўлиб кетади ва унинг якка ҳокими бобом бўлиб қоладилар. Бир дона гул гўзаллини ҳам ерга туширмайдилар. Ҳатто «қариб қолиши»га ҳам йўл қўймайдилар. Гулнинг тўкилаётган гўзали — япроғини олиб, пешонамизга ё қўлимизга пақиллатадиган биз қизалоқлар уларнинг нима қилмоқчи эканликларига унча тушунмаймиз. Кейин Мамлакат опам иккаламиз кузатишга тушамиз. Бобом элакми, пақирчами олиб, оҳиста гуллар орасига кирадилар. Бу ишни одатда ўзлари бажарадилар. Оқ, қизил, пушти гулларни териб оладилар, ўзлари чайиб ўзлари селгитадилар. Бунгача онам бир неча сопол хўқачаларни қатронлаб, чайиб, тозалаб қўйган бўладилар. Бобом селгиган гул «гўзалларини»

олиб аввалдан тайёрланган ҳалиги хўқачаларга солиб, шакарга бостириб-бостириб қўядилар, сўнг оғзини топ-тоза мато билан боғлайдилар. У қишгача аввал офтобда, кейин салқин жойда туради. Қишда уни каттаю кичик барчамиз асал егандек суйиб еймиз. Келган меҳмонлар ҳам ундан татийди. Аммамларникига ҳам бериб юборилади. «Гулқанд»нинг таъми янаги қишгача оғзимиздан кетмайди.

Бобомнинг «дўкон»лари бор. Дўконки каттагина, бўйчангина токчага қаватма-қават тахталар ўрнатилган. Унда бобомнинг керакли нарсалари туради. Негадир унинг икки табақали хирароқ ойнали эшикчаси бор. Бола эканмиз, унинг фаҳмига унчаям етмаймиз. Лекин болалик хаёлимизда у негадир доимо қулфлоглик туради. Аммамнинг қизлари даладан тушишганда опам билан мен уларга қўшилиб, бобомнинг олдиларига бориб, бир оз тортиниб турамиз. Ахир улар салобатлилар-да. Кейин:

— Ота, дўконингизни очинг, дўконингизни очинг, — деймиз ялиниб.

Ялинмасак ҳам очадилару, уларга эркаланамиз-да. Бобом унча ҳам илҳақ қилмайдилар.

— Қани, навбатда туринглар-чи, — деб бизни «дўкон»ларига бошлайдилар.

— Меҳмонларни олдинга ўтказамиз. Мен навбатнинг охирида тураман. Бобом «дўкон»ларини очганларида худди эртақлардагидек жарангли овоз келганга ўхшайди.

— Сим-сим оч эшигингни, — деймиз бирва-ракайига. Чунки Иқболхон ойимлар «Тоҳир-Зухра»ю «Ёрилтош»ни, «Али бобо ва қирқ қароқчи»ни ҳикоя қилавериб, миямизга қуйиб қўйганлар.

Бобом «дўкон»ларидан қурт олиб бизга берадилар. Биз яна нимагадир илҳақ бўлиб жойимиздан жилмаймиз. Бобом буни сезадилар. Оппоқ халтачанинг оғзидаги ипини бўшатиб, ундан бир ҳовуч майиз оладилар.

— Энди кичкинадан бошлаймиз, — дейдилар.

Менга жон киради. Нозиккина кафтимни очаман. Нар борса беш-олтита майиз сигади унга. Биз бобом тухфаларини олиб хурсанд бўламиз. Ора-чора бобомдан гулқанд сўраймиз.

— Қишда, бўтам, қишда, — дейдилар бизга жавобан.

Биз эса тамшанамиз. Оғзимизда гулқанднинг мазаси пайдо бўлгандек ютиниб қўямиз.

* * *

Бобомлар билан боғлиқ яна бир хотирот сира эсимдан чиқмайди. 1940 йилнинг қаҳратон қиш фаслида, декабр ойининг изғиринли кунларида олдинма-кетин туғилган чақалоқлар ҳовлимизга янада кўпроқ хурсандчилик олиб келишди. Уларга Ҳайрулла ва Лутфулла деб исм қўйишди. Исмларини ҳарқалай бобом қўйган бўлсалар керак. Адамлар-ку, Файрат укамдан кейин яна ўғил кўрганларидан суюнганлари ва кўкракларини роз кўтаришлари табиий. Лекин Ҳабибулла амаким учун Ҳайрулланинг туғилиши жуда катта бахт эди. Ўттиз ёшларга бориб илк фарзанд кўриш уларга олам-олам бахт ҳадя қилган эди. Ўрни келганда айта қолай, ака-ука Убайдулла ва Ҳабибулла қорилар опа-сингил Маликахон ва Маҳбубахонларга уйланишган эди.

Чақалоқлар ҳаёт юзини кўришларидан бир оз олдин Саъдуллақори бобомлар қаттиқ касал бўлиб ётиб қолгандилар. Ҳар куни эрталаб оппоқ йўртакка ўралган гўдакларни олиб келиб каравотда орқаларидаги ёстиққа суяниб ўтирган бобомнинг олдиларига оҳиста ётқизишади. Бобом чақалоқларнинг юзларини беозоргина силаб, кўзларига суртадилар ва дуо ўқиб, дам соладилар. Мен ёшгина болакай каравотларнинг бошига ўтиб олиб, томоша қиламан. Бобом Аллоҳдан уларнинг умри узоқ бўлишини тилайдилар. Дуо қила туриб, елкалари силкиниб-силкиниб кетади. Улар йиғлайдилар. Шу кунга етганлари, Ҳабибларининг ҳам кўзи оқ-у қорасини кўриш насиб этганидан шукур қиладилар. Ҳайрулла ва Лутфулланинг ба-

равар камол топишлари, халқ ҳурматига сазовор бўлишлари, унинг суюкли фарзандига айланишлари ўша дуоларнинг ижобатидир, оталаримиз қилган покиза ниятларнинг акс садосидир. Ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман.

ОҲУТИНАМ, ҚАЙГА ЧОРЛАЙСАН!

Санъат гўё оҳу эди ўша дамлар. Одамларни маҳдиё этувчи оҳу, ўз кетидан эргаширгучи, иш-қиға мафтун этувчи оҳу. Санъат қўшиқ бўлиб, ўткир нидо бўлиб оддий кишиларнинг қалбига кирарди ўша дамларда. Аёлми-эркакми, унга барибир. Чопқиллаб юрган болами, севгининг қўнғироқли овози қўнғлига кўчган навқиронми, унга барибир. Ҳаммага бирдек меҳмон эди у. Кўз илғамас иплари билан чирмовуқдек ўраб олгучи сирли дунё эди у. Кўпчилик Эски шаҳарликлар, кўкчаликлар, Самарқанд дарвоза-ю бешёғочликлар, шаҳар атрофидаги қишлоқларда яшовчилар зимистонда яшнаб турган машғалага интилгандек ўша оҳуга интилардилар. Оҳу кўзлари эса нурланиб, киприклари пирпираб чорлайверарди-чорлайверарди. Айтмоқ жоизки, катта бир куч санъат йўлини танлаганларга қарши тикка туради. Баъзан хуфёна, кўпинча рўй-рост, очиқдан-очиқ газабга келади. Юзини тескари буриб, «беномуслик» дея жар солади. Маломат тошини ёғдиради. Санъаткор пайдо бўлган оилаларни дашном қиладди, тутдай тўкмоқчи бўлади. Лекин у бундай юмуш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслигини ҳис қилмайди, қила олмайди. Санъат йўлига кирган икки ўғилларини бобом темир қўрғон бўлиб ҳамма маломатлардан асрайдилар. Икки ўғил театрдан чиқиб иссиқ уйига, оиласи бағрига келади. Лекин ҳамма ёғдули санъаткорлар турмуши ҳам бундай бўлмаган экан. Ҳаёт уларга бу йўлда катта синовлар юборган экан. Шу рисола баҳонасида бирмунча китобларга кўз югуртганим рост. Ўзбегимнинг қутлуғ ўғлини Аброр Ҳидоятонинг ўзлари ҳақида ёзганларини ўқиганимда юрагим увушга-

ни, уларга ачинганим ҳам рост. Яна шуниси ростки, бобомнинг фарзандлари кўнглини эътироф этган қудратли инсон бўлганларидан фахрлангум.

Аброр Ҳидоятлов ёзадилар: «Отам менинг театрга берилиб кетганимни билиб қолиб, бу ишни ташлашимни талаб қиладилар. Гарчи отам адабиёт ва санъатни севадиган ҳазилкаш, шинаванда одам бўлса ҳам, менинг санъаткор бўлишимни истамасди. Бунинг устига маҳаллада менинг тўғримда тарқалган иғво сўзлар, бойлар ва мулаларнинг уйдирмалари унга салбий таъсир қилиб, отам мени уйдан ҳайдади. Ҳатто менга унаштирилган амакимнинг қизини ҳам бошқа бировга узатиб юборишди. Шу пайтдан бошлаб менинг уйим ҳам, иш жойим ҳам севимли театр бўлиб қолди»¹.

Ўша вақтда ҳали ёш, навқирон Абдуманнон Мажидов — Маннон Уйғур «Турон» театр труппасига бошчилик қиларди. Труппа эса Эски шаҳарнинг Маҳсидўзлик маҳалласидаги пишиқ гишдан қурилган икки қаватли бинога жойлашган эди. Унинг иккинчи қаватига олиб чиқувчи темир зинапояси бўларди. «Ундан кўтарилиб, эшикни очсангиз, ўнг қўлдаги ҳужрага кўзингиз тушарди. Унда Маннон Уйғур яшарди. «Турон» театр биноси совуқ, жиҳозланмаган, шароити йўқ. Албатта, бу бинонинг ноқулай, кўримсиз ва театр талабига жавоб бера олмаслиги табиий эди. Бу бинони иккита пулдор бой чой яшиклари, тўп-тўп газмоллар ва бўлак қақир-қуқурларни сайлайдиган магазин ва склад тариқасида қурдирган эди»².

Қани энди Аброр Ҳидоятлов ёзганларининг давомини ўқийлик-чи: «Ўша камбағал саҳнанинг бир бурчаги менинг ётоқ жойим бўлиб, ҳатто кўрпа-тўшагим йўқ эди. Қиш кунлари совуқдан қалтираб устимга саҳна анжомларидан ёпиниб

¹ «Аброр Ҳидоятлов». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1985 йил. 27-бет.

² Амин Турдиев. «Саҳнам, саҳнадошларим». «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 1976 йил. 4-бет.

ётардим. Саҳна ёнидаги кичик хужрада Уйғур яшарди... Уйғурнинг таклифига биноан мен спектакл тайёрлашга мактабдан болаларни йиғиб келардим. Улар билан ишлаш, театр залини, саҳна-ни супириш ва озода сақлаш менинг зиммамдаги вазифалар эди. Қийин шароитда оғирлик кўрсам ҳам театрдан кетмадим».

Ҳа, икки ўғил — Ҳикматулла ва Ҳабибулла бу ташвишлардан озод, ота-она меҳридан баҳраманд эдилар. Айтишларича, бобомлар ўғиллари даврасини жуда суярканлар. Дам кулишиб, дам аскиялашиб ўтиришганидан Иқболхон ойим ҳам мамнун бўларканлар. Ана шу давра бора-бора кенгаяр, бувамнинг кўнгилларига қараб Ҳикматулла отамлар қўлларига дутор олар эканлар. Гоҳ дуторнинг дала-даштларга элтувчи ноласи ҳаволанса, гоҳ чертмакнинг шўх куйи тараларкан. Бобом гоҳ чордона қуриб, гоҳ чўкка тушиб, гоҳ қўллари-ни бир-бирига ишқаб, бошларини чайқаб-чайқаб ўтирарканлар. Куй тутагач, «Қани, қори», — дея амакимга кўз қири ташларканлар. Ҳабибулла амаким ним табассум билан акалари қўлидан дуторни олар эканлар ва нимани айтай дегандек бобомларга нигоҳ ташларканлар. Бобом «ўшани» дегандек бош силкирканлар. Амаким билар эканларки, улар «Сегоҳ»ни жуда-жуда хушлайдилар. Уйда «Сегоҳ»нинг сел қилувчи оҳанги, пораловчи сўзлари парвоз этаркан:

*Ҳижрон тунин жафоси-ла жон бўлди беқарор,
Бўлди сирим бутун жаҳон аҳлига ошкор,
Эл этди таъналар билан озорим ихтиёр,
Сен ҳам жафолар ила этма мени хокисор,
Чунки дилим ғаминг билан чоку доғидор.
Битди фироқ жабрини тортмоққа тоқатим,
Рашик ила кетди елга қарорим, ҳаловатим,
Нундек эгилди ғам юки остида қоматим,
Фикрим сани висолингу йўқ ўзга ҳожатим,
Аммо сан ўзга базми аро масту бахтиёр..*

Қўшиқ уй юмуши билан юрган келинларни ҳам ўзига тортар эди. Қайнота олдида унчаям ёзилиб ўтиришга ўрганмаган, ундан истихола

қилиб, одоб сақлаб турадиган келинлар ўзларини бир оз панарокқа олиб, пойгакка яқин ўтирардилар. Улар «Сегоҳ»дан сўнг айтилувчи «Тошкент ироқи»ни кутардилар. «Манам Мажнуни ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони изларман...» Бу қўшиқ ҳаммани сел қилиб юборарди. Лекин ҳали улар — бу қўшиқни тингловчилар «Тошкент ироқи»нинг Саъдуллақори авлоди учун, унинг келажаги учун ўта азиз бўлиб қолишини, оҳуга интилган қалбларнинг мадҳи бўлиб қолишини билмас эдилар.

БУЛОҚНИНГ ГАВҲАР КЎЗИ

Мен ўйлаб кетаман, ҳар қалай оталаримиз «Мен артист бўламан!» — деганлари билан артист бўлиб қолмагандирлар. «Катта ҳовли»га актёрлик санъати ўзидан-ўзи кириб келмагандир. Уларни бағрига олган театр труппалари ҳам тап этиб осмондан тушмагандир? Унинг ўз фидойилари, ўз туғилиш жараёнлари бўлгандир? Хўш, булоқнинг гавҳар кўзи қаерда? Устоз Мамажон Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китобларини варақлайман, ва ундан булоқнинг ўша гавҳар кўзини топишга интиламан. Шундай китобни битган, шундай изланишлар олиб бориб, муроду мақсадига етган, халқ қўлига театр санъатимиз ҳақида катта манба тутган бу аллома олимга тасаннолар дейман. Бун қаранг-а! Китобнинг 327-саҳифасида ёзишларича, XX аср бошларида Тошкент ўзбек театр маданиятининг марказларидан бири бўлган экан. 1913 йилнинг охирига келиб бу ерда илк бора «Турон» оқартув жамияти қошида ҳаваскорлик труппаси ташкил қилинган экан. Бу труппанинг ташкилотчиси ким бўлган экан денг? Абдулла Авлоний! Труппага асосан илғор фикрли ёшлар жалб этилган ва улар сони тез орада 25 нафарга етган экан. Абдулла Авлоний «Тошкент шаҳрида мусулмон драма санъати ҳаваскорлари труппаси ташкил этилди», — деб ёзган экан. Унинг низоми ҳам тасдиқланган ва труппа аъзолари олдига шундай вазифалар юкланган: а) аҳоли ўртасида саҳна ишларига

жиддий муносабатни ўстириш; б) халқ учун театр қўйиб бериш, шу билан халқни соғлом ҳордиқ чиқаришга ўргатиш (333-бет). Бу труппа чин маъноси билан иқтидорли сахна соҳибларини берди. Маннон Уйғур, Фулом Зафарий ва Хуршид каби ўзбек санъатининг арбоблари шу ердан етишиб чиқдилар. Уларни санъат дунёсига тортган куч эҳтиёж ва муҳаббат эди, уларни санъат оламига чорлаган куч миллий ғурур эди, миллатни қардлаш, унга хизмат қилиш ҳисси эди. Нега энди «город»да — руслар яшовчи янги шаҳарда театр бору, улар сахнада Россия ва бошқа юртлардан келган санъаткорларнинг асарларини томоша қилдилару, нега шундай ҳордиқдан, шундай оромдан менинг ерли халқим бебаҳра бўлади?! Нима учун Озор сахнасида «Лайли ва Мажнун» кўрсатилди-ю, ўзбегимнинг уни ўз тилида кўришга ҳаққи йўқ, имкони йўқ. Нима учун?!

Гастролга келган турли санъаткорларнинг чиқишларини «Колизей»да томоша қилгач, бизнинг бойларимизда ҳам ўша миллий ғурур қад ростлади. «Туркистон вилояти» газетасининг 1912 йил 12 апрел сонидида ёзилишича, Саидкарим Сайидзимбой ўғли ташаббуси билан Тошкент савдогарларидан ўн киши икки минг сўмдан пул тўплаб, Эски шаҳарда махсус театр биноси ҳам қурмоқчи бўлган эканлар. Ўша вақтда иложи топилмаган, тўхтаб қолган бу иш кейинчалик барибир амалга оширилган ва ҳозирги Аброр Ҳидоятлов номли театр биноси қад кўтарган. (1926 йилнинг сентябр ойида бу бино Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» спектакли билан очилган ва унда Аброр Ҳидоятлов Неъмат ролини ижро этган.)

Мен болалигимда «Колизей»¹ деган номни кўп эшитганман. Ҳатто у ерга Мамлакат опам билан иккимизни бир неча бор олиб боришган. Ҳозирги ёши улуг тошкентликлар бу бинони Свердлов номли концерт зали ёхуд Ўзбек давлат филармониясининг концерт зали сифатида хотирлайдилар. Шу кеча-кундузда у замонавий услубда қай-

¹ Колизей — маҳобатли.

та қурилиб, янада кўркам бинога айланган. Унга Тошкент мол-товар биржаси жойлашган.

«Катта ҳовли» мизнинг санъат билан боғлиқ ҳаёти «Колизей» билан узвий боғлангани учун у ҳақда устоз китобларидан маълумот келтираман:

«XX аср бошларида Тошкентта ўз спектакллари билан гастролга келувчи театрлар сони кўпая бошлади. Бу эса шаҳарда дурустроқ, арзирлироқ театр биноси қуришни тақозо этарди. Бу даврда Тошкентда қурилган энг йирик бинолардан бири «Колезия» театри бўлди. Бу театрни Георгий Мирзабекович Цинцадзе (1868—1919) қурдирди. Г.М. Цинцадзе Тбилисида туғилган. XIX асрнинг 90-йилларида Тошкентта келиб, «Бильвю» ва «Европа» меҳмонхоналарини тиклатган, шаҳар маданий қурилиш ишларида фаол қатнашган. У ўз даврининг театр санъатига жуда ихлосманд кишилардан эди.»

Цинцадзе 1900 йилда Тошкентда улкан оммабоп театр биноси қуриш масаласини кўтариб чиқди. Унинг режаси бўйича архитектура жиҳатидан бу театр Қадимий Рим театр шакллариغا ўхшаб қурилиши, унда 2000—3000 жой бўлиб, ҳашаматли, гўзал ва шу билан бирга, актёрларнинг ишлаши ва томошабинлар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлиши кўзда тутилди. Шу тахлитдаги театр биноси қад кўтариши учун лойиҳа бўйича 35000 сўм пул мўлжалланди. Г. М. Цинцадзе сармояга эга бўлмаганидан шаҳар думасига мурожаат қилади ва ўн йил мобанида қайтариб бериш шарти билан 25000 сўм қарз сўрайди, бироқ рад жавобини олса-да, яхши ниятидан қайтмайди. Таваккал қилиб 1902 йилда қурилиш ишини бошлаб юборади. Бу тўғрида «Туркестанские ведомости» газетасининг 1902 йил 27 октябр, 86-сонида: «Европа» меҳмонхонасининг хўжаси ўз маблағидан Петербург кўчасида доимий ёшган театр — цирк биноси қуради. Бино шаҳар архитектори Э.Ф. Гофман лойиҳаси бўйича қурилмоқчи, икки минг кишига мўлжалланган. Кенг фойе, буфетлар бўлиб, саҳна Тошкентдаги мавжуд саҳналардан энг каттаси бўлади.

Электр билан ёритилади. Саҳна тепасида сув сақланадиган катта бассейн ҳам қурилади», — деб ёзилган эди. Аммо театр қурилиши 1913 йилгача чўзилиб кетди. Қурилиш ярмига борганда Цинцадзенинг маблағи тутаб қолади. Сўнгра у ўзига қарашли «Европа» меҳмонхонасини пуллаб, қурилишга сарф қилади. Шу зайдда оғир қийинчиликлар билан 1905 йилда театрнинг асосий қисмини қуриб битирди. Гарчанд театрдa ишлаш мумкин бўлса ҳам, аммо ҳали ложалар тахт бўлмаган эди, фойелар чала битган, театр ашёлари, анжомлари ва лойиҳада мўлжалланган креслолар ҳали сотиб олинмаган эди. Бу ишларни бажариш учун эса яна бир неча минг қўшимча маблағ керак бўларди. Цинцадзе театр қурилишини охирига етказиш мақсадида шаҳар бойларига мурожаат қилади ва катта фоиз ҳисобига Бухоро яҳудий бойларидан бири Қалантаровдан беш минг сўм, Мария Николаевна Никитина деган судхўр аёлдан олти минг сўм қарз олиб, 1913 йилда театрни батамом битказди. Аммо у жуда катта қарздор бўлиб қолиб, умрининг охиригача оғир ҳаёт кечиради.

«Колезия» театрининг қурилиши Тошкент театр ҳаётида янги фасллар туғилишига асос бўлди. Ҳатто театр биноси битмасиданоқ, яъни 1905 йилдан бошлаб спектакллар, концертлар, турли маданий-оқартув кечалари шу бинода ўтадиган бўлди... 1914 йилда Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги ўзбек ҳаваскорлари қўйган биринчи спектаклнинг¹ биринчи пардаси ҳам шу бинода очилди. Абдулла Авлоний ёзишича, биринчи спектакл қўйишда Цинцадзе фақат бинонигина эмас, ҳатто ўзбек ҳаваскорларига костюмлар, париклар, декорация, бутафорлар каби саҳна анжомларини ҳам бепул берган».²

Бу бинода «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Эр Тарғин», «Аршин мол олон» каби классик саҳна асарлари қўйилган. Халқ севиб «Ко-

¹ А. Фитрат. «Падаркуш».

² М. Раҳмонов. «Ўзбек театри тарихи». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1968 йил. 251—253-бетлар.

лизей» деб юборган илк Ўзбек мусиқали драма театри биносининг кичик ва мушкул тарихи шундай эди, тарихга кирса арзигулик, сиз билан биз билсак арзигулик тарих. Чунки у булоқнинг гавхар кўзини очишда катта хизматта молик бўлган бинодир.

НЕГА ОЛҚИШЛАМАЙ ХУРШИД ДОМЛАНИ?

Дарвоқе, нега бу инсонни тилга олмай? Ўзбек театр тарихида азим чинордек қад кўтарган, ўзлигига эга бўлган Хуршид домлани нега эсламай, нега олқишламай? Ахир улар тутган булоқ сувидан менинг азиз жонларим баҳраманда бўлган бўлсалар, ундан ҳовуч-ҳовуч ичиб, санъат гулшани аро чанқоқларини босган бўлсалар. Ахир Хуршид домла бизнинг хонадонга — ўша «Катта ҳовли»миз»га гўзаллик рамзини олиб кирган бўлсалар. Ҳали одамлар «бу олам»нинг моҳиятига унча тушуниб етмаган пайтларида бобом ҳузурларига бориб, икки қалдирғоч, икки қалам қошнинг саҳнага чиқиши учун оқ фотиҳа сўраган шулар эмасми? Мен уларни шу жасоратлари учун қадрлайман. Уларнинг жўшқин ва исёнкор ижодлари учун, Ҳазрат Навоий дostonларини саҳна асари қилиб элга тақдим этганлари учун қадрлайман.

Айта қолай, Хуршид — Маликахон онамнинг тоғалари, яъни онамнинг оналари Розияхон бувимнинг укалари бўладилар. Мен у кишини кўрганман. Ниҳоятда босиқ, савлатли, камгап. Онам билан Маҳбуба холамларнинг тоғалари ҳақида жуда кўп илиқ гаплар эшитганман.

Хуршид домлани олқишламоқ истагимнинг яна бир боиси бор. Ҳозир янги, навқирон авлод етишиб чиқди. Биз «Тоҳир-Зухра»ю, «Фарҳод-Ширин», «Алпомиш»ларга ошно бўлиб улғайган бўлсак, улар бизга нисбатан кенгроқ оламда нафас оляптилар. Мен уларнинг Хуршидни танишларини, билишларини истайман. Унинг ижодидан баҳраманда бўлишларини, ундан мерос қолган қатъийлик, жа-

сорат ва фидойиликни сингдириб олишларини истайман. Токи, мактаби номига қўйилган мурғак ўқувчи бу ном тарихини билсин. Кўчанинг номи шу устозга бахшида экан, унда яшаётган ва яшай-жак кишилар Хуршид тафаккуридан баҳраманд бўлсинлар. Хуршид — унинг тахаллуси, асл исм-шарифи эса Шамсиддин Шарафиддинов эканини билсинлар. Театр санъати тарихида унинг хизматлари Маннон Уйғур, Музаффар Муҳамедов, Обид Жалилов, Сайфиқори Олимов хизматлари каби улуғ эканини тушунсинлар.

Мен бир фикрни алоҳида қайд этмоқчиман. Бу фикрим Хуршиднинг хизматларини жавонлардан олиб, чангини қоққан, унинг ижодига муносабатда адолатни тиклаган санъатшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳриддин Насриддинов ҳақидадир. Баҳриддин бутун ёшлигини Хуршид ижодини ўрганишга, меросининг олтин қадрини исботлашга, унга гард юқтирмай эъзозлашга бағишлади. Бир вақтлар топталишгача борган, андишани унутиб драматург шаънига айтилган сўзларни жой-жойига қўйишга, ижодкор учун ёпилган кўчалар дарвозасини очишга уринди. Ҳақиқий ижод ва ижодкор ҳурмати Хуршиднинг бағрига бошқатдан офтоб нури тегишини орзу қилди. Бу — унинг учун бурч ҳам эди. Чунки Баҳриддин Хуршид доманинг туғишган укаси, ўз даврининг катта санъаткори Насриддин Шарофқориевнинг фарзанди.

Шарқнинг буюк донишманди Луқмони Ҳаким: «Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим», — деган эканлар. Баҳриддин ана шу оғир юкни елкасида кўтара олди. Идрок ва ирода билан, адолат ва ҳақиқат билан! Лекин у бу борада шунча изланиш, машаққатли ишларни бажарса ҳам «амаким эди» деган сўзни деярли ишлатмади. Ўз отасининг санъат соҳасидаги хизматлари ҳақида ҳам деярли ёзмади. На чора, давр шундай эди. Сени бошқача тушунишлари, ғазаб оқимини сен томон буришлари ҳеч гап эмас эди. Тиниб-тинчимас жигаримизнинг 1975 йилда

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Хуршид» деб номланган монографик очерки, у ҳақдаги қатор рисоалари, ўнлаб мақолалари унга зеб бериб турибди. Ушбу рисола ботиш жараёнида «Хуршид» китоби доим мен билан бирга бўлди. Ундан керагича фойдаландим. Бундай қилишимга ижозат берганлари ва менга ўз фикрлари билан, тарихий далиллари билан ҳолисона ёрдам кўрсатганлари учун Баҳриддин Насриддиновга чексиз ташаккурим бўлсин, омон бўлсинлар!

Энди бевосита Хуршидга қайтсак. Шамсиддин Шарофиддин ўғли Хуршид 1892 йилда Тошкентнинг Себзор даҳаси Шоҳингузар маҳалласида туғилган. Онаси Хонпошша Иноят қизи ўқимишли, теран фикрли, сўзамол аёл бўлган экан. Маҳбуба холам ҳар гал фотиҳага қўл очганларида «Менинг Хон бувим юздан ошган эканлар, ҳаммангиз ҳам уларнинг ёшларига етиб юринглар», — деб дуо қилардилар. Хуршиднинг отаси Шарофиддин Аловиддин ўғиллари боғбон, илм-маърифатли, Саъдий ва Бедилни, Фузулий ва Жомийни чуқур билган киши бўлган. Бундай инсон ўзининг беш ўғлини ҳам мадрасада ўқитган, саводли қилган, оламдан хабардор этган. Шамсиддиндаги қобилиятни сезиб, уни қўллаб-қувватлаган, йўналтирган. Талай разаллар битаётган Хуршид илк бор 1912 йилда «Бечора волида ёхуд савдогар хотини» номли пьеса ёзди. Орадан кўпам вақт ўтмай, уни қайта ишлаб «Ориф ила Маъруф» деб ном қўйди. Ўша вақтларда «Колизей»да бошқа юртлардан келиб қўйилаётган спектаклларга бориб турарди. Айниқса, Сидқий Рухулло бошчилигидаги озарбайжонлик санъаткорларнинг гастролларини яхши кўрар эди. Кўпчилик қатори «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол олон»ни берилиб томоша қилган. Ўша вақтларнинг ўзидаёқ театр гуруҳлари билан боғлиқ бўлган Хуршид фақат томоша қилибгина қолмай, оммавий сахналарда иштирок этган. Хуршид ҳоҳ ўзи муаллимлар тайёрлов курсига ўқишга кирган бўлсин, ҳоҳ бундай

курсларда муаллимлик қилсин, театр труппаларини ташкил этарди. Ҳатто маҳаллаларда ҳам бундай труппалар пайдо бўларди. Унга қизиқувчи ёшлар учун ижро этилмиш асарлар керак, албатта. Бу икки юмуш борасида ҳам Хуршид М. Уйғур каби забардаст ва ташаббускор эди. Хуршид XX асрнинг 10—20-йилларида «қатор театр, ёзги сахна биноларини ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатди. Шунингдек, Тошкентдаги «Шарқ сахнаси», «Роҳат боғча», «Турон зали», «Шайхонтохур», «Дегрезлик»даги сахналар тизимида ҳам. У маориф бўлими қошида давлат маблағи билан фаолият кўрсатган «Тилак» театр труппасини ҳам ташкил этиб, ўзи бадий раҳбарлигини амалга оширган эди, режиссёр сифатида спектакллари сахналаштирган эди».¹

1922 йилнинг баҳорида «Колизей»да Хуршид томонидан «Алишер Навоий» достони асосида (бастакор Шораҳим Шоумаров билан бирга) ёзилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси тақдироти бўлди. Йиллар оша бу сахна асарининг бошига ҳар хил кўргиликлар тушди. Неча бор қайта ишланди, неча бор сахнага қўйилди, неча бор сахнадан олинди. Вақтики келса, айрим ижодкорлар Фарҳод-Ширинни талқин қилиб, Хуршид Навоийдан чекланди, дея тухматлар қилишди. Адолат эгилди, лекин синмади. Машҳур актриса ва педогог Назира Алиева ўзлари учун Хуршид очган оламни жуда қадрладилар. Боку студиясини битириб келган Назирахонимга Ширин роли тавсия этилган эди. Улар Хуршид ҳузурида суҳбатда бўладилар. Назирахоним ўзларининг «Санъат — менинг ҳаётим» китобларининг 113—114 сиффаларида буни шундай эслайдилар: «Мавзу айланиб яна спектаклга, «Фарҳод ва Ширин» асарига келиб тақалди. Ана шунда менинг кўз олдимда мисли кўрилмаган гўзал бир олам намоён бўлди. Бу беназир, гўзал оламни Хуршид домла

¹ Б. Насриддинов. «Хуррият ва истиқлолни куйлади». «Yangi asr» газетаси. 13—19 сентябрь 2001 йил.

тортиқ этаётгандек эди. Устоз аввалига эринмай «Фарҳод ва Ширин» достони, унинг Алишер Навоий даҳоси туфайли юксак бадиийлик касб этгани ҳақида гапириб берди. Достоннинг Алишер Навоий «Хамса»сидаги варианты билан Низомий Ганжавий қаламига мансуб нусхасини солиштириб, фарқини таърифлаб берди. Шарқ шоирлари ижодидаги кўринишлари, айримларидаги ўзига хос лавҳа ва ривоятлари ҳақида шу қадар нафосат билан гапириб бердики, мен маҳлиё бўлиб, бутун вужудим билан ўша давр муҳитига кириб кетгандек бўлиб қолдим. Инсон ҳикоя қилиб беришга шу қадар уста бўлишига ҳали-ҳали ҳайрон бўлиб юраман. Аммо Хуршид аканинг нақл ва ҳикояларини эшитган, у кишининг нафис сўз санъатидан баҳраманд бўлганлари буни тасдиқлаши мумкин».

Назираҳоним репетиция вақтида зинага чиқаётиб узун кўйлакни икки ёнидан кўтариб, бармоқларини ёзибдилар. Ана шунда Хуршид уларга сабоқ берган эканлар. Шарқ анъанавий удумига кўра, этакларини озроқ кўтарганда муслима аёллар бармоқларини тўплаб, кўйлакни фақат бир ёндангина кўтаришлари лозим бўлган экан.

Бу — мактаб. Бу — Хуршид мактабининг, Уйғур мактабининг яққол намунаси. Хуршид санъатта атак-чечак қилиб келаётган ёшларга алифбони ўргатгандек ҳамма нарсани ўргатишга интилди. Шулар билсин, шулар саҳнага чиқсин, аммо саҳнага чиққанда, у ёки бу ҳаракатни қилганда кулгига қолмасин, дея куюнарди у. Ўзбекона лутф, ўзбекона ҳаё, ўзбекона босган қадамлар... У ёшларга шуни сингдиришни истади ва мақсадига етди.

Шундай қилиб, «Фарҳод ва Ширин» тақдимида Фарҳод ролини Сайдимаъруф Каримов, Ширин ролини Сайдиазим Усмонов, Маҳинбонуни Умаржон Исмоилов (ҳа, ҳа, ўша машхур «Рустам» драмасининг муаллифи), Ёсуман ролини Вали Бурхонов ижро этганлар. Юсуфбек Қурбонов эса режиссёрлик қилган. Шу ерда мен спектаклдаги Ёсуман образи ҳақида ўқиганларимни келтирмоқчи-

ман. Билсангиз, ёмон бўлмас. Дарвоқе, ҳазрат Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ёсуман исми йўқдир. Фарҳодни ҳийла билан қўлга туширгувчи маккор аёлга бу номни мавлоно Хуршид қўйган эканлар. Устоз бу ҳақда жиянларига шундай ҳикоя қилганлар: «Кўплар «Ёсумон» деганда «Ёсмин» (овруполикларда жасмин)ни, яъни хуш исли, оқ ва сариқ тусли гулни кўз олдиларига келтирадилар. Тўғри, ёсмин хуш исли ва беғубор гул. Аммо ёсминни бу — «Ёсумон» дейиш хато бўлур эди. Чунки ёсумон гули оқ ва сариқ тусли бўлса-да, бироқ заҳарли, инсонга ва жониворларга хатарли деб юритилади. Бу аслида бир афсонавий гул бўлиб, Кашмирда қадим замонларда бўлар экан. Ёсумон гулига «малиҳул — қабиҳ» деб нисбат берурлар. Чунки ёсумонда, яъни бир гулнинг ўзида ҳам оқ, ҳам сариқ туслар бўлар экан. Бунинг оқидан, яъни малиҳи (малоҳати)дан ажойиб бир анвойи ҳид чиқса, сариғи, яъни қабиҳи (қабоҳати)дан заҳар чиқар экан. Ана шу ёсумондан ҳид тортгач, инсон аввалига роҳатий бир кайфият сезиб, унинг кетидан беҳушликка кетар экан. Ҳатто ўлар экан ҳам»¹.

«Фарҳод ва Ширин»даги айроқчи ва маккор кампир худди шундайдир.

Синчиклаб қарасангиз, Хуршиднинг ўзига ҳам шунга ўхшаш муносабатда бўлдилар. Асар сахналаштирилган дастлабки йилларда қанчалик рўшнолик ва кўтаринкилик бўлмасин, кейинги йиллар унга шунчалик ғам-ташвиш келтирди. Ҳа, ҳаёт баъзан жуда аччиқ бўлади. Довуллари кўп, бўронлари кўп. Бундай довул, бўронларда қуёш ҳам ўзини панага олади. Лекин Хуршид ўзини панага олмади. «Юртга келган тўй» уни ҳам қаҳру ғазабга олди. Унга ҳужум қилдилар. Тўппатўғри шахсига эмас, асарларига ҳужум қилиш орқали унинг кўзини очирмадилар. Хуршид ёзган пьесани унинг розилигисиз истаганча таҳрир

¹ Б. Насриддинов. «Хуршид». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1975 йил. 128-бет.

қилувчилар, истаганча ўзгартириш киритувчилар топилди. Уни Навоийдан узоқлашишда айбладилар. Тухмат тоши ёғдирдилар. Аслида эса таҳрирчиларнинг ўзи буюк шоир талқинидан анча четлашган эдилар. 1935 йилда, айниқса, ўзбек давлат мусиқали театрида Э. И. Юнгвальд-Хилькевич томонидан сахналаштирилган «Фарҳод ва Ширин»да ҳақиқатга зид ўзгаришлар, ўзбекона турмушга юзаки қараш ҳоллари юз берди. Халқнинг миллий меросига жиддий ёндашилмади. Хуршид муаллиф сифатида унинг шу ҳолда томошабинга кўрсатилишига қарши қаттиқ норозилик билдирди. Афсус, унга ҳеч ким қулоқ солмади. Аксинча, адолат учун курашган Хуршиднинг йўлини тўсдилар. Ҳатто уни камситдилар. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўша вақтда уни ҳатто театрга ҳам қўймадилар. Шундай буйруқ берилган эди. Хуршиднинг норозилиги исёнга айланди. Кураш бекор кетмади. Катта давралардаги муҳокамалардан сўнг... Адолат қарор топди! «Фарҳод ва Ширин» 1937 йилнинг май ойида Москвада ўтказиладиган Ўзбек санъати декадаси йўриғига киритилди. Декадада бу спектакл катта муваффақият қозонди.

Давр ўша давр зиёлисига «бефарқ» қарамади. «Фарҳод ва Ширин» ҳаётда ўз ўрнини топган бўлса-да, Хуршидга нисбатан зимдан олиб борилаётган кураш давом этарди. Охири уни Ёзувчилар уюшмасидан ўчирдилар. Китоблари чоп этилмади, пьесалари қўйилмади.

*Девмисол ғанимлар, ваҳший палидлар,
Кўксимни қуйдириб тамға босдилар.
Ва бўҳтон дорига тортиб, шаънима
«Миллатчи» сўзила зуннор осдилар, —*

деб ёзди Хуршид ўша вақтларда. Лекин барибир у ижод қилишдан тўхтамади. Кечалари вазал битди, пьесалар ёзди. Дарду армонини уларнинг тафтигина босар эди. Умрининг сўнгги йигирма икки йилида у Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб

ишлади. 1960 йил 18 сентябрда оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Маҳбуба холамларнинг айтиб берган гаплари эсимда. Хуршид домланинг анча оғирлашиб қолган пайтлари экан. Аёллари Ҳалима келинойига ўнг қўлларининг бош ва кўрсаткич бармоқларига мослаб қизил духобадан қалпоқча тиктирибдилар. Ҳалима келинойи ҳам сўзларини қайтара олмай, қалпоқчалар тикибдилару, лекин сабабини сўрашга ботина олмаптилар. Буни сезган Хуршид домла оҳиста тушунтирган эканлар. Вафотларидан сўнг икки бармоқларига шу қалпоқчаларни кийгизиб, сўнгги йўлга кузатишларини васият қилибдилар... Васият бажо келтирилибди. Мен бу эъзознинг моҳиятига тушунган эдим. Устоз шу икки бармоқ билан қалам тутди ва халққа хизмат қилди. Кўп ҳолларда давр унинг ижодини қадрламади. Унинг қадрини эса ўзи билди. Мана энди Сиз билан биз билапмиз. Фарзандларимиз билажак, тарих билажак!

САЛ БОШҚАЧА БОЛА

Тикка келган қуёш атрофни қиздиргандан қиздиради. Бунақа пайтда ҳовли рўйғаҳида унинг эгасидек бемалол юрадиган мусичалар ҳам бир оз мизғиб олиш учун бўғот тагига кирадилар. Ҳовлининг ўртасидаги гуллар жилмайгандан-жилмайишади. Қуёшнинг тафтидан ҳузур қилиб мисоли қўшиқ айтадилар. Ёзиб юборган япроқчаларидан ҳамон хушбўй ис таратаётган оқ атиргул эса қариб қолганини ҳис этади. Ёнидаги нафис гунчага, лабларига эндигина хониш қўнаётган норасидага умр тилайди ва секин-аста ҳилпираб ерга тушади. Хонадоннинг ҳар бир одами гулларнинг майин қўшиғини ҳис қила олади. Боқишларидан ором олади, ҳузур қилади. Аммо хонадоннинг бир ўғлони бор — бошқа ўғиллардан сал бошқачароқ. Унинг ўз олами, ўз ақидаси, гулларга нисбатан эса антиқа муносабати бор. У гулларни ўзгача қадрлайди, улардан ўзгача баҳра олади. Гул-

лардан таралган анвойи ис руҳини кўтаради, не-
ларгадир чорлайди. Қорачадан келган, ихчамгина
бу йигит эрта баҳордан то кеч кузгача гулсиз
кўчага чиқмайди. Бир дона қизил ё оқ гулни
костюмининг соат чўнтагига солиб қўяди. Ёшли-
гида унга гул ҳамроҳ, йигитликнинг етилган йил-
ларида унга гул ҳамроҳ. Бу йигитнинг исми Ҳик-
матулла. Беш ўғилнинг сардори. Булар — менинг
Ҳикматулла отамлар, адамларнинг акалари. Мен
уларнинг қўлларида бир неча йил тарбия топ-
ганман. Берган тузларига Аллоҳ рози бўлсин.

* * *

Ўша бўронли йилларда, ўзбек театр санъати-
нинг илк қалдирғочлари қанот қоққанда Ҳикма-
тулла отамлар ҳам улар билан ёнма-ён эдилар.
Улар номини мен ёруғ юз билан Обид Жалилов,
Маъсума Қориева, Хожисиддиқ Исломов, Карим
Зокирий каби санъат дарғалари номи қаторига
қўя оламан. Ҳикматулла Қориев! Ҳа, сиз бу ном-
ни эшитмагансиз. Бу исм-шариф Саъдулла Нор-
хонов, Қобулқори Сиддиқов, Фарҳод ролининг
биринчи ижрочиси Саидмаъруф Каримов, Насрид-
дин Шарафқориев, Фатҳулла Умаров, эпизодик
роллар устаси Ғуломжон Исомов номлари каби
санъат тарихи саҳифаларининг қат-қатига син-
гиб кетган. Уйғонишни истаган, «Биз ана шундай
эдик!» — дея замондошларимизга нидо қилишни
истаган актёрлар, режиссёрлар — илк қалдир-
ғочлар. Уларнинг ҳаммаси ўз даврида нурли, аммо
жафоли йўл танлашди. Бу йўлда ҳеч нарсадан
тоймадилар, қўрқмадилар. Бу йўлда чақиндек чақ-
надилар! Жасоратли эди бизнинг оталар. Фидойи
эди бизнинг оталар!

* * *

Ҳикматулла отамлар болаликларида ўт-олов
бўлган эканлар. Худонинг яратгани-да, укала-
рига ўхшаб босиққина ўтириш ва ҳатто домла
қўлида ўз тенгдошлари қатори тоқат билан
ўқиб-ўрганишга сабрлари чидамас экан. Сабоқ
олишга бордилар, ундаям жимгина ўтира олмас

эканлар. Домла ҳам қанчагача чидайди? Бир кун боланинг таъзирини бергиси келиб қопти ва уни сабоқ ўтаётган дарсхонанинг ертўласига тушириб қўйипти. Орадан бир оз вақт ўтибди. Бирдан домла ўтирган жойида сакраб тушибди. «Чаён-паён чақди-ёв», — деб ўйлабди у қўрқиб кетганидан. Аслида «тўполончи» домла ўтирган жойни мўлжаллаб, ертўладан таёқчани бигиз қилиб ниқтаган эди. Бу қилмишини домла кечирибди. Қуюлиб қолар, — деб ўйлабди. Қаёқда дейсиз. Кейинги сабоқларда боланинг шўхлиги яна ортиб кетибди. Яна жазоталаб бўлиб қолибди. Энди домла ертўлага олиб тушиб қўлини шипга боғлаб қўйишни буюрипти, токи аввалги қилиғини қайтара олмасин. Болалар айтганидек қилишибди. Орадан маълум вақт ўтибди. Домла «ишқилиб осилиб қолмаган бўлсин», — деб ертўлага вакил туширибди. Қараса, осилиб қолиши қаёқда, «гуноҳкор» шипга осилиб олиб «Ҳа-ю бақа, олтин чақа», — деб арғимчоқ учаётганмиш... Шундан сўнг бола уч-тўрт сабоқ тиниб ўтирган бўлибди-ю, яна қитмирлигини бошлабди. Домла бу гал уни имлаб олдига чақирибди. Ўзи бир аламидан чиқмоқчи бўлиб, тўполончининг икки лунжидан бошлаб чўзмоқчи экан, чўзолмапти. Лунж қўлига сира илинмапти. Бола икки лунжини ичига тортиб олган экан-да. Домла: «Дарсда яхши бола бўлиб ўтиргин-а», — деб юзини силаб қўя қолипти, холос. Бундай ажойиб-ғаройиб воқеалар болаликларида қанча кўп бўлса-да, ўсмирликларида анча-мунча сийраклашибди. Лекин ички ғайрат ошса-ошибдики, камаймапти. Жисми-жонларидаги ўша тинчимаслик ва ўша қайноқлик йигитликнинг энг навқирон дамларидаёқ уларни жасорат йўлига бошлаган экан.

Аллоҳ уларга Насриддин тоғамлардек (Хуршиднинг укалари) яқин дўстни, маслақдошни ато этди. Шу дўстлик туфайли улар санъат даргоҳига биргаликда кириб келдилар. Асл қариндошлик, манзил яқинлиги, дилнинг дилга пайвандлиги бу икки

оғайнини ҳақиқий оға-ини қилиб қўйди. Улар бир ота-онанинг фарзандлари каби бўй-бастлари келишган, хушрўй йигитлар эди. Уларни кўчада кўрганлар суқланиб боқишарди, «эркак зотининг шунақа чиройли ва барно бўлишига» ҳайрон қолишарди. Икки ўртоқ жуда ораста ва хушбичим кийинишарди. Ҳозирги эски ТошМИга яқин жойда австриялик тикувчи бўлар экан. Довруғи таралган бу тикувчи тиккан кийимлар «илоннинг оғзидан чиққандек» бўлар экан. Оға-инилар уни топганларидан мамнун, фақат ўшанга боришар, тикувчи ҳам бу келишимли йигитлар учун энг сўнгги услубда келиштириб, ўзларига ёпишиб турадиган матодан ҳавасга кийим тикар экан. Кўз одингизга келтиринг. Устиларида швётдан тикилган «тройка» (учлик — костюм-шим, нимча), оппоқ кўйлак, қора бантик, пошнапи батинка, бошда похол шляпа, қўлда — газ чўп, яъни фасонлик учун тутилган ҳасса. Даврнинг олди кийими, олди йигитлари шулар-да! Ўшанга монанд қадам ташлашлар, ўшанга монанд муомала. Отам билан Насриддин тоғамлар доим велосипедда юришаркан. Занжири ўраб кетмасин, деб почаларини махсус қисқич билан тортиб қўйишар экан. Отамлар тоғамларникига тез-тез бориб турар ва эшиқдан ҳазиллашиб «Диндин» уйдამилар, — деб кириб борарканлар. Бундай дейишларига сабаб Насриддин тоғамнинг шундай ёнларида немис врачлари яшар экан. Вақти бемаҳал у-бу юмуш билан уларникига чиқиб турар ва тоғамнинг отларини тўлиқ айтгани тили келишмай, «Дин-дин» деб чақираркан. Ниҳоятда хушмуомала Ёқутхон келинойимлар отамни ҳар гал лутф ила кутиб олар эканлар. Насриддин тоғам дурустгина мандолина чалар, уйларида «Беккер» пианиноси ҳам бўлар экан. Отам бу асбобларнинг ишқибози эканлар ва уларни чалишни машқ қиларканлар. Ўз навбатида дуторда бирор куй чалиб бермасларидан уларни қўйиб юборишмас экан.

Яна бир эсга олгулик гап. Иккала ўртоқнинг никоҳ тўйлари ҳам хўп антиқа бўлган экан. Кейинчалик у кунни кула-кула эслашиб юришар-

кан. У вақтларда (ҳатто бизнинг болалигимизда ҳам) никоҳ оқшомида куёвлар келинникига карнай-сурнай чалиб яёв боришарди. Булар ҳўп ажойиб янгилик киритишибди: келинникига олтинчи трамвайда боришибди. Бора-боргунларича уларга ҳамроҳлик қилган духовой оркестр биланларини чалиб борибди. Лекин куёвлар карнай-сурнай чадиришни ҳам унутишмабди.

* * *

Энди ижодларига бир назар. Болалик шўхликлари, ўспиринликнинг жисмга сифмас ғайрати бу икки навқиронни порлаб турган бир чироққа тортар эди. Бу чироқнинг ишваси юракларда кутилмаган ҳис-туйғуларни уйғотар, уйғотибгина қолмай, уйғунлаштирарди ҳам. Улар у ер-бу ерда пайдо бўлган ҳар хил ҳаваскорлик труппаларида қўйилаётган театрларни югура-югура томоша қилишар, айнаи вақтда, ўзлари ҳам сахнага чиққилари келаверарди. Хуршиднинг зийрак кўзлари буни дарров пайқади ва санъат йўлига бошлади. Хуршид ташкил этган «Тилак» театр труппаси, Оҳангузар маҳалласида Маннон Уйғур ташкил этган ўзбек драма труппалари икки ёш учун дастлабки мактаб бўлди. Яна концерт қўювчи тўдалар, майда-майда ҳаваскорлик гуруҳлари бор эдики, икки ўртоқ улар билан ҳам алоқада бўлишди ва кўп ўтмай етук артист бўлиб қолишди. Ўша вақтларда турли ташвиқот аравалари ҳам бўлган. Улар одамлар орасида маърифий ишларни олиб боришган. Икки ўртоқ шу «араваларда» ҳам қатнашганлар, халқ олдида ўз ҳунарларини кўрсатишган. Хуршиднинг «Аввали ҳой-ҳой, охири вой-вой», «Синиқ ойна», «Қилсаларда киноя, бораверинг кинога» каби асарларида турли образларни яратганлар. Демакки, халқ олдида улар катта синовдан ўтишган. Чиндан ҳам халқ олдида уларнинг ҳар бир чиқиши синов эди. Синовки, томошабин дилига санъат нурини киритмоқ, синовки бу йўлда қатъий турмоқ, курашмоқ, одамларни бу йўлдан баҳраманда этмоқ... Кимлардир улардан қочса, кимлардир «масхарабозлик»

(айримлар актёрларни шундай деб аташарди) ва «От ўйини»ни кўрганда юзини тескари бурди. Аммо кимлардир аравага ўтириб, карнай-сурнай чалиб, театрға чорлаганларға эшик орасидан мўралардилар. Уларға ҳавас қилдилар. Рости, уларни томоша қилгилари келди. Айниқса, «арава»даги турли ҳунар кўрсатаётган ташвиқотчиларнинг кетидан болалар тўда-тўда бўлиб югуришарди. Аёллар бу болаларни саволға тутишарди.

— Нимани кўрдинг, айта қол?

— Ашгулани ўзи айтарканми?

— Ойичи, ойи, анув узун чопон кийган киши бор-ку, соқоли тушиб кетди. Ўзиникимасакан!

— Шунақаси ҳам бўларканми? — дейди содагина она ва кулиб қўяди.

Улар Кўктеракка чиқадилар. Бу ёғи Ҳасанбой, бу ёғи Яланғоч, бу ёғи Оққўрғону Зангиота. Қовунчи ҳам қолмайди улар бормаган. «Театр кечалари», «Муштум» кечалари, ҳар турли номдаги кулгу кечалари ўтказилади. Унда Ҳамза, Фулом Зафарий, Зиё Саид, Хуршид асарлари ижро этилади.

Ҳамидулла амаким эслайдилар: (Ота ўрнида ота бўлган бу амаким ҳақида сал кейинроқ.) Ҳамидулла ва Фатҳулла амакимлар Ҳикматулла отамларни ада дердилар.

— Адам жуда чаққон, жуда кийинадиган киши эдилар. Ўша вақтларда артистға ҳамма қанақа қарганини биласан. Лекин адамлардаги ирода... Уларға ҳавасим келарди. Кейинчалик эслаб юрардилар. Аравага ўтириб, ҳар хил кийимларни кийиб олишиб, маҳаллама-маҳалла юрадиган пайтлари экан. Бир кун йўлда чаладиганларини чалиб, айтадиганларини айтиб кетишаётган экан. У пайтларда деворлар паст, кўчалар тор эмасми, чидолмаган битта қитмир девордан бир пақир сувни сепиб юборибди. Нима ҳам қилишарди? Бу ҳолни аския қилиб, уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани нақлига амал қилишибди-ю, яна чилдирмани вадаванг қилиб кетаверишибди. Бунақанги қилиқлар уларни тўхтата олмас, аксинча, илҳомлантирар, омма орасида баттар қизиқиш уйғотарди.

Кунларнинг бирида... Навбат Тарновбошига келган экан. Қарашса, маҳалла ичига кирадиган йўл шох-шаббалар билан тўсиб қўйилганмиш. Тўсиқнинг орқасида бурчак-бурчакдан, эшик қияларидан ёпинчиқли аёллар тугул соддагина эркаклар ҳам мўралашармиш, нима бўларкин, дейишармишда. Булар ҳам бўш келишмапти. Катта-катта шохларни бир ёққа олиб қўйиб, майдаларидан гулхан ёқишибди. Ўқрайган кўзларни назар-писанд этмай, гижбадабанг қилишибди. Гулхан атрофида айланишибди. «Маст бола галдир-гулдур», «Ҳай-ҳай ўлан»ларни айтиб, хуморидан чиқишибди. Одамларни яхшиликка чорлашибди.

Ҳар хил труппаларнинг этагини тутиш, кўча-ма-кўча, маҳаллама-маҳалла юриб наъма кўрсатиш Ҳикматулла Қориевни энди қониқтирмас эди. Унинг ғайрати шу даражада кучли эдики, яхлит асарларда, яхлит сахналарда қатнашишни истарди. Ихлоси, руҳияти баланд эди унинг. Қадрдони Насриддин ҳам шундай ҳолатда эди. Бу юриш-туришлар уларга торлик қиларди. Яна ҳам кенгроқ қулоч ёйишни исташарди. 1924 йилда Насриддин Шарофқориев Хуршид ҳамкорлигида «Профинтерн» театр труппасини ташкил этди. Унга бадиий раҳбарлик қилди. Ўша алғов-далғов даврларда бадиий раҳбар бўлиш ҳозиргига нисбатан минг чандон оғир ва мураккаб эди. Мавзу кураши, ҳар бир истеъдод учун кураш, уларни жой-жойига қўйиш. Яна бир энг асосийси — ўз томошабинини топиш, уни ўзига ром эта олиш. Бу вазифа ва бурч саналган сари кўпайиб бораверарди. Жамоа анча оёққа турган актёрларни ўз бағрига олди ва ҳақиқий санъат даргоҳига айланди. Бошқа машҳур труппалардек обрў-эътиборга эга бўлди. Ёшлигимизда Эски шаҳар бозорининг «Дом дехкан» (Дехқонлар уйи) деган жойи бўларди. Бу ном қулоғимизга бот-бот эшитилиб турарди. Биз ҳикоя қилаётган вақтларда унинг залида, ёнидаги касаба уюшмаси клуб залида, «Шарқ» сахнаси, «Турон» труппаси сахналарида, «Роҳат»

боғчада «Профинтерн» театр труппаси спектакллари кўрсатиларди. Шуниси актёрларга завқу шавқ, ўз санъатларининг эртанги куни учун кафолат берардики, қишли-қировли кунлардами ё ёзнинг жазирама иссиғидами, маскан доим томошабинларга тўлиб турарди. Унинг олқишлари, онда-сонда бўлса-да берган гуллари артистларга бошқача таъсир этарди. Ҳа, қарсакка сероб эди ўша даврлар, қарсакка сахий эди ўша даврлар. Шу қарсаклар уларни олға бошларди. Шундай пайтлар бўлган эканки, «Профинтерн»нинг айрим спектакллари радио орқали олиб эшиттирилган экан¹. Кейинчалик халқ артисти унвонига сазовор бўлган Сайфи Олимов, хизмат кўрсатган артист Шокир Нажмиддинов, Умаржон Орифжонов, Латофатхон Зодаева каби ёш санъаткорлар у ерда ишлаган. Ботир Зокировдек, Лазокат — Луизахондек, Навфал, Фаррух, Жамшид, Гавҳархонимдек забардаст санъаткорларни ҳаётга йўллаган буюк актёр Карим Зокиров ҳам ижодий фаолиятини «Профинтерн»да бошлаган экан.

Театр труппасининг обрўи ва ҳаётдаги салмоғи янада ошаверди. Айниқса, пойтахт Самарқандга кўчиб, энг умидли ёш актёрлар Москва ва Боку театр студияларига ўқишга кетганда «Профинтерн» санъатига эҳтиёж яна ҳам кучайди. Театр труппаси бу эҳтиёжни қондиришга, қўлидан келганча улар ўрнини босишга тайёр эди. У ҳам драматик, ҳам мусиқали драма асарларини саҳналаштирди. Яратилган мусиқали асарларнинг довуғи нисбатан кучли эди. Унда келажакнинг буюк алломаси Юнус Ражабий найчалар, акалари Рисқи Ражабий танбур чертар эди. Машҳур «Муножот», «Чўли проқ» куйларини басталаган бастакор Иномжон Икромов гижжада жўр бўларди. Чақарлик бу уч йигит ёш бўлсалар-да, халқ куйларини яхши билишган. Бу даргоҳнинг мусиқали спектаклларида, сайрли юриш-

¹ Б. Насриддинов. «Бир сурат тарихи». Тошкент оқшоми. 1970 йил, 24 апрель.

ларида, халқ орасидаги чиқишларида қалби са-
хий инсон, мусиқа билимдони Шораҳим Шоума-
ров ҳам уларнинг ёнида бўлган. Унинг фарзанди
Шоназар Шораҳимов сахна безакларини бажар-
ган¹. Ота-бола ҳам кейинчалик «Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазо-
вор бўлганлар. Авлод ғурури деб шунини айтса
керак. Отанинг набиралари Туйғун Шораҳимов
ҳам театр рассоми бўлиб етишди. У Республика
Ёш томошабинлари театрида, Алишер Навоий
номли опера ва балет Катта театрида йирик сахна
асарлари безагини яратди.

Ҳамма давр томошабинлари учун шодлик бахш
этадиган «Аршин мол олон» машҳур Озарбай-
жон композитори Узаир Хожибеков қаламига ман-
субдир. Унинг «Профинтерн»да сахналаштирили-
ши ҳам ўша давр учун ниҳоятда қувончли воқеа
бўлди. Чунки бу асарнинг довуғи Озарбайжон
театрининг Тошкентга қилган гастроллари даври-
даёқ ҳаммаёққа овоза бўлиб кетган эди. Томо-
шабинни забт этган нарса ундаги воқеаларнинг
ҳаётга яқинлиги, мусиқаларининг ўзига хослиги
эди. Насриддин Шарофқориев Асқар ролини ижро
этди, Ҳикматулла отамлар эса унинг хизматкори
Вали образини яратдилар. Яратдилар деган сўз
бу икки санъаткор ижросига нисбатан камлик
қиладигандек. Эслашларича, ижро қуйиб қўйил-
гандек экан, жуда чаққон ва қувноқ бўлган. Нас-
риддин тоғамлар сахнада кўринганларида сахна
ёришиб, гўзалликка тўлиб кетса, отам кўриниш-
лари билан эса залда гув этган овоз кўтарилган.
Сахна ва зални завқли ва беғубор онлар эгалла-
ган. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари, ми-
микалари, ҳатто қадам босишларигача кулгу уй-
ютган. Одамлар қаҳ-қаҳ отиб хуморидан чиқи-
шаркан. Вали айтган жозибали кўшиқ ҳаммани
яйратаркан. Икки ўртоқ сахнада ҳам шундай
ҳазилкаш эканларки, бу ҳол бот-бот содир бўлиб
турар, томошабин буни сезмас экан.

¹ Баҳриддин Насриддинов билан 17 январ, 2003 йилда бўлган суҳбатдан.

Саҳналарнинг бирида («Аршин мол олон») Асқар хизматкори айтган гапга хўп деб туриши керак экан. Насриддин тоғам отамнинг қулоқларига «йўқ» дейиши лозим бўлган қандайдир гапни пичирлабдилар. Отам томошабинга сир бой бермай, қуллуқ қилиб тураверибдилар. Антрактда ҳам «Қори, бу ёғи қандоқ бўлди?» — демаптилар. Спектакл давом этаверибди. Ана энди ҳазиллашиш навбати Валига келибди. Хизматкор Асқарнинг яп-янги костюм-шимини чўткалаб йўлга кўзатиши керак. «Хизматкор» қайсидир бурчакда ётган чўлтоқ супургини тайёрлаб қўйган экан. Ўша билан чангларини қоқа бошлабди. Асқар қаёққа ҳам қочади-ю ё бирор нарса дея олади. Ахир, воқеанинг бориши бузилади-ку! Актёр Ҳикматулла Қориевнинг яна бир одати спектаклни кучайтирадиган, томошабинга ҳузур бера оладиган гапларни, қилиқларни, ҳатто саҳналарни қўшиб юбораверади. Кунларнинг бирида театр атрофида кичкинагина кучукча ўралашиб қолибди. Ҳайдасалар ҳам кетмасмиш. Шу кучукчани актёр ўзига ўргатиб олибди. «Аршин мол олон» қўйилаётган экан. Кучукча унга эргашиб саҳнага чиқибди. Вали ерга ўтириб олиб кучукчани бағрига босиб, у билан ҳасратлашибди. Сен ҳам менга ўхшаб ёлғизсан, деб яна шунга ўхшаш анча-мунча юракни эзадиган сўзларни айтиб, бошини силаган экан, кучукча унинг гапини тасдиқлагандек, дардига шерик бўлгандек осмонга қараб ув тортибди. Кутилмаган бу ҳолатдан Асқар ўзини кулгудан тўхта-та олмай, томошабинга орқа ўтириб, саҳнадан чиқиб кетган экан.

Узаир Хожибековнинг «У бўлмаса, бу бўлсин» комедияси ҳам ишқ-муҳаббат мавзусига бағишланган. Унда икки ўртоқ яна бирга ўйнашган. Насриддин Шарофқориев ошиқ йигит Сарвару, унинг садоқатли хизматкори Ҳикматулла Қориев!

У даврларда аёл артистлар жуда кам бўлган. Кўп ҳолларда аёллар ролини эркаклар ижро этган. Лекин Ҳикматулла Қориев Фулом Зафарий-

нинг «Ҳалима» пьесасида Холжон дастурхончи ролини ижро этганида бу ролни эркак киши бажараётганига ҳеч ким ишонмаган. Кийим-бошдан тортиб, рўмолни бошга тангишгача, кийилган калиш-маҳсию, белга ўралган шолгача — ҳаммаси Холжон ҳиссиётларига, унинг вазифасига монанд эди. Чаққонлик, қадам босишлар, гапириш оҳанглари-ю, унда лабларнинг очилиб-ёпилишигача. Булар йиғилиб яхлит бир бутунлик ташкил этган ва кампирнинг ҳақиқий қиёфасини очишга кўмаклашган эди. Лисенко — Коничнинг «Сургун» асарини ҳам томошабин қизиқиш билан кутиб олди. Бу спектакл комедия эмас, севги дарди, унинг азоби жисмоний азоблар билан қўшилиб кетган ўйлантирувчи асар эди. Евгений пьесанинг бош қаҳрамони. Унинг кўнгли мойил бўлган қизи бор. Бой эса шу қизга ошиқу беқарор. Нима ҳам дейсиз, бойларнинг қўли ҳамма нарсага етади. Ҳатто «рақибини» йўлдан олишгача. Бой Евгенийни сургун қилади. Евгений сургунда вафодор дўст топади. Бу дўст ролида Ҳикматулла Қориев, Евгений эса Насриддин Шарофқориев.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Тухматчилар жазоси», «Майсаранинг иши», «Холисхон» пьесалари «Профинтерн» актёрлари ижросида ҳам сахналаштирилди. Шуни дадил айта оламанки, бу пьесаларда уларга насиб этган роллар катта ё кичик бўлганми, барибир ички руҳияти очилган, умрида илк бор сахнага чиқаётгандек масъулият билан бажарилган. Қуюлиб келган илҳом, қуюлиб келган сахна оташи фавворадек нукралар таратган. Санъат муҳаббати бу бетакрор артистга қанот берган.

Актёрнинг кушандаси бир хиллик, дейишади. Ҳикматулла Қориев хизматкорни ўйнайдими ё сиёсий вакилними, бир хил ижродан қочди. Ҳар бир рол талқинига ниманидир қўшишга интилди. Маннон Уйғур, Муҳиддинқори Ёкубовларнинг ўлларига тан бериб, Хуршид мактабининг ҳам толиби, ҳам ижрочиси бўлди. Шаҳарнинг театр санъати дунёсида ҳаммаси бири-бирига устоз, бири-би-

рига шогирд нақлига амал қилишган эди. Устоз актёрларга: «Агар мен уни қил, буни қил, наригисини бериги томонга қўй. Бунисини у томондан бошла, ҳов нариги ёққа қараб юр, десам, иш бўладими ахир? Унда сизларнинг ижодкорлигингиз-у, ҳаракат эрки қайда қолади. Бир марта нотўғри бўлса, иккинчисида ёхуд учинчисида ўзларингни ўнглаб оласизлар. Чунки яратувчи — сизлар, мен эмас! Мен кузатиб бораман», — дерканлар.¹

Юморга бой Ҳ. Қориевга яна бир сатирик рол берилди. Бу — ўз ашаддий ғоялари билан тинчликка таҳдид солган Англия ташқи ишлар вазир Чимберлин роли. Унинг на монологи, на бир оғиз сўзи бор. Фақат ташқи қиёфаси, ўзини тутиши ва хатти-ҳаракати билан одамларга таҳдид солиши лозим. Ҳаммаси — кийиниш ҳам, ижро ҳам олий даражада! Шундай бўлди! Бир куннинг ўзида Ҳикматулла Қориев Чимберлинга айланди-қўйди. Эртасидан бошлаб сафдошлари ҳам, таниш-билиш, оғайнилар, маҳалладагилар ҳам «Чимберлин» деб чақира бошладилар. Бу ҳол санъат оламида ҳали деярли бўлмаган эди. Бу ҳол авлодимиз вакилларига «Шум бола», «Алимардон Тўраев», «Бек ака» деб берилган номларнинг бошланиши эди...

* * *

Ҳикматулла отамлар тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар ва натижада уларнинг икки қулоқлари эшитмай қолди... «Хайр санъат, хайр театр! Хайр менинг бахтли оромим!»

На чора! Энди улар сахнага чиқа олмайдилар. Қониқиб улгурмаган, сахнага отилган армонли юрак! Сахна ишқида қалққан кўз ёшлар! Ирода ва сабр ила тинган кўнгиллар... Саҳнанинг ўрнига қўлга олинган дутор, эшитганларни сел қилувчи куйлар, наволар... Энди китоб уларнинг овунчоғига айланди. Шарқ классикаси, жаҳон ва рус

¹ Шоҳида Маъзумова. «Саҳна сурури». Тошкент Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982 йил. 101-бет.

ёзувчиларининг ўзбек тилида нашр этилган асарлари. Китоблар... китоблар... Уй китобга тўлади. Отамлар учун сабр-тоқат манбаи китоб бўлади, уларнинг ҳамдамлари эса Жаннатхон ойимлар.

Бир вақтлар «сал бошқача бола» бўлган Ҳикматулла отамлар олтмиш уч йил умр кўрдилар. Орада колхоз дўконида, сув дўконида ишладилар. Ҳар ерда ҳам ҳалоллик, покизалик уларга ҳусн бериб турди. Лекин отамларни билганлар барибир «Чимберлин» деб чақиришарди.

УНИ ҲАБИБ САЪДИЙ, ДЕРДИЛАР

Ҳабиб Саъдий, Ҳабиб Саъдиев, Ҳабибулла Саъдиев, Ҳабибулла Қори. Уларни ҳамма ҳар хил чақирар эди, ёзилганда ҳам турлича ёзишарди. Лекин саҳнадош дўсту биродарлари хотирасида у киши Ҳабиб Саъдий бўлиб, мен учун эса улугворлик ва меҳр рамзи бўлиб қолганлар.

«Ҳабиб Саъдий жуда ажойиб, ширадор овозга эга, воят эҳтиросли, истеъдодли бир актёр эди.»

Назира Алиева, Ўзбекистон халқ артисти.

* * *

«Жалолиддин»даги «Учаётган лайлаклар» кўшиғини ёш актёр, марҳум Ҳабиб Саъдий айтарди. Шу куйни репетицияда ҳар гал эшитишни орзиқиб кутардим.»

Шоҳида Маъзумова, Ўзбекистон халқ артисти.

* * *

«Ҳабиб Саъдий жуда келишган йигит бўлган. Кўшиғи билан Чингизхонни ўйнаётган мени ҳам йиғлатган.»

Амин Турдиев, Ўзбекистон халқ артисти.

* * *

«У киши дунёга бир келдилару кетдилар. Худога шукур, болаларим Ота йўлидан боришди.»

Маҳбубахон холамнинг айтганларидан.

«Ҳабиб Саъдий ниҳоятда хушрӯй, ёқимли йигит эди. «Қалтис ҳазил»да Ғани Аъзамов билан ўйнаган. Наби ака билан ниҳоятда қадрдон эди.»

Зикр Мухаммаджонов, Ўзбекистон халқ артисти.

«Ҳабиб Саъдийни сахнада илк бор кўрганимизда, вой, театримизга янги артист келибди, деб роса томоша қилганмиз, чиройли эдилар-да.»

Холида Ахророва, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ҳабиб Саъдиевнинг Меҳнат дафтарчасидан кўчирма:

1. 1928 йил. Меҳнат Қизил байроқ орденли ўзбек Давлат мусиқали театрига киргунгача бўлган умумий иш стажы 11 йил 7,5 ой.
2. 1937 йилнинг 4 мартдаги 18-буйруқнинг 2-параграфига асосан Меҳнат Қизил байроқ орденли ўзбек Давлат мусиқали театрига артист-солист лавозимига қабул қилинди.
3. 1944 йилнинг 7 январдаги 4-сон буйруқнинг 3-параграфига асосан 1944 йилнинг 10 январидан ўз хоҳишига кўра ишдан озод қилинди.

Кадрлар бўлими мудир. Имзо.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИ

№ 01—25/14

21 феврал 2003 йил.

АРХИВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Ушбу далолатнома Саъдиев Ҳабибга берилди шу ҳақда-ким, у ҳақиқатан 1944 йил 30 июндаги 45-сонли буйруққа асосан I-даражали актёр лавозимига ишга қабул қилинди... Кейинги йилларда уни ишдан бўшагани ёки театр ходимлари рўйхатидан чиқарилгани ҳақидаги буйруқ йўқ.

Далолатнома Ҳамза номли театрнинг 1944—1946 йилги буйруқлар китоби асосида берилди.

Театр директори Ёқуб Аҳмедов.
Кадрлар бўлими бошлиғи Г. Х. Умарова.

Бу тарихий далилларни топиш осон кечмади. Мен муаллақ қолдим. Охири бу ишга театр ва Ёдгор киришди. Марказий давлат архивидаги ҳақиқий куюнчак ва фидокорлар киришишди. Ҳаммаси ойдин тутади. Уларга тасанно! Яхши ният билан иш бошлаган мен учун ҳам, оилавий мозий кунлар учун ҳам кўп нарсa тиниқлашди. Улар ҳақида бирор сўзни айтишга ният қилган вақ- тимда амакимларни саҳнада кўрганим, кўз ол- димда михланиб қолган сувратлари, уйда машқ қилганларида мен учун ёд бўлиб қолган қўшиқ сатрлари эсдалик эди, холос.

*Юр, устарам, рам-рам,
Ўтмас бўлмагин шу дам,
Ақлим бари кетди-я,
Ҳушим қайга етди-я...*

Мен бу сатрларни етти-саккиз ёшимдан бери ёд биламан. Лекин қайси спектаклдан эканини била олмайман. Сўрай десам, билгучиларимиз ал- лақачон оламдан ўтиб кетишган. Излаб топишга эса қўлим калталиқ қилади. Шунда мен китоб варақлашга тушдим. Умрлари узоқ бўлгур табар- руқларимиздан у-буни сўрашга тутиндим. Улар- нинг айрим хотиралари мен учун гавҳар топгандек азиз бўлди. Болалигимда асраб юрган расмларим йўқолиб кетганидан куюндим ва Маҳбуба холам- нинг Ҳайрулла ва Ёдгор қўлида сақланиб кела- ётган бисотларидаги сувратларни кўзимга тўтиё қилдим.

Оилада Ҳабибулла учинчи ўғил эди. Қош-кип- риклари қуюқ, кулгулари ниҳоятда ярашган, ўрта бўйли. Қуръонни ёд билган бу йигитнинг юзлари- дан нур ёғилади. Ота-онага меҳрибон, ширинсўз. Она уларни еру кўкка ишонмайди, Иқболхон ойим

уларни еру кўкка ишонмайдилар. Кап-катта йигит бўлсалар ҳам, оила қуриб ўзларидан тинсалар ҳам келиб кетишларидан доим огоҳ бўладилар. Уйга қайтишга сал кечиксалар, тамом, игнанинг учида ўтирадилар. Амакимни ҳамма яхши кўради. Далага узатилган Инобатхон аммамлар ҳам, амакиларим ҳам, сополак ўйнаб юрган биз жиянларию, қўни-қўшнилар ҳам. Барчамизни театрга шайдо қилган улар. Акаларининг театрга бўлган ихлосини қувватлаган, қолаверса, уларнинг ишини давом эттирган ҳам шулар. Шулар-да, ҳаммани бемалол «Коллизей»га олиб борган, шулар-да, ёқимли овозлари билан одамлар кўнглидан жой топган. Шопур бўлиб дўстликни улутлаган, ўз қўшиғи билан Темур Маликни жангга отлантирган, Қўрқмас бўлиб мардликни елкасига олган. Шулар-да, иситмадан алангаю оташ бўлиб ёнганларида ҳам сахнага чиқиб рол ўйнаган. Шулар-да...

* * *

Ҳабиб Саъдийни театрга Хуршид олиб келди. Эҳтимолки, Ҳикматулла отамлар санъатда обрў-эътибор топмаганларида амакимларнинг Хуршид таклифига ризолик жараёнлари бир оз мураккаб кечармиди? Оила санъат билан уйғониб, санъат билан ёстиққа бош қўяётган эди. Ота-она бу суюкли фарзандларининг ҳам ҳаётдан ўз ўрнини топишини исташарди. Уларнинг ризолиги ва Хуршиднинг даъвати 18 яшар барно йигитни Ўзбек Давлат драма труппасига олиб келди. 1929 йилда бу труппа Ҳамза номли Ўзбек Давлат драма театрига айлантирилди. Ҳабиб Саъдий бу қутлуғ даргоҳга кириб келганида театр санъати шаклланган, йўналиши аниқ ёшларга бой олам эди. Ҳамза номли драма театрида театр жамоаси ўта фидойи, ўта жафокаш, актёр ва режиссёрларнинг ҳар бири театр учун туғилган, театр учун яралган инсонлар эди. Уларнинг қутлуғ қадами одамлар руҳига руҳ берарди. Ҳабиб Саъдий шу даргоҳда ўсиб унди. Йиллар давомида унинг турли рол-

лар ижро этгани, бу ролларнинг томошабинларга манзур бўлгани табиийдир. Лекин... афсуски, ҳозирча, унинг аниқ рўйхатига эга эмасман. Насиб этса, яна изланамиз, аниқлик киритамиз. Ҳозирча икки оғиз сўз «Тарих тилга кирди» спектакли ҳақида. Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг бу асари томошабинга 1931 йилда тақдим этилган.

* * *

Иқболхон ойимлар ўғилларининг театрдан қайтишини кутиб ўтирарканлар. Айниқса, «Қўрқмас»ни ўйнаган кунлари юраклари алланечук интизорликни ҳис қиларкан. Чунки, амакимлар 16 яшар бола ролини ўйнарканлар. Иқболхон ойим паранжи ёпиниб бориб, спектаклни бошидан охиригача чачвонлари тирқишидан кўрган эканлар. Ўғиллари учун дам ачиниб, дам кўзларига ёш олиб томоша қилган эканлар. Ҳар гал эшик занжири тушганини билиб, ўтирган жойларидан қўзғаларканлар. «Ўтираверинг, ўғлингизку», — дейишса, «Нега шундоқ боламни туриб кутиб олмас эканман», — деб туриб ўринларидан қўзғоларканлар ва бағирларига босарканлар. Қўрқмасни ўйнаган кунлари, қўлларинг оғриб кетгандир деб «боғлиқ турган» қўлларини елкалари аралаш силаб-силаб қўярканлар. Қўрқмас Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди» пьесаси қаҳрамонларидан бири бўлиб, у отаси Темур йўлидан бориб, юрт озодлиги учун курашувчилар сафига қўшилади. Бу йўлда бир кўлидан айрилса ҳам афсус чекмайди. Аксинча, яхши мерган бўлиш учун кишининг икки қўли бўлиши шартми, дея суриштиради ички ўкинч билан. Қўрқмаснинг отаси билан учрашув саҳнаси ҳаммани титратиб юборади. Бунда нафақат томошабин, ҳатто актёрлар ҳам ҳаяжонга тушиб кетардилар. Қўрқмаснинг қулоқларида онаси Меҳри опанинг фарёди жаранглаган саҳна-чи?! Онасига қарата: «Ойижон, мен сизни ташлаб кетолмайман, йўқ!» — деган сўзлари-чи?! Онасини ўт-оловдан қутқара олма-

гани унга армон бўлиб мурвак қалбига қасоскор-
лик ҳиссини олиб киради. Актёрнинг унсиз бо-
қишлари, унда пайдо бўлган жасорат, ирода. Бу
ўзгаришларни томошабин тез илғаб борарди. Энди
Қўрқмас дадил эди. Ҳаёт ишқи, озодлик ишқи
уни ҳақиқий қўрқмас йигитга айлантиради. У
ишонади, курашади. Оталар ёнида туриб кура-
шади. Лекин Қўрқмас ва Темулар ўзбек юрти
Россиянинг қулига айланиб қолаётганини у вақт-
да тушунмас ва тушуна олмас эдилар. Олиб бо-
раётган кураш онлари, тортган уқубатлари ак-
синча, истибдод, исканжасини мустаҳкамлаш учун
сарфланаётганини билмас ва била олмас эдилар.
Қайдан ҳам билсинлар улар «олтин қафас»ни.
Олтинини кўз-кўз қилиб, қафас эканини сир тут-
ган сиёсатни қайдан ҳам англасинлар?! Ўша даврда
буни сезганлар бўлди, бўлиши ҳам муқаррар эди.
Бундайлар кўп нарсани сездилар, огоҳ тортдилар.
Эзгулик деб, озодлик деб курашган неча-неча те-
мурлар, неча-неча қўрқмаслар Қодирий бўлиб,
Мунавварқори ва Саид Ахрорий бўлиб ҳақиқий
қафасга солиндилар. Халқни уйғонишга чорлаган,
миллий озодлик учун жафо чекканлар «майдон»-
да қатл этилдилар.

* * *

Қўлимда ноёб бир сурат турибди. Бу суратни
ёшлигимда кўп кўрганман. Амакиларни соғин-
ганимда тўйиб-тўйиб томоша қилганман. Сурат
вақт ўтиши билан сарғайиб кетган. Ўзиям олин-
ганига ҳеч бўлмаганда олтмиш беш йиллар бўлиб
кетган-ов. Ҳам арабча, ҳам лотин алифбосида «Су-
лаймон ролида Саъдиев Ҳабибжон», — деб қалам
билан ёзиб қўйилган. Бу ҳойнаҳой ўзларининг
дастхатлари бўлса керак. Қаранг-а, расм сарғай-
иб кетибди-ку, қаламдаги ёзув ўчмапти. Сулай-
моннинг эғнида киборлар киядиган қора костюм-
шим, оқ кўйлак, бўйнида қора бантик. Бошида
озар қалпоғи. Қўлида тасбеҳ. Расмга шундай қара-
гандаёқ бу йигитнинг аслзодалар авлодидан экан-
ини билиш қийин эмас. Унинг анча тадбирли,

фикрлари тиниқ йигит эканини ҳис қилиш ҳеч гапмас. Расмдаки шундай қиёфа, менимча, ижро ҳам ундан қолишмаган. Бу сурат, сезган бўлсангиз, Узаир Хожибековнинг «Аршин мол олон»идан. Ҳабиб Саъдий савдогар Сулаймон, ҳа, ҳа, ўша — Асқарнинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси Сулаймон қиёфасида.

Устоз санъаткоримиз Зикир ака Муҳаммад-жоновнинг «Саъдиевлар сулоласи» мақоласини ўқиб, хурсанд бўлиб кетдим ва ўзим учун яна бир янгилик очдим. Қарангки, Ҳабиб Саъдий «Аршин мол олон»да хизматкор Вали ролини ҳам катта истеъдод билан ижро этган экан. Спектаклга зўр тайёргарлик кўрилибди, репетициялар қизгин борибди. Машқ вақтида кутилмаганда ажойиб воқеа рўй берибди. Зикир ака ўз хотираларида худди ана шу воқеани ҳикоя қилганлар: «Хизматчи қиз ролини машхур актриса Маръям Ёқубова ижро этган эди. У гавдали, оғирлиги ҳам анча-мунча эди. Ҳабиб Саъдий эса жуссаси ихчамроқ, жингалак сочли, ниҳоятда ёқимли кўринишга эга эди. У ҳам хизматчи ролини ижро этарди. Спектакл давомида воқеа бўйича у хурсандчилигидан хизматчи аёлни даст кўтариб айлантериши керак. Репетиция вақтида Ҳабиб Саъдий бир неча бор уриниб кўради-ю, иложини қилолмайди. Бунга чидолмаган Маръям Ёқубова «Қани нима бўларкин», — деб Ҳабиб Саъдийни даст кўтариб, гирдикапалак қилиб айлантиради. Буни кўриб турган артистлар ҳам, режиссёр ҳам қаҳқаҳадан ўзларини тўхтата олмайдилар. Ва сахна учун шу ҳолдаги ижро тавсия этилади». (З. Саъдиева. «Себзорлик йигит». «Шарқ» НМАК. Тошкент, 2001 йил. 6-бет)

* * *

Ҳабиб Саъдий драма театрида 1937 йилнинг март ойигача ишлади. Москвада бўладиган ўзбек санъати Декадаси яқинлашиб қолганди. Мусикали театрни янги овозлар билан бойитиш зарурати туғилган эди. Ҳабиб Саъдийга эса Аллоҳ ёқимли

овоз берган эди. Уни Ўзбек Давлат мусиқали драма театрига ишга таклиф этишди. Чунки актёрнинг табиий овози жилоси аввалдан бу театрдагиларни ўзига жалб қилиб келарди. Уни Шопур ролига муносиб кўришди. Шопур образи Ҳабиб Саъдий учун бегона эмасди. Бу театрда ишга келгунча у «Фарҳод ва Ширин»ни бир неча бор кўришга муяссар бўлган эди. Унгача драма вариантыда Шопурни Аброр Ҳидоятлов ҳам ижро этганди. Унинг Шопури овозлари бақувват, марди-майдон йигит бўлиб кўринар эди. Мусиқали драма театрида эса бу ролда Саъдулла Норхонов, Али Ашуров, Абдулла Аҳмедовлар чиққанлар. Кейинчалик Фарҳод ролини ижро этган Саъдулла Норхоновда лиризм кучли эди. Дарвоқе, Норхонов. Бизнинг «Катта ҳовли»да бу ном исмсиз, ёлғиз фамилия билан бот-бот тилга олинади. Қандайдир иззат-ҳурмат билан. Норхонов дейишганда онам билан холамининг кўзларидан ўт чақнар, сўзларида эса эзилиш, ҳазинлик аломатлари устун келарди. Отам ва адамлар эркакларга хос босиқлик билан унга хайрихоҳлик билдиришарди. Ҳеч кимда йўқ овозининг шайдоси эканликлари дарров билинардикўярди. Лекин уларнинг гаплари оҳангида ҳам ўша ҳазинлик бор, уни негадир аяб кетардилар. Мен бунинг боиси нимада эканлигини кейинчалик билдим. Ўша вақтда у киши, халқ суйган актёр қатағонга учраган экан. 32 ёшида азоб ертўласида ётган пайтлари экан. Уйимизда Қобилқори Сиддиқов, Қобилқори деган ном ҳам тез-тез эшитиларди. Кечагина унинг ижросидаги Қайс ёки Фарҳод ўзига хос мафтункорлик бахш этарди. Қобилқорини мақтайдилар. Иқболхон ойим у кишини ҳам дуо қиладилар. Афсус, гавҳар илҳом соҳиби Қобилқори Сиддиқов урушга жўнади. Қайс бўлиб, Фарҳод бўлиб. Халқнинг дардига шерик бўлиб, унинг ҳимоячиси бўлиб. Афсус, уни асраб қололмадилар. Эссиз, эссиз! У вақтларда ҳали биз учун ақл бовар қилмайдиган, эсимиз етиб-етмайдиган, халқ зиёлиси гулларини йўлдан олишининг яна бир киши билмас услуби эди у! Халқ

дилига мангу ёзилсин бу инсонлар: Саъдулла Норхонов! Қобилқори Сиддиқов!

Ҳа, Шопур Ҳабиб Саъдий учун жуда яқин эди. Ақл-хуши, қадди-қомати, садоқати. Актёр ижросида Шопур жуда ёқимтой бўлиб чиққан, дейдилар. Шопур билан Фарҳоднинг дўстлиги пьесанинг асосларидан бири эканини Ҳабиб Саъдий жуда яхши билган ва тушунган. Улар таъбирича, дўстлик — қудратли куч. Шопур ўз дўстига ёрдам беришни жуда-жуда истайди, унга мадад беради. Ёсуман Фарҳодни ҳийла-найранг билан тузоққа илинтирганда чеккан оҳлари-чи, пьесанинг бешинчи пардасида шу фарёд ва ҳасрат унинг арияси орқали берилади:

*Сабо айтгил хабар менга кўмакчи, меҳрибонимдан,
Не ёлғиз меҳрибон, балки менинг жон-у жаҳонимдан...*

Бу арияни томошабинлар ички бир ҳаяжон, ички бир ўртаниш ила эшитган бўлишса ажаб эмас. Ўзларининг ёнларида Шопур — Ҳабиб Саъдийдек дўслари бўлишини орзу этган бўлсалар ажабмас.

Шопур ўз дўстининг Хусрав кўлида қолиб кетишини истамайди. Мана шу ерда актёр ижросида жасорат ва яна жасорат уйғунлашади. Энди у Ширинга далда беради.

Ширин: *Оҳ, Шопур, қаерда Фарҳодим?
Кеча-кундуз угир ёдим.*

Шопур: *Тулкилар айлашиб унга тағбир,
Қилди у ошиқу ярибни асир...
Уни Хусрав ўлимга ҳукм этди,
Итлари суграшиб олиб кетди.
Мен-да, Хусравга ҳийлалар туздим.
Не бўлса у, ҳукмини буздим¹.*

Энди Шопур нафақат дўст, нафақат сирдош, икки ёш муҳаббатининг ўтги гувоҳи, балки аламли қасоскорга айланди. Афсус, Фарҳоднинг ўли-

¹ Хурушд. Танланган асарлар. «Фан» нашриёти. Тошкент, 1967 йил. 70-бет.

ми унинг тану жонини алангага ташлайди. У ёнади, фйгон чекади. Фарҳоднинг жасади устида Шопур айтган ария фйгондир:

«Муҳаббат йўлида ўзни ўлимга човлаган Фарҳод...»

«Фарҳод ва Ширин»нинг ҳозирги вариантида бу арияни Ширин айтади. Болалигимизда бу қўшиқ уйимизнинг ҳамроҳи бўлган. Мен унинг сўзларини унча фаҳм қилмасам-да, оҳангига кўпинча қулоқ солардим. Амаким айтмаган вақтларида отам дуторда унинг куйини берилиб-берилиб чалардилар. Болалигимда қалбим тўрига меҳмон бўлган куй Шопур арияси — фйгон. Бу арияни 1930 йилда машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов «Фарҳод ва Ширин» спектакли мусиқаларини қайтадан кўриб чиқаётганда қўшган эди.

1937 йилнинг май ойида Москвада ўзбек санъати декадаси бўлди. Унда «Фарҳод ва Ширин» ва К. Яшиннинг «Гулсара» пьесалари декада йўриқномасига киритилди. Ҳабиб Саъдий ҳам ўз жамоаси билан унда иштирок этди. Декада кунлари Қодирни ўйнаганлар деб айтолмайман-ку, лекин кейинчалик бу ролда чиққанларини ўзим кўрганман. Йўл-йўл беқасам тўн кийиб, «Гулсара!» — дея саҳнага отилганларини, ҳатто қўшиқ айтганларини эслайман. Мен ўша саҳнада айтилган соғинч қўшиғини ҳамон яхши кўраман. Қулоғимга чалинса, тўхтаб эшитиб тураман.

*Сотиниб келдим қўзимни, Гулсара, кўрсат менга,
Ёнган олтин юлдузимни, Гулсара, кўрсат менга.
Савлатим офтоб юзимни, Гулсара, кўрсат менга.
Бир ўпай бахт қундузимни, Гулсара, кўрсат менга...*

Ўзбекистон халқ артисти Фулом Абдураҳмонов ижросидаги бу ария радионинг олтин фондида сақланмоқда. Унутилиш даражасига етиб қолган бу овоз соҳибини тез-тез эслаб туришларини, ўзбек опера санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк санъаткорни ёшларимиз билишларини истайман. Эҳ, ҳаёт!

Декададан қайтгач, опера яратиш ҳақидаги

ҳаракатлар авжга чиқди. Лекин ҳали ҳақиқий миллий опера асарлари йўқ эди. Шу боис қозоқларнинг биринчи операси «Эр Тарғин»ни саҳналаштиришга киришилди ва у жуда қисқа муддат ичида саҳна юзини кўрди. Бу муддат ўта мураккаб кечди. Ўзбек актёрлари ҳали «қўйлаб гапириш»га ўрганмаган эдилар. Демак, аввало бу соҳани эгаллашлари лозим эди. Ният қатъий экан, иш олға силжиди. Муҳиддин Қори Ёқубов, К. Яшин, Ҳалимаҳоним ва режиссёр Э. И. Юнгвальд-Хилькевичлар Олма-отага бориб келдилар. 1938 йилнинг 20 апрель куни операнинг тақдироти бўлди. Шу йилнинг ўзидаёқ у 27 марта намоёниш этилди. Эр Тарғин — М. Қори Ёқубов, К. Зокирий, Оқжунус — Ҳ. Носирова, Кажох — Б. Мирзаев, Тана — Назира Аҳмедова. Ҳабиб Саъдий эса Элчи партиясини ижро этди. «Эр Тарғин» ўзбек тилида қўйилган биринчи опера эди.

Ўзбек мусиқали драма театри бўйича 1938 йилнинг 27 апрелида чиқарилган 94-рақамли буйруқ билан танишайлик:

«... 2. Жуда қисқа муддатда ўта қийин партияларни ўзлаштиришга астойдил интилгани ва ҳаракат қилганини ҳисобга олиб, қуйидаги артист-солистларга (яккаҳонларга) ташаққур эълон қилинсин. Улар пул мукофоти ва совға билан тақдирлансин. Чунончи: ...б) Саъдиев Ҳабибга—костюм.»

Асос: ЎР МДА. 2062-жамғарма, 2-рўйхат, 48-йиғма жилд. 21—22-варақ.

Бу тақдирланиш «Эр Тарғин» операсидаги Элчи роли учун эди.

1939 йилнинг 29 март оқшомида эса «Наргиз» номли озарбайжон операси ўзбек тилида янгради. Унда Ҳабиб Саъдий мулла Муталиф ролини ижро этди. Операни фақат беш мартагина қўйишга улгурилди. Чунки театрда биринчи ўзбек операси «Бўрон»ни тайёрлаш жараёни бошланаётган эди. Ва ниҳоят 1939 йилнинг 11 июнь куни биринчи миллий операмиз «Бўрон» нинг тақдироти бўлди. У бир ярим ой ичида тайёрланган эди. Опера шу йилнинг ўзидаёқ ўттиз беш марта ижро этилди. «Бўрон» ўзбек операсининг келажаги бор-

лигидан далолат берарди. Худди шу йили Ўзбек Давлат мусиқали драма театри мустақил бўлиб ажралиб чиқди. «Колизей»да Ўзбек Давлат опера театри ташкил этилди.

«Бўрон» (К. Яшин либреттоси, М. Ашрафий ва С. Василенко мусиқаси) 1916 йилда Чор Россияси томонидан эълон қилинган мардикорликка қарши халқ норозилигига бағишланган. Исён бошида халқ вакили Бўрон туради. Унинг ёнида бахши шоир Ражаб ота, ўғли Жўра... Бахши шоир роли Ҳабиб Саъдийга топширилди. Кўзи ожиз кекса бахши адолат учун оёққа туради. Тили ниҳоятда бой, ўткир ҳажвга эга:

Ассалому алайкум, эшон қози!

Қўнглингизни тўлдирмайди поранинг ози.

Увва, увва, увва...

Унинг қўшиқларини халқ зўр ишғиёқ билан тинглайди, руҳланади.

1939 йил Ўзбекистонда Катта Фарғона канали қурилиши бошланди. 45 кунда битказилган бу канал қурилишида 160 минг деҳқон қатнашди. Уларга икки ярим мингдан ортиқ артист ва чолғучи ўз санъати билан хизмат қилди. Ҳалимаҳон қурувчилар олдида булбул бўлиб сайради. Қобилқори Сиддиқов «Сўлим»ни, Карим Зокирий «Кўча боғи»ни айтишди. Улар орасида Ҳабиб Саъдий ҳам бор эди. У «Тошкент ироқи»ни куйлади. «Манам мажнун ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони изларман...»

Ҳабиб Саъдийнинг ижролари томошабин кўнглига илиқлик солгани, унга маъқул тушгани учун ҳам кетма-кет роллар берилаверди. Навоий достони асосида Хуршид томонидан ёзилган «Лайли ва Мажнун» асари 1940 йилнинг 17 июлида кўрсатилди. Ҳабиб Саъдий операда Ибн Саломни ижро этди. Энди бу рол Шопурнинг деярли теска-рисиди эди. Ўз манфаати учун яшаш, меҳрни молдунё эвазига сотиб олиш мумкин, деб ўйловчи бу инсон Лайлини ўзиники қилиб олмоқчи бўлади. Аммо Лайли раддиясига дуч келгач, «сендан менга обрўйим керақдир», — дея ўзига-ўзи ханжар ура-

ди. Ибн Салом ижроси актёр учун катта сабоқ ролини ўтади. Салбий рол талқинини кўрган томошабин ва сафдошлари уни яна бир бор қутладилар.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши театр жамоасидан ҳам катта фидойиликни талаб этарди. Энди у шундай сахна асарлари яратиши керак эдики, халқни Ватан ҳимояси учун чорласин, ғалабага руҳлантирсин! Бундай асарлар тезкорлик билан пайдо бўлди. Опера театри 1941 йилнинг 4 ноябрида С. Абдулла, К. Яшин ва Чустийларнинг композиторлар Толибжон Содиқов ва А. Козловскийлар билан биргаликда «Даврон ота» мусиқали драмасини сахналаштирди (унда Ҳ. Саъдий қандай рол ижро этган ҳозирча номаълум). Сўнг яна қатор мусиқали драмалар...

Савол туғилади: Нечун опера театри яна бошқатдан мусиқали драмаларга мурожаат этди? Чунки уруш мавзусига бағишланган опера асарини яратиш жуда узоқ муддат талаб қилар эди. Вақт эса кутиб турмайди. Тезроқ ва яна тезроқ янги умидбахш асарлар яратиш керак эдики, у билан фронт йўларида, госпиталларда бемалол хизмат қилиш мумкин бўлсин. Театр жамоаси бунга эришди. Эришилган бу муваффақиятда Ҳабиб Саъдийнинг ҳам улуши бор эди.

1942 йилнинг 15 январида театр Ҳ. Фулом, Б. Халиловларнинг Мухтор Ашрафий, С. Василенко, А. Козловский каби композиторлар билан ҳамкорликда яратган «Шерали» мусиқали драмасини томошабинга тақдим этди. Унда Ҳабиб Саъдий Ватан учун жанг қилган уч фронтчи йигитнинг бири, исми-жисмига мос Қаҳрамон ролида кўринди.

1942 йилнинг 29 апрелида эса Ҳ. Олимжон, Н. Погодин, Уйғун ва С. Абдуллаларнинг «Ўзбекистон қиличи» мусиқали драмаси ҳаёт юзини кўрди. Унинг мусиқасини Толибжон Содиқов, Мутал Бурҳонов ва Тўхтасин Жалилов басталаган эдилар. Кўп кўшиқлар халқ куйига мосланиб кетганди...

Мен амакимлар иштирок этган сахна асарларидан кўпининг матни билан танишиб чиқдим. Лекин уларнинг бирортасида ҳам менга болаликдан ёд бўлиб кетган «Юр, устарам, рам, рам», «Икки оғиз валақлайман» қўшиқларига дуч келмадим. Операда ишлаган йиллари аниқ, қўйилган асарлар аниқ, ҳатто Ҳабиб Саъдий билан боғлиқ буйруқлар аниқ, ижро этилган роллар аниқ. Лекин у қувноқ қўшиқлар-чи? Нега унинг ўрни топилмаяпти? Ҳа, қўшиқлар серзавқ, кулгига мойилроқ, демакки, рол ҳам унга монанддир. Яна ўйлаб кетаман. Уруш йиллари яратилган сахна асарларида ўйин-кулгу ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Шунда мен театршунос Анна Корсакованинг «Узбекский оперный театр» (Т. 1961 й.), Ян Пеккернинг «Узбекская опера» (М. 1984 й.) китобларини қўлга оламан. Уларни менга кутубхонадан Юлдузхон қизим келтириб берган. Китобларни қайта-қайта варақлайман. Сўнг «Ўзбекистон қиличи» ҳақидаги фикрларга тўхталаман. «Пьесадаги воқеалар маиший характерга эга бўлган кулгили сахналар билан қўшилиб кетган. Айниқса, шўх, хушчақчақ, доим кўтаринки руҳли чойхоначи — ошпаз Мамарасул образи эсда қолади. У халқнинг бой ҳажвиясини ўзи билан бирга олиб юради... Мамарасул ўткир ҳазиллари билан, кулгиси билан жангчилар ўртасида ғалабага ишончни мустаҳкамлайди.»

Бу сатрлар менда умид уйғотди. Чиндан ҳам бу икки китобда «Ўзбекистон қиличи» мусиқали драмасига, ундаги Арслон ва Юнус оталарга қандай эътибор берилган бўлса, оддийгина чойхоначи Мамарасулга ҳам шундай муҳаббат билан ёндашилган эди. Мамарасул негадир мени қўйиб юбормайди. Китобдаги рол ижрочилар рўйхатини кўздан кечираман. Қани, чойхоначини ким ўйнаганикин? Али Ашуров. Қандай яхши, дейман ўзимга-ўзим. Ахир қатор спектаклларда амаким бу актёр билан алмашиб ўйнашган-ку! Умид кучаяди. Энди «Ўзбекистон қиличи» пьесасини қидиришга тушаман. Бошқа ёқдан Ҳайрулла. Пьеса муаллифларининг

танланган асарларидан излайман, қизларим Яшнар, Юлдузлар билан излайман. Афсус, у топилмайди. Шунда эсимга ҳурматли инсоним, ғоят камтарин ва халқ хизматида фидойилик кўрсатаётган олим Наим ака Каримов тушадилар. Чунки Наим ака Ҳамид Олимжон ижодининг билимдонларидан. Холида опамлардан уларнинг телефон рақамларини оламан. Наим акага қўнғироқ қилиб, «Бу асар тўлалигича Адабиёт музейининг Хуршид фондида бор», — деган жавобни эшитаман. Мен суюнгандан-суюниб кетаман. Аммо... фонддаги қўлёзмалар ташқарига чиқарилмайди-ку. Уни фақат ўша ердагина ўқиш мумкин. Мен эса у ерга етиб боролмайман. Шунда менга холис хизматини ҳеч кимдан аямаган журналист қизимиз Замирахон Тўлаганова ёрдамга келади. Ишимиз ўнгидан келганини қаранг. Бизга керакли фонд билан Хуршиднинг қизлари Раҳимахон Шамсиддинова шуғуланар эканлар. Улар менинг жисмоний имкониятим чегараланганини тушуниб, қолаверса, бутун масъулиятни зиммаларига олиб, қўлёзmannинг кириллда кўчирилган варианты нусхасини икки-уч кунга бериб юборадилар. Ташаккур!

Қўлёзмани қўлимга олдим у оламнинг бутун бахти менинг хонадонимга кириб келгандек бўлади. Чанқоқлик билан уни варақдай бошлайман. Ўқишга сабрим чидамай, ўзимга таниш сатрларни қидираман. Бирдан... кўзларимга ишонмай қоламан. Эҳтимол, ўша дақиқаларда нафас олишим ҳам тўхтаб қолгандир. Бирдан... Ўн учинчи саҳифада... Ёраб, бу қандай толе?! Бу — ўша сатрлар, мени илҳақ қилган, бизни илҳақ қилган сатрлар... Ошхонада куймаланаётган Яшнарни чақираман.

— Ўтир-чи, эшит.

*Икки оғиз валақлайман,
Самовардек шарақлайман.
Лаъли бадахшон,
Аканга равшан.*

— Ойи... — у ҳам суюниб кетади, — яхши одамлар кўп-а.

Мен гап кимлар ҳақида кетаётганини ҳис қилиб бошимни қимирлатиб тасдиқлайман. Агар ҳозир бирор кимса бизнинг олдимизга ҳовуч-ҳовуч тиллалар ташлаб кетса ҳам унга қайрилиб қарамаслигимиз аниқ.

— Биляпсанми, олтмиш бир йил деганда бунинг тагига етибмиз-а. Олтмиш бир йил.

Мен гапираману, қўлёмани варақлашда давом этаман. Биз билган иккинчи қўшиқ чиқармикин? Ҳозир аниқлангани чойхоначи-ошпазники эди. Кейинги биладиганимиз сартарош айтадиган қўшиқ-ку! Наҳот... Қўлёманинг 29-бетига келганимда юрагим қинидан чиқиб кетай дейди. Ана биз излаётган яна бир қўшиқ!

Гапни гапир уққанга,

Жонни жонга суққанга.

Гапни гапириб нетарсан

Онаси бемаҳал туққанга.

Юр, устарам, рам, рам,

Ўтмас бўлмагин шу дам.

Бу аниқлик «Катта ҳовли» набираларининг, қолаверса, ҳаммамизнинг бахтимиз эди. Амаким ўз меҳнатлари билан пьесанинг бошидан охиригача қувноқликни сақлаб туришга интилган, оёғи ногиронлиги туфайли фронтга бора олмай қолган, ичидаги армонини фронт ортидаги одамларга хизмат қилиш билан босмоқчи бўлган Мамарасулни яратдилар. У ҳамқишлоқлари кайфиятини яхшилаш, ғалабага ишонтириш учун қўлидан келган хизматини аямайди. Билганини ўртага ташлайди. Ошпаз ҳам ўзи, чойхоначи ҳам ўзи, сартарош ҳам ўзи! Агар «Ўзбекистон қиличи» мусиқали драмасидан бу образ олиб ташланса, у анча зерикарли бўлиб қоларди. Ҳ. Саъдийнинг шўх ва завқли ижроси пьесанинг халқ орасига кириб боришига катта ёрдам берди.

Ҳаёт кутилмаган воқеаларга тўла экан. Гастрол сафарлари, хизмат қилиш кўламининг кенглиги Ҳабиб Саъдийга бошқа кўргилик олиб келди. Сафарларнинг бирида амаким қаттиқ шамол-

лаб қолдилар. Албатта, даволаниш зарур. Театр бўйича 1943 йилнинг 31 майида чиққан 58-сонли буйруқдан олинган парчага мурожаат этайлик:

«...9. Саъдиев Ҳ.га, 1942—1943 йил учун шу йил 1 июндан 27 июнгача меҳнат таътили ва соғлиги ёмонлашгани ҳамда санаторияга кетиши муносабати билан шу йилнинг 28 июнидан 28 июлигача ўз ҳисобидан таътил берилсин.»

Асос: ЎР МДА. 2062-жамварма.

2-рўйхат, 108 йилга жид. 143—144-варақлар.

Энди улар Бухоро, Самарқанд гастролларига ҳам, Фарҳод ГЭС қурилишига жўнатилган артистлар бригадаси билан ҳам бора олмадилар. Соғлиқларини тиклаш улар учун зарурат эди. 1944 йилнинг 10 январидан бошлаб ўз аризаларига кўра вазифаларидан озод қилиндилар.

Ойлар ўтди. Соғлиқлари анча яхшиланди. Лекин уларни азалдан билган кадрдонлари — Академик Драма театридаги ҳамкасблари театрға чақириб қўйишмади. Тирикчилик деб бир неча ой адамлар очиб берган дўкончада (Эски Жўва бозор, Карвон саройи қаршисида) газ сув сотган амаким яна суйган касбларига қайтдилар. Бу 1944 йилнинг 28 июн куни эди. Бу ерда уларни яна бир қўшиқ кутарди. Бу қўшиқ Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин» пьесаси билан боғлиқ. Спектаклнинг тақдироти 1944 йилнинг 24 декабрида Академик театр сахнасида бўлган. Мана, орадан олтмиш йил ўтиб қолибди. Лекин ундаги Ҳабиб Саъдий ижро этган қўшиқнинг оҳанги ва сўзлари эшитганлар хотирасидан кетмапти. Демак, шунга арзирли қўшиқ экан-да! Менинг ҳурматли устозим, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Холида опа Аҳророва билан бирга ишлаб юрган даврларимизда ҳам, кейин ҳам шу қўшиқнинг биринчи қаторини «Баланд учган оқ лайлак...» дея хиргойи қилардилар. Қўшиқнинг таъсирини, Ҳабиб Саъдийнинг бу театрға янги келган вақтларидаги кўпчилиқнинг уларға маҳлиё бўлиб юрганини гапириб берардилар. Ҳамон «Жалолиддин», унинг мангу ғояси, ижрочилари ва ундаги қўшиқ эсларидан чиқмаган.

...Ўша вақтларда Чингизхоннинг довуғи, даҳшати оламни забт этганди. Борлиқ ундан титрарди. Табиийки, Хоразм шоҳи ҳам. Лекин шоҳ ўзича мағрур, ўзича қудратли эди. Қизи Султонбегимнинг Самарқанд амири Бадриддин билан никоҳ тўйлари бўлаётган пайтда Чингизхоннинг элчилари кириб келишади. Хоннинг сўзсиз таслим бўлиб, бож тўлашга мажбур экани ҳақидаги фармонини топширишади. Шоҳ ичидан қўрқув босса ҳам «Қуласа биргина қалъамда девор, остида минг Чингиз бўлур хокисор», — дейди кўкрагини кериб ва элчиларни қувиб солади. Юрт бошлиғи душманга тегишли баҳо бермаган эди. Ўғли Жалолиддин эса отасига ҳақиқатни рўй-рост айтади, Чингизхоннинг кучига тўғри баҳо беради. Унга қарши курашишга чорлайди. Хоразмшоҳга бу гаплар ёқмайди. Айни ҳақиқатни, ўзининг бўшашиб қолган ҳимоя интизомини тан олмай, вазабга келади. Жалолиддинни валиаҳдликдан маҳрум этиб, ўрнига ҳали йўрғақда бўлган кенжаси Қутбиддинни тахт вориси деб эълон қилади. Шунда Жалолиддин айтган сўзларга эътибор беринг-а: «Киши туғилмайди бошда тож билан, туғилар эркиликка эҳтиёж билан!» Бу сўзларни айтиш эҳтиёж эди. Чунки халқ эрк учун яралган, озодлик, эркинлик ҳар нарсадан устун. Душман кучини тан олиш ва унга қарши курашга халқни рағбатлантириш, она ер мустақиллигини асраб қолиш. Мана Жалолиддиннинг қатъий қарори! У кекса чўпон Элборс орқали Хўжанд хоқони Темур Маликка: «Хўжанд бўлсин ёвга қарши баҳайбат қўрғон!» — дея фармон юборади ва мўғулларга қарши оёқда туради. У ўз ортидан Хоразм халқини эргаштира олди. Ватандошларининг ўз тақдири ўз қўлида бўлиши, юртнинг озодлиги учун кураш унинг шioriга айланди.

Хўжанд хоқонлиги бутун шоҳлик каби «яъжуж-маъжуж»ларга қарши курашга тайёр эмас эди. Темур Малик Хўжандда халқ курашига бошчилик қилди. Жанг кучли кечди. Қалъа қамалда қолди... «Ойдин тун. Хўжанд ёнида Сирдарёдаги

бир орол. Бу ерда Темур Малик бир тўда аскар ила бир неча ойдан бери мўғуллар билан курашмоқда. Гулхан атрофида бир гуруҳ соқчи исинмоқда...»

Мана энди биз кўпчиликни ўз ижроси билан мафтун этган кўшиққа етиб келдик. Саҳналаштирувчи режиссёр Маннон оға бу гал ҳам пьесадаги ҳар бир воқеа тасвирига ўта жиддий қарган, муаллиф билан, актёрлар билан ҳар бир саҳна устида, ҳолатлар, ҳатто сўз оҳанги, талаффузи устида ишлайди. У актёрларга асар моҳиятини чуқурроқ очиб беришлари учун йўл-йўриқ кўрсатади. Улар билан кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлайди. «Хўжанд» саҳнасидаги кўшиқ унинг учун соғинч кўшиғи эди, онани соғиниш, оилани, фарзандларни соғиниш кўшиғи эди. Куй ҳам шу соғинчининг акси бўлмоғи лозим эди. Сизга маълумки, ўша кезларда немис-фашистларига қарши оловли жанглар кетарди. Ўзга юртларда ватан озодлиги учун жанг қилаётган йигитлар, жасадлари она ерга етмай қолиб кетган эрлар, бир қултум сув, бир тишлам нонга зор бўлган гўдаклар кўз олдида турарди. Бу шундай кўшиқ бўлсинки, уни одамлар эшитиб, эл меҳрини, эрк руҳини дилларига тутсинлар. Бастакор Манас Левиев М. Шайхзода битигига худди шундай куй басталади. Одамлар бу кўшиқни саҳнадан эшитганларида юм-юм йиғладилар. Уни Ҳабиб Саъдий ижро этган эди. У 34 ёшда эди...

Баланд учган оқ лайлак,
Бирпас менга боқ, лайлак.
Бухоронинг йўлида —
Ёр эшигин қоқ, лайлак!
Баланд учган оқ лайлак,
Кўйлагинг шоҳи кўйлак!
Лайлак Урганч етарсан,
Ёрга салом етарсан.
Ёр эшигин очмаса,
Сарсон бўлиб нетарсан!
Ё, Бағдодга кетарсан,
Ё, Сайхунга қайтарсан!

Қийғос учган кўк каптар,
Бунда бирпас чўк, каптар.
Ғариб кўнглим интизор,
Интизорлик бас, етар!
Қийғос учган кўк каптар,
Ёрдан келтир хат-дафтар.

Ўзбекистон халқ артисти Шоҳидахоним Маъзумова ўзининг «Саҳна сурури» хотиравий китобида «Жалолиддин»ни саҳналаштириш жараёни, асардаги воқеалар, роллар ва ижролар ҳақида анчагина маълумотлар беради. Актриса учун бу спектакл жуда яқин ва қадрли бўлган. Чунки унда Шоҳидахоним Жалолиддиннинг синглиси Султонбегимни ижро этган. Жалолиддин — Шукур Бурхон. «Шуни қайд қилиш керакки, — деб ёзган эди Ш. Маъзумова, — М. Левиеннинг «Жалолиддин»га ёзган мусиқаларидан бири «Учаётган лайлаклар», «Онамга салом денглар» деган қўшиққа туширилган бўлиб, уни ёш актёр, марҳум Ҳабиб Саъдиев тўқайзорда, жангчилар тўпланиб ўтирган жойда айтарди. Ҳ. Саъдиев ҳозирги ТЮЗдаги Ҳайрулла ва Ҳамза номли театрдаги Ёдгорларнинг отаси. Шу куйни репетицияда ҳар гал эшитишни орзиқиб кутардим. Ҳар гал тўлқинланиб кўзимга ёш келарди. Бир кун тасодифан Оғанинг ҳам кўзига ёш келганини биринчи марта кўрганим учунми, баралла йиғлаб юбордим. Бир вақт қарасам, Темур Маликни ўйнаётган Абдор ака ва Чингизхон ролида ўйнаётган Турдиев ҳам йиғлаб турибди...»¹

Шоҳидахоним ёзганларидаги сўнгги сўзлар мени яна бир изловга чорлади. Бу — Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев ва унинг Чингизхон билан боғлиқ гаплар, демакки, «Жалолиддин» билан боғлиқ гаплар. Шунда кел, Кишвар опамлар билан боғланмайманми, дедим ўзимга-ўзим. Кишвар опамлар Амин Турдиевнинг турмуш ўртоқлари. Қолаверса, Зайлихон келинимизнинг оналари. Улар билан боғланишга жазм қилдимۇ, боғ-

¹ Шоҳида Маъзумова. «Саҳна сурури». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1982 йил. 94-бет.

ландим. Ўзи хушрўй одамнинг гаплари ҳам ёқимли бўлади. Бу опажоним бирпасда мен учун топилмалар хазинасига айландилар-қўйдилар. Ҳикоя қилиб беришларича, (буни уларга Аминжон ака айтиб берган эканлар) «Жалолиддин»ни кўргани бир кун Усмон Юсупов аёллари билан келиптилар. Пьесада шундай сахна бор. Чингизхон калла суяклари устидан мағрур ўтади. Чингизхоннинг оёғида чоруг шаклида тумшуги кўтарилган кумуш рангли калта қўнжли паст пошна этик. Узун, тўпигача тушган кулранг ялтироқ юбка ва камзул. Бошида замонага хос қулоқчин. Сийрак, яккам-дуккам узун-узун, мошкичири... соқол-мўйлов. Қоши тепасига тартибсиз, тўрт томонга тарвақайлаган қўшимча қош ёпиштирилган. Қулоқчини тагидан назр қилинган оқишроқ, ўрилган соч елкасига тушиб турибди. Гримнинг даҳшати, сахнадаги Чингизхоннинг қадам босишлари-ю ва-жоҳати залдагиларни ларзага соларкан. Спектакл тугатти. Ўша вақтларда томошалар жуда кеч татом бўларкан. Кечаси соат бир ярим — иккилар бўлиб қолган экан. Аминжон акага қўнғироқ бўлиб қолибди. Шу вақтда ким қўнғироқ қилди экан, дея хавотир билан гўшакни кўтарибдилар. Қулоқ солсалар, Усмон Юсуповнинг овози эмиш. Салом-алиқдан сўнг: «Аминжон, нима иш қилиб юрибсан?!» — дептилар раҳбар ҳам даб-дурустан. Аминжон аканинг бошидан биров совуқ сув қуйиб юборгандек бўлибди. Хаёлларидан «Ёмон ўйнамадик, ўт-бўтта хато қилмадик, шекилли», — деган фикр зув этиб ўтиб кетибди ва тортинибгина тинчликми, Усмон ака, дептилар. Ахир Усмон Юсупов юртни бошқараётган, ўзбекнинг ўзбеклигини кўрсатгиси келган жуда катта шахс.

— Келинойингни жа обориб қўйдинг-ку, кўрққанидан ҳалиям ўзига келолмаяпти.

Аминжон акага сал жон кирибди. Демак, спектакл ёмон бўлмапти-да, дептилар ичларида.

— Энди шу қилмишингни ювадиган бир иш бор, ука, ҳалиги йигитнинг ашуласини менга алоҳида эшиттирасан. Қайта эшитишим керак.

— Бажонидил, — дептилар Аминжон ака ва ўзларига келгандек бўлибдилар.

Улар бир-бирларига яхши дам олишларини тилашиб, хайрлашишибди. Лекин учрашиш вақтини сўраб олиш Аминжон аканинг эсларига келмапти. Неча-неча кунлар бу илтимос Аминжон акани қўйиб юбормапти. Юрт ташвиши билан юрган шундай катта лавозимдаги инсонга қачон, қаерда қўшиқ эшитасиз, деб сўраб безовта қилишга улар андиша қилибдилар.

Орадан бир-икки ой ўтиб, Усмон ака яна театрга келиб, спектакл кўрибдилар. Аминжон ака билан кўриша туриб:

— Айтган гапим эсингдан чиқдими, ашулани эшиттирмадинг-а? — дептилар.

Бир оз хижолат чеккан Аминжон ака вақтини, жойини белгилаб берсангиз, қаерда бўлсин, — дептилар.

— Боққа жой қил.

Мўлжалланган кун ва вақтда боғда жой ҳозирланибди. Кишвар опамлар қайси боғлигини айта олмадилар. Менимча, у Жангтоҳда, аввалги Пушкин боғида — ҳозирги Абдулла Қодирий номли истироҳат боғида бўлса керак. Чунки уруш бўлишига қарамай, боғ гавжум даврлар эди.

Аминжон ака Ҳабиб Саъдийни икки-учта актёрлар билан олиб келибдилар. Усмон ака ҳам келиб, бир пиёла чой устида «Оқ лайлак»ни тинглабдилар. Тинглагани сари бошлари эгилиб, кўзларида ёш қалқийверибди. Чўнтакларидан даструмол олиб намланган кўзларини артибдилар. Қайта-қайта ижродан сўнггина қўшиққа қониқиб, хўрсиниб қўйибдилар. Ижрочига қараб, баракалла, дептилар.

Жалолиддин ролининг жасоратли ижрочиси Шукур Бурхонов бир суҳбатда спектакл ҳақида шундай деган эканлар: «Усмон Юсупов катта спектаклларга, албатта, келарди. «Жалолиддин» спектаклидаги Жалолиддин ролини Шайх ака атайлаб мен учун ёзгандек. Товонидан ўт чақнайди-ган, чақмоқдек саркарда йигит қиёфасида сахна-

га чиқаверсам, танамга куч ёғилиб келаверарди. Усмон ота спектаклни кўргач, шаҳар ҳарбий комиссариатига махсус топшириқ берган шекилли, йигитлар «Жалолиддин»ни кўрмасдан фронтга жўнатилмасди. Спектаклнинг шиддаткор руҳидан тугёнга келган ёшлар томоша охирида «Босқинчиларга ўлим», — дея қичқирганча театрдан тўппатўғри урушга отланардилар¹».

Ҳа, «Жалолиддин» қўйилди. У кучли ва миллий ғурурни оширувчи, йигитларни жасоратга чорловчи йирик сахна асари бўлди. Лекин уни рақиблар кўра олмадилар. Драмани қоралаш учун тайёргарлик кўра бошладилар. Буни сезган Ойбек ва Ғафур Ғуломлар матбуотда асарни ёқлаб чиқдилар, театр актёрларини яхши спектакл билан қутладилар. «Кўпдан буён узун умрли, бадиий салмоқдор сахна асарларини орзу қилар эдик. «Жалолиддин» шу орзуимизга жавоб беришга қодир», — деб ёздилар. Афсус, қаттиқ ва аянчли шамол эсаётган эди. Шамол миллатнинг гуллари илдизига болта урмоқда эди. Бу савдо «Жалолиддин»нинг бошига ҳам тушди. Уни сахнадан олдилар. Ёзувчилар уюшмасида икки бор астар-аврасигача афдариб, пьесани муҳокама қилдилар. Асарни қўллаб чиққанлар бир томонда, яна бир томонда ўша қўрқинчли шамолни яратаётганлар. Иккинчи томон кучли эди. Ана шулар «Жалолиддин»дан иллат топдилар, ана шулар унинг муаллифи тирноғидан кир қидирдилар. Ниятлари шиддаткор инсонни ижоддан четлаштириш, толиқтириш, қўлидан олтин қаламини олиш, уни миллатчиликда айблаш эди. Мақсуд Шайхзода бу маломатларни елкасида кўтарди... Чидаш берди, сабрли бўлди. Лекин ҳақиқатни айтишдан тоймади: «Мен биламанки, аниқ биламанки, «Жалолиддин» ҳимоя қилса арзигулик шахс. У шахзода, халқпарвар, ватанпарвар шахзода! Шундай парадокс мумкинми? Менимча мумкин! Бу масалага қайтамиз ҳали, тарихни титиб кўрамиз. Агар ма-

¹ «Ёшлар» журнали. 1986 йил. 1-сон.

бодо ўртоқлар ҳақ бўлсалар, мен рўй-рост тан бераман. Ўйлайманки, ман ҳақман¹».

Ҳаёт файласуф шоир, миллат тарихининг чуқур билимдони М. Шайхзода ҳақлигини исботлади. Ўзбекистон мустақиллиги Жалолиддин Мангубердидек буюк шахсни тан олди, унинг ҳурматини жойига қўйди «Жалодиддин» драмасининг халқ кўнглидан жой олишида Ҳабиб Саъдий ижро этган кўшиқнинг муносиб ўрни бўлиши биз фарзандлар учун фахрдир.

Ўзбек Давлат Академик драма театри 1944 йилда яна бир спектакл — Н. Островскийнинг «Сеп-сиз қиз» асарини сахнага қўйди. Уни москвалик режиссёр Е. Г. Амонтов сахналаштирди, Назира Алиева эса режиссёрлик қилди. Назира Алиеванинг хотирлашларича, спектаклнинг савияси нисбатан паст бўлган. Лекин спектаклга ҳаёт бағишланган нурли ижролар бор эдики, бу нурли ижрочиларнинг бири Ҳабиб Саъдий бўлган экан. Актёрни Н. Алиева ҳурмат билан эслайди: «Ҳабиб Саъдий жуда ажойиб комик, ширадор овозга эга, ғоят эҳтиросли, истеъдодли бир актёр эди. У ўйнаган Лўли роли ҳам шу қадар кўркем, серзавқ чиққан эдики, парда ортидан унинг овози эшитилиши биланок актёрлар қалбида ҳам, томошабин чехрасида ҳам ажойиб бир қувонч пайдо бўларди. Айниқса, у гитара билан ашула айтганда овозининг чиройли оҳанги ҳаммани мафтун этарди. У бир маҳаллар мусиқали драма театрида «Фарҳод ва Ширин» спектаклида Шопур образини ҳам қиёмига етказиб яратган эди. Истеъдодли санъаткор Лўли образини ҳам Европа сахналарининг энг яхши талқини даражасигача юксалтира олди. Ўз замонасининг бу забардаст актёри, ҳозирда ота йўлини шараф билан давом эттираётган ёш истеъдодли санъаткор Ҳайрулла Саъдиев ва Ёдгор Саъдиевларнинг отаси эди»².

¹ «Ёшдик», 1991 йил. 11-сон, 72-бет.

² Назира Алиева. «Санъат менинг ҳаётим». Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1975 йил. 250-бет.

Назира Алиеванинг бу таърифларидаги бир сўз фикримни алоҳида жалб этди. Бу «жуда ажойиб комик» деган таъриф эди. Демак, Ҳабиб Саъдий драма театри сахнасида ҳам айтишга лойиқ комик ролларни ижро этган экан-да. Айтганча, Зикир ака Муҳаммаджонов ҳам «Қалтис ҳазил»да Ғани Аъзамов билан шерик бўлиб ўйнаган, деган эдилар-ку. Икки устознинг гапи бир жойдан чиқяпти. Шу пайт «Қалтис ҳазил»ни кўрганим эсимга тушади. Ҳаммасини бўлмаса ҳам, айрим сахналар, айниқса, охириги кўриниш хотирамга келади. Қулоғимга томошабинларнинг мириқиб кулишлари эшитилгандек бўлади. Ана улар худди болалигимиз, ёшлигимиздагидек бир-бирлари билан учрашиб, Мамарасулдек: «Ким бу қоронғуда бефонус юрган», — дея ҳазиллашишяпти. Қўлимга Уйғуннинг «Танланган асарлар»и (1958) 2-жилдини оламан. «Қалтис ҳазил» саҳифаларини ўқийман. Яна ўқийман. Мириқаман. Енгил тортаман. Мен гўё пьеса қаҳрамонлари билан ёлғиз қоламан. Қамбарвой ака 65 га тўлганлар. Қоровуликдан кетиб, зеновой бўлиш ниятидалар. Нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўймоқчилар-да! Яна кимга денг, ўз аёлларига! Оғайниси Мамарасул қоровул ҳам анча ёшга бориб қолган. Энди ҳозир у қоровулимисан — қоровул. Иложи бўлса-ю, куппа-кундузи ҳам шақилдоғини шақиллатиб юрса, кечаси-ку тагин омбор-помборни биров ўмариб кетмасин, деб на жағи тинади, на оёғи ва на шақилдоғи. Улар шундай ҳамкасбларки, бир-бирларидан сўзларини аямайдилар. Ҳам дард берадилар, ҳам дардини оладилар. Тиллари бой, тиллари ботир. Гапиришганда атторнинг қутисида йўқ гапларни топадилар.

Шундай қилиб, Қамбарвой звено бошлиғи бўлишга қатъий қарор қилади. Чунки аёли Ойниса шу ёшида зеновой Турдивойга кўнгил қўйганмиш. Вой, ҳазилкаш одамлар-ей, тинчимаган қайниси-ей, ҳеч ҳазилини қўймас эканда. Бунинг ҳазил эканини Қамбарвой ака ҳам сезгандек бўлади-ю, яна қайдан билсин. У ҳам хотинига аччиқма-аччиқ

«ҳазил» қилиб, ундан сал ёшроқ Бўстонга кўз қирини ташлайди. Буни Мамарасул қоровул тушмагур ҳам гиж-гижлаяпти-ёв. Ишқилиб, гуноҳ қилишдан ўзи асрасин! Фақат звеновой бўлиб, Ойнисага ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйса бўлди! Звеновой бўлади ҳам. Бўлди ҳам. Лекин хўжаликда пахтадан мўл ҳосил олиш учун гўнг етишмайди. Қарабсизки, хап саними, дея Турди фасон беркитиб қўйган гўнгга ўғирликка тушишади. Мамарасул ҳам қоровуллик постида... Охир-оқибат ҳамма нарсга жой-жойига тушади. Режа ҳам бажарилади. Гина-кудуратга сабабчи бўлган ҳазилнинг ҳазиллиги ҳам ошкор бўлади.

Ҳабиб Саъдий ана шу спектаклда Қамбарвойни ижро этган. Айтишларича, Мамарасул ролининг ижрочиси Фани Аъзамов билан шунақанги ичак узди саҳналар яратишган эканки, одамлар спектаклга уларни кўргани, енгил тортгани қайта-қайта тушишган экан. Навқирон йигитлар ёши олтмишдан ошган кексаларни шундай маҳорат билан ижро этар эканларки, саҳнада ҳатто ўзларининг ёшларини унутиб ҳам қўйишаркан.

Ҳозир тўрт парда, тўққиз кўринишли комедия «Қалтис ҳазил»ни ўқиган ёки эшитганлар шу ҳам спектакл бўлдимиз, кўтарган масаласини қаранг, дейиши мумкин. Бундайларнинг гаплари бутунги кун нуқтаи назаридан тўғри ҳамдир. Лекин ўша давр учун, урушдан азоб чеккан, очарчилик ва юпунликка чидаган, айрилиқ ўтида ёнаётган одамлар учун бундай асар керак эди. Кўнглимга сал шамол тегармикан, ҳаётнинг аянчли ўпқонларини унутиб, бир оз дилим ёришармикин, деганлар учун керак эди бу спектакл! Унутилган табассумни, унутилган беғубор кулгуни қайтадан ҳадыя этмоқчи эди бу спектакл! Режиссёр ҳам, актёрлар ҳам ниятларига етишди. «Қалтис ҳазил» бўладиган кун театрда кулгу, ҳазил-ҳузуллар авжига чиқар эди. Бу кулгу, ҳазил-ҳузуллар саҳнага ўтиб, у орқали ўзбек хонадонларига кириб борарди. Демакки, ўша оқшомда бошқа санъаткорлар каби Ҳабиб Саъдий ҳам шу хонадонларнинг меҳмони бўларди!

Халқнинг хотирасида, ҳозирда ҳаёт бўлган кекса санъаткорларимиз хотирасида «Алишер Навоий» спектаклида Мансур роли ижрочиси сифатида Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев муҳрланиб қолган. Саъдихон аканинг ўзига хос талаффузи, сўзларга урғу бериши, маккорона кулгиси-ю, ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгимда. Кийган ихчам кийимлари, гоҳ чаққон, гоҳ ҳадиксираб юриши, Навоий билан учрашганда, айниқса, узук саҳнасида тили чайналиб қолиши... улар ҳам эсимда. Яна бир нарсa хотирамдаки, Маҳбуба холам амакимнинг Мансур ролида чиққанларини кўп эслаганлар. Мамлакат опамнинг шаҳодат беришлари-ча, амаким «Алишер Навоий» қўйиладиган куни қаттиқ иситмалаб қолибдилар. Иситма кечга томон яна кўтарилиб кетибди. Театрга бу ҳақда хабар беришибди. Афсуски, Мансурни ўйновчи иккинчи артист шаҳарда бўлмаса керак, топилмапти. Амаким катта ҳароратда саҳнага чиқибдилар. То-мошабин уларнинг бемор эканини сезмапти.

Ие, нима деяпсиз? «Алишер Навоий» қўйилганда Ҳабиб Саъдий йўқ эди-ю, деювчилар ҳам бўлар. Улар, албатта, асарнинг 1948 йил 13 январда қайта қўйилган ва доврўғи бутун республикага ёйилган пайтини назарга олаётган бўлсалар керак. Аслида Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб бу драманинг биринчи тақдироти 1945 йилнинг 1 апрелида бўлган. Саҳналаштирувчи режиссёр М. Уйғур, режиссёрлар Н. Алиева, А. Турдиев, рассом С. Миленин. Ўшанда Алишер Навоий ролида Аброр Ҳидоятлов ўйнаган. Кейин эса уни халқ қалбида Навоий сиймосида сақланиб қолган, ўзи айтмиш, драма театрининг иккинчи авлодига мансуб бўлган буюк санъаткор Олим Хўжаев ижро этган.

Маннон Уйғур спектаклни қўйиш жараёнида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»-сини, тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Зайниддин Восифийнинг «Баъдое ул-вақое» ва бошқа китобларни чуқур мутолаа қилган. Спектакл учун зарур бўлган жойларини кўчириб ёки

ўз сўзи билан ёзиб олган. «Бобурнома»ни ўқиётиб, «Алишербек тутмачали чакмон кийган экандур», — деган сўзлар тагига чизиб қўйган.

Навоий боғида одатда бинафшалар бўлар экан. «Ҳазрати (Жомий) Маҳмуд ёзу қишда кўрпа мисли тўн кияр эдилар ва ниҳоят салла чулонгон бошларида ва қўлларида бир асолари бордирким, бошларидан чорак қулоч юқоридир», — деб дафтарларига кўчириб ҳам қўйган эканлар¹.

М. Уйғур асардаги ҳар бир образ устида алоҳида иш кўрди. Ижрочи актёрлар учун ҳам, ёрдамчи режиссёр учун ҳам манбалар топди. Унинг талаби билан актёрлар ўқишди, ўрганишди. Назира Алиева ибораси билан айтганда, ҳаммалари «китоб ичида шўнғиб юрдилар».

Ҳабиб Саъдий ана шу руҳий олам ичида бўлди, ана шу жозибанинг, ана шу қайноқ меҳнатнинг ичида бўлди. Ҳабиб Саъдий Маннон Уйғур оламининг, Маннон Уйғур тафаккурининг бағрида бўлди. Тасаввур қиламан, улар Мансурни яратиш учун озмунча меҳнат қилмаганлар. Бошқаларга нисбатан Мансур анча мураккаб образ. Ҳам шогирд, ҳам феъли тор. Мажидиддиннинг ўргимчак ўрамига илинган зот. Ўз устозига хиёнат қилган шахс. Тузини ичиб, тузлиғига тупурган бир кўрнамак. Демакки, образнинг қирралари кўп. Ўйлаб кетаман, Ога нечун бу мураккаб ролни Ҳабиб Саъдийга ҳам топширди. Чунки у актёрга, унинг қобилиятига ва ярата олиш кучига суянди. Унда Мансур шахсини кўра олди. Айни вақтда, Ҳабиб Саъдий билан бирга рол устида ишлади ва муродига етди.

* * *

Кези келганда онамнинг бир хотираларини сизга ҳам айтай. Адамлар ҳам театрнинг шинавандаси бўлганлар. Қайси театрда қандай янги спектакл қўйилса, ҳаммасини бориб кўрар эканлар.

¹ Э. Ф. Исмоилов. «Маннон Уйғур». Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1983 йил. 229-бет.

Зўрларини эса амакиларим билан қайта-қайта кўришаркан. «Ҳамлет»ни кўрганларида ҳаяжонлари ичларига сиғмапти. Яна кўргилари келаверибди. Ҳабиб амаким бир-икки кун орасида яна билет олиб келишга ваъда берибдилар. Чунки бу фожиани кўрувчилар тирбанд, чипта масаласи чатоқ экан. Орадан кўпам ўтмапти. Бу гал амаким ишдан куюниб қайтибдилар. Овқат ейишга иштаҳалари ҳам бўлмапти. Худди ўша куни Аброр Ҳидояттов «Ҳамлет»ни ўйнаб туриб, сахнада йиқилган экан...

... В. Шекспирнинг «Ҳамлет»и (сахналаштирувчи режиссёр Маннон Уйғур, режиссёр Бобо Хўжаев, рассом И. Шлепанов) ҳамма ёққа бир куннинг ўзидаёқ довруғ таратди. Шаҳардагиларку майли-я, томошабинлар узоқ қишлоқлардан араваларда, гоҳ юк машинасида, гоҳ яёв келардилар. Келганда ҳам гўё оқиб келишарди. Бош ролда Аброр Ҳидояттов.

*У сахнага чиққанда залга титроқ тушарди,
Етти қат кўк авжидан нақ қалдироқ тушарди.
Эл юм-юм йиғлар эди Ҳамлетнинг ёзмишига,
Анов-манов одамнинг сочиға оқ тушарди.*

Миртемир, «Аброр Ҳидояттов».

Спектаклнинг довруғи шу даражада ошиб кетган эдики, уни йигирма етти кун узлуксиз кўрсатишди. Ва ўша кун кутилмаган воқеа юз берди! «Кўп сонли томошабинларнинг илтимосларини бажариш, узоқдан атайлаб келганларни ноумид қайтармаслик учун биз йигирма етти кун давомида «Ҳамлет»ни узлуксиз ўйнадик. Халқнинг театрга бўлган бундай қизиқиши бизни беҳад қувонтирарди. Бироқ Ҳамлет кечинмалари, ҳистуйғулари, тенгсиз кураши тўлқинлари менга оғир таъсир қилиб, йигирма еттинчи куни сахнада беҳуш йиқилдим. Орадан бир неча кун ўтгач, кўзимни очиб ўзимни Москва Кремли касалхонасида кўрдим... Билишимча, мени Тошкентдан Москвага самолётда олиб келишибди. Бир неча ой даволангач, Тошкентга қайтдим. Меҳнат мени толиқ-

тириб, асаб касалига дучор бўлдим», — деб хотирлаган эди Аброр Ҳидояттов «Таржимаи ҳолимдан айрим лавҳалар»да. (Аброр Ҳидояттов. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1985 йил. 28-бет)

Бобо Хўжаев устоз М. Уйғур билан биргаликда «Ҳамлет»ни саҳналаштирган режиссёр. Аброр Ҳидояттов бошига тушган бу ташвишни у шундай эслаган экан: «Томошабинлар талабига биноан спектакл йигирма етти кун муттасил ўйналди. 29 марта ўйналганда кутилмаган воқеа рўй берди. Ҳамлет, Розенкранс, Гильдерштерн ва Полоний баҳси саҳнасида Ҳамлет — А. Ҳидояттов найни кўрсатиб: «Қани бирор нарса чалиб бер-чи», — деди. Шунда улар: «Йўқ, шаҳзода биз чала олмаймиз», — деганда, у: «Битта найни эплаб чала олмайсану, менинг кўкрагимни чалмоқчи бўласанми?!» — деб икки қўлини кўкрагига ниқтарди. Шундай қилди. Аброр Ҳидояттов шунда тўсатдан йиқилиб, ўзини билмай қолди. Дарҳол пардани туширдик. Шунда мен актёр бутун борлиғи билан образ руҳига сингиб кетганини, Ҳамлет ҳатти-ҳаракати, ўй-фикрларини, кечинмаларини санъаткор ўз қалбига жо қилиб, ниҳоятда ҳаяжонланиб образга кириб борганини сезган эдим». (Ўша китоб, 178-бет.)

Шундай дард чеккан инсонни Аллоҳ асради. Аввало худо, қолаверса шифокорларнинг тенгсиз қарови унга анча мадад берди. Энди у яна театрға ишга чиқиши мумкин эди. У саҳнани соғинганди. Энди Аброр Ҳидояттов «Отелло» бўлиб саҳнага чиқди. (1941 йил) ва мангу Отелло бўлиб қолди. Бу унинг 52-роли эди. Бу спектаклда ҳам аввалгидек залда бўш жой қолмасди. Энди ўша кезларда Эски шаҳар йигитларининг барчаси «Отелло» эди. Кўп хонадонларда Аброр аканинг шиддатли ижроси акс-садо берарди. Кўплар «Отелло» монологига ошно эдилар ва уни ёд билардилар: «Қораманми мен? Мен бир тўда олифталар сингари текис, силлиқ қилиб сўзлай олмайманми? Балки менинг ёшим анча ўтиб қолгандир. Бироқ ҳали унча қариб

қолганим йўқ-ку... О, мен севган буюмимдан бир бўлагини бошқа киши билан баҳам кўргунча кош-ки эди чўл қурбақа бўлиб туғилсам... Тақдир деган ўлимдай ҳақ. Биз туғиларканмиз, пешонага шундай шўрлик ёзилган экан. Олдимизга похол солиш бариси тақдир... тақдир... тақдир! Отеллонинг бой-ликлари ҳаммангизга хайр, хайр, хайр!»

Отеллонинг шуҳрати тенгсиз эди. Лекин актёрнинг бошида яна бир кўргилик бор эди, ўқситувчи, айтилиш вақтида, исён кўтаришга арзийдиган кўргилик. Аброр ака 1949 йилнинг сентябрида даволанишдан қайтиб келганда партия мажлисида унга иттифоқ миқёсидаги нафақа берилиши муносабати билан театрдан бўшатилагани ҳақида маълум қилишди. Шунда актёр қалбига пичоқ санчилгандек бўлди. У: «Менга пенсия тайинланганда, штатдан ўчирилсин, деган буйруқ берилмаган-ку?! Қўйинглар, ўртоқлар, мен ишсиз зерикаман, мен жонажон театрим, коллективим ичида овуниб юрибман. Ишлаш учун 10—15 йиллик қувватим бор, соғлиғим ҳам яхши, ақлу ҳушим жойида», — дейди. Штатда бўлмаса ҳам ҳар ҳафтада унинг иштирокида спектакл кўрсатишга ваъда берадилар. Афсуслар бўлсинким, 1952 йилгача уни театрга бир бора бўлса-да таклиф этмадилар. Дўстлари унинг тақдири учун оёққа турдилар. Орадан вақт ўтса ҳам адолат тикланди. 1954 йилнинг 4 майида театрнинг ёзги биносида «Отелло» қайтадан қўйилди. Уни 500-спектакл-бенифисида томошабин бўлганимдан, буюк Ҳидоятлов ижросида Отеллони, Сорахоним ва Икром Болтаевалар ижросида Дездемона, Наби Раҳимов — Яго, Лутфулла Назруллаев — Полонийларни кўрганимдан шодман. Улар қалбим тўридан жой олганлар. Буюк санъаткор 1958 йилнинг октябрида тўсатдан вафот этди. Опалари хотирасидан сатрлар: «Аброрхон бир куни одати бўйича қатик ичиб келиб, уй хизматчиси Фая опани уйғотиб, ҳовлига чиқиб юрганида бирдан боши айланиб, ток сўрисиغا суянган. Ўша ерда йиқилиб оламдан ўтган». («Аброр Ҳидоятлов». 205-бет).

Аброр Ҳидоятовдан сўнг «Отелло»ни ўйнадилар, бундан кейин ҳам ўйнайдилар. Лекин барибир бу буюк актёр Шарқнинг Отеллоси бўлиб қолажак. Ўшандай овоз соҳиби, илҳом соҳиби, ижро соҳиби етишгунча... Барибир «Отелло» уники, Отеллонинг қудратли намоёиши уники! Мен шундай деб ўйлайман!

Мана, азиз дилбандим, Ҳабиб Саъдий баҳона катта санъаткоримиз ҳақида ҳам ўқиганларимдан келтирдим. Юз эшитгандан бир кўрган, бир ўқиган афзал деган сўзларга амал қилдим чоғи.

* * *

Яна Ҳабиб Саъдийга қайтай. Маликахон онамининг деганлари: «(Улар амакимни ҳурмат қилиб Қори почча дер эдилар.) Қори поччамлар жуссалари унча катта бўлмаса-да, салобатли эдилар. Улар Қуръон ўқисалар, одам титраб кетарди. Овозлари ширали эди. Дутор чертиб қўшиқ айтсалар, ҳамма сел бўларди. Театрда ашула айтадиган кунлари, албатта, тухум ютиб кетардилар. Тожиҳўжа ака деган ўртоқлари бўларди. Карим Зокирий билан саҳнада ўйнаганлар. Қайинсинглим Инобатхон даладан тушсалар, бизларни театрға олиб борардилар. Саҳнага чиқмайдиган вақтларида биздан келиб хабар олиб кетардилар. Кечаси театрдан келишларига овқатларини иссиқ қилиб қўярдик. Қиш кунларику танчанинг четига қўйиб, чойнакдаги чойни оловнинг бағрига тиқиб қўярдик. Қори поччамдақа ширинсўз одам кам топилади».

Маҳбуба холамининг деганлари: «Ҳабакам дунёга бир келдилару кетдилар. Биз атиги етти йилча бирга яшадик. Исмига «хон» қўшиб гапирардилар. Бирор рол беришса, унга астойдил киришардилар. Кулдирадиган ролларни ўйнаганда қанча яйраб, эркин ўйнаган бўлсалар, бошқа роллари ҳам ундан қолишмасди. Қариндошлар тўй-ҳашамларда қўймай ашула айттиришарди. «Тошкент ироқи»ни яхши кўриб айттардилар. Кулоқ солиб турсанг, дунёнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқардинг. Ҳайруллани қўйгани жой топа олмасдилар.

Баданларига дард кириб қолган пайт эди. Туш кўрибдилар. Тушларида оппоқ соқол-мўйловли, оппоқ кийинган нуроний бир кекса: «Кори-хайрингизни қилиб юборинг, болам», — деб тайинлапти. Ўзига яраша етишмовчилик, урушнинг ҳиди келиб турибди ҳали. Ўғлимга тўй қиламан, деб икки оёқларини бир этikka тикиб олдилар. Кори-хайрни ўзи етказаркан. Биласан, олдин ўғил тўйи қилинганда базм бериларди. Базмга бутун театр кўчиб келган. Касал вақтларини эсласам, юрагим эзилди. Ҳозир уларнинг дарди билан оғриган кишилар тез тузалади. Ҳабакам бевақт кетдилар. Худога шукур, болаларим ақлли чиқишди. Айтадиларку, от ўрнини той боссин, деб. Шундай бўлди. Ҳайрулла ҳам, Ёдгор ҳам халқ орасида ҳурмат қозонишди. Иккаласи ҳам халқ артисти бўлди. Фақат Ёдгоримни отасини кўрмаганига ачинаман. Майли, орқамда қолишсин. Оталарининг руҳи шод бўлсин. Омин!»

* * *

Хаёл оғушида ўтирардим. Шундай вақтда Аллоҳ менга Неъмат акам Султоновни етказди. 75—76 га бориб қолган бу инсон менинг оғам, ота-оналари вақтли ўлиб кетиб, онам бағриларида катта бўлган оғам. Амакиларим учун укадек қадрдон бўлган инсон. Бир пиёла чой устида иккаламиз ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирдик. Ҳабибулла амакимнинг ижодлари билан изланиб юрганим учун гап нишабини секин шу томонга бурдим. Неъмат акамнинг чехралари бирдан ёришиб кетди. Ишонсангиз, кўзларидан ойнақларини олиб, «Ў-ў-ў...о...» деб қўйдилар. Худди кечагина амаким билан кўришгандек, чарақлаб кетдилар.

— Биз улар билан театрдан бирга қайтардик. Йўл-йўлакай роса ашула айтиб келардилар.

Мен савол назари билан уларга қарайман.

— Бирга ишлармидингиз? — дейман-у, бирдан у пайтларда Неъмат акамнинг жуда ёш бўлганлари эсимга тушиб, сал хижолат тортаман.

— Мен, Кимё опам, Нури опамларни (қўшни-миз) қоровулга айтиб қўярдилар. Биз орқадан кирадик. Залга стул қўйиб беришарди. Эски «Ҳамза» борку, ҳозирги «Аброр Ҳидоятлов», шу жуда табаррук жой. Энди сенга айтсам, театрнинг бошқача файзи бор эди. Спектакллар кечаси бирларгача давом этарди. Пардалар орасида, ўх-ў, зўр буфети бўларди, одамлар мазза қилиб у-бу олиб ейишарди. Энди ўзиям зўр конфет, шоколадлар, булочкалар бўларди-да. Боламан-да, кўзим шуларни кўрарди. Яна кириб театр томоша қилишарди. Томошабин ҳам ҳозиргиларга ўхшаб ҳовлиққан эмас, сабр-қаноатли, ўзиям театр воқеаларида иштирок этаётгандек ҳис қилардилар-да. Баъзи «театр»ларда ичаклари узилгудек кулишарди. Ҳабакамни саҳнада кўрган одамлар қотиб қоларди. Бу ёқда-ку, ўтиб кетсалар одамлар тўхтаб орқаларига бир қараб қўйишарди. Ўзиям Ҳабакам жуда чиройли бўлганлар. Тошкентда иккита чиройли бўлса, биттаси шулар эди, (эркак кишига нисбатан бу сўзлар ишлатилмаса ҳам, айнан келтиряпман) қўғирчоқ бўлганлар. Маҳбуба опамга уйланадиган кечаларида-чи...

Неъмат акамлар бирдан эсларига тушган воқеадан хурсанд бўлиб кетдилар ва бир мириқиб кулиб олдилар.

— Тўй кечаларида-чи, келин кириб келаётганда Карим Зокирий билан, улар ўла-ўлгунча бирга юришган, икковлари «Остонаси тиллодан»ни айтишган. Ҳовли тўла одам. Қийқириқ бўлиб кетган. Энди сенга айтсам, саҳнага жуда ярашардилар-да. Эй, тўхта, бу... битта «театр» бор эди, гўнг ўғирлашарди. Нимаиди? Нимаиди-я. Ҳаҳ... — улар тилларини учини ўйнагандек бўладилар эсларига туширмоқ учун. — Жудаям қизиқ эди, кулаверардинг-кулаверардинг.

— «Қалтис ҳазил».

— Топдинг, топдинг, худди ўша. «Қалтис ҳазил»да Фани Аъзамов билан бирлари олиб - бирлари қўйишарди. Фани Аъзамнинг қўлида тахта шиқилдоғи бўларди. «Жужурман», — деб атроф-

нинг тинчлигини сақлаш учун «Ким бу қоронғуда бефонус юрган», — деб қўярди... Э... ҳамма шу гапнинг гадоси бўлган. Таниш-билишлар бир-бирини кўришса, ким бу қоронғуда бефонус юрган, деб ҳазиллашиб қўярди.

— Неъмат ака, — дейман бир оз тин олгач, — ўша вақтдаги одамлар роса завқли бўлишган экан-да. Спектаклларни кўриб роҳат қилишган.

— Э, нимасини айтасан, театрга борадиган кун ўша ҳовлида тўй бўлаётгандек тайёрланишарди. Эртасига-ку, қўяверасан.

— Томошабинлар артистларни қутлашармиди? — дейман тўғридан-тўғри гул олиб келишармиди, дейишдан ўзимни бир оз тийиб.

— Қутлаганда қандоқ. Сел келишини биласан-а, қарсак худди шунақа бўлиб кетарди. Ҳеч ким ёлғондакам чапак чалмаган. Тавба, ҳозиргилар чапак чалишга ҳам дангаса.

Мен гапни «ҳозирги замонга» кўчиргим келмайди.

— Гул беришармиди? — дейман оҳиста.

— Берганда қандоқ... Ҳозиргидай тўртта гулни палон пулга олиб, шилдироқ қоғозга ўраб олиб бормасди. Ҳамманинг ҳовлисида гул бўларди. Пиён гул, атир гул, картишка гул... Ўшалардан гулдаста ясаб... Э, сахна тўлиб кетарди.

Шундай дедилару, Неъмат акам негадир бир оз ўйланиб қолдилар, чеҳраларидаги ёруғлик аста-секин сўна бошлади.

— Эссиз, барвақт кетганлар-да, — дедилар хўрсиниб. — Биласан, озроқ вақт 6-тупикда ҳам туришган. У ҳовлига тез-тез кириб турардим. Бир кун кирсам, Маҳбуба опам пиёздоели шилпилдоқ қилаётган эканлар. Гўштсиз. Ҳол-аҳволларини билгач, кетмоқчи бўлсам, Ҳабакам:

— Ке, ўтир, бирга егин, — дедилар.

Маҳбуба опам бир лаган шилпилдоқ сузиб келдилар, мен едиму, Ҳабакам озгина олдилар. Бирга чиқиб кетдик. Ўшанда мазалари йўқ эди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Мен Саъдуллақори бувамлар ҳақида сўрайман.

— Саъдуллақори отамлар жуда чиройли, «нежный» (бу сўзни улар русча айтдилар), ниҳоятда савлатли ва озода одам бўлганлар. Эски шаҳарда дўконлари бўлган, дўкондор бўлганларда. Ҳей, илгари-чи қулф-калит деганинг нимаси, чий билан ёпиб кетаверишарди. Ҳеч ким тегмасди... Ўзлари оқ-сарикдан келган — Убай адамларга ўхшаб, чиройда Ҳабакам эдилар. Қадди-қоматли. Уларнинг ҳасса тутганларини кўрмаганман. Иқболхон ойим... Э, уларни шундоқ айтиб бўлмайди, жуда юмшоқ одам бўлганлар. Ҳаммани сизлаганлар. Ҳабакамни қўйгани жой топа олмасдилар. Бир айланишдан юз айланиб, минг ўргулардилар.

Неъмат акам ва мен жуда хурсанд эдик. Ўттан азизларимиз хотирасини эслаганимиз учун бир-биримиздан миннатдор эдик.

* * *

Вилоятлардан бирига томоша қўйгани чиқишганда амаким қаттиқ шамоллабдилар. Пласкартнинг иккинчи қаватида ёттанларида деразаси очилиб қолиб, шамол уларга қаттиқ урилипти. Манзилга етиб боришганида аввалига ҳеч нарса билинмапти. Кейин эса шамоллаш ўз ишини кўрсатибди. Қайтгач, саломатликлари борган сари орқага кета бошлади. Ўпкада пайдо бўлган яллиғланишни тузатишга дўхтирларнинг кучи етмади. Холам, Иқболхон ойим улар устида парвона эдилар. Ака-укалар парвона эди. Шу ҳолатда ҳам саҳнага чиқдилар, рол ўйнадилар. Улар саломатликнинг қадрини, ҳаётнинг лаззатини билар эдилар. На чора, энди ойларгина эмас, кунлар ҳам уларнинг жисм-у жонларини бу оромдан элас-элас олиб кетарди. Улар эртак айтаётгандек аллалаб-аллалаб, ёруғ оламнинг нашъали дамларида алаҳситиб-алаҳситиб борарди. Деразадан тушаётган тонг шафақи гоҳ татир, гоҳ татимас, лекин ҳар икки ҳолда ҳам тонгни кўрганларига шукур айлаб, эҳтимолки, тонг ҳам уларнинг нигоҳларини, илтижоли кўзларини учратганидан ризо бўларди. Қуёш жилва қилганда кўнгилларидаги тунги тушқунлик ўрни-

ни умид эгалларди. Уларга салом бергани кирган дўмбоққина Ҳайрулла ва ниҳоятда гўзал қизалоқлари икки ёшли Насибахонни кўтариб олиб, бағриларига босилари келарди. Келарди-ю, фақат пешоналаридан силаб, юзларига фотиҳа тортардилар. Кўзларидаги ёш кўнгилларини ошкор қиларди. Қани куч бўлса-ю, қудрат етса-ю, улар билан ҳовли айлансалар, кўчага чиқиб айлантирсалар. Театрдагилар ҳам соғлиқларидан хавотирда. Гоҳ Наби Раҳим, гоҳ Ғани Аъзам келиб туради. Аминжон аканинг оёғи узилмайди. Кеча ёш бўлса ҳам киришимли Зикир Муҳаммаджонов ҳам ўртоқлари билан келиб-кетишди. Барака топишсин.

Бутун негадир ҳаммаёқ ютиб юбораман деяпти. Нега шунчалар жимжитлик? Амакимнинг юраклари бирдан ғаш тортиб кетди. Насибани кеча ҳам олиб киришмаган эди. Бутун ҳам. Тинчликмикан? Жимжитлик дедигу, аслида бу хонадонда безовталиқ ҳукмрон эди. Буни бемор сезмасдан иложи йўқ эди. Ниҳоят дард-ҳасратда ёнсаларда, ўзларини тутишга уринган Иқболхон ойимга нима гап дегандек қарадилар ва Насиба кўринмади, дедилар. Иқболхон ойим энди яшириб тура олмасдилар.

— Оллоҳнинг иродаси, ўзига керак экан... — дедилар ва кўзёшларини артдилар. Амаким бир зумгина жимиб қолдилар. Ўпкалари тўлиб кетди. Лекин ўзларини босиб, мени кутиб оларканда, дея юзларига фотиҳа тортдилар. — Худо раҳмат қилсин.

Насибахон минингит бўлиб, бир куннинг ичида оламдан ўтган эди.

— Пардани очиб қўйинг, — сўрадилар холамдан амаким.

Холам деразанинг оқ сурпдан қилинган калта пардасини бир оз суриб қўйдилар. Амаким бошларини сал кўтариб, гулзор томон илҳақ қарадилар.

— Гул очилмадими? — дедилар маъюсгина.

— Ғунча туккан, ҳадемай...

Маҳбуба холам жавобларини тутата олмадилар.

— У очилган куни мен... — амаким ўкинч ва армон билан ютиндилар. Томоқларини бўғишга интилган тугунни енгиб ютиндилар ва худди Насибахонга тортгандек, юзларига фотиҳа тортдилар. Бу кетаман, алвидо, демакнинг белгиси эди улар учун. Ҳаёт ташналиги қонмай туриб ҳаёт билан видолашиш арафасида эканликнинг ва уни тан олишнинг белгиси эди. Бу ҳол ниҳоятда оғир эди. Оҳиста ва зўрға эшитилган гапда Иқболхон ойим ва Маҳбуба холамнинг юраклари орзиқиб тушди. Кечагина юракларининг бир парчасини ерга қўйган холагинам қўллари билан оғизларини юмиб, юм-юм йиғладилар. Бундан бир неча йил аввал йигирма етти яшар Инобатхонларини Аллоҳга топширган Иқболхон ойим амакимнинг барқурган қошлари аралаш пешоналарини силадилар.

— Худойимнинг раҳми келсин, болам, — дея ёшларини яшириш учун четта қарадилар.

Орадан икки кун ҳам ўтмади. Ҳовли саҳнини тутган атиргулларнинг бир-икки гунчаси етилганини кўриб, ўзинг асра, дея Аллоҳга ёлборишди...

Тонгта яқин амакимнинг жонлари узилди. Ҳовлида қизил гул очилган эди. Уни авайлаб узишди ва амакимнинг чеккаларига тақиб қўйишди. 1946 йилнинг 16 апрели эди. Ўша куни ҳам қуёш чиқди. Ўша куни ҳам булбуллар хониш қилди. Бу икки фароғат энди бу хонадон учун татимасди. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Инна лиллаҳи ма аҳаза ва лаҳу ма уътия ва куллу шайъин иъндаҳу биажилин мусамма... Фалтасбир валтахтасиб.» Мазмуни: Нимаики бу дунёдан кетса ёки нимаики келса, барчаси Аллоҳники. Ҳар бир нарсанинг муддатини Аллоҳнинг ўзи тайин қилгандир. Бас, сабр қилинг ва Аллоҳдан савоб умид қилинг.

Амакимни «Тешиққопқоқ» қабристонига элтдилар. Енгил машина Солихон бувамлар, Сора опа, мен ҳамда Ҳайруллани кўтариб олган Мамлакат опамларни олиб кетди. Оркестр мотам маршини чалар эди Қабристонда театр вакиллари Ҳабиб Саъдий ҳақида тўлиб гапиришди. Аминжон ака Турдиев Ҳайруллани қўлларига олиб,

«Ҳабиб, тинч ёт, сенинг ўғлинг — бизнинг ўғлимиз», — дедилар.

Инсон тақдирга тан бермай иложи қанча. Ой-кунлари яқин Маҳбуба холамлар ўзларидан кетгудек ўкириб-ўкириб йиғлардилар...

Изланиш давом этади...

* * *

Сиз, азиз ўқувчи, Ҳабиб Саъдий олаmidан қисман воқиф бўлдингиз. Лекин мен шу ўринда уларнинг акалари, менинг адамлар Убайдуллақори ҳақларида ҳам нимадир дегим келяпти. Адам ўзлари санъаткор бўлмасалар-да уни севган, фарзандларига бу олам гулидан баҳра олиш учун йўл очган, фарзандларни ҳурмат қилиб, улардан ҳурмат кўрган иззатли инсонлар. Баъзан: «Ада, сиз нега артист бўлмагансиз?» — деб ҳазиллашсак, «Ҳамма артист бўлса, подани ким боқади», — дердилар. Яна туриб-туриб: «Мен ҳам артист бўлгим келган, лекин отам қариб қолганлар, укаларим ёш, уй-рўзғор, тирикчилик деган гаплар бор. Савдода ишлаганман. Буям-чи, ҳамманинг қўлидан келавермайди», — дердилар. Адам бир умр ўз соҳаларига, оталари йўлига содиқ қолдилар. Катта рўзғорни бошқариб, саккиз фарзандни улғайтириб ҳаётга йўлладилар. Онам Маликахон билан қўша-қаридилар. Мен сизга тавсия этаётганим «Ота қадами»ни анча йиллар аввал битганман. Бир оз ташвишли кунларнинг хотираси бўлса ҳам уни адамларга бўлган ҳурматининг бир тобланиши деб қабул қилгайсиз. Сўнгра... Маликахон онам — Иноппамлар ҳақларида ҳам шу ерга неларнидир қўшгим келди, чунки онам «Катта ҳовли»нинг суюкли ва меҳнаткаш келини бўлган эдилар, қолаверса, ўзлари ҳам тўрт келинга ҳақиқий дўст, ҳақиқий она эдилар.

Тонгги телефон жирингидан чўчиб кетдим. Юрагим бирор нарсани сезгандек ҳовлиқиб, гўшакни кўтардим. Унда синглимнинг бир оз безовта овози эшитилди.

— Адам касал бўлиб қолдилар, келаркансиз.

— Ҳушлари ўзларидами?! — гўё бу саволга олган жавобим қолган ҳаётим мазмунини белгиларди.

— Ўзларида, қўрқманг.

Бирдан ўзимнинг ҳаддан зиёд чўчиганим, юрагимнинг аллақаери бўшаб қолганини ҳис қилдим.

— Мен... Ҳозир... — гўшакни қўйдиму, бирдан ўкириб юбордим. Ҳушлари ўзларида эканига ишонмайман. Нуқул мени алдади, қўрқмасинлар, деди дейман. Адажон, деб гир-гир айланаман. Ўзимни бир оз қўлга олдим, кийиниб, кўчага чопдим. Йўл-йўлакай йиғлаб бордим. Сўнгги марта амакимникида кўрганим эсимга тушди. Ўшанда сал бошқачароқ, юз-кўзлари бўртиброқ турганди. Сўрасам, сал мазам йўқ, дегандилар. Нега кеча бормадим? Кейинги вақтларда улардан кўпроқ хавотирланадиган бўлиб қолгандим-ку, нега бормадим? Ўзимни-ўзим қийинман. Тор кўчамизга бурилаётганда юрагимни баттар ҳовучладим. Нима бўлса кўчамиздан маълум. Хайрият, ҳамма ёқ жим-жит. Жон ҳолатда эшигимизга интилдим. Эшик олди ҳар галгидек супурилган. Йўлагимиз ҳам тинч, ҳовлимиз ҳам. Шундагина мен синглимнинг гапи ростлигига, адам ҳаёт эканликларига ишондим. Барибир қандайдир ташвиш ва титроқ билан ичкари кирдим. Адам каравот билан битта бўлиб ётардилар. Чап оёқлари ишлас, тил кетиб қолган. Лекин бизнинг толейимизга эс-ҳушлари жойида эди.

Ўн беш кеча-кундуз тепаларида навбатма-навбат ўтириб чикдик. Шифокорларнинг айтишича, уларга тинчлик керак эди. Лекин адам бутун умр ғала-ғовурга ўрганган эдилар. Ҳатто ёлғиз ухламоқчи бўлсалар ҳам радиони бураб қўярдилар.

Жуда қизиқсиз-а, ада, ухлаганда ҳам концерт эшитасиз, деб ҳазиллашсак, жимжитликка ўрганмаганман, ютвораман дейди, дегандилар. Шу сабабдан шифокорлар айтган шартни бузишга мажбур эдик. Ҳол-аҳвол сўраб келганларни олдиларига қўярдик. Уларсиз эса отам ўзларини ҳаётлари сўнаётгандек ҳис қилардилар. Беш паҳлавон укам бири кириб-бири чиқиб турарди. Қариндош-уруғда, маҳалла кўйда уларни кўргани келмаган деярлик ҳеч ким қолмади.

Омон бўлсин табобат. Аввали худо, қолаверса у туфайли отам аста-секин ҳаётга қайта бошладилар. Султон дўхтир! Маҳалламиздагилар кучли ва билимдон невропатолог, медицина фанлари номзоди Султон ака Бусаков (Бусаҳожиниёзов)ни шундай дейишарди. У кишининг фидойи хизматлари уйимиздаги чироқни қайта ёндирди. Ўрни келганда яна бир дил сўзимни айта қолай. Бу кишининг ўғиллари Бахтиёр Султонович Бусаков ўзлари каби асаб касалликлари шифокори бўлиб етишди. 2-Марказий клиник шифохонасида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда. Мен бу йигитни чақмоққа ўхшатгим келади. У беморни кўрганда атрофни унутади. Дунёда фақат шу бемору ва ёлғиз унинг ўзи бор. Беморни ҳаётга қайтармоқ, уни касал чангалидан юлиб олмоқ ёлғиз дўхтирнинг иши. У шундай масъулиятни ҳис этади. У шундай жавобгарлик ҳис этади. Бу жавобгарлик унинг қонида бор, қалбида бор. Ана шу нарса уни сергак торттиради. Одамларни севишга, уларнинг жонига малҳам бўлишга ундайди. Агар мен буни — табобат илмининг бу фидойиси ишини оилам ҳаётида кўрмасам, эҳтимол шунчалик баҳо бермаслигим мумкин эди. Турмуш ўртоғимнинг қайта-қайта инсулт бўлгач, оёққа туришларида Бахтиёржондек, Нигорахондек шифокорларимизнинг хизмати катта бўлди.

Узр, отажонимга қайтайлик. Отам дудуқланиб, гапира олмай қолганларида, синглим Гулшод бир қалин қоғозга ҳамма ҳарфлар, зарурий сўзлар, рақамлар ва тўрт амални ёзиб берганди. Керакли

жумлани тузиш учун отам шу қоғозга мурожаат қилардилар. Дори-дармон, онамнинг хизматлари зое кетмади. Отам жуда секинлик билан бўлса-да, ўзларига кела бошладилар. Ойлар-ойларни қувиб кетаверди. Отамни оҳисталик билан ўтқазадиган бўлди. Овқатни оз-оздан ўзлари ея бошладилар. Ранглари раанг кириб, бизни анча хотиржам қилардилар. Ҳатто киши ёрдамида туриб, қўлтиқтаёқда бир-икки қадам ташлайдиган ҳам бўлдилар. Ҳаммамиз ўзимизда йўқ шод эдик. Онам ва укаларим атак-чечак қилиб қадам бошишга ўрганаётган гўдак мисол уларни авайлашарди. Отамнинг қадамлари секин-аста кўчамизга етди. Бора-бора опамники, укамники, амакиларимникига. Суюнардик, ҳаммамиз суюнардик. Мен ҳам. Аммо ўша кезларда менинг ўкинчли жойим бор эди. Отам ҳамманикига боришлари мумкин. Фақат меникига бора олмасдилар. Мен жигарларим каби уларни ўз уйимда кутиб олгим, ўз қўлим билан оғизларига ёққан тотли таомни тутгим келарди. Фақат бу ишни қилолмасдим. Чунки кўп қаватли бинода яшайман. Ёшлик экан-да, уларни стулга ўтқазиб, зиналардан олиб чиқиш мумкин эканлиги ўшанда эсимизга келмапти. Бу қалбимнинг бир армони бўлиб қолди.

ОНАМ ЁПГАН НОНЛАР

Ниҳоятда хушрўй эди бу аёл. Нурли эди юзлари. Ифбатли эди қарашлари. Тилларидан бол томарди. Қўни-қўшни аёллар, ёшми-қарими доим унинг атрофида. Меҳригиёҳингиз борми, деб қўйишарди улар. Эртами-кечми, вақти-бемаҳал опоқижон-ойбажон деб чиқувчилар учун эшиги очиқ эди. Аёл улар хизматига тайёр, маслаҳат бермоққа шай эди. Йўқ, атайлаб тайёр турай деб тайёргарлик кўрмасди. Босиб ўтилган ҳаёт унинг турмуш тарзида ўз изини, ўз сабоғини қолдирган эди. Жамалак сочларнинг ўрими қирқ кокилга айланганда, қирқ кокил йиғилиб, сочлар турмакланганда тўпланганди бу са-

боқ. Қайнона ва қайнотанинг қалбига йўл топа олганида, қайнилари­нинг беқиёс ҳурмати­га сазовор бўлганида тўплан­ганди бу сабоқ. Шу ки­чик жони билан катта хонадон­нинг юмушлари­ни эплаганида, беқиёс кел­ди-кет­дининг оғзига тотли таомлар тутганида йиғил­ганди ундаги бу фазилатлар. Кетма-кет туғил­ган ўил-қизларнинг вафоли ва жафоли йўллари унга сабоқлар ҳа­дя этган эди. У ҳамма ташвишлардан устун эди. Ҳаммасига бардошли эди. Ўзи саводсиз бўлгани билан, ўнлаб билимдонлар­нинг билимидан куч­ли эди унинг билимлари. Бу билимни, бу уқув­ни унга ҳаётнинг ўзи тақ­дим эт­танди. Аллоҳ бу аёлга нозик фаросат ва дид, одамларга фақат яхшилик қилиш йўлини ато этган эди. У ҳам одамлардан ёмонлик кўрмади. Турмушнинг май­да-чуйда икир-чикирлари ўтиб кетаверсин. Бун­дай хираликлар қайси замонларда бўлмагану, кимда бўлмаган. Устунлик, ирода деганлари шу бўлса керак-да. Ҳа, бу ҳослик ҳам бор эди унда. Одамларни ғам-ғусса гирдобидан чиқара олиш хислати ҳам бор эди унда. Умидли ос­моннинг чароғини ёрита олиш, кишилар кўнгли­га шу нур машғалини ёқа олиш бахти бор эди унда. Урф-одатларнинг билимдони, аёллар бо­шини қовуштира олувчи мўъжиза бор эди унда. Яна жуда кўп табиий хислатлар, бошқаларда то­пилиши мушкул бўлган ноёбликлар бор эди. Бу ноёблик замирида аёлнинг ширин забони ва камсуқумлиги ётарди. Йўқ, йўқ, у бировларга ўхшаб ўзини кўрсата билишга, камтарин тутишга уринмасди. Оллоҳнинг ўзи унга шу асликлар­ни ҳа­дя этган эди. Оналари Розияхон Шаро­фиддинқори қизидан ўтган эди бу яхшиликлар, бу чаққонликлар, бу бағрикенгликлар. Таъриф берганим — бу аёл менинг онам Маликахон Қодирхўжа қизлари. Мен элик йил уларнинг қуршовларида бўлдим, элик йил уларга суян­дим, элик йил асрадим, асрадим.

Ривоят қилишларича, бир куни Султон Ҳусайн Бойқаро: «Дунёдаги энг хушбўй нарсани кел-

тиринг», — деб қолипти. Унга қучоқ-қучоқ гул келтиришибди. Султон, йўқ, депти. Қалампирмунчоқ келтиришибди. Султон бўлса, мен айтган нарса бу эмас, депти. Кейин, уч кун муҳлат ичида топсаларинг топдиларинг, бўлмаса ҳамманги жазога тортаман, депти. Вазирлар нима қиларини билломай ўйлайвериб бошлари қотибди. Охири Навоийнинг олдига боришибди.

— Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни ҳалокатдан қутқаринг, — дейишибди.

Навоий кўп ўйлаб, охири деҳқон бободан маслаҳат сўрабди.

— Тандирдан янги узилган нонни олиб боринглар-чи, — депти деҳқон.

Навоий хурсанд бўлиб, бир сават нон билан саройга етиб борибди. Бир зумда саройни нон иси тутиб, ҳамманинг дилини яшнатиб юборибди.

— Раҳмат, дўстим, — депти Хусайн Бойқаро нонни кўриб. — Кўнглим янги ёпилган нон исини истаётган эди... Дунёда янги ёпилган ноннинг исидан кўра ёқимлироқ ҳид йўқ экан.

Ҳар гал бу ривоятни ўқиганимда алланечук бўлиб кетаман. Кўз олдимга кенгина ошхонамиз, катта-кичик ўчоқлар ёнига қурилган тандиримиз келади. Ана, онажоним биз болаларига ишонмай, тандирга ўзлари ўт қалаяптилар. Тандир тушибдими, дейдилару, оловдан ўзлари хабар оладилар. Тўборадаги ошган хамирнинг ҳиди ҳам бошқача. Онам нонни сутга қорадилар. Керагича ёғ солиб юборадилар, зувалани бирга тутамиз. Нон ясаймиз, чакич урамиз. Қўлимиз келишмаса ҳам сабр билан ўргатадилар. Ясалган нонлар сал тинган бўлади. Уларни саватга солиб ўчоқ бошига олиб борадилар. Обдан қизиган тандирнинг ўтини пасайтириб, нон ёпилмиш жойларга сув сепиб юборадилар. Ундан повуллаган, жизиллаган, фақат шу ҳолаттагина хос овоз чиқади ва ҳид таралади. Онам ўнг қўлларига рапида киядилар. Яна бошларини ўнгу сўлга энгаштириб-энгаштириб тандирга қараб оладилар. Сўнг рапида устига ясалган нонни қўйиб, унга қатиқ, жизза суртиб юбо-

радилар ва ёпадилар. Биз нон пишаётган пайтда таралаётган тотли ҳидни жуда ёқтирамыз. Айниқса, укаларим бунақа вақтда тандир олдидан кетгилари келмайди. Ўзларига аталган кичик кулчани кутишади. Онам ҳам ҳар гал «Бу — Шухратга», «Бу — Бахтиёрга», «Бу — Туйғунга» деб номманом кулча ясайдилар. Эшикли уй, битта-яримта бола-бақраси билан келиб қолишини ўйлаб яна уч-тўртта қўшимча кулча ҳам ясайдилар. Биз капкатта бўлсак-да, айти шу кулчалардан егимиз келади. Ўзиям чиройли-да! Онам тандирдан қипқизил пишган бўрсилдоқ нонларни узиб, косадаги сувдан суриб юборадилар. Нимтатир буғ кўтарилади. Нон янаям яраклаб кетади. Онам қўшниларга чиқарадилар. Қўшни ҳақи дейдилар. Ўзлариям икки тандир ёпадилар-да. Улар ёпган патирни қаймоққа қорилган дейсиз. Мен шу ёшга кириб фақат бир мартагина онам ёпган патирларидек мазали патирни еганман...

Онагинам, ҳаммамизни тушунган, қарашларимиздан фикримизни илғаб олган онажоним. Биз энди ҳаёт йўлини танлаган ўғил-қизлармиз. Лекин ҳар қадамда уларнинг ўзгача меҳрларини сезиб турамыз. Бизнинг жиндаккина муваффақиятимиз уларга қувонч келтиради. Бирор ишимиз бўлса, биз билан баб-баравар ташвиш тортадилар, севинчимиздан баб-баравар севинадилар. Укаларимнинг санъатдаги ҳаёти ҳаммамиздан ҳам уларга яқин бўлади. Оиламизда одат тусига кириб қолган бир удум бор. Бирор мақоламиз, лавҳамиз чиқиб қолса, укаларим бирор рол ўйнаса, телевизор орқали халққа манзур образ яратишса, кечқурун уни, албатта, нишонлаймиз. Онам алоҳида дастурхон тузайдилар, ишдан боргунимизча бирор тансиқ овқатга унаган бўладилар. Бозор-ўчарга тушганларида йўл-йўлакай одамларнинг кечагина кўрган «Инжа Маматлар»и, «Шум бола»лари ҳақидаги гапларни эшитиб, хусанд бўлиб қўядилар. Мен шуларнинг онасиман, дегилари келади-ю, демайдилар. Бу орада Лутфуллага яна бир рол бердилар. Ёш

йигит воқеа охирига келиб телба бўлиб қолади. Лутфулла уни ўйнайди. Ўйнаганда ҳам ўзи бўлиб кетади. Онам телевизорда уни аввалига ҳар галгидек жим ўтириб томоша қиладилар. Кейин эса безовталаниб қоладилар. Юраклари ғурмушлайди. Кўп ўтмай, ўзларини қўйгани жой топа олмайдилар. Тик этса, эшикка қарайдилар. Хаёлла-рида Лутфуллага бир нарса бўлгандек, вой, бо-лам, деб юборадилар. Телеспектакл алақачон тутаган, лекин онам унинг таъсиридан чиқолма-ган эдилар. Бунинг сезган мен огоҳ тортаман. Бу театр-ку, дейман ва бир оз ишга чалғиб қола-ман. Онам эса бизга билдирмай кўчамизга, ун-дан катта кўчага чиқиб кетадилар. Кўз очиб-юмгунча трамвай бекатига етиб қоладилар. Трам-вай ҳам аксига олиб келавермайди. Улар ҳам кўзлари нигорон тураверади-тураверади. Охири трамвай келиб, ичидан ўғиллари тушган-да, одамларни ҳайрон қолдириб уни ойнинг ўргил-син, деб бағирларига босганларича йиғлаб юбо-радилар. «Ҳартугул келдинг-а», — дейдилар, — хавотирландим-а.»

Лутфулла онамнинг бекаттача чиқиб кутиб ту-ришлари сабабини тушунади.

— Айтиб кетувдим-ку, ўртоғим билан учра-шишим керак деб.

— Айтган бўлсанг ҳам хавотирландим-да...

Лутфулла уларнинг елкаларидан қучади, сўнг қўлларидан ушлаб уй томон бошлайди. Улар шод кириб келишганида мен кўча эшикка борган эдим. Лутфуллани янги рол билан қутлайман. Онам мен-дан олдин ошхона сари еладилар. Укам ечини-б бўлгунча иссиқ овқатини олиб келиб, хонтахта устига қўядилар.

Адамлар босиқлар, унча ҳам фикрларини ай-тавермайдилар. Биз ижикилашиб гаплашиб ўтир-ганимизга улар кўпинча қулоқ соладилар. Гапи-мизнинг адамларга маъқуллиги, укаларимнинг ишидан мамнунликлари шундай юз-кўзларидан билиниб туради.

Ҳадемай хонадонимиз довуғига «Алимардон

Тўраев» доврўғи қўшилиб кетди. Кетма-кет Гул-чехра, Файрат ижро этган роллар, Ҳайрулланинг бетакрор санъати... Ёдгорнинг юлдуздек порла-ши... Онамнинг ўзлари улардан баҳра оладилар ва ўқтин-ўқтин: «Болаларимни кўрганлар дуо қилади, лекин шундоқ фарзанднинг онаси ким экан, деб сўрашмасмикан», — дейдилар. Яна ту-риб-туриб: «Болам, мани бир марта бўлсаям те-левизорга чиқарсаларинг-чи», — дейдилар ялин-гансимон. Мен ҳам, укаларим ҳам жилмайиб қўя қоламиз. Ҳозирги кунда тик этса, палончининг онаси деб телевизорда кўрсатаверишади. У вақт-ларда бундай қилиш расм эмасди. Борди-ю чи-қарсангиз... Қандай гаплар бўлиши ёлғиз Аллоҳга аён эди. Энди эса ўқинмоқнинг фойдаси йўқ.

Онам адамларнинг вафотларидан кейин анча униқиб қолдилар. Яхшиямки, уларнинг бахтига ҳар биримиз ўз оиламиз, бола-чақамиз билан тинчмиз, ортиқча ташвиш орттирмаймиз. Лекин онам барибир одамлар ташвишини қиладилар. Йўқотишни кўтара олмайдилар. Ҳар борганимда негадир Ботир Зокировни эслаб кетадилар. Бу галгисида худди шундай бўлди. Тамадди қилиб ўтирган эдик, телевизорда Ботир Зокировнинг қўшиғини бериб қолишди. Онам бирдан сергак-ландилар. Баландроқ қилиб қўй, дедилар.

Мен телевизор қулоғини оҳиста бурайман. Қўшиқчи «Араб тангоси»ни айтяпти. Унинг нола-ли жойи келганида онам кўзларини юмиб ҳузур қилиб эшитадилар. Мана ҳозир кўзларини оча-дилар, кўзлари тўла нур билан нимадир дейди-лар. Ҳа, кўзларини очдилару, лекин унда мен кут-ган нур йўқ эди. Унда маъюслик, ачиниш ва ҳас-рат ҳукмрон эди.

— Худо раҳмат қилсин. Буям ўлиб кетди-я, — дедилар чуқур хўрсиниб.

Онагинам вақт-соатлари етгунча неча бор: «Бо-тир Зокиров ҳам ўлиб кетди-я», — деганикинлар. Неча бор шундоқ йигит дунёга сигмади-я, деб хўрсиниб қўйганикинлар. Ва ҳар гал шундай «олам-жаҳон» (бу — уларнинг сўзлари) санъаткорнинг

оламдан кўз юмганига чидамай кетганларини кўрардим. Бу ҳам ёш умр қадри, ҳам санъаткор қадри кўриниши эди уларнинг қалбларида. Мен буни шундай тушунардим. Ўзим ҳам уларнинг юракларига қўнган бу ташвишга, ҳозирда ўзбек эстрадасининг отаси даражасида эъзозланаётган ёруғ юлдузга куюнардим ва онамни овутмоқ учунми, билолмадим ишқилиб бу юлдузнинг саҳнага сўнгги бор чиқиши лавҳасини айтиб берардим. Кўрганим ва эшитганим асосида, албатта.

Қандайдир жуда катта тантанали йиғин бўлган эди ўшанди. Бундай йиғинларнинг охирида концерт қўйилиши керак. Бу — одат. Яна шу одатки, катта раҳбар шу концертда ким қатнашади-ю, нима ижро этилади, уни ким бошқаради-ю, қачон бошланиб қачон тугайди — ҳаммаси унинг назорат остида бўлиш шарт. Амал ва талаб шуни тақозо этади. Раҳбарнинг айтгани қонун! У концерт қатнашчиларининг рўйхатини кўриб чиқди.

— Нега Ботир Зокиров йўқ?! — Раҳбарнинг биринчи саволи шундай бўлди.

— У — касал. Бир оз оғирроқ.

«Қатнашсин!» дея имзо чекилди. Бир неча бор унга қўшиқчининг қаттиқ хасталигини, саҳнага чиқишининг иложи йўқлигини тушунтиришга уринишди. Ўжарлик ва буйруқ ҳаммасидан устун келди. Бу хабарни эшитиб касалхонада даво истаб ётган Ботир Зокировнинг кўнглидан нелар кечди, билолмадим. Лекин у буйруқ олдида иложсиз эди. Қолаверса, дарди оғир бўлса ҳам саҳнани юрак-юрагидан соғинганди. Уни тинглашга мойил бўлган мухлисларини соғинганди. Улар элас-элас кўз олдидан ўтди. Ботирни концерт залига олиб бордилар. Энди у бу залга чопқиллаб кириб кетган, вақтидан анча аввал келиб, қўшиқ ҳолатига киришга интилан, атрофидагиларни саҳна учун тайёрлаган Ботир Зокиров эмас эди. Энди у куч-қуввати кетган, ранглари синиқ йиғит эди. Навбати келгунча кийиниб, саҳна орқасида унинг учун атайлаб қўйилган курсида ўтириб турди. Кейин... ўз номини ва залнинг гулдурос қарсақларини

эшитди. Уни парда олдигача ҳар эҳтимолга қарши қўлидан тутиб олиб келдилар. Кейин йигитда илоҳий бир куч пайдо бўлди. Қаддини тиклади. Негадир костюми этагини тортди. Галстугини тўғрилади. Енгил юриб микрофон олдига борди. «Асса»га айланган қарсақлар уни гўё қўлларида кўтариб шу ергача олиб келган эдилар. Наздида юриб эмас, учиб келгандек эди у. Тингловчилар унинг қўшиққа мажнун қалбини ҳис қилардилар. «Араб тангоси»нинг куйи, ўзининг майин жилвалари ила ёйилганда зал сеҳрланиб қолган эди.

Қўшиқ тутаганда зал сув қуйгандек жимжит эди. Ботир Зокиров қўлини кўксига қўйиб, сал эгилиб залдагиларга қуллуқ қилаётиб, бир чайқалиб кетди. Лекин буни зал сезмади. Қарсақлар уммони бошланди. Шу қарсақлар унинг оёқларига қувват бўлди. У аввалги Ботирдек кучга тўлиб кетган, қайта-қайта саҳнага чиқиб, томошабин талабини адо этган Ботирдек чехрали, қоматли эди. Эди! Кўринишга эди! Аслида у иситма ичида ёнарди. Кўзлари жимирлаб, лаблари қовжирарди. У саҳна ортига етиб олди. Ботирни «соқчилик»да турган укалари ушлаб қолишди. Қарсақлар эса уни саҳнага чорларди. На чора. Ботир яна куч тўплаб саҳна сари уч-тўрт қадам босди, қуллуқ қилди. Тайёр турган хизматчилар пардани аста-секин ёпа бошладилар. Ботирни машинага олиб чиқдилар...

Онам буни эшитганлар, юракларини эзган ҳам шу, ачинтирган ҳам. Уларни қўйиб юбормаган ҳам Ботир Зокиров қўшиқлари, Карим Зокирий ва Шоҳистахонимларнинг фарёд урмиш аламлари...

Онам, онагинам...

* * *

Биз улғайдик, ўқидик, тиндик, йўлимизни танладик. Лекин ота-оналаримиз берган таълим, улар тутган йўл биз учун машғала бўлди. Биз уларга қараб бўй олдик. Кимнинг фарзанди, кимнинг авлоди эканимизни унутмадик, унутмаяжакмиз. Унга содиқ қолдик ва содиқ қолажакмиз!

II. БАҲОР ҚУЛОЧ ОЧМИШ УЛАРГА

Ҳаёт менга ҳада этган жигарларим — бахтим. Уларнинг кўпини сиз танийсиз. Ҳатто айримларингиз уларни бир кўрсам, гаплашсам ё бирга ўтириб бир пиёла чой ичсам, деб орзу қиласиз. Биладан, сиз уларни севасиз. Улар ҳам сизни. Сиз уларни ардоқлайсиз. Улар ҳам сизни. Баъзан кўришмасангиз, бир-бирингизни соғиниб қоласиз. Сиз уларни, улар сизни. Бунга ҳам биладан. Шу боис улар сиз томон ошиқадилар. Сизга нимадир армуғон этгилари келади. Улар сиз учун, фақат сиз учун ижод қиладилар. Кўнглингиз тинчлигини, хонадонингиз ободлигини истайдилар. Укажонларимнинг санъатига бўлган муҳаббатингиз — уларга тутган чиройли гулдасталарингиздир. Улар ҳам сизга меҳнат гулдасталарини тақдим этадилар.

Мана улар — баҳордек яшнаган, одамларни баҳордек ўзига мафтун этган менинг жигарларим — Файрат, Ҳайрулла, Лутфулла, Гулчеҳра ва Ёгдор. Уларнинг учтаси Ўзбекистон Республикаси халқ артисти. Бири республикада хизмат кўрсатган артист. Бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Бу ёқда оталарининг йўлини туттишга интилан «кенжалар» ҳам бор. Эҳтимол, ўригидан данаги ширин деганлари шуларда кўринар. Қани, кўрайлик-чи, бир гап чиқиб қолар. Яхши-си гапни Файратхўжадан бошлай. Санъатга укаларидан кейин қадам қўйган бўлса ҳам ака—ака-да!

ЮРАКАЛРГА МАДОР БЎЛГАН ИНСОНИМ

Ҳамманинг артист бўлишини кутсам ҳам, Файратнинг бу соҳага кириб қолишини кутмаган эдим. Меҳри-ку бўлгандир, шубҳасиз, бу қонда бор, лекин санъаткор бўлишга астойдил киришганини сезмай қолибман. Оббо укажоним-ей, дедиму, кечагина мактабни битирганини эсладим. Ўша йил-

лари олий ўқув юртига кириш тартиби сал бошқачароқ эди. Унга икки йиллик иш тажрибасига эга бўлганларгина қабул қилинарди. Шунинг учун ҳам Файрат ўқишга ҳаракат қилмай, шартта заводга ишга кириб кетди. Жа, шартта десам бўлмас-ов, ҳар қалай ўша заводда ишлайдиган маъниликкина қўшнимиз бор эди. Шу киши Файратни шогирдликка олдилар. Заводдаги ишларга анча-мунча қўли ҳам келиб қолган эдики, ҳарбий комиссариатдан унинг номига чақириқ келиб қолди. Ҳарбийда хизмат қилмоқ йигитнинг вазифаси-да! У Бобруйскка жўнади. Ойлар ойларни қувиб ўта бошлади. Соғинч-соғинчга уланар, фақат ундан келган хатларгина ҳаммамиз учун тафт босди бўларди. Бизку майли, онам бора-бора чидолмай қолдилар. Хат келишини интизорлик билан кутардилар. Хат келдими — ё менга, ё синглимга қайта-қайта ўқитардилар. Ҳаммамиз кечқурунлари равонимизда телевизор кўришни яхши кўрамыз. Адамлару Иноппамлар (биз опам иккаламиз онамизни Инобат аммам шарафларига «Иноппа» деймиз), укаларим — ҳаммамиз. Иноппам кун-узуқун уй иши, бозор-ўчар, борди-келди билан овора бўлиб чарчайдилар. Баъзан бирон фильм ё кўрсатувни томоша қилатуриб, кўзлари илиниб кетади. Шунақада биз бир-биримизга қараб оламизда, уларни аяб кетамиз. Бир дақиқа бўлсаям тин олсинлар, деб индамаймиз. Баъзан: «Ўрнингизга ёта қолинг», — деймиз. Шунақада улар, йўқ, дилим уйроқ, дейдилар кўзларини очмай. Ўтирган жойларида бир оз мизғиб олиб, яна телевизор томоша қилаверадилар. Кунларнинг бирида телевизорда «Солдат ҳақида қисса» фильмини кўрсатиб қолишди. Бу гал онамнинг кўзлари илинмади. Шунақанги берилиб томоша қилдиларки, аскар уйига, онасига ошиққанида чуқур хўрсиниб қўярдилар. У онаси билан бир зумгина кўришиб, яна йўлга тушганида чидай олмай йиғлаб юбордилар. «Нега?! Нима учун?!» — ўйладим мен. Фильмни кўра туриб юракларида сизиб юрган дард вулқондек отилган эди. Бу дард соғинч дарди эди. Мен уларга яқинроқ сурилиб

ўтирдим-да, елкаларидан қучиб, рўмолларининг учи билан кўзларини артиб қўйдим. Юрак соғинчларини бироз енгиллатгим, уларни юпатгим келарди-ю, лекин бирор сўз дейишдан ожиз эдим. Кечаси билан онам учун ниманидир қилишни, кўнгилларини нима биландир хотиржам этишни ўйлаб чиқдим. Эртасига ҳам хаёлим шу билан банд бўлди. Ўйлай-ўйлай ниҳоят топдим. Меҳнат таътилимни оламан, бориб укамни ўз кўзим билан кўриб келаман. Ота-онам фикримни эшитиб, суюниб кетишди. Мен қайдасан, Бобруйск, деб йўлга тушдим. Укам ўртоқлари билан есин, деб бир жомадонни тўлатиб карсилама бодринг ва помидор олводдим. Йўлда айнамадими, деб қараб-қараб қўяман. Ҳайтовур, совғаларим бора-боргунча тик этмади. Ҳарбий қисмга етиб келгач, навбатчидан уни суриштирдим. Навбатчи ҳам оиласини соғиниб кетган эканми, ширингина муомала қилди. Гўшакни кўтариб, қайсидир сонларни териб, укамни сўради.

— Ҳозир чиқади, — деди у ҳам суюниб, — Тошкентданмисиз?

— Ҳа, — дедим мен мамнунлигимни яширмай.

— Бувим уруш йиллари онам билан Ўзбекистонда бўлишган экан. Халқингизни роса мақтаб гапиришади, — деди навбатчи янаям чехраси очилиб. Бирдан югуриб келаётган укамга кўзим тушди-ю, қувониб кетдим. Опа-ука қучоқлашиб кўришдик. Мени ҳарбий қисм меҳмонхонасига жойлаштиришди. Мен олиб келганларимни ичкарига бериб юбордим. «Ўртоқларинг билан е, ўзинг ҳам тўйиб ол», — дедим унга тайинлаб. У кулибгина қўйди. Бу енгил жилмайишига эътибор бермаган эканман. Кейин билсам, ҳаммасини ўртоқларига улашибди. Ўзи биттаям емапти. Чунки помидорни хуш кўрмас экан. Буни кейинчалик, ҳатто яқин-яқингача эслаб кулиб юардик.

Укам ҳарбий хизматдан қайтгач, бир оз дам олгандек бўлди. Ўқишга кирмайсанми, десак ҳафсаласизлик билан кирарман, дерди. Бизлар ҳам киришнинг вақти-соати бордир, деб ўйлаб унча-

лик қисти-бастига олмадик. Орадан кўпам вақт ўтмадиёв, бир вақт ўқишга кирдим, деб келиб қолди. Ҳаммамиз ҳайрон сўраймиз: Қайси ўқишга?

— Театральнийга.

— Қайси-қайси? — дейман баттар ҳайрон бўлиб.

У одатдагидек кулиб қўяди ва дейди:

— Укаларим кирган ўқишга.

— Сен ҳам артист бўласанми? — сўрайман яна.

У яна жилмайиб туради, ортиқ ҳеч нарса демайди.

Кўча эшиқдан кириб келган Ҳайрулла билан Лутфуллалар акаларини кўриб, севинчдан сакраб кетишади.

— Кетиб қолибсиз-ку.

— Ҳа, энди...

— Студент бўлганингиз билан табриклаймиз.

Адамлар ҳеч нарса бўлмагандек жимгина ўтирадилар. Фақат айтган гаплари шу бўлади:

— Бу сенларнинг ишинг-да, а?

Иккала йигит бараварига хаҳолаб кулишади. Файрат уларга қўшилади. Ҳаммамиз кулишамиз.

— Болам шундоқ ўқишга киради-ю, суюнмаслигим борми, барака топгур, — дейдилар Иноппам адамларга қараб.

— Ман санга бир нарса девамманми, — дейдилар адам ҳам бўш келмай.

— Барака топгурей, норози бўлманг, дейман-де.

Иноппам адамларга кўпинча барака топгур, деб мурожаат этадилар. Бу сўзни шундай оҳангда айтадиларки, унда ҳурмат ва меҳр мавжлангандек бўлади. Ҳаммамиз уларга қараб туриб ҳавасимиз келади.

Ўша куни байрам дастурхони ёзилди.

* * *

Файрат институтда ўқиб туриб, устози Маҳкам Муҳамедовнинг таклифи билан Тошкент телестудиясига ишга келди. Ассистентликка. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳкам Муҳамедов у вақтлар студиянинг етакчи режиссёр-

ларидан эди. Саъдулла Анорқулов, Ганжа Ёқубов каби тажрибали, обрўли режиссёрлар бор эди у ерда. Уларнинг илҳом парилари янги-янги асарларни томошабинга кўрсатишга даъват қилар, улар изланишар, ижод қилишарди. Ижод қилибгина қолмай, янги номлар яратишарди. Айниқса, Саъдулла ака ёши улуг санъаткорларни унутмаган ҳолда, ёшларга суянади. Бу режиссёрнинг ишлари Файрат учун намуна эди. Кетма-кет қўйилаётган телеспектакллар ижод гулшанига энди кириб келаётган ёш йигит учун мактаб эди. Устозлар аппаратлар билан ишлашдан тортиб, актёрлар билан муомала қилишгача, ҳаммасининг йўл-йўриғини кўрсатишди. Ўша вақтларда кўрсатувлар эфирга тўғридан-тўғри узатиларди. Бу ерда ишлашнинг мураккаблиги ана шундан келиб чиқарди. «Уқувлиқкина йигит экан», — устозларнинг Файратга берган биринчи баҳолари шу эди. Файрат табиатан босиқ, ориятли. Лекин билмаганларини тортинмай сўрайди, уларнинг ишига разм солади. Шундай қилиб у мустақил ҳаётга қадам қўйди, ўрганди. Биринчи кўрсатуви эфирга узатилган кун бу соҳанинг бутун масъулиятини ҳис қилди. Билмадим, бу кўрсатув экран орқали берилаётганда кимнинг ҳаяжони кучли бўлган экан: пуьлтни бошқараётган укамникими ёки экран олдида ўтирган бизларникими? Унинг кўрсатувларига секин-аста биз ҳам ўргана бошладик, ўзи ҳам. У кейинчалик роллар ижро эта бошлади.

Файратнинг экрандаги дастлабки роли «Ҳожи афанди уйланармиш» телеспектаклидаги хизматкор бўлди. Хизматкор ўта содда, ўта фидойи. Қилиқлари қизиқ-қизиқ. Кўрган сари куласиз. Шунча йиллар ўтибди, шу кичиккина рол кўрганларнинг эсидан чиқмапти.

Файратга Ғойиб Искандаровнинг кўрсатувлари, қўйган асарлари маъқул келар, ўзи сезмаган ҳолда ундан нимадир ўрганарди. Файрат ҳам режиссёрлик қилиб, ҳам роллар ижро этиб юрган кезлари эди. Шошиб унинг олдига келган Ғойиб Искандаров:

— Ука, қутқар, — деди қандайдир кутилмаган оҳангда.

Файрат негадир атрофга разм солди. Биров Фойиб акани қувиб келяптими деса, ҳеч ким кўринмади. Ҳайрон бўлиб турганини кўрган Фойиб ака унга ташвиш билан Ҳайрулла гастролга кетиб қолганини айтди.

— Хабарим бор, — деди Файрат.

— Борликка бордиру, лекин унинг ролини ким ўйнайди? «Кубалик бола»ни кўрсатишимиз керак.

— Яқинда кўрсатилган эди шекилли.

— Яна сўрашяпти.

— Мендан хизмат?

— Ҳайрулланинг ролини сен ўйнаб бергин, жон ука. Сен ҳам мос тушасан.

Файрат ўйланиб қолди. Икки кундан кейин спектакл кўрсатилади. Вақт озлигини билса ҳам Фойиб аканинг сўзини ерда қолдира олмади. Бу ўзи учун ҳам маҳорат синовиди. Шу икки кечакундуз ичида ёшгина болакай ролини тайёрлади. Спектакл ижрочилари билан қайта-қайта машқ қилди. Бир ярим соатли жонли спектакл маромида кетди. У тугагач, Фойиб ака Файратни қутлаб, миннатдорчилик билдирди.

Ўзбек телевидениесининг ихлосли ва қобилиятли режиссёрларидан бири Ҳамид Қаҳрамонов чўл бағрида юриб адашиб қолган оға-иниларнинг ҳаётини ҳикоя қилувчи «Тўртовлон» пьесасини қўймоқчи бўлиб, ролга ака-укаларни танлади. Файрат, Ҳайрулла, Лутфулла, Ёдгор. Унда қайси ўғилнинг қандайлиги, бошига офир кун тушганда ким ўзини қандай тутиши, хуллас, инсон шахсининг муаммолари очиб берилганди. Суратга олиш ишлари Ёзёвон чўлида олиб бориладди. Бундан кўзқулоқ бўлган яппанликлар Ҳамид Қаҳрамонов бошлиқ гуруҳни ўз эътиборлари билан қуршаб олишганди. Навбатдаги суратга олиш тугади дегунча, актёрлар талаш бўлиб кетишарди. Аслида улар ҳеч кимни безовта қилгилари келмай, қора қозонларини ўзлари қайнатишга тайёр эдилар.

Лекин халқ қўймасди. Чақалоғини кўтариб олган ёшгина жувон: «Бу киши ош дамлаяптилар, бормасанглар мени уйга киритмайдилар», — деди ялиниб. Қандай қилиб у ерга бормаслик мумкин? Бошқа куни бир бувижон пақирдаги чучвара шўрвани набирасига кўтартириб келиб қолди. Ҳаммалари ичиб олишди. Буларнинг бари андижонча илтифот, андижонча ҳурмат намунаси эди. «Тўртовлон» телеэкран орқали намойиш этилганда унинг энг жонкуяр томошабинлари яйпанликлар бўлишган бўлса ажабмас.

Ўзига яраша роллар ўйнаб турган Ғайрат энди миниатюраларда ҳам кўрина бошлади. Телевизион миниатюралар театрининг энг гуллаган вақтларида Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвутдинов, Хусан Шарипов, Ҳайрулла Саъдиев, Ортиқ Юсупов, Розахоним ва Эргаш Каримовлар, Набижон Собиржоновлар барқ уриб ижод қилган вақтларида у ҳам четда қолмади. Бу театр ижодкорлари бошқа театр актёрларидан нимаси биландир ажралиб туришарди. Бу улардаги томошабинни кулдира олиш, турмушда учраб турадиган камчиликларни рўй-рост айта олиш эди. Уларнинг ҳар бири бу вазифанинг нақадар қийинлигини билишар, уларга шундай иқтидор насиб этган экан, уни халққа бера олиш билан бахтиёр эдилар. Зеро, Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев: «Биз артистларга дунёда энг қийин нарса нима деб савол берсангиз, албатта, одамларни кулдириш, деб жавоб берамиз. Кулдиришга қодир кишилар оз», — деган эканлар. Миниатюра иштирокчилари эса одамларни кулдиришга қодир эдилар. Чунки улар Хожи Сиддиқ Исломов, Миршохид Мирқоқилов, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов каби кулги дарғаларининг давомчиси эканликларини билишарди.

Шу ерда мен ижозатингиз ила Ортиқ Юсупов ҳақида эслаб ўтмоқчийдим. Биз унинг оиласи билан узоқ йиллар қўшни бўлиб яшадик, яшамоқдамиз. Уйларимиз наشريёт берган бинонинг учинчи қаватида, тўғрима-тўғри эди. Биз шунчалар

қадрдон, бир-биримизга шунчалар ўрганиб кетган эдикки, ҳатто қариндош-уруғимизникига бирга бормасак, нега келишмади, деб сўрашарди. Бора-бора қўшни деган сўз биз учун бегона бўлиб қолди. Ҳайрулло, биз Ортиқвойни шундай чақирардик, оиласига жуда фидойи, қизлари Феруза, Дилфуза жони-дили эди. Улар учун ҳар куни ўн марта бозорга тушиш керак бўлса — тушарди. Ҳайрулло одамсиз ўтира олмасди. Уйда бўлди — қозонга уннарди. Овқати пишса, ишонсангиз, қайси танишим ўтиб қоларкин, деб балкон ойнасидан қараб турарди. Ҳатто кўз таниш ўтдимиз, қўярда-қўймай чақириб олар ва тайёр овқатини едириб, сўнг рухсат берарди.

Ҳайрулло ҳаммадан кейин ишга кетса, калитни бурарди-ю, кўпинча уни олиш эсидан чиқиб кетаверарди. Шунинг учун биз қўни-қўшнилар кўз-қулоқ бўлиб турардик. Бундай ҳол такрорланаверишидан безовталанган Мукамбар Ҳайруллога:

— Ҳайруллока, калитни яна оғзида қолдириб кетибсиз. Битта-яримта кириб кетса... — десалар, Ҳайрулло унинг нима демоқчи эканини дарров тушуниб:

— Қўявер, битта-яримта кириб кетса, сани нимангни ҳам олиб кетарди. Шундай яшашаркан, деб қайтага у - бу ташлаб кетади, — дерди.

Шундай ҳазилкаш ва топқир эди Ҳайрулло. У топарди, топганини оиласи, дўсти-биродарлари устидан сочарди. Ойбекнинг «Қутлуғ қон»идаги актёр ижро этган Тантибойвачча, миниатюралар театридаги кўндан-кўп роллар томошабин кўнглидан чуқур жой олган.

Ҳайрулло ўз касбини жуда севарди. Афсус, айрим актёрлар бошига тушган қисмат, уни ҳам четлаб ўтмади. Эндигина олтмиш ёшни қаршилаган Ортиқ Юсупов гастрол вақтида, Марғилон шаҳрида юрак хуружидан тўсатдан вафот этди. Мукамбар бу дардни кўтара олмади. Уларнинг ҳайит маракалари қўшилиб кетди...

Миниатюра театри актёрларини халқ жуда севарди. Ҳар ҳафтанинг якшанба куни экранда бу қаҳрамонлар пайдо бўлишини орзиқиб кутишарди. Садир Зиёвутдинов Ғайратга бу соҳада оталик қилдилар. У ерда Ғайрат яратган образларнинг кўпи эпизодик эди. Ҳисобчими, унинг ёрдамчиси... Лекин уларнинг барчаси томошабиннинг эсида қоларди. У «театр» ансамблига мос тушган эди. Шу «театр» Ғайратни комик роллар ижрочисига ҳам айлантирди, дегим келади. Чунки устоз, авлодимиз дўсти Садир ака шогирдларига шундай баҳо берган эдилар.

Ғайрат видеофильмларда ҳам суратга тушди. Ҳайбатулла Алиевнинг «Сўнгги ўқ» (Тоҳир Малик асари) фильмида яратган рус кишиси образи, таҳсинга лойиқ. Бу инсон ўзбек юртини, унинг халқини ҳурмат қилувчи, қатағон даврининг аччиқ азобларига учраган ҳақиқий рус зиёлисидир. Ғайрат ижросида бу образни кўрган томошабинлар «ўзимизнинг ўрислардан» деб баҳо беришлари бежиз бўлмаган. Бу образ икки халқ дўстлигининг ёрқин намунаси эди.

Телестудияда ишлаш Ғайрат учун асосий ижод йўлини белгилаб берди. Ўз олдига катта ва қатъий мақсад қўйган йигит телеспектакллар қўйиш орзусида эди. У интилсанг етасан, деган сўзларнинг нақадар ҳаётий эканини исботлади. Ўқиди, ўз устида ишлади. Актёрлар билан ишлаш йўлларини излади. Катта режиссёрларнинг маҳоратини, услубини, актёрлар билан ишлаш жараёнларини кузатди. Бу жараёнларнинг телевизион спектаклларга мос келувчи томонларини аниқлади. Зикир Муҳаммаджонов гувоҳлик беришларича, буюк режиссёр Маннон Уйғур ёш Тошхўжа Хўжаевга шундай уқтирган эканлар: «Билиб қўйки, сен юзага келтирмоқчи бўлган спектакл асосан актёрлар ижросида ҳал қилинади. Сенинг бутун фикрларинг улар орқали томошабинларга етказилади. Бинобарин, улар сенинг фарзандларингдек кимсалардир. Уларни ўрганишинг, қанақа им-

кониятлари борлигидан тўғри фойдаланишинг зарур. Актёрларнинг қалб калити, бахт калити ҳам сенинг қўлингдadir».

Бу фикрлар гўё ҳар бир ёш режиссёрга аталгандек, Ғайрат ва ғайратларга аталгандек. Илк бор у М. Лермонтовнинг «Вадим» қиссаси асосида телеспектакл яратди. Кетма-кет тайёрланган спектакллари ҳам муваффақиятга эриша бошлади. У қўйган асарларда ижтимоий масалалар кўтарила бошлади.

Н. Богучаевнинг «Беозор қариялар» асари уруш ва унинг азобларини қоралашга қаратилган эди. Освенцем лагерида қийноқларга чидаган асирларнинг ҳаёти кўрсатилганди. Уларни лагерда азобларга солган, инсоний ҳуқуқларини поймол қилиб, улар билан турли хил тажрибалар ўтказган кишилар — врачлар, назоратчилар фош этиларди. Улар ҳақиқий фашист эдилар. Уруш тўхтагач, бу фашистлар ниқоб остига кириб, ўзларини беозор қилиб кўрсатадилар. Асар давр руҳини, унинг курашини, фожиасини бера олди. Унда Тўйчи Орипов, Яйра Абдуллаева, Толиб Каримов ва бошқа артистлар ўз маҳоратларини кўрсата олдилар.

Д. Пеев қаламига мансуб «Еттинчи қадаҳ» эса яқин кишиларнинг бир-бирига муносабатида молмулк, дунё учун ташналик, бир-бирини йўлдан олишга интилиш, қасоскорлик каби салбий иллатларга бағишланган. Асар уч қисмдан иборат. Ҳар қисм охирида унинг қайсидир иштирокчиси ҳалок бўларди. Ҳайрон бўларли томони шунда эдики, у столдаги қадаҳни қўлига олиб лабига текказиши билан оламдан кўз юмарди. Охири аён бўладики, уй соҳибаси ҳамма меросхўрлардан қутилмоқ учун қадаҳга заҳарли қалам суриб қўяркан. Бу фақат еттинчи қадаҳдагина аён бўлади. Ролларда Яйра Абдуллаева, Турғун Азизов, Эркин Комилов, Ёдгор, Лутфулла ва бошқа актёрлар банд бўлдилар. У йирик телеасарга айланди.

«Ер фарзанди» — меҳнат қаҳрамони, пахтакор Исомиддин Арабов ҳаётига бағишланди. Бу

телеспектаклни яратиш учун Файрат Исомиддин аканинг ўзи билан учрашди. Унинг ҳаёт жараёни, юриш-туриши, уруш йиллари орттирган оёқ дардини ўз кўзи билан кўрди. Оёғи ногиронлигига қарамай кетмон чопиб, чўлга сув чиқариб, пахта эккан қаҳрамоннинг ҳалол меҳнати, уринишлари, нияти ҳамма учун намуна эди. Телеспектаклни суратга олиш анча мураккаб кечди. Чунки бу вақтда пахта терими аллақачон тутаган эди. Шунда Пахтачилик илмий текшириш институтидан бир неча юз туп очилган пахта олиб келинди. Улар чўлга бошқатдан экилди. Кейин суратга олинди. У ҳақиқий пахта даласидек кўринарди. Исомиддин Арабов ролини Зикир Муҳаммадҷонов ижро этди.

Файрат шоира Ўйтибор Охунованинг «Қўмсаш» новелласини экранга олиб чиқди. Воқеа оддийдек. Журналист қиз Америкага хизмат сафарига борганида ўз юртидан кетиб қолган ўзбек кишига дуч келади. Новелла қаҳрамони ўз ватанини қўмсайди, уни соғинади. Шу соғинчни журналистга изҳор этади. Журналист қиз ролини Мукамбар Раҳимова ўйнарди. Чет эллик ўзбекни эса қобилиятли актёрлардан бири. Одатда спектакллар тайёр бўлгач, эфирга узатилишидан олдин раҳбарлар кўригидан ўтади. Лекин режиссёр ўз иши давомида ҳар қандай ҳолатларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун ҳам у бундай вазиятлардан чиқа олишга доим тайёр туриши лозим. Худди шундай бўлди. «Қўмсаш» кўрсатиш учун тайёр. Ҳатто телевизия дастурга ҳам киритилган. Бир кун олдин Файрат кечаси ўн бирларда эртанги тракт вақтини эслатиб қўйиш учун актёрга қўнғироқ қилди. Қўнғироқ қилди-ю, бошидан биров бир пақир сув қуйиб юборгандек бўлди. «Эртага мен бора олмайман», — деган кутилмаган гапга дуч келди. Актёрнинг гапи қатъий эди. Файрат гўшакни қўйганича нима қилишини билмай ўтирган жойида ўтириб қолди. Лекин хаёл суришнинг вақти эмас, энди ҳар дақиқа ғанимат. Тезда вазиятдан чиқиш керак, бўлмаса... У Мукамбар-

хонга қўнғироқ қилди, маслаҳатлашди. Тезда уларни шу аҳволдан олиб чиқиб кетувчи, айнаи вақтда муносиб актёр топиш керак. Актёр топилди! Томошабин олдида юзларини ёруғ қилувчи бу актёр Ёқуб Аҳмедов эди. Мукамбархон орадан ярим соатча ўтмай, Ёқуб Аҳмедовга сценарийни етказиб берди... Теленовелла мўлжалланган вақтда топширилди, мўлжалланган вақтида эфирга узатилди. Лекин орадаги бир неча соат режиссёр ва янги ижрочи учун қандай ўтгани, қандай алғовдалғовлик кечиргани — бу уларнинг ўзигагина аён эди. Чунки томошабин ватан соғинчи билан ёнган, олисларда юриб уни қўмсаган инсон дарадини ҳис этиб, уни томоша қилди. Ҳар бир томошабин учун ўз она тупроғи азизларнинг азизига айланган эди шу оқшом.

Файрат Алп Жамол қаламига мансуб «Ўкинч»ни қўлга олди. Унда ҳаётнинг катта муаммоларидан бири — она ва фарзанд масаласи кўтарилган эди. Ичкиликка муккасидан берилиб кетган ўғил одамийлигини йўқотади. Ҳатто муштипар онасининг ўлимликка йиғиб қўйган пулигача олиб ичади. Бора-бора одамлардан тиламчилик қилади. Уни кўриб дам онага ачинасиз, дам хазон бўлган умрга. Ундан вазаблanasиз. Ёигитнинг гулдек севгилисидан (бу ролни Гулчеҳра Саъдуллаева ижро этган) ажралганига куюнасиз. Лекин бунга унинг ўзи сабабчи. Лутфулла ёигитни ана шундай талқин қилди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошева боласи учун куйинган, уни деб фиғон чеккан она ролини, ўғлини шу йўлга бошлаган, маишатта берилиб кетган оғайниси ролини Ҳайрулла ижро этди. Асарнинг режиссураси етук, ижролар тўлиқ. Мутахассисларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам фикри бир ердан чиқди. Энди қарангки, Файратни «летучкада» бошқа бир масала туфайли танқид қилдилар: нега у шундай спектаклда укаларини ўйнатади? Қариндош-уруғчиликка берилиб кетган. Файрат бу гапдан бошини ушлаб қолди. Чунки бу гаплар унинг хаёлида йўқ эди. Кел, шу ролда укаларим чиқа қолсин, деган фикрдан мутлақо

олис эди. Ҳайрулла ҳам, Лутфулла ва Гулчеҳра ҳам шу роллар учун энг мос, энг лойиқ актёрлар эди-да. Кучга тўлган, ижодга интилан, айнаи вақтда ҳозирдан бошлаб санъатдаги обрўсини асрашга ҳаракат қилган укалари эди. Қолаверса, ўша кезларда бу уччаласи янги ролни кутиб туришмасди, уларни роллар кутиб турарди. Файрат барибир қаердадир бу танқидга қулоқ солди, қаердадир ўзининг айтганидан қолмади.

Бир кун у қўнғироқ қилиб «Ёшлик» журналида Шароф Бошбековнинг янги асари чиқибди, жуда мақташяпти, деб қолди. Мен бу асарни бир ҳафтача олдин ўқиган, ўқигин, дея унга тавсия этмоқчи бўлиб турган эдим. «Ёшлик» ўша куниеқ унинг қўлида бўлди. Асар замирида турли тоифадаги, турли характердаги одамлар, уларнинг ҳаёт жараёнлари, ўзаро муносабатлари ётарди. Яна асосийси, унда сиз билан биз орзу қилган инсон идеали гавдаланган эди. У одамларга фақат яхшилиқ қилган, янада яхшилиқ қилишга уринган, тоғу тошлар кезиб ниманидир яратгиси келган, уйини бемалол қўшниларига ташлаб кетган... орзу қилсанг, орзу қилгудек одам. Асар жуда чиройли саҳналаштирилди, у бир неча бор намойиш этилди. Драматургнинг кўзлаган нияти экранда ҳам бўртиб чиққан эди. Мана бу образ унча бўлмапти, мана буни бошқа актёр ўйнаса бўларкан, деган гаплар бўлмади. Томошабинлар уларни кўриб мириқди. Менимча баъзилар ҳатто, ўша эшик қоққан одам қандай экан-а, мен унинг ўрнида бўлсам, шундай саховат кўрсата олармидим, бағрим шунчалар кенг бўла олармиди, деб ўзларига-ўзлари савол ҳам беришган бўлса керак. Асарнинг салмоғи ва фойдаси ана шу фикрлар билан боғланиб кетган.

«Эшик қоққан ким ўзи?» телеспектакли қўйилгунча Гулчеҳра Саъдуллаева оғир-вазмин, дардли ролларни ижро этарди. Бу асарда эса ун таниш қийин эди. Ташқи кўринишдан у деярли аввалги Гулчеҳраларнинг ўзи эди. Ички дунёсига мурожаат этсангиз, одатларига, қилиқларига разм

солсангиз, ҳайрон қоласиз, шу ўзимизнинг Гул-чеҳрами, дейсиз. Бу ерда у жуда қувноқ, гапирса гапи тугамайдиган, шўхгина, бидир-бидир аёл.

Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов яратган образи ва ижроси таҳсинга лойиқ. Ғайрат Тўйчи акани ҳам актёр, ҳам инсон сифатида жуда ҳурмат қилади, қалбини тушунади. Тўйчи Ориповнинг ижро услуби режиссёрга жуда маъқул келган. Чунки Миллий театрнинг катта ижод мактаби бу актёр қонига сингиб кетган-да. «Улар билан бемалол ишлаш мумкин. Актёр билан режиссёр бир-бирини тушунса, асарнинг ғоясини тўла фаҳмлашса, иш осон кечади. Тўйчи акамлар оғзимдан чиққан бир сўздаёқ менинг фикримни, ниятимни илғаб оладилар. Ҳар қандай мураккаб рол улар олдида чўт бўлмай қолади. Хоҳ ундай рол бўлсин, хоҳ бундай, ўзлари мириқиб ўйнайдилар», — дейди Ғайрат устоз ҳақида.

* * *

Ғайрат чиндан ҳам ижодга шўнғиди. У залварли асарларни телеспектакл қилди. «Қўриқхона», «Ҳаммаси одамларга қолади», «Имон» спектаклининг телевизион варианты. Ғайрат бу асарлар устида ишлаганда ҳар галгидек актёрларни танлашга алоҳида эътибор берди. Маннон Уйғур мактабининг ўзи илғаб олган хислатлари, устознинг иш жараёни, услубини ўқиди, ўрганди, татбиқ қилди. Устоз актёрларга мустақиллик берган, изланишга йўллаган. Лекин Ғайрат яна бир устоз, режиссёр Мейерхольднинг ижод жараёнидан ҳам хабардор, уни мутолаа қилган. Мейерхольд актёрнинг ижроси маъқул бўлмаса қандай қилиш кераклигини ўзи кўрсатиб бераркан. Ғайрат бу икки услубни билди ва иккаласини қўшиб олиб борди. Бошқачароқ қилиб айтганда ҳушмуомалалик, зийраклик билан ҳам ўргатди, ҳам эркинлик берди. У кеча келган навқирон ижодкорни ҳам, катта тажрибали санъаткорларни ҳам бирдек ҳурмат қилди. Айниқса, ҳаммага маъқули — ишдаги интизом, ишнинг мўлжалланган вақтда бошланиши.

Шулар боис «Ҳаммаси одамларга қолади» теле-спектакли кучли асар бўлиб етилди.

Профессор Дронов — атом қуролини кашф этган олим. Яратган кашфиётининг инсоният учун, яхшилик учун хизмат қилишини, одамлар ҳаёти-ни, турмушини енгиллатишга қаратилишини мўлжаллаган ва олдига ана шундай мақсад қўйган. Қолаверса, бу янгилиги ватан ҳимояси учун, уни ёвузлардан асраш учун ҳам хизмат қилсин. Про-фессор Дроновнинг ички дунёсини, унинг атом-ни яратишдаги мушкул ва бетиним ҳаётини, ўз фикри тасдиғи учун олиб борган ишларини тас-вирлайди. Олим одамлар учун яшайди, улар рав-нақи учун ишлайди, курашади. Асарда у билан ёнма-ён турувчи бир шахс борки, уни муаллиф профессор Дронов билан бемалол гаплаша ола-диган, ўз нуқтаи назарини ҳимоялай оладиган ин-сон даражасига кўтара олган руҳоний образидир. Руҳоний атом қуроли инсониятни қириш учун ўйлаб топилган фожа деб ҳисоблайди. Бутунги ҳаётда бу икки ғоя ҳам ҳақ бўлиб чиқди. Лекин асар ёзилган ва сахналаштирилган вақтда бир-бирини тўлдирган бу ғоялар бирлашмай, ўзаро кураш олиб борган эди. Телеспектакл ана шу ку-раш асосига яратилган. Инсон қадри масаласи бу асарда ўз-ўзидан кўзга ташланади. Халқ артисти Наби Раҳимов профессор Дроновни жуда кураш-чан ва доно қилиб яратди. Меросининг одамларга қолишини истаган инсоннинг нузли қиёфаси эк-ранда намоён бўлганда томошабин унинг фалса-фасини гўё тасдиқлади. Наби Раҳимов бу ролни шунчалар ўйнадики, кўрганларга профессор Дро-нов худди ёнларида — уйларида туриб улар би-лан фикр алмашаётгандек, улар учун жон куй-дираётгандек туюларди. Наби Раҳимовнинг бу рол-ни ҳаддан зиёд берилиб ижро этишининг яна бир сабаби бор эди. У замондоши бўлган акаде-мик Курчатовни танир, олимнинг оғир ҳаётидан хабардор эди. Яратган образининг ўзбек сахна-сида академик хотирасига бағишланган ёдгорлик-дек бўлишини истарди. У бунга эришди. Наби

Раҳимовдек актёрга бас кела олувчи, унинг олди-да ўз ғояларини ҳимоя қила олувчи, ҳақлигига ҳаммани ишонтира олувчи актёр танланиши керак эди. Руҳоний роли учун Файрат Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Ориповни танлади ва хато қилмади. Артист ўз ролини асардагидан ҳам зиёда қилиб бера олди. Режиссёр ҳам телеспектаклнинг кўнглидагидек чиққанидан, меҳнати зое кетмаганидан мамнун эди.

У эртасига ишга бемалолроқ борди. Хотиржамгина одамлар билан сўрашди. Хонасига кирди. Кейин ўзи учун кутилмаган воқеага дуч келди. Дуч келди-ю, аъзойи баданини титроқ босгандек бўлди, юраги қинидан чиққудек уриб кетди. Секин стулга ўтирди. Ранги ҳойнаҳой ўчиб кетган бўлса керак, хонадагилардан бири валерианка таблеткасидан тутди. Бу унинг ҳаётида юракка, асабга далда берувчи дорини илк бора ичиши эди. У ўзини босиб олгач, оҳиста ўрнидан турди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демай хонадан ташқарига чиқди. Ёнидан ўтаётган ҳамкасблари тўхтаб уни янги ютуқ билан қутлаб, қўлларини қисишди. У кулиб қўя қолди. Лекин қандай кулди, улар нима дейишди-ю, бу нима деди, кейинчалик эслай олмади. Шунча меҳнатини бир зумлик кўрсатмаси билан сувга урдириб юборган кишини ҳам кўрди. Саломлашдими-йўқми, билмади. Киши ўтди-кетди. Шунча нотинч, аммо завқли оқшомлар, суратга олиш жараёнидек машаққатли дамлар бир лаҳза эсига келди-ю, ўтди-кетди. Эвоҳ, кимга дардини айтсин?! Телеспектакл у ишга етиб боргунича ўчириб юборилган эди. Файрат ғавғо кўтармади. Чунки фойдасиз эди. Баҳона—техниканинг етишмаслиги. Не-не телеспектакллар бошига шу кунлар тушган ва яна тушиши мумкин эди. Наби Раҳимов кўп телеспектаклларда катта-катта ролларни ижро этди. Лекин «Ҳаммаси одамларга қолади»даги профессор Дроновчалик ҳеч қайсисига ихлос қўймаган эди. Асарнинг ўчирилганини эшитиб, у бир зум жимиб қолди. «Юлдуз кўрмай жон бериптида», — деди-да, режиссёрга сабр тилади. Шундан

сўнг ҳар доим Ғайрат билан гаплашиб қолишгани-да ё янги спектаклни машқ қилишаётганида йўқотган фарзандини қўмсаган отадек профессорни эсларди. Ҳали бундан кейин ҳам зўрини ўйнайсиз, деса, у бошқача эди-да, Ғайратвой, дерди устоз. Ҳатто хаста Наби Раҳимов тепасида укалари билан парвона бўлишаётганда ҳам уни эслаб, ўчириб юборилганига ачинган эди.

«Еттинчи қадаҳ» спектакли бошига ҳам шу кун тушди. Фарқи — у қайта кўрсатишга улгурилган эди. Шукурлар бўлсинким, Ғайрат режиссёрлик қилган «Қўриқхона», «Эшик қоққан ким ўзи?», «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» телеспектакллари ўчирилмай қолди. Улар олтин фонддан жой олган.

«Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» телеспектакли 1996 йилда суратга олинди. Муаллиф ўз асарини жанр нуқтаи назаридан трагокомедия деб ёзган эди. Ғайрат эса асосий эътиборни Бойкенжаев ҳаётининг фожиавий томонига қаратди. Кўрик вақтида муаллиф жанрга ўзгартириш киритгани учун режиссёрдан қаттиқ хафа бўлди. Вақт ўтди. Асар томошабинлар ҳурматига сазовор бўлди. Шундагина муаллиф режиссёрнинг тўғри йўл тутганига ишонч ҳосил қилди ва ўз раҳматини айтди.

«Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» телеспектакли инсоннинг кўзини очувчи, бутунги мустақиллик кунларини қадрлашга чорловчи асардир. Чунки у Шўронинг нафаси ҳали узоқ кетмаган, ҳатто айрим одамлар қўлга киритилган эркининг моҳиятига тўла тушуниб етмаган пайтда экран юзини кўрган эди. У одамларни ҳушёрликка чорлади. Эслайсизми, Бойкенжаев тепадан буйруқ олган: мусулмон ва насронийларнинг мазорларини қўшиб юбориш керак. Демак, янги қабристон очиш керак. Қабристон-ку тахт, энди дафн этиш учун майит керак. Бойкенжаев бу масъул вазифани бажаришга тайёр. Ана энди у тантана учун, юзининг ёруғ бўлиши учун ҳаракатга тушади. Аксига олиб ҳеч ким қазо қилмайди. Фақат янги туғил-

ган чақалоқнинг ўлими ҳақида хабар топади Бойкенжаев. Қабристонга ёш гўдакни биринчи бўлиб дафн эта олмайдилар. Чунки юқоридан болалар ўлими ҳақида гап тегиши мумкин.

Шундай. Мен ўзим мусулмон ва насроний қабристонларини қўшиб юбориш ҳақидаги масала кўтарилган катта мажлисда қатнашганман. «Оташин» нутқни эшитганман. Шу мажлисда олийгоҳ ётоқхонасида лозим кийиб юрган қизларнинг қораланганини, бошини қатиқ билан ювгани учун камситилган онларининг гувоҳи бўлганман. «Нега шампун билан ювмайди? Нега ётоқхонада гамаж киймайди?» Бу масала ҳам ўша мажлисга олиб чиқилган эди. Қайси мард ўша вақтда мингдан ортиқ одам ичида туриб, ундай эмас, бундай дея оларди. Борди-ю деса, pista пўчоққа жо қилиниб, шармандаи шармисор бўларди.

Дарвоқе, ҳозир буни сизга мен оддий гапдек гапиряпман. Лекин ўша вақтда одамларнинг чеккан руҳий азоблари, нега отасига жаноза ўқиттирди, деб йўллари тўсилган, сазойи қилинган одамлар. Маросимга борганингизда қўрқа-писа қилган тиловатингиз... Ўша кезларда вилоятларимиздан бирида юз берган ажиб кўринишни айтиб беришган. Ҳам кулиб, ҳам алам билан. Айрим туманлардаги иш билан танишиш учун уч-тўртта вакил Тошкентдан вилоят маркази сари йўл олишган. У вақтларда «атеистик пропаганда» деган гаплар бўларди. Маҳаллий раҳбарлар «бу ишни биз мана бундоқ қиляпмиз!» деб мақтаниш ва янгилик киритишаётганини намойиш қилиш мақсадида вакилларни қабристон сари бошлашади. Чиндан ҳам қабристон янги очилган. Эндигина битта ё иккита қабр пайдо бўлган. Атрофи ўралган қабристоннинг каттагина дарвозаси бор. Бу зарурат, албатта. Лекин гап бошқа ёқда эди. Дарвоза олдида унинг пештоқига илишга мўлжалланган ёзув тахт эди: «Хуш келибсиз! Добро пожаловать!» Кўрганлар бақрайиб қолишибди. Кимдир «пиқ» этиб кулиб юборай дейди. Масъул ходим меҳмонларнинг муносабатини, бу ташаббуснинг нақадар

ўринсиз эканини ҳис қилдими, ҳар қалай бир оз ноқулай аҳволга тушади. Қабристоннинг ичига киришади. Ўртада йўл. Бир томонда мусулмон қабри дўппайиб турар, бир томонда насроний хочи тикка турарди. Икки динга мансуб кишиларнинг қабристонга барабар олиб келиб қолишса-чи? Шундай ҳолга дуч келишдан ўзинг асра.

Бойкенжаев — ўша давр югурдагининг акс сандоси. Бойкенжаев — отаси гўдаклигида ўргатган «Бисмиллоҳ»ини унутган, ўз амалини сақлаб қолиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, халқнинг ғазабига учраши лозим бўлган инсон. Оллоҳ унга қайтарди. Унинг юраги бу синоатларга, ўз қилмишларига бардош бера олмади. Бойкенжаевни худди шу ҳолда сизнинг кўз олдингизга келтирган халқ артисти Тўйчи Ориповга тасаннолар бўлсин! Барча ижрочиларга тасаннолар бўлсин! Бугунги кун учун бу видеофильмнинг қадри асладир. У гўё дейди: «Эй инсон, кўзингни оч! Улуғ миллатга мансубсан, сени топтамоқчи, удумларингни, урф-одатларингни оёқ ости қилмоқчи бўлганларнинг жазоси аниқдир. Сен, эй, инсон, аввало ўзингни қадрла. Ўз қадринг атрофиндагиларнинг қадри-ҳурмати билан қўшилиб кетади. Демакки, сен ота тупроғинг қадрини биласан. Тупроқ қадри — юрт қадри, муқаддас Ватан қадри!»

* * *

Ғайрат Убайдуллаев санъатимиз тарихи учун яна бир савоб ишни қилди. Халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримовни сўнгги бор қўшиқ ижро этаётган вақтида ёзиб олди. Машҳур тожик актёри Маъруфхўжа Баҳодировни суратга олиб қўйди. У бундай инсонларнинг юраклари хонишга тўла эканлигини, вақтики келиб, умр дарёсининг у соҳилига ўтишгандан сўнг ҳам одамлар уларнинг санъатига муштоқ бўлишларини ҳис қилган эди. Ўзбекистон халқ артистлари Манзура Ҳамидова, Обид Толиповларнинг юбилей кечаларини ёзиб олишга раҳбарлик қилди. Эндиликда улар олтин фонда — олтин сандиқда сақланмоқда. Мен халқ ар-

тисти Наби Раҳимов билан боғлиқ тасвирга олиш дақиқалари ҳақида алоҳида тўхталишни истайман. Аввалроқ бу устоз билан Файратнинг ижодий ҳамкорлиги ҳақида тўхтаб ўтган эдим. Наби Раҳимов Ҳабиб Саъдий билан бирга ишлаган, бир сахнада рол ўйнаганлар. Айтишларича, улар кўпинча бирга юришар экан. Эҳтимол, шу боис бизнинг авлодга санъаткорнинг меҳри бошқача бўлгандир. Театрда Ёдгорни қўллаб-қувватлаган, телестудияда Файрат ва Лутфулланинг кимга мансуб эканини билиб ихлос қўйган, Ҳайруллани ўз фарзандидек кўрган инсон Наби Раҳимов эди. Тўйларимиз у кишисиз ўтмасди. Уларни доим ёшлар орасида кўрганлар қизиқиб ҳам сўрашар экан:

— Наби ака, нега сиз доим ёшлар билан бўласиз? Тенгдошларингиз билан мазза қилиб гаплашиб ўтирмайсизми?

— Э... тенгдошларим билан бўлсам, доим ўлим ҳақида гапиришади. Ёшлар — ёшлар-да, уларнинг гапи ҳаёт ҳақида.

Наби Раҳимовнинг яна бир улуғлиги шунда эдики, у ёшларга ўз ҳаёт тажрибаларидан кўп сабоқлар берарди. Уларни тўғри йўлга бошларди. Энг муҳим гапи ҳамманинг ёдида қолган. Бу гап барча санъаткор учун мактаб ролини ўтай олувчи гапдир:

— Билиб олингиз, артист бор, артис бор. Сизлар артист бўлинг. Ўзини катта артистман, дейдиганлар бор. Улар катта ролларга даъво қиладилар. Ўйнайдилар ҳам. Лекин ўйнагани билан халқ уни тан олмайди. Кичик рол ўйнаб халқ оғзига тушганлар қанча.

Наби ака саксон ёшдан ошган умрларининг сўнгги ойида ётиб қолди. Келинойи вафот этганига анча бўлиб қолган, энди уларга парвариш керак. Ўғиллар ўз йўлига, набиралар ўз йўлига. Уларнинг ёнида укаларим туришди, парвона бўлишди: Ҳайрулла, Ёдгор, Файрат. Бу уларнинг устоз олдидаги бурчлари, устоз кўрсатган безавол меҳрибончиликнинг акс-садоси эди. Файрат уларнинг сўнгги интервьюларини суратта туширди:

...Эшик қўнғироғи босилди. У очилди. Операторнинг камераси каравотда ётган беморга йўналди. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашлар. Камерани сезган Наби ака «соқоллар ўсган» дея ияқларини силаб, бир оз хижолат чеккандеклар.

— Хижолат бўлманг, томошабинлар сизни соғинишган, сўзингизни эшитишмоқчи.

У кун — 7 ноябр, Наби Раҳимовнинг туғилган кунлари эди. Уларни Ғайрат, Ҳайрулла, оператор Шариф Қодировлар қутлашди. Навбатдаги кадрда устоз каравотга суяниб ўтирибдилар. Қўлларида апельсин, уни ўқтин-ўқтин ҳидлаб қўядилар. Овозлари бир оз хаста-ю, лекин секин гапирсалар-да тиниқ гапиришга уринадилар.

— Одам қадрини одам биларкан. Одам бор ерга одам келаркан. Одам одамга керакли пайтида керак экан. Кераксиз пайтида кераги йўқ экан. Мен дардлик, мазам йўқ вақтимда шуни сездим. Лекин одамларнинг қадрини, нималигини, қанақалигини, ким-кимни, қанақа одамни қадрлашини ҳам билдим. Одамнинг тоби йўқ вақтида келиб туришларинг катта гап экан. Бир хил одамлар бўлади, керакли пайтингда керак бўласан, бўлмаса — йўқ. Одамлар борки, одам бўлиб олиб, айтайлик, актёр бўлиб олади-да, кейин битта-яримта қуруқ ролларда, битта-яримта қуруқ томошабини чиқиб тургани учун унинг гапларига учиб хурсанд бўлиб юраверади. Санъатда ишлаётганимга, ишлаганимга 63 йил бўлган бўлса, шу 63 йил давомида ҳеч кимдан ёмонлик кўрмадим. Демокчиманки, менинг миллион-миллион томошабинларим, етти яшардан етмиш яшаргача, саломатмисиз, омонмисиз дейишининг ўзи мен учун катта гап. Мени инсон қилиб етказган, инсон қилган, инсон қаторига олиб кирган — халқ, миллион-миллион томошабин. Шу томошабиннинг қадрига ета билиш керак.

Ғайрат телетомошабинларга тилагингизни айтсангиз, деди.

— Мен халқимдан, мени Наби Раҳим қилган ўзбек халқидан миннатдорман. Хонадонларингизга

тинчилик тилайман. Ҳаммаларингнинг бошларинг омон бўлсин. Соғ-саломат бўлинглар.

Орадан бир неча кун ўтди. Буюк санъаткор оламдан кўз юмди. 1984 йилнинг 23 ноябрида Эгамберди Мусаевнинг «Тимсол» кўрсатуви навбатдаги сонининг бир саҳифаси Наби Раҳимов хотирасига бағишланди. Бу сўнгги тасвири — буюк артистнинг сўнгги сўзларини бутун Ўзбекистон эшитди. Бу тасвир тарихга айланди.

* * *

Ғайратнинг яна бир муҳим иши — қатор спектакллари тасвирга тушириб олишга бош-қошчилик қилгани. Ҳозиргина айтганим, кекса санъаткорларни ғанимат билиб, улар иштирокидаги спектакллари тезроқ ёзиб олишга ҳаракат қилган. Бу Сорахоним Эшонтўраева ва Наби Раҳимовлар иштирок этган «Ғариблар» спектаклидир. Бу асарда кексалиқда фарзандлари бағрига, ўз уйларига сиймай қолган ота-она тақдири ётади. Улар экранда кўринганда кўзларига эътибор беринг-а. Кўзлар юрак дардларини айтиб турибди. Ғайрат суратга олиш жараёнида образларнинг руҳий ҳолатини очиб беришга ёрдам берувчи кадрларга кўпроқ эътибор берди. «От кишнаган оқшомда» (Республика Ёш томошабинлар театри, Тоғай Мурод асари), «Қора камар» (Аброр Ҳидоят-ов номли театр, Ш. Холмирзаев асари) спектакллари томоша қилинаётганда ҳам бу ҳолат дарров сезилади. «Парвона», «Темир хотин», шунингдек, қатор вилоят театрларида қўйилган спектакллари ҳам телеэкран орқали кўрсатиш учун Ғайрат бошчилигидаги гуруҳ ишлаган. Улар олтин фондда сақланмоқда. Укажоним ҳозирда ҳам қайноқ ижод жараёнида. Дам Марат Асадуллаев билан «Қовун туширади», дам ханда дўконида «савдо» қилади. Дам «ТТВ+ ...» орқали аҳолини Тошкент театрларида қўйилаётган янги асарлардан хабардор қилиб туради. Ҳадемай Ғайрат 67 ёшга тўлади. Ҳеч ким унга бу ёшни бермайди. Шуниси маъқул!

Яқинда катта тоғамнинг қизлари Маҳсума опамлар ва ота авлодим, саксонга бориб қолсаларда сўзлари доно, фикрлари тиниқ Муборак опамлар билан суҳбатлашиб қолдим. Гап онамнинг оталари Қодирхўжа бувамларга бориб тақалганда икковларининг гаплари ҳам бир ердан чиқди:

— Қодирхўжа отамлар худди Файратнинг ўзи эдилар, — дедилар Маҳсума опам.

— Агар Файратга соқол-мўйлов қўйиб, салла ўратсанг, Қодирхўжа отанинг ўзлари бўлади-қўяди, — дедилар Муборак опа.

Бобосига ўхшаган набира бахтли бўлади, дейишади. Мен бунга ишонаман. Чунки Файратнинг ҳаётида ширин бахтни кўраман, йилт этган ижодида унинг тараннумини кўраман. Ахир ота суйган бош ўғил бўлиш — бахт эмасми? Муяссархондек оқила-ю чаққон, пазанда-ю чевар, куйди-пишди курсдошига кўнгил қўйиб, санъат йўлида бирга қадам ташлаш, сал кам қирқ йилдан бери тинч-тотув яшаш — бахт эмасми?!

Дарвоқе, Муяссархон ҳақида. Келиним Файрат билан театр санъати институтида бирга таҳсил олишди. Ойим уйларига совчи бўлиб борганларида тақимига урган қалин сочларига маҳлиё бўлиб қайтган эдилар. Бизга келин бўлиб тушганида оёқ-қўли чаққон, худди онамнинг ёшликларини эслатувчи уқувли эди. У пиширган таомларнинг мазаси оғзимизда қоларди. Келган меҳмонни иззат-икром ила кутиб олиш, иззат ила кузатиш бобида онамларнинг қуйиб қўйган ўзлари эди. Билмаганларини онамлардан ўрганди. Биз қайин-бўйинлар кўпинча унинг келинлигини унутиб қўярдик. У ўзимизники эди. Чеварлиги учун укаларимнинг иши, айниқса, кўпроқ тушиб турарди. Кетма-кет туғилган фарзандлар бироз катта бўлишгач, Муяссархон аввал Муқимий театрида, сўнг Ўзтелерадиокомпаниясида ишлай бошлади. Кино редакцияси унинг асосий ижод жойларидан бири бўлди. Ра-

диода ҳикоялар ўқиса, энди у бадий ва мультфильмлар дубляжида фаол иштирок этиб, турли ролларга овоз бера бошлади. Чиндан ҳам у овоз бериш ҳадисини олди. Муяссархон актёрликни битириб, сахнада катта-катта образлар яратмаган бўлса-да, ҳаёт сахнасида, турмуш сахнасида меҳрибон келин, меҳрибон она, меҳрибон аёл бўлиб яшамоқда. Файрат ва Муяссархонларнинг бирга қурган ҳаётлари, Тўлқин ва Уйғундек қўш ўғилга, Гулнозахондек қизчага ота-она бўлиш, Ҳилолаҳон ва Маҳбубаҳонларга, қолаверса, Дилшоджонларга қайнона-қайнота бўлиш, Саъдуллаҳўжа, Исмоил, Иброҳим, Ҳабибабону, Юсуфхон, Айюбхонларнинг суюкли, эртаксевар буваси-бувиси бўлиш бахт ва фақат бахт. Уларнинг келтирадиган ташвишларидан бахт ахтаришнинг ўзи бахт. «Болалар бор экан, ташвиши бўлади-да. Оғир кунлардан Эгамнинг ўзи асрасин», — дейди Файрат.

Биз опа-укалар ота-онамиз вафотидан сўнг Мамлакат опамлар ва Файратга суяниб қолганмиз. Шодлик кунларимизда ҳам, Аллоҳ насиб этган серташвиш, синовли кунларимизда ҳам улар ёнимизда. Бизгамикан ёлғиз бу меҳрибонлик? Файратнинг ёруғ кўнгли зийнати ҳаммага етади.

* * *

Оддийгина кун эди. Файрат анчадан бери кўрмай юрган ўртоғининг укасини кўриб қолди. Йигитнинг кайфияти унчамас, нимадандир изтироб чекаётгани юз-кўзидан билиниб трарди. Улар саломлашишди. Файрат ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Акасининг ишларини суриштирди. Йигит гапирарди-ю, лекин очилмасди. Файрат индамай кетолмади.

— Ўзинг тинчмисан? Нега кайфиятинг ёмон?

— Э, Файрат ака, — йигит хўрсинди, — сафарда эдим. Оғайним қазо қилибди. Иккита боласи қолди. Кекса онаси ҳам бор. Турмушлари анча оғир эди.

— Худо раҳмат қилсин, — Файрат юзига фотиҳа тортди. — Қаерда турарди?

Йигит фотиҳа ўқигани борсалар керак деб, аза манзилини тушунтириб берди. Улар хайрлашишди.

Файрат бирров ишига учрашди-да, тўғри ўша манзил томон йўл олди. Ҳовлида икки болакай ниманидир талашиб ўйнаб юришарди. Қоп-қора кийинган ёшгина жувон Файратни кўриб, ўзини бир оз четта олди-да, салом берди ва ичкарига таклиф қилди. Файратни кекса она томон бошлади. Марҳум шаънига Қуръон тиловат қилинди. Кекса онанинг кўзёшлари дарё мисол эди. Тураётиб Файрат чўнтагидаги бор пулини кампир олдига секингина қўйди...

* * *

Оддийгина кун эди. Улар уч-тўрт киши бўлиб ижодий сафарга чиқишди. Қишлоқ ҳаётини суратга олишлари лозим эди. Иш анча охирлаб қолганда уларни тамадди қилишга таклиф этишди. Оддийгина хонадонга кирдилар. Дастурхон ёзилди. Нон ва майда-чуйда келтирилди. Олдиларига бир косадан қатиқ ҳам қўйилди. Қатиқ ёғлиқ, ўзиям кесиб оладиган даражада яхши ивиганди. Улар қатикни мақтай-мақтай ича бошладилар.

— Тошкентда бунақа қатиқ ивитишмайди. Сувачиб кетади. Болаларим қатикни яхши кўришади, — деди даб-дурустдан меҳмон аёл.

— Яхши кўришса, бериб юборамизда, — деди уларни бошлаб юрган йигит кулиб.

— Йўғ-е, овора бўлиб...

Йигит уй эгасига тайёрланг, деган имони қилди. Ўзлари билан бирга борган бу аёл қатиқ ёнида турган сопол идишдаги сузмани ҳам ялашга улгурганди.

— Қаймоқ-а, қаймоқ!

Бу гаплар Файратнинг қулоғига ғалатиноқ эшитиларди. У ёжиниб қўйди. Ижодкорларни бошлаб юрган йигит ёнида ўтирган уй эгасига нимадир деб пичирлади. Мезбон хўп дегандек ўрнидан қўзғалди ва ташқарига чиқиб кетди. Бир оз ўтгач икки товоқча кўтариб келди. Бирини аёл-

нинг олдига, иккинчисини уларнинг олдига қўйди. Товоқда қуюққина қаймоқ бор эди. Аёлнинг юзлари янаям ёришиб кетди.

— Ие, ҳали қаймоқ ҳам борми? Аёл бир тишлам нонни унга ботириб оғзига солди. Чайнади. Ютинди. Яна: «Мазаси яхши экан», — деб тамшаниб ҳам қўйди. Файратнинг ва ўтирганларнинг баттар гаши келди. Бу гал энди у сал маъноли қилиб аёлга қараб қўйди. Аёл унча тушунмади, тушунса ҳам ўзини сезмаганга олдим, ҳар қалай дам қаймоққа қўл узатар, дам сузма яларди. Ялаб туриб у таққа тўхтади.

— Шу менинг порциям-а? — деди сузмага тикилиб туриб. Сўнг бошлаб юрувчи йигитга юзланди, — уйда ерман, олиб кета қолай.

Файрат қанчадан-қанча аёллар билан сафарга чиқиб бундай ҳамкасбига биринчи бор дуч келиши эди.

— Қўйсангиз-чи, опа. Шаҳарда сизга бундан зўр сузмани топиб бераман.

— Ҳа-я, — деди аёл ўзини хижолат тортганга солиб.

— Нега, кўнгиллари шуни тусаса, бериб юбораверамиз, — деди йигит ва қўшиб қўйди. — Сигир ўзимизники, сотиб олмаймиз.

Файрат ва шериклари хижолат ичида нари-бери тамадди қилдилару, «ош дамланди» деганларига қарамай ўринларидан туришди. Мезбонлар эса шошиб қолишди. Уй эгаси қоқилгудек бўлиб улардан олдин чиқиб, ошхонага кирди. Меҳмонлар ҳовлига чиққанларида сўри устида киши бошига биттадан шиша идишда сузма ва қаймоқ турарди. Уч-тўртта юпунгина кийинган болажонлар эса дам идишларга жовдираб қарар, дам меҳмонларга қараб қўйишарди. Файрат сафарга чиққанида ҳар эҳтимолга қарши чўнтагига солиб юрадиган конфетларни олиб болаларга улашди. Уй эгаси:

— Бори шу экан. Янаги келганларингда... — дея уларнинг қўлларига идишларни тута бошлади.

Файрат мезбоннинг қўлидан «совға»ларни олиб, жойига қўйди.

— Болаларингиз есин, ҳеч ким олмайди.

Икки литрлик идишдаги сузмани мўлжаллаб турган аёл қўлини узатганича қолди. Хайрият, номус кучлилиқ қилдими, олмади. Тошкентта қайтарканлар, у кела-келгунча қаймоқ ва сузмани эслаб келди. Файрат бошқа ҳеч қачон бу муҳаррир аёл билан сафарга чиқмади. Дарвоқе, аёлининг ўзи ҳам кейинчалиқ кўринмай қолди.

* * *

Оддийгина кун эди. Кутилмаганда умр йўлдошим қаттиқ оғриб қолдилар. Ҳамма оёққа турди. Файрат, айниқса, ташвиш чекарди. Биздан хабар олган, поччасидан хабар олган. Касалхонадан эсон-омон чиққанларида кунда-кунора уйга келди. Ўзларининг кучлари етмагани учун соқолларини фақат у оларди. Файрат уларга хизмат қила туриб бисотидаги яхши гапларни поччасидан аямасди. Нима қилса ҳам уларнинг кўнгилларини кўтаргиси келарди.

Бутун ҳам эшиқдан кўнгли тобланиб кириб келди. Қиш фасли бўлса-да қўлида райҳон бор эди.

— Катта ҳовлидан келяпман, Гулшод бериб юборди. Биласиз-ку, унинг уйи қишда ҳам баҳордек.

Хонани райҳоннинг хшбўй иси тутиб кетди. Файрат поччаси билан сўрашаётиб, райҳонни қўлларига тутди. Бу киши негадир кўзларини юмиб, райҳонни тўйиб-тўйиб ҳидладилар. Бу совғадан таскин топгандек бўш қўлларини Файратнинг қўли устига оҳиста қўйдилар. Қўллардаги илиқлик меҳр булоғи бўлиб бир-бирига туташиб кетди.

— Раҳмат, — дедилар секингина.

Файратнинг кўнгли ҳам алланечук бўлиб кетди. Қараса, ҳаммамизнинг руҳимиз тушиб кетяпти. У дарров ўзини қўлга олди.

— Почча, шу райҳон билан суратга олсак, опам рашк қилмасмикинлар?

Поччасининг чиройлари бир оз очилди. Жа-

воб ўрнига кулиб қўйдилар. Бунақа вақтда биларди, уларни сал дардларидан чалғитиш керак.

— Почча, Тўйчи акамни — Тўйчи Ориповни биласиз-а?

Улар «ҳа» дегандек бошларини лиқиллатадилар.

— Тўйчи акамнинг довруғлари кетган пайтлари экан. Репитициядан чиқиб, секин Бешёғочга ўтибдилар. Тўрт тийинлик перашкага навбатда турибдилар. Атрофдагилар кимлигимни сезмай қўяқолсин деб, ёқани кўтариб, бошни сал ичкарига тортиб турган эканлар, троллейбус келиб тўхтабди. Таниш-билиш кўриб қолмасин деб, қўлларидаги газета билан юзларини тўсган бўлибдилар. Уларни кўрган артист Жўра Тожиев троллейбус деразасидан бош чиқариб, иштаҳа билан дептилар:

— Ҳа, Тўйчивой, бу ёғи маишат экан-де.

Ҳамма гурр этиб Тўйчи акага қарабди.

Ғайрат соқолларини беозоргина ола туриб, беозоргина ҳикоя қилади, беозоргина юзларига иссиқ сочиқ тафтини беради. Яна атир ҳам суркаб қўяди. Яна беозоргина ўринларига ётқизади. Эрта ё индин келишини айтиб, олдиларидан чиқади. Ичкарида қувноққина кўринган Ғайрат йўлақда бироз туриб қолади. Ютинади. Кўзига ёш тўлади... Мен уни кузатгач, беморимнинг олдиларига киранам.

— Яхши бола, — дейдилар секингина.

Мен улар берган баҳодан мамнун бўламан. Орқамда Ғайратдек, укаларимдек суянган тоғим борлигидан кўнглим тўлади.

* * *

Баҳор келиб, баҳор кетмоқда. Илк баҳорда юртимизга қалдирғочлар қанот қоқиб учиб келадилар. Ўрик ва олмаларнинг гуллари қийғос очилади. Атиргуллар нафис ис таратадилар. Бундан кейин ҳам Ғайратнинг ижод йўли, ҳаёт йўли баҳордек серзавқ, баҳордек умидли ва ошиқона бўлишини истайман. Юракларга мадор бўлган инсоним хонадони гулларга тўлсин.

Тавба-тавба. Шу укам ҳақида гапирмоқчи бўлсам, орзимнинг таноби қочади. Ўзи болалигида ҳам «шум» бўлган. Исботи керак дейсизми, ана ўзи айтиб турибди-ку. Бир хиллар болалигидаги у-бу воқеаларни яширса ҳам, бу укажоним сираям яширмайди. Борини айтади-қўяди. Яна кимларга айтган экан денг? «Ғунча»нинг ғунчаларига. Ўзиям журналнинг энг гуллаган сал кам миллион ўқувчисига эга бўлган кунларида айтган экан-да. Қани, ўқийлик-чи:

«Болалигимдаям шум бола эканман. Тахтапул (ҳозирги Собир Раҳимов) кўчамиздан 6-трамвай ўтарди. Кўча ҳам ҳалигидай, трамвай ҳам... Имирсилаб юрганидан уни «эшак арава» дейишарди. Жин кўчамиздан болалар билан ўйнаб, отилиб чиқибману трамвайга бориб урилибман. Ҳайдовчидан қўрққанимдан трамвайнинг олдида тушиб югуриб кетаверибман. Трамвайчи Яҳё амаки пастта тушиб, ҳой бола, йўлдан қоч, десалар ҳам, ўртадан кетаяпман.

Ўзи югуришдан теккан экан шекилли, кунларнинг бирида томга чиқиб, варрак учираётган эдим, ўзиям варракмисан-варрак эди-да. Дардарагини қизил хитой қоғозидан ясаган эдим. Узоққа учсин, деб тисланиб кетаверибман-кетаверибман. Гуп этган товушдан кўзимни очсам, майдончамизда ётибман. Ойимлардан қўрққанимдан тура солиб, кўчага қочибман... Қулогингизга секин айтиб қўяй, болалигимда унча-мунчадан қўрққан бўлсам ҳам, ҳозир мард йигитларданман. Кўпчилик шунақа демасаям, ўзим шунақа деб ўйлайман».

Ўйлайвергин, укажоним, ўйлайвергин. Агар мард бўлмаганингда қассобга шогирд тушмас эдинг.

— Э, униям биласизми?

— Билганда қандоқ. Бошқалар ҳам эшитсин деяпман-да.

— Ҳа, бундоқ денг. Фатҳулла акамларнинг ишлари юришмай қолган пайтлари эди. Турсунбой

ака деган қассоб ўртоқлари бўларди, ана ўшалар «Энди сиз менинг ёнимга кириг, рўзгорингизга: у-бу чиқиб туради», — деб бозорда кичкина дўконча очиб бердилар. Фатҳулла акам: «Дарсдан кейин менга қарашиб турасан, баҳонада қассобчиликни ҳам ўрганиб оласан», — дедилар. Ўзлариям зўр қассоб эканлару, билмас эканман-да, деб ўйлади-му ёнларида чиқиб кетавердим. Турсунбой ака нуқул қўй сўярканлар. Дўкончага гўшт олиб келиб қолдилар. Катта-катта бўлақлар. Дўкон олди бир пасда харидорларга тўлиб кетди. Фатҳулла акам ишга киришиб кетдилар. Қўллари дам келишади, дам келишмайди. Гўшт бўлагини олиб тарозига қўйсалар, дам босиб кетади, дам енгил келади. Тарозининг тили ликиллайверади-ликиллайверади. Яна одамлар сал гўштлироқ қилиб беринг, деб ялинишади. Фатҳулла акам суяқдан ажратаман деб гўштни қинғир-қийшиқ кесиб оладилар. Мен ўзимни зўр қассоб санаб, болта билан суякни бир урсам, дўконнинг шифтига тегиб, яна бир амаллаб қайтиб тушади. Бир маҳал Турсунбой ака хабар олгани келиб қолдилар-ов... Ишқилиб иккаламиз омонмиз, ҳеч қаеримизни пичоқ кесмаган. Суяк учиб кетиб ҳеч қаеримизни кўкартирмаган. Лекин қовурғалар, яна гўштан тозаланган анча-мунча суяқлар тўпланиб турибди. Турсунбой ака кулишни ҳам билмайдилар, койишни ҳам. Фақат деганлари шу бўлади:

— Бунақада уйингизни топа олмайсиз, қори.

Биз эртасигаёқ дўкондан бадарға қилинганмиз.

— Яна-чи, укажоним, Агар мард бўлмаганингда ёшгина бола бир одамнинг гапини деб, дарсдан шартта чиқиб, бошингни сув жўмрагининг тагига тикармидинг? Ё ёлғонми?

— Рост бўлганда қандоқ. Ўзим кимё фанига сал ҳалигидайроқ эдим. Ўтган дарсни сўрамасинлар, деб биқиниб ўтирсам, ўқитувчимиз лоп этиб мени чақириб қолсалар. Чақирдиларми — тамом. Сир бой бериш йўқ. Чиқдим.

— Қани, Саъдиев, ўтган дарсда нимани ўтган эдик?

Жимман. Жимману, лекин жим тура олмаяп-ман. Нукул нимаиди, деб ўзимга-ўзим пичирлай-ман денг. Ўйлаган киши бўлиб бошимни қаший-ман. Кўрсаткич бармоғим сочимнинг жингалагига ўралашиб қолдим нимабало, синфда қиқир-қиқир кулгу бошланди. Унга сари бошқа қўлим ҳам бошимга кетаверди. Ана шунда ўқитувчимиз: «Саъдиев, сочингни жингалак қилгандан кўра дарс тайёрласанг бўлмайдими?», — деб қолдилар. «Мен жингалак қилмайман», — дедим чўзибгина ер тагидан уларга қараб. Шу пайт ўқитувчимиз ҳам: «Қаттан биламан», — деб қолсалар бўладими. Энди вазиятдан чиқишим ва ўзимни оқлашим керак. Шартта синфдан чиқдим жўмрақда оқиб турган сув тагига бошимни тикдим. Ўзиям кун иссиқ эди-да. Бўлмаса қаёқда. Ўқитувчимиз ҳай-ҳайлаб қолдилар. Ҳай-ҳайласангиз ҳай-ҳайлаверинг, иккидан қутилдимку, дейман ичимда.

Ҳайруллавойнинг ҳаётида ана шунақа гаплар ҳам бўлган.

Яначи... бу жингалак соч тушмагур унимас, бошқаларни ҳам «шум» қилиб қўйган. Энди буниси роппа-роса институтда содир бўлди. У ерда ҳам сочининг табиатан қўнғироқ-қўнғироқлигига бир хиллар ишснди, бир хиллар йўқ. Ҳатто кимдир ҳар ҳафтада аёллар сартарошхонасига боради, деб юборди. Мана энди шу жингалак сочни деб баҳс бошланиб кетди. Баҳс авжига чиққанда укагинамнинг ўзи келиб қолди. Гап нимада эканини билиб, кулди-қўйди. Сўнгра талабалар ҳам-малари институт ётоқхонасига киришди. Қизлар сув тайёрлашди. Укагинам атир совунни кўпиртириб, мазза қилиб бошини ювди. Обдан силлиқ қилиб таради.

— Ана, айтмадимми, сочини ўзи жингалак қилдиради деб, — дея бир оз мағрурланишди сартарошхонага боради деганлар.

Лекин уларнинг ютгани узоққа чўзилмади. Силлиққина бўлиб турган сочлар селгиган сари асл ҳолига қайта бошлади. Ҳозир ҳам бу сочларни деб унинг олтмишдан ошиб кетганига

ишонишмайди. Қувноқлигини, оёғи енгиллигини кўриб, яна ишонишмайди. Майли, шуниси тузук. Вой-ей, намунча тез қаримаса, дегандан шуниси афзал.

* * *

Ҳайрулла Саъдиев 1940 йилнинг 6 декабрида туғилган. Лутфулладан роппа-роса ўн икки кунлик катта. Оиланинг бош фарзанди. Ҳаётда ўз ўрнини топган, ўз бахту тароватига эга бўлган йигит. Ўзбекистон халқ артисти. Она меҳри йўлларини ёритган, аммо ота меҳрига қониб-қонмаган бола. У укаси Ёдгорнинг ота дийдорини кўрмаганига ачинади. Болалигидан ака-ука бир майизни бўлиб ейишади. Дарвоқе, ота меҳри...

Ҳайрулла жуда ёш эди, дадасининг бағрига ёпишиб осилганлари, эркаланиб «хачу» бўлганлари, ҳар гал қўлига тутқазиладиган попуқлар ёдида. Унинг олдида адасининг кўпроқ бўлишини истайди. Елкаларига чиқиб миниб олади. Файрат акаси билан Лутфуллага буни кўз-кўз қилгиси, мақтангиси келади. Бу унинг учун катта бахт. Адасининг ялт-ялт этувчи тим қора сочларидан таралган хушбўй ис унга ёқади. Адаси уни қийқиртириб елкасидан туширади. Бу орада адаси тўрт оёқлаб «от» бўлади. Кишнайти. Ҳайрулла «от»нинг устига минади. Чавандознинг раъйига қараб от юради, чопайди, тўхтайти. «Ие, вақт бўлиб қолибди-ку». Адасининг кўзи соатга тушади. Амаким ишга шошадилар.

Ҳайрулла негадир бирдан ўзгаради.

— Жингалагим, демадизу, — гина қилгандек эркаланади у.

Адаси: «Ие, ие, ана холос», — дея унинг сочларини ўйнаган бўлади.

Ҳайрулла бошини сарак-сарак қилиб жилмаяди. Адаси йўталиб кўяди. Бу йўтал Ҳайрулланинг эсидан сира-сира чиқмайди.

— Яна биласизми, нима эсимда, адамлар нимагадир ош берганлар, — дейди у.

— Ўша ош сенинг тўйингда берилган эди.

— Ана, шуниям аямлардан сўрамаганман.

— Мени-чи, биласанми, нима эсимда: Ҳикматулла отамлар бугун тўй, мактабга бормайсан, деб жилдимни беркитиб қўйган жойларидан топиб олиб, мактабга қочиб кетганман.

— Қайси спектаклигини билмайману, ҳар қалай мени тақдимотиға олиб боришган. Саҳнада қишлоқ жой бўлса керак-да, адамлар чамбаракдан товоқ олиб... Эсингиздами, Дала ойимларникида кечқурун сигирни соғиб, сутни товоқ-товоққа солиб, осма тахта устига ё чамбаракка осиб, устига дока ёпиб қўйишарди.

— Эсимда бўлганда қандоқ, — дейману энтикиб кетаман. — Хуллас ўшанақа жойдан товоқ олиб, қаймоқ ялаётувдилар. Ада, мангаям қаймоқ беринг, деб туриб кетаётганимда аям: «Жим бўл», — деб ушлаб қолганлар.

— Эҳтимол у «Қалтис ҳазил»дадир.

— Билмасам... Яна бир нарсани айтиб берайми?

— Айтақол, укажоним, айтақол.

— Аямнинг кичкина декчалари бўларди. Ҳар куни эрталаб адамларга ош дамлаб берардилар. Ҳар қалай менинг хотирамда ўша декча, буғи кўтарилиб турган ёғлиқ палов қолган. Аям адамларга ҳар куни ювиб-дазмолланган топ-тоза кўйлак кийдириб жўнатардилар.

— Кираверишдаги токчада чети сариқ ҳалли ойна бўларди.

— Яқин-яқингачаям аям уни адангни кўрган ойна деб асраб юрардилар.

— Амаким ўшанга қараб галстукларини тўғирлаб ё сочларини тараб, илитилган тухум ютардилар. Мен билан Мамлакат опам эшиқдан мўралаб турардик.

— Адам ишга кетаётганларида аям ҳовлидаги атиргуллардан гулдаста ясаб, палончи артискага олиб боринг, деб қўлларига тутардилар.

— Амакимларни жуда яхши кўрганлар-да, ҳам ишонганлар.

— ...Эндиги айтадиганимни сиз яхши биласиз.

Ҳайрулла бир пас жим бўлиб қолди. Унинг чехрасидаги ҳозирги қувноқлик аста-секин сўна бошлади. Опа-ука иккимизнинг гапимиз ўша кунга бориб тақалишини билардим.

— Равон деразасига қўлимни қўйиб, жим ўтирган эдим, Иқболхон ойимлар келиб, адангни кўриб қол, болам, дедилар йиғлаб. Адам ерга солинган жойда ётардилар. Анқайиб турганим, адамларни бундан кейин сира-сира кўрмаслигимга, ҳали замон тумонат йиғилиб, уларни олиб кетишларига ақлим етмай турганим, шу пайт ҳовлида йиғисиғи бўлиб кетгани эсимда. Кейин Фани Аъзамов мени машинага ўтқазиб, мазорбошига олиб кетганлар. Қандайдир гавдали киши мени бир қўлларида кўтариб, адамнинг тепаларида гапирганлар. Ҳар гапирганларида бола эканманда, нуқул қўллари-нинг ҳаракатини кузатардим. Ҳалиги кишининг қайсидир бармоғи букланганича қотиб қолган экан. Улар гапиряптилару, кўзим қўлларида. Ана шу сурат, ана шу кўриниш улғайибманки эсимдан чиқмади. Лекин буни қарангки, ўша киши ким эди, деб ҳеч кимдан сўрамаган эканман. Ўшанда аямлардан сўрасаму, олам гулистон экан. Кейинчалик адамлар тенги санъаткорларни кузата бошладим. Улар орасидан бармоғи букчайиб қолган кишини излардим. Қарангки, Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев бизга — Республика Ёш томошабинлар театри (ТЮЗ)га бош режиссёр бўлиб келиб қолдилар. Аминжон аканинг гапирган вақтларидаги қўл ҳаракатларига, қолаверса, ўрта бармоқлари букилиб қотиб туришига кўзим тушиб, ғалати бўлиб кетдим. Қўлларига яна эътибор бердим. Яна!.. Яна!!

— Қара, биз опа-сингиллар ҳам айтмаган эканмизда, — дейман ачиниб.

— Мавриди келмаганда. Хуллас, неча-неча йиллар мавҳум бўлиб келган нарса аниқ бўлди. Буни ўзим ечдим. Бу киши Амин Турдиев эканлар.

Мен уни жим тинглайман. Юракларим алла-нечук тебраниб-тебраниб кетса-да, жим қулоқ соламан. Гапирган гаплари менга таниш, адасини



Саъдуллақори бобо ма-
ҳалланинг кўрки эдилар.



Иқболхон ойи ўтиллари
Ҳамидулла билан.



Бош фарзанд — санъат
қалдирғочи Ҳикматулла.



Убайдуллақори Маликахон ая ва кенжа
фарзандлари Туйғун билан.



Ҳабибуллақори санъат
гулшанига гуркираб
кириб келди.



Оиланинг ягона қизи
Инобатхон.



Кенжа ўғил Фатхулла (пастдаги қаторда ўнгдан биринчи)
дўстлари билан.



Шоир ва драматург Хуршид
«Катта ҳовли»га санъат руҳини
олиб кирди.



Насриддин Шарофқориев ушбу
суратли дўсти ва сафдоши
Ҳикматулла Қориевга тақдим
этган эди.



Театршунос Б. Насриддинов бизга совға қилган бу суврат «Профинтерн»
театр гуруҳига мансуб. Пастки қаторда ўнгдан иккинчи Ҳ. Қориев,
тўртинчи Н. Шарофқориев. Ёғим рўмолда Жаннатхон Қориева.



Ҳабиб Саъдий хушрӯй
инсон эди.



Декададан қайтгач...



Ҳабиб Саъдий «Аршин
мол-олон»да Сулаймон ролини
иҷро этди.



Маҳбубахон Ҳабибуллақорига
муносиб қайлиқ бўла олди.



Ҳ. Саъдий «Лайли ва Мажнун»да Ибн Салом (Б. Насриддинов архивидан).



Файрат «Ҳожи афанди уйланармиш» телеспектаклида
илк бора хизматкор ролида кўринди.



«Ҳамма нарса одамларга қолади» телеспектаклини
суратга олиш тугагач...



«Селитра». Телеминиатюра.



Алп Жамол. «Ўкинч»нинг репетиция вақти.



Ёшликда расмга тушиб қўйса
яхши бўларкан...



Раънохон билан Ҳайрулла
қисқа, аммо мазмунли умр
кечирдилар.



Меҳрибоним онам дерман...



Жаҳонгир Саъдиев
«Шайтанат»да Асадбекнинг
болалигини ижро этди.



Ҳайрулла билан Маликахон бир-бирига елкадош,
фикрдош ва садоқатли.



Ҳайрулла «Шиддат» кинофиль-
мида Мамат ролида.



Абдужалил Зокиров. «Шайта-
нат»да Ҳайрулла ижро этган
Жалил образининг прототипи.



Ботаник қизақшылары.



«Қоч, киннанг киради» («Шум
бола»дан).



Гузлекчи Таламужон билан.



— Марҳамат, сувратга
олаверинг.



«Бир томчи қон» телеспектаклида Гулчехра Лутфихон ая Саримсоқова билан биргаликда роль ўйнаш бахтига сазовор бўлди.



«Али-Вали» спектаклидан.



«Баҳор қайтмайди».



«Донишманднинг ёшлиги» (Ибн Сино).



Ёдгорга аяжониси айиқча олиб бердилар...



Энг гуллаган ёшлик чоғимда...



«Уйланиш» — Кочкарёв.



«Юдузли тунлар» — З. М. Бобур.



«Қароқчилар» — Карл Моор.



Биз, иккимиз... Абдуолим ака ва мен.



Дилфуза ва Ҳамза Каримовлар.



Уйғун Убайдуллаев (ўртада), Азиз ва Анвар Салимовлар.

«от» қилиб минганини, эркаланганини кўрганман. Ҳатто Ҳабиб амаким унинг хатна тўйидан кейин Иқболхон ойимларга: «Биз ҳам худога шукур, катта бўлиб қолдик», — деганларини эшитганман. Шундай бўлсада, ҳозирги гапларнинг таъсири мен учун ўзгача эди.

* * *

Ёдгорнинг туғилиши ҳамманинг дардини бир оз босгандек бўлди. Ҳайрулла учун йўқотган одами ўрнида пайдо бўлган гўдак овунчоққа айланди. Адасини қўмсаб, соғиниб-соғиниб кетганида укасининг бешиги ёнига чўккалаб ўтириб олади. Гоҳо тебратади, гоҳо унга қўшилиб йиғлайди. Лекин кўз ёшини аяси кўришини истамайди. Бу — қўмсаш йиғиси эди. Бу икки ўғил Маҳбуба холамларнинг қўш қанотлари бўлишди.

Улар адамларни катта ада, онамларни аба деб улағая бошлашди. Адам ишдан келтирган совғаларини биздан олдин Ҳайруллага илинардилар.

— Қани, қани ким олдин ачом қилади? — дердилар улар кўпинча.

Бунинг асл моҳиятини тушунган биз, катталар, ўзимизни у билан барабар югураётганга солардик ва «орқада» қолиб кетардик. Лутфулла Ҳайрулла билан тенгдош эмасми, бўш келмасди. Шунда бир амаллаб уни кўйлагидан ушлаб қолардик, чўккалаб Ҳайруллани кутиб турган адамнинг бўйнилариға осилиши билан бараварига «ачом-ачом» дердик. Адам уни қучиб:

— Ўхў-ў, кап-катта йигит бўлиб қолипсанку, — дея мақтардилар ва сўнг ҳаммамизга биттадан хўрозқанд, Ҳайруллага эса биратўла икки-та берардилар.

* * *

Маҳбуба холамлар менинг қалбимда вафодорлик ва садоқат рамзи бўлиб қолганлар. Улар ҳақида икки оғиз сўз. Вақтики келиб қалбларидаги дарддан ўзларини бир оз босиб олгач, улар бошқатдан мактабга ишга кирдилар. Холам педагогика билим юртини битирган эдилар. Раҳматли Абдураҳим то-

ғам, ўз даврининг кучли математиғи, сингиллари-
ни ўқитганлар, билим олишига раҳнамолик қил-
ганлар. Мана энди ҳаётда холам олган билимлари
асқотмоқда. Улар тумандаги 14-мактабда бошлан-
ғич синфларга дарс бера бошладилар. Кучли педа-
гог, «Алифбе» китобининг муаллифи Оқил Шара-
фуддинов уларга ҳақиқий устозлик қилди. Дарс
бериш услуби, дарсдан ташқари ишлардан, ҳулас,
муаллимликнинг барча сиру асрорларидан бош-
қатдан хабардор этди, йўлга солди. Маҳбуба холам
ўз устозлари каби жонкуяр, касбини, қолаверса,
одамларни севувчи мураббий даражасига кўта-
рилдилар. Ҳаёт олий маълумотли бўлишни тақозо
қиларди. Бу иродани, ўзига, ўзининг қудратига
ишонишни қарангки, 38 ёшларида (1953 йил) мен
мактабни битириб дорилфунунга ўқишга кирган
йилим улар Низомий номидаги педагогика инсти-
тутининг кечки бўлимига ўқишга кирдилар. Мен-
ку, ташвиши йўқ бир қизалоқ, улар эса... Эрталаб
азонда туриб икки ўғилни нонушта қилдирадилар.
Кийинтириб, Ҳайруллани 16-мактабга жўнатади-
лар. Ёдгорни эса ўзлари билан мактабларига олиб
кетадилар. Уни Оқилхон аканинг синфига топши-
радилар, мактабдан қайтгач, овқатлантирадилар,
кечки овқатга уннай туриб болаларнинг дарсига
қарайдилар. Ўқишга кетаётиб, уларга эҳтиёт бўлиш-
ни тайинлайдилар. Кечаси дафтар текширадилар.
Эртанги дарсга тайёргарлик кўрадилар. Яна кўрғаз-
мали қурол деган нарсалар бор. Улгурадилар, ҳам-
масига улгурадилар. Буларнинг кўпи уйқу ҳисоби-
га бўларди. Бу орада кир-чир, супириш-сидириш,
борди-келди, тўй-ҳашам дегандек. Улар ҳаёт учун,
яшаш учун курашдилар. Икки норасидага етим
нонини эмас, ширин кулча едиришга уриндилар.

Фарзандларига одамийликни, ҳалол яшашни,
инсонни қадрлашни, ҳурмат қилишни ўргатдилар.
Ўғиллари учун оналарининг соғлиғи ҳамма нарсა-
дан афзал, ҳар сўзи улар учун поёнсиз бахт эди.

Холамнинг ёшлиқдан, турмуш мураккабликла-
ридан орттирганлари — ошқозонларининг касал-
лиги. Сиз-бизга ўхшаб баъзан дуч келган нарсა-

ни ёки кўнгиллари суйган норин, ошни хузур қилиб ея олмайдилар. Даволаниш учун вақти-вақтида шифохонага ётиб турадилар. Шундай даволанишларнинг бирида илмий иш олиб бораётган ёшгина шифокорнинг назари холамларга тушди. Унинг мавзуи мўмиёнинг ички касалликларга таъсири масаласи эди. У шу касалхонада ишлар, айни вақтда холамнинг даволовчи шифокори ҳам эди. Бир-иккита беморлари қатори уларга ҳам ўзи мўлжаллаган миқдорда мўмиё берди ва ҳатто қандай ичиш лозимлигини бафуржа тушунтирди. Холам азобларининг камайишига умид қилиб, уни қабул қилдилар. Палатада худди шундай мўмиё ичган икки бемор ҳар кунгидек тинч ухлади. Лекин ўша куни холам кечаси билан ўзларини қўйгани жой топа олмай чиқдилар. Навбатчи келиб кўрди, укол қилишди. Бўлмади. Қандайдир суюқ дори берди. Ичдилар, бўлмади. Бирортаси ҳам кор қилмади. Эрталаб даволовчи шифокор келди. Холам унга умидвор кўзларини тикиб:

— Қаттиқ оғриятти. Кечаси билан ажриққа ағанаб чиқдим, болам, — дедилар.

Шифокор беморининг азобини кўриб, унга далда бериш, тезроқ шу азобдан қутқаришни ўйлашдан кўра бошқа бир нарсани ўйлаб кетди: у илмий ишининг саволи нуқтасига жавоб топган эди. Ҳамширани чақириб, осма укол қўйишларини тайинлади ва ўзи бошқа касаллар билан суҳбатга киришиб кетди.

Кейинчалик ҳалол бир табиб тавсия этган, холамнинг ўзлари тайёрлашни ўрганиб олган дахлама уларнинг жонларига оро кирди. Ўн икки бармоқли ичакдаги яралари битиб кетди. Лекин барибир улар енгил овқатланардилар. Орадан йиллар ўтди. Ўғиллар уйли-жойли бўлишди. Кунларнинг бирида холамнинг қоринларида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Оғриққа чидамли аёл эмасмилар, яна бошланиб қолди, шекилли деб анча чидадилар. Дори ичдилар. Афсус, оғриқ авжига чиқса чиқдики, босилмади. Ўғиллар уларни биринчи шаҳар касалхонасига олиб келишди. Кўрги-

ликни қаранг, кўричаклари ёрилиб кетган экан. Ана шу ерда хирург Суҳбатжон бошчилигида уларнинг ҳаётлари учун кураш кетди. Холамлар эллик бир кун касалхонада ётдилар. Ҳайрулла иши ўта зарур вақтида Ёдгорни, (у Ёдгорни аяриди) келинларни қўйди. Ўшанда ҳам кундузига. Ўзи эса беморни парвариш қилиб, доимий турди. У холамларни эркалаб, эркалаб ая-аяжонлаб, гоҳ-гоҳ ҳазиллашар, тамадди қилдирар, дори ичирар, ҳатто «келди-кетди»ни кутиб оларди. Рол ўйнаши зарур бўлган спектакли тутагач, касалхонага югурар эди... Ҳа, холажоним меҳр бериб, меҳр олардилар. Саксон тўрт йиллик умрнинг ҳар гўшасида, ҳар салтанатида шу икки ўғил икки шаҳзода бўлди. Шу икки ўғил келтирган гулдасталар уларга аталган аёллик бахтининг кемтик жойларини тўлдирди. Икки ўғилнинг халқ орасидаги эъзози бутунлигича онаники, Маҳбуба холамники эди.

* * *

Шундай қилиб, уагинам 10-синфни эсон-омон битириб олди. Медал олмади, йўқ-йўқ. Лекин аттестатидаги баҳолар ҳам чакки эмасди. Бир ўғил бола ўқиса, шундай ўқийди-да. Мана энди ҳаётнинг асосий йўлини белгиловчи онлари келди. Юрак санъатни дейди. Аяси санъатдан юракларини олдириб қўйганларигами, ҳеч бу соҳага юборилари келмай, «Политехнический»да ўқишини истайдилар. «Шум бола»нинг «шум»лиги тутиб, ҳужжат топширишга топширди-ю, имтиҳонга кирмади. Тўғри Файратвой билан 84-заводга ишга кирди-кетди. Йигит кишига қирқ ҳунар оз деганларидек, чилангарга шогирдликка тушди. Бу касбнинг туппа-тузик эгаси ҳам бўлиб олди. Лекин барибир санъатни танлади. Ана энди Ҳайрулла учун она розилиги керак. Холам бу гал кўпам эътироз билдирмадилар. Рози бўлдилар. Мен Лутфулла иккаласи институтга боришади-ю, имтиҳон топширишади-ю, кириб ўқийверишади, деб ўйлабман. Ота-оналардан рухсат олиш бир сари-ю, бу

ёқда анча-мунча мураккаб жараён бор экан. Ҳаммаси кейин бошланди. Гап шундаки, театр санъати ва рассомчилик институтининг актёрлик факультетига имтиҳон топширган Ҳайрулла бориб-бориб асосий имтиҳондан — маҳоратдан йиқилди. Ана энди кўринг ҳангомани. Радун деган ўқитувчи: «бўлмайди, бундан актёр чиқмайди, талаффузини қаранг, «с»ни тиниқ айта олмайди. Йўқ! Йўқ!!», — деб туриб олибди. Буни қарангки, имтиҳон комиссиясида театр педагогикасини яратувчилардан бири, катта санъаткор ва режиссёр Назира Алиева ҳам бор эди. Имтиҳонлар олдидан бўладиган, абитуриентлар учун бериладиган йўл-йўриқларда Назира опанинг қулоғига «Саъдиев» деган фамилия чалиниб қолди. Аввалига у Саъдиев фамилияли йигитга қараб-қараб қўйди-ю, индамади. Лекин йигитчанинг бўй-бастими, жилмайишими, сочининг жилвасими, ишқилиб нимасидир кимнидир эслатарди. Устоз бу гал ўзини саволлар билан ўраб олган болаларга қараб туриб, Ҳайруллага алоҳида назар ташлади.

— Сен Ҳабибнинг ўғлимисан?

Отасининг номини эшитган Ҳайрулланинг кўнглида чироқ ёниб кетди. Кўзлари порлади. Шундай аёл адасини таниса-я. Шу топда ундан бахтли одам йўқ эди.

— Ҳм... — у бошқа ҳеч нарса дейишга улгурмади. Назира опа йигитчанинг елкасидан қучди.

— Вой, менинг ўғлим, менинг шундай ўғлим бор экан.

Аёл кўзларида милт-милт ёш пайдо бўлди. У буни яшириб ўтирмади. Ҳайрон бўлиб турган болаларга юзланиб:

— Бу — дўстимнинг ўғли, Ҳабиб Саъдийнинг ўғли, — деди.

Улар ҳали Ҳабиб Саъдийнинг кимлигини билишмаса ҳам шу топда Ҳайруллага ҳавас билан қарашарди.

Назира опа қабул комиссиясида: «Йўқ, бундан актёр чиқмайди», — деганларига қарамай, қатъий туриб олди. Нутқи, талаффузи билан ўзим

шуғулланаман, деди. Ва ниҳоят Ҳайруллани «резерв»га қабул қилишди. Биринчи ярим йилликдан сўнг имтиҳонларни аъло баҳоларга топширгач, унга талабалик ҳужжатини беришди. Бу Ҳайрулла учун қийин кечган бахт эди. Назира Алиева ўқишини тугатгунча унга раҳнамолик қилди. Сўзининг устидан чиқди. Ҳайрулла ҳам устоз ҳурматини суиистеъмол қилмади. Шундай берилиб ўқидики, институт унинг иккинчи уйига айланиб қолган, ётоқхонада яшовчи ўртоқлари учун эса унинг хонадони тотли ноз-неъматлар билан кутиб олувчи гўшага айланган эди.

1961 йилнинг феввалида мени ҳозирги «Туркистон» («Ёш ленинчи») газетасига муҳаррир ўринбосари қилиб тайинлашди. Ёшман, ичим тўла райрат. Устига-устак бу газетани жуда яхши кўраман. Ундан кўнглим тўлмаган жойлари кўп. Уларни амалга ошириш, иложи борица саҳифаларига янгилик киритиш ниятида қадам қўйганман. Лекин ҳамма ниятни ҳам бирданига амалга ошириб бўлмайди. Шунда Ҳайрулла билан Лутфуллани олдимга олдим, маслаҳатлашдик. «Футбол ҳақида кўпроқ ёзинглар», — дейишди келишиб олгандек бирваракайига. Уларнинг таклифини илиб олдим, «Футбол ишқибозлари, сизлар учун» деган янги рубрика очдик. Яна «Ёш санъаткорлар ҳақида ёзсангизлар», — деб қолишди. Чунки газетада қишлоқ хўжалиги, саноат, спортга оид мақолалар кўп бериларди-ю, санъат ҳақидаги лавҳалар кам кўринарди. Уларнинг фикрини инobatта олиб Академик драма театрининг чарақлаб турган ёш санъаткорлари Пўлат Саидқосимов, Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова ва бошқаларни редакцияга таклиф этиб, улар ҳақида лавҳалар бердик.

Ўйлаб қарасам, ёшлигимда ўзимга яраша тиниб-тинчимаган эканман. Мирзачўлда ишлаш учун ёшларни даъват қилавериш ўзим ҳам жим ўтираолмадим. У ерга йўлланма билан ишлагани кетдим. Вақти-вақтида уйга келиб турар эдим. Шундай кунларнинг бирида укаларим билан гаплашиб ўтириб миямга бир фикр келиб қолди:

«Айни терим вақти, концерт бригадаси олиб чиқсанг-чи», — дедим Ҳайруллага. Ҳайрулла ўйлаб ҳам ўтирмай «бўпти» деди. Бир ишни бажаришга кўзи етса дарров «хўп» дейишини билардим. Буни қарангки, айтилган куни бўлажак актёрлар бир автобус бўлиб келишди. Чўллик ёшларни руҳлантириб, концерт қўйиб беришди. Уларга Ҳайрулла бош эди.

Ўқишни битириш арафасида Анатолий Қобулов ҳозирги Миллий Академик Театр саҳнасида «Булутлар тарқалганда» спектаклини саҳналаштирди. Режиссёр унда иштирок этиш учун Ҳайруллани ҳам таклиф этган эди. Ҳайрулла бу ерда илк муваффақиятга эришди. Ҳатто битиргач, шу театрда ишласам керак, деб ўйлаган эди. Курс раҳбари, устоз ва мураббий Тошхўжа Хўжаев уни бир оз ҳовуридан тушириб: «Йигит, сиз асли Ёш томошабинлар театрига моссиз, адашманг», — деди. Бу гап унинг қулоғига қўрғошиндек қуйилди. Ниҳоят ўқишни битириб Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театри (ТЮЗ)га ишга келди. У ерда Афандихон Исмоилов, Карим Хонкелдиев, Иброҳим Аҳмедов, Манзура Ҳамидова, Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, Бадал Нурмуҳамедов ва Воҳид Қодиров каби устоз санъаткорлар бор эди. Ҳайрулла кўпроқ Афандихон аканинг юриш-туришларини, саҳнада ўзларини тутишларини кузатарди. Ўзбек санъатининг илк қалдирғочларидан бўлган бу устоз актёр унинг учун қўл етмас манзилдек туюларди.

— Ҳайруллавой, — деб қолдилар бир куни улар, — болалар театрининг катталар театридан анча фарқи бор. Болани алдаб бўлмайди. Улар ҳамма нарсани тўғри қабул қилишади. Саҳнага чиққанингизда шуни унутмасангиз бўлгани, ўғлим.

Ҳайрулланинг қулоғига машҳур санъаткор Шукур Бурхоновнинг ҳам сабоқлари чалинган, уларни бемалол болалар театри актёрларига ҳам татбиқ этиш мумкин эди.

— Саҳнада ҳеч қачон ёлғон яшама. У — сенинг ҳаётинг, фикр-ўйинг, насибанг. Нега ёлғон-

дан куласан, нега юракдан йиғламайсан. Саҳнада ҳақиқий актёр эмас, чин инсон бўлиб яша. Моторингни ишлат, юрак — сенинг моторинг.

Ҳайрулла болаларга — ёш томошабинларга ўз юрагини тақдим қилди. Шу театрда атак-чечак қилди. Шу театрда суяги қотди. Шу театрда саҳнани кўрди, ҳақиқий ижрони тан олди. Латиф Маҳмудовнинг «Али-Вали» асари уни талантли актёрлар қаторига қўшди. Театрга Ҳайрулла ва Лутфулладек ёш кучлар керак эди. Энди иккалалари ҳам «Али-Вали»да мазза қилиб ўйнашарди.

— Лутфулла иккаламизнинг қайнаган пайтимиз, бирга ўсганмиз, характеримиз бир-биримизга тушган. Ҳар соатда янгилик қиламиз келаверарди. Саҳнада-ку қўяверасиз. Режиссёр Иброҳим Аҳмедов иккимизгагина ҳақиқий эркинлик бергандилар. Спектаклни топшираётган вақтимиз. Томдамиз. Ҳиндча қўшиқ оғзимга келиб қолипти. «Иччики дана, биччики дана». Қолганини Лутфулла олиб кетди-ю. Кулгу, қарсак. «Али-Вали»ни ўйнаб роса мириққанмиз. Комиссия яхши қабул қилган. Иброҳим ака суюнганларидан мени кучоқлаб йиғлаб юборганлар.

Ҳайрулла учун ҳар кунги спектакл — Афандихон аканинг: «Болани алдаб бўлмайди. Улар ҳамма нарсани тўғри қабул қилишади», — деган фикрларининг исботи эди гўё. Актёр саҳнада хурсанд бўлса, томошабинлар ҳам хурсанд бўлишар, хафа бўлса, хафа бўлиб кетишар, у ижро этаётган қаҳрамони худди ёнларида тургандек ҳис қилишарди ўзларини. Миша Дадоновни биласиз. «Тошкент — нон шаҳри» спектакли қаҳрамонларидан бири. У ҳам, ўртоғи ҳам оч. Овқат қидиришади, овқат йўқ. Нон қидиришади, нон йўқ. Саҳна чироқлари мунгли, мусиқаси ҳам. Шу пайт зал томонидан қандайдир боланинг югуриб келгани ва саҳнага ниманидир отгани эшитилди. Ҳайрулла ялт этиб ўша томонга қаради. Унда оппоқ қоғозга ўралган нарса ётарди. Айни вақтда бутун саҳна бўйлаб овоз тараларди:

— Миша, еяқол, менда пряник бор эди.

Хўш, бундай ҳолда нима қилиш керак? Ҳайрулла образдан чиқмаслиги, айни вақтда, бу ғамхўр болага нисбатан ҳам бефарқ қолмаслиги лозим. Ҳайрулла бориб қоғозни олди, ичини очди. Қараса, чиндан ҳам пряник. Унинг тотли исидан баҳра олгандек, «оҳ» деб қўйди. Бутун зал: «Е, егин!» — дерди. Ҳайрулла ундан тишлаган бўлди. Ва: «Раҳмат, оғайни, — деди залга қараб, — маза қилдим. Лекин бундан кейин нонни отмагин, кўзинг кўр бўлиб қолади, тўғрими, болалар?». «Тўғри, тўғри!» — дейишди олдинма-кетин кичик томошабинлар. Спектакл келган жойидан давом этиб кетаверди.

Режиссёр Эргаш Масафаев, рол ижрочилари Ҳайрулла, Лутфулла ва бошқалар томошабинни бўлаётган воқеаларга ишонтириш учун озмунча жафо чекмадилар. Жамоа фидойи эди. Рассом Туйғун Шораҳимов саҳнани ўша даврга, ўша давр шароитига мослаб шундай безадик, ундаги ҳар бир тасвир, ҳар бир детал болаларни асар руҳи билан бовлар эди. Рассом саҳна безагига юриб келаётган поезд составини олиб чиқди. Эҳтимол бу кўриниш болалар театри саҳнасида илк бор бўлгандир. Поезд кўзларини чақнатиб, чуқур-чуқур нафас олиб саҳнанинг чап томонидан кириб келарди. Вокзалдаги шов-шув овозлар, қичқириқлар ёш томошабинда бу ерда бўлаётгандек ҳис уйғотар эди. Эргаш Масафаев кучли реиссёрлардан. Болалар дунёсини билган, уларга мос асарларни саҳналаштирган, ҳар бир актёрнинг характеридан келиб чиқиб рол тақсимлайдиган ижодкор икки ёш актёрни чидамга ўргатди. «Тупроқ ялатиб, подвалда думалатиб» репетиция қилдирди. Қорни очни ўйнаган актёр очликни ҳис қила билиши керак, дерди у. Шошманг, дейишди-ю, йигитлар ҳам эрталаб уйдан енгилгина нонушта қилиб олишиб, тушлик қилмасдан, кечки овқатни ҳам унутиб, яна машқ қилавердилар. Уларни кўриб ачинган Манзура опа қоғозга ўроғлиқ иккита юмшоққина тешик кулча узатди. Йигитлар олайми-олмайми деб турганларида қўллари ўз-ўзидан тешик кулча томон чўзилди. Чўзилган қўллар кир,

юз-кўзлар чанг, оғизлари эса катта очилган эди. Улар битта тешик кулчани аяга қайтариб бериб, бошқасини ўртадан бўлишди. Ярмини уларга тикилиб турган «вокзалдагиларга» узатиб, қолган ярмини бўлиб, бараварига тишлашди. Бу ҳам антиқа бўлди. Чунки бу ҳолат репитиция ҳам эмас, спектакл ҳам эмас, ижро этилаётган ҳаётнинг давомидек эди. О, қанчалар тотли эди шу бир тишлам тешик кулча! Қанчалар лаззатли ва баракали эди шу бир тишлам тешик кулча! Йўл юриб, поездма-поезд изғиб, оч-наҳорлик, юпунликлар эвазига насиб этган инъом эди бу. Актёрлар спектаклда рол ижро эта туриб бир-бирлари билан ростакамига нон талашганлар, ростакамига йиғлаганлар, қийналганлар, бахт излаганлар.

* * *

Болаларнинг яхши кўрган эртаги бор. Бор эканда йўқ экан, бир чол бўлган экан. Унинг уч ўғли бўлган экан. Вақти қазоси етганда у катта ўғлига тегирмон, ўртанчасига эшагини, кенжасига эса мушугини мерос қолдирипти. Катталари хурсанд бўлишибди-ю, кенжанинг бироз ори келибди, хафа бўлибди. Бунини кўрган мушуквой эгасига далда берибди. Ҳатто кўп куюнмагин, мен сени қиролнинг қизига уйлантириб қўяман, деб ваъда берибди ва охир-оқибат сўзининг устидан чиқибди. Ҳайруллага ана шу Мушукчани ўйнаш топширилди. У ҳар хил ролларни ўйнагану, аммо ҳайвон ролида, айниқса, мушук ролида чиқмаган эди. Энди бу ёғи қандай бўлди? Қандай бўларди, шундай мушуквойни яратсинки, у эртақда ёзилганидан ҳам зиёда бўлсин. Мушукча ақлли. Бўлмаса қизи билан келаётган қиролни кўриб, қиролнинг ўғли чўкиб кетаяпти, деб эгасини чўкиб кетдига солиб, қутқариб олармиди? Уста бўлмаса, қиролдан тухфалар ундириб қолармиди? Ё одамхўрни сичқон қилиб еб қўйиб, унинг қироллиги-ю мол-мулкини ўзлаштириб, дарвозасининг пештоқига Маркиз Карабас деб ёздириб қўярмиди? Мушуквойнинг идрокини қаранг, худди шу уйга қиролни қизи билан таклиф

этади. Энди айтинг-чи, шу мушуквойни ижро этиш осон бўлармикан?

Эртак спектаклни сахнага олиб чиқишда рас- сомнинг роли жуда катта бўлади. «Этик кийган мушукча»ни гўзал, рангли ва қувноқ қилиб безат- ган ҳам, ижрочиларга режиссёрдан ҳам кўпроқ ёрдам берган ҳам Туйғун Шорахимов бўлди. Буни Ҳайрулла қайта-қайта тилга олади. «Этик кийган мушукча» Ҳайрулла учун энг қадрли спектакллар- дан бири, ТЮЗдан эсдалик бўлиб қолган гавҳари. Унинг хотира-ҳаяжонини ёшлигининг баҳорли фасли сингари дилида ардоқлайди. Шундай ардоқ- лайдики, у ҳақида сўзлаганида чехраси жудаям очилиб кетади, хушрўй тортади, тили бийронла- шади. Рости бир пасда йигирма-ўттиз яшарга ёша- ради. Ҳайрулла «Этик кийган мушукча»ни ўйнаш учун мушукларни роса кузатди. Унинг мушуги ақлли, эгаси учун куйиб-пишадиган, дард чекади- ган, вақтида айёр, доим хушёр. Миёвлаши ҳам ўзига хос. Вой-бўй, миёвланинг ҳам хиллари кўп экан. Соғиниш, сергаклик, ташвиш чекиш, учра- шув, чарчаш, қолаверса, ҳар бирининг ўз оҳанги, ўз тўлқини бор экан. Ҳазаби, меҳри, юриши, эги- лувчанлиги, хуллас, миёвлаганига қараб нима деяёт- ганини билиш мумкин экан. Ҳайрулла болалигида қулоғига кирганларини ўз кўзи билан кўрди. Му- шукни белидан ушлаб, баландликдан чалқанчасига ташлаб юборсангиз ҳам оёғи билан тушаркан, ис- таган ҳолатда ўзини ўнглаб оларкан. Ҳатто му- шуклар ҳақида ўқиб туриб, ўзи билмаган гапларга дуч келди. Агар мушук кулала бўлиб ётса, кун совуқ, орқаси билан ётса, ҳаво яхши бўларкан. Қаттиқ ухласа иссиқ, деворни тимдаласа ҳаво ай- ниркан. Яна бир ўқигани унинг мушукча образи- ни яратишда фойда келтирди. Қора мушук жаҳд- дор, қизиқувчан, эркаланишни ёқтираркан, оқ- қораси ўйинқароқ, эгасига, болаларга тез ўрганар- кан. Ола чипори эса унинг акси. Малла ва оч қизғиш ранглиги лоқайд, совуққон, осойишталик- ни ёқтираркан. Уйдан эшикка чиққиси келмас экан. Оқи бўлса инжиқ, салга жаҳли чиқар экан.

Мушукча эгасининг этигини кийди, бошига қалпоғини илди ва сахнага чиқиб кетди. Бунда институтда устозлари В. Дроздов ва Арсен Исмоиловлардан олган сахна ҳаракати сабоқлари иш берди.

Ўша даврлар театрнинг энг гуллаган, жўшқин бир дамлари эди. Театрнинг кекса-ю ёши бирдай ёнади. Ёшлар катталардан ўрناق оладилар, айна вақтда, уларнинг ўз овози, ўз йўли мавжуд. Театр Пулат Мўминнинг «Суқатой — Конфетвой» пьесасини сахналаштирди. Ҳайруллага Конфетвой роли топширилди. Конфетвойнинг либоси худди попук қоғозларидан қилингандек эди. Асар қаҳрамонининг ўзигаям конфет бўлса бўлди. Папкасида ширинлик, чўнтагида ширинлик. Ҳатто оғзидан тушмайдиган қўшиғи ҳам у ҳақда:

Оҳ, конфетжон, конфетжон,
Мен борману сен борсан.
Егим келса ҳар қачон
Чўнтакларда тайёрсан.

Конфетвойнинг ёнида доим Суқатой юради. Суқатой суқатойда, ҳамманинг қўлига, оғзига қарайди.

— Сахнада мазза қилардим, — дейди Ҳайрулла, — Суқатойдан конфетни олиб қочганда... мириқиб олиб қочаман, яйрайманда, Суқатойни роса тентак қиламан. Унинг атрофида Одобжон, Ақлжонлар бор. Булар болаларни яхшиликка ундайдилар.

Кичик томошабинлар Конфетвойнинг қилиқларидан мазза қилиб кулишади. Суқатойга ўзларини солиштиришади, Одобжонга ўхшаб кетгиси келади. Конфетвойга-чи? Ҳар қалай ўхшагилари келадими-йўқми, билмайману, Ҳайрулла ижросидаги бу қаҳрамонни суюб қолдилар.

Ҳайрулла «Суқатой—Конфетвой» ҳақида гапирганида яшнаб кетади. Ҳатто ТЮЗни — ёшликнинг энг жўшқин дамлари ўтган даргоҳни, Эски шаҳарнинг биқинида жойлашган, кичкинтойларни иссиқ бағрига олган театрни соғиниб кетган—

дек бўлади. Яна бирдан эсига алланима тушган-дек тиниб қолади.

— Қаранг, Яйра опа, мен билан Раъно иккаламизни декретга кетган актёрнинг ўрнига (40 сўмдан) ярим ставкаданга олишган. Яна биласизми, театр комиссиясига имтиҳон топширганмиз, кўриқдан ўтганмиз. Комиссияда Афандихон ака, Амин Турдиев... қолганларни қўяверасиз, — Ҳайрулла чуқур хўрсинди. — Мен ўша кунларни соғинаман. Қўмсайман. Мен учун санъатимдаги энг муқаддас жой ТЮЗ саҳнаси бўлиб қолади. Ролни мириқиб ўйнаб, чарчаб чиқардик. Мен учун энг роҳати спектаклдан кейинги чарчоқ эди. Ҳозир ҳам шундай.

Унинг кўзи намланди. Мен ўзи гапирмагунча индамай ўтирдим.

— Оперетгани яхши кўраман. Қувноқ хатти-ҳаракатли... Қўшиқ айтиб туриб жисмоний ҳаракат қилсанг — ўзбекча рақс билан эмас, жаҳон стандартлари бор-ку «мюзикхолл»... Сатира театрига ўтишимдан мақсад ҳам эстрада йўналишида шундай ишлар қилишни орзу қилган эди. Нима учун ўзбек саҳнасида понтамимони кўрсатиш мумкин эмас? Мумкин, албатта мумкин. Яна менинг афсусим — ҳажв ҳақида. Майда-чуйда гапларни, майда-чуйда мавзуларни саҳнага олиб чиқиш, одамларни зўрма-зўраки кулдириш бу ҳажвия эмас-да, бу соҳада ижод кам, изланиш кам... Нима дедингиз. Менинг наздимда ҳамма ёқни енгил-елпи, ўлдим-куйдим босиб кеттандек. Санъат бу — у эшиқдан кириб, бу эшиқдан чиқиб кетиш эмас. Шу йўлни танладингми, унда юзакичилик кетмайди. Шундай артистчалар етишиб чиқяптики, Олим Хўжаевни билмайди-я! Шундай мағизли Воҳид Қодировнинг кўчасидан ўтмаган. Ҳой, укажон, сингилжон, ҳеч бўлмаса сен туғилганинга ҳали ҳаёт бўлган алломаларни бил, ўрган. Нега бўлмаса шипшийдон қалбинг билан бу даргоҳга келасан? Чақалоқ бўлиб йиғлай олиш, чол-кампирнинг овозини ўхшата олиш, бўри бўлиб увуллаш — ҳали бу артист бўлиб қолдинг дегани эмас. Бу ҳолатларни

бориб бувинг ё бувангдан сўра, сендан яхши ба-
жариб беришлари мумкин, дегим келади.

— Ҳозир санъаткорлар орасида буюклари бор-
ми?

— Буюклар ўтиб кетди, опа. Борлари ҳам кек-
сайиб қолишди. Яна умидли дунё.

— Сени ҳам сал ташвишли гапларга тортдим,
узр, укажон. Театрда кулгили воқеалар ҳам бўлиб
турадими?

Ҳайрулла жим қолди. Юрагидаги тўлқини би-
роз босилгач, деди:

— Бўлганда қандок. Мен «Довжурак Том» спек-
таклида қатнашганман. Томни раҳматли Карим
Хонкелдиев ижро этардилар. Ёмонлар мени тутиб
олиб, пальмага борлаб қўйишган, бақириб юбор-
масин деб оғзимга латта тиқиб қўйишган. Сот-
қинни Тўхтамурод ака, Исамухамедов деган ар-
тистимиз ўйнарди. Том — Карим ака «Ҳақиқат
енгади» дейиши билан сотқин унинг олдида эмак-
лаб бориб, лаганбардорлик қилади. Худди шу ерда
унинг монологи бор. Актёр уни иштаҳа билан
айта бошлаган эди. Карим ака тинглаб туриб,
«Ўзингни кини айт, мени кини айтяпсан», — деб
шивирлади. Қани бу гап «сотқин»нинг қулоғига
кирса, у монологини давом эттираверди. Шунда
Карим ака: «Томошани буздинг, бор, бу ёғини
ўзинг ўйнайвер», — деб саҳнадан чиқиб кетган-
лар. Азбаройи каттиқ кулганимдан оғзимдаги латта
отилиб чиқиб кетганди. Тўхтамурод ака спектакл-
нинг режиссёр асисстенти эди. Спектаклни бош-
дан охиригача ёд биларди. Монлогларни эса адаш-
тириб юборган эди.

Ҳайрулла болалар театри саҳнасида Н. Гогол-
нинг «Ревизор» комедиясида Хлестаковни ярат-
ди. Бу образни кўнгилдагидек ижро этиш учун
кўп Хлестаковлар ижросини кўрди ва ўқиди. Ле-
кин унинг ижроси устозларникига, Хлестаков та-
рихини яратганларга нисбатан сал бошқачароқ
эди. Унинг Хлестакови ўта қувноқ, ўта енгилтак.
Ерга урса осмонга сачрайдиган бўлиб чиққан. То-
мошабинларга ва театршуносларга ёққани ҳам шу

томони бўлди. Спектаклнинг юксак даражада бўлиши унинг режиссёри Ҳабибулла Файзиев меҳнати билан боғлиқдир. Бу режиссёр ижод соҳилларидан дадил боровчи фидокор ижодкордир. У Ҳайрулла билан институтдан кадрдон бўлган. Икки оғайни бир-бирини бир қарашдаёқ тушунганлар. Хоҳ сахнада, хоҳ кинода бўлсин, бир-бирларига ишониб, бир-бирларини қувватлаб, эркин ижодга йўл бериб келдилар. Шуниси кишини қониқтирадики, Ҳабибулла Файзиев Ҳайрулланинг қобилиятини, одамийлигини кадрлаб уни қатор кинофильмларига ҳам таклиф этиб келди. Актёрнинг ўз фаолиятини турли йўналишда намойиш эта олишига имконият берди.

* * *

Ёш актёрнинг довуғи таралишига Фафур Ғуломнинг «Шум бола»си сабабчи бўлди. Бу асарнинг телеспектакл қилиниши ҳам қизиқ бўлган экан-да. Файрат укаларим орасида энг кўп китоб ўқийдигани. «Шум бола»ни ўқиб, шуни одамлар ҳузур қилиб кўрадиган телеспектакл қилса бўлмайдими, деб ўйлаб қолипти. Ўзи бу ишни бошлашга бироз юраги дов бермай, режиссёр Ганжа Ёқубовга тавсия этди. Файрат «Шум бола»ни ўқиётганда кўз ўнгига негадир Ҳайрулла келган эди. Ганжа «Шум бола»ни аввал ўқиганини ҳам унутиб, бошқатдан чанқоқлик билан мутолаа қилди ва Ҳайрулла, Лутфулла деб ёзиб қўйди. У шу икки институтдоши иштирокида «Шум бола» ижрочиларининг ансамблини тузди. 1967 йил апрель ойида «Шум бола» спектаклининг тақдимоти бўлди. У уч қисмдан иборат эди. Телеспектакл биринчи кунёқ бутун республика аҳолисини, шаҳар ва қишлоқларда яшовчи томошабинларни ўзига ром этди. Сизга айтсам, у вақтда ҳозиргидек спектакл ва фильмларин реклама қилиш, олдиндан ижрочилардан интервьюлар олиш расм эмасди. Шу боис бўлса керак, биринчи кун кўролмай қолганлар ростакамига армонда қолишди. Эртасига ҳамманинг оғзида «Шум бола» эди. Ҳайрулла бир

куннинг ўзида худди Ҳикматулла отамлар «Чим-берлин» бўлганларидек «Шум бола» бўлди-қўйди. Уч оқшомнинг таровати, уч оқшомнинг қувончи. Ҳамма уч оқшом телевизор экрани вақтини кутиб ўтирди. Кимлардир «Шум бола» қиссасини ўқимаганликларига ачиндилар, кимлардир Фафур Фулом болалигини «Шум бола» ҳаёти билан боғладилар. Кимлардир... нималарнидир бир-бирига деди. Деди! Фақат ҳаммаси телеспектаклдан сўнг. Бир-бирлари билан учрашганда, олган ҳаяжонлари акс-садо берганда.

Студияга хатлар ёғилиб кетди. Бу унинг режиссёри Ганжа Ёқубов, ижрочилари шаънига эди. Бу Шум бола — Ҳайрулла, унинг дўсти Омон — Лутфулла, бой ота — Воҳид Қодиров ва бошиқаларга бағишланган илиқ-иссиқ сўзлар эди. Энди уларни шаҳар ва қишлоқларга таклиф қилишар, қаерда бўлмасинлар энг азиз меҳмонни кутгандек гулдасталар билан кутиб олинишарди. Халқ оёққа туриб қарсак чаларди. Савол бериб, жавоб олишар ва ижро кутишарди.

— «Шум бола»нинг ашуласи зўр-а? Эски қўшиқларни қайдан биласиз?

— Э, акажон, «Чамандагул очилди-ё, чаккангга тақ» бор-ку, уни топиш ҳам қизиқ бўлган. Шу... Шум бола айтиб юрадиган битта қўшиқ бўлсайди, деб юрсам, Афандихон ака шу қўшиқни ўргатиб қўйганлар. Энди ану «Вақ-вақа тўрам» борку... Ҳайрулла иштаҳа билан айтиб кетади:

Вақ-вақа тўрам, вақилламай жим ётинг,

Кўйдиригизга мошкичирини еб ётинг.

Уни Иқболхон ойимлардан, ҳўв, болалигимда эшитган эдим. Бу қўшиқни Худонинг қудрати билан уй ичимиздагиларнинг ҳаммаси билишарди. Ҳозир ҳам билишади.

— Бой отани ҳўп болагансиз-да, а?

— Бой ота ҳам ўзимизники, бо пласак болап-мизда. Агар истасангиз мана, ҳозир...

«Шум бола»ни халққа шундай обрў-эътиборли қилиб тақдим этиш анча мураккаб кечди. Ҳай-

рулла айтмиш, муккасидан кетиб ишладилар. Режиссёр Қоравойга ҳам, Омонга ҳам изланишлари учун имкон берди. Чунки актёрлар эски шаҳарлик, асар қаҳрамонлари ҳам. Топиб келинглари, дерди режиссёр айрим ҳолларда, актёрларнинг нимагадир урғу беришларини истаб. Йигитлар ёши улуғлардан у-буни сўраб топиб келишарди. Бир метрлик жойда катта-катта саҳналар ижро этилди. Саҳнадан-саҳнага, у студиядан бу студияга югуришарди. Бор имконият шу эди-да. Қоқилиб-суқилишлари, тиззалари шилиниб кетиши уларга чўт эмас эди.

— Калтак еявериб қийма тахта бўлиб кетганман, — кулиб эслайди Ҳайрулла. Имомникида молини сўямиз деб эшагини сўйиб қўйган саҳна бору, имомни раҳматли Ортиқ Юсупов ўйнар эди. Эшаги ўлиб қолганини билгач, урмоқчи бўлганида қочаман деб ўшатта турган эгарга қоқилиб кетганман. Югани бўйнимга тушиб қолган.

Онасини ўйнаётган Муҳаббат опа машқ вақтида ўқловни бошига шундоқ текказиб қўя қолган бўлсалар, спектакл кетаётганда шунақанги жон-жаҳдлари билан урганларки, Ҳайрулла сакраб кетган. У ҳам майли-я, Ҳожи бобони ўйнаётган Саъдулла Анорқулов умрида чилим чекмаган экан. Шум бола тутган чилимни устма-уст бирикки тортган эди, уни элита бошлади. Ҳайрулла қараса, бобонинг кўзлари кетиб боряпти. Сув сепди, елкаларини уқалаётган киши бўлиб силкитди, бобо ўзига кела бошлади. Энди унинг Шум бола ни ҳассаси билан уриши керак бўлган жойи бор. Ҳайрулла унга чап бериб қочиши керак. Қочаман деса, ҳасса чўзилиб бориб урар, яна орқасига қайтар, яна чўзилиб бориб урарди. У пружинали ҳасса экан. Воҳид Қодиров билан эса жуда мазза қилиб ўйнаган. Ҳайрулла бу номни баҳри-дили очилиб тилга олади. «Булардай пок, бағри кенг, тўқ маризли актёр кам топилади. Улар оилам, бола-чақам ва театр деб яшадилар», — деди у.

«Шум бола» телеэкран орқали бир неча бор тўғридан-тўғри кўрсатилди. Энди уни сувратга

олиш тараддудига тушишди. Уни етишажак авлодларга асраш учун суратга олишга киришдилар. Бутун гуруҳ берилиб, завқу шавқ билан ишлади. Ҳамма актёрлар студияга кундузги хизматларини бажариб, кечки соат 6 га етиб келишарди. Кечаси 12 гача репитиция бўларди. Кўрсатувлар тутаб, атроф тинчигач, тунги 12 дан эрталабки соат 6:00 гача эски студиянинг катта ва ўша кичик залларида спектакл суратга олинарди. Ҳеч ким чарчаш нима билмасди. Суратга олиш тутаган куни ҳамманинг қўли бўшаб қолгандек бўлди. Лекин уларнинг руҳлари кўтаринки эди. Жуда ажойиб тарзда олинган «Шум бола»ни энди вақти-вақтида томошабинларга кўрсатиб туриш мумкин. Лекин... севинчлар узоққа бормади. Кунларнинг бирида Файрат плёнканинг ёқиб юборилаётгани устидан чиқиб қолди.

— Нима қиялпсизлар? Нима қиялпсизлар?! Ахир бу... — унинг тили калимага келмай қолди. Қолган плёнкани улгурганича «улар» қўлидан олишга уринди. Олди! Бу — ўша, онда-сонда бирор муносабат билан кўрсатиб туриладиган «Шум бола ва Омон» сахнаси эди. Эшитиб, ҳамманинг ғазаби келди. Ҳайрулланинг эса кўзида ёш қалқиди. Худди жигарини эзиб, юрагини юлиб олгандек бўлдилар. Унинг ёшлигини, болалигини ўғирлагандек эдилар. «Шум бола» телеспектаклига бундай «жазо» беришга ким журъат этган эди?! Уни ўчириб ташлашга ким буйруқ берган эди?! Буйруқ берганлар, уни бажаришга қўли етганлар орасида шунча меҳнатни эҳтиёт қилувчи инсон топилмаганмиди?! Саволларни берган сари бера-верасан. Начора, кўз ёшлар тўкилади, юраклар эзилади. Саволларга жавоб бериш эса... очик қолаверади-қолаверади. Унинг асл сабаби, моҳиятини «гуноҳ қилганлар»нинг ўзи билади. Энди Ҳайрулла ўз театри сахнасида қўйилган шу номли спектаклда ўйнаб, яйради: «Чаманда гул очилди-ё, чаккангта тақ, чаккангта...» Яна ёнида Омони — Лутфулла, бой отаси — Воҳид Қодиров!

Раъно Мадраҳимова (Бу суҳандон Р. Мадраҳимова эмас) билан Ҳайрулла бир курсда ўқишган эди. Қорачадан келган, истараси иссиқ, кўзлари ёниб турган бу курсдоши ҳам Ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилинди. Раъно тўғрисиўз, ҳақгўй, айнаи вақтда мард, одамларга меҳрибон, кенг мушоҳадали, ва билимли қиз эди. У жаҳон театр тарихини, ўзбек ва рус адабиётини, ҳатто жаҳон адабиёти классикларининг асарларини ҳам чуқур биларди. Курсдошлари, ҳамкасблари шунча китобларни қачон ўқиб улгурганига ҳайрон қолишарди. Яна ҳайрон қолишгани, тан беришгани машҳур актёрларнинг ижро услубларини, уларнинг мактабини чуқур тушунар, бир-биридан фарқлай оларди. Иложи борича, кўлидан келганича шу азиз театрига татбиқ қилгиси келарди. Театрда у бирин-кетин роллар ўйнай бошлади. «Пўлат қандай тобланди» спектаклидаги кибор қизи Таня образини у жуда хуш кўрар ва яйраб ижро этарди. Чунки Таняда характер бор эди. Характерли роллар унга кўпинча маъқул тушарди. Ҳайрулланинг устма-уст ўйнаётган ролларидан курсдош сифатида у қувонар, телевизорда кўринганда беҳад шодланар, айнаи вақтда ижросидаги камчиликларни тортинмай шартта-шартта айтаверарди. Талашиб-тортишиб юришлар, айнаи вақтда бир-бирини аяшлар охири келиб иккаласи учун муҳаббат эшигини очиб юборди. Тўй оқшомида «Ёр-ёр»лар айтилди. Илик сўзлар, тилаклар. Куёв навкарлар Раъноларникига кетаётганда хўп ажойиб кўриниш бўлганди. Эсингизда бўлса, Ҳабиб амакимлар билан Маҳбуба холамнинг тўйларида келин ҳовлига кириб келаётганида Карим Зокирийга қўшилиб, куёв бўлмиш амакимнинг ўзлари ҳам «Ёр-Ёр» айтиб юборган эканлар. Шунда бутун ҳовли завққа тўлиб кетган экан. Бу... тарих деганлари қайтарилар эканда. Ҳайрулла куёв эмасми, ўртоқлари қуршовида расм-русмга кўра, уялибгина бошини эгиб кетарди. Ноғора, карнай-сурнай шунақанги иштаҳа билан, шунақанги ўйноқи чалинардик, Ҳайрулла

чидолмай кетди (ўзи зўр рақсга тушарди-да). Куёв-тўра Лутфуллага ердан кўзини узмай секин имо қилди: «Сен ўрнимга ўтиб тур, бир ўйнаб олай». Лутфулла сезгир эмасми, хўп деди-ю, бир неча дақиқага «куёв» бўлиб турди. Унга куёвлик бир ам ярашдики, биров англаб, биров англамай қолди. Ҳайрулла мазза қилиб ўйнаб, йигитларни қий-қиртириб, кейин ҳеч нарса бўлмагандек оҳиста жойига туриб олди.

Ҳайрулла билан Раъно бир оилада жуда қисқа, аммо бахтли яшади. Яна асосийси келинимиз бизнинг катта оилага, катта авлодга сингишиб кетди. У ҳаммадан ҳам холамлар билан Ёдгорга меҳрли эди. Биз Раъно билан дўст эдик, сирдош эдик. Бош фарзандлари Сардор туғилганда унинг бахт чироғи яна ҳам ёришиб кетди. Холам она-болани қўйишга жой топа олмас эдилар. Бир куни Раъно билан уйимизда кўришиб қолдик. У бу гал ҳар қачонгидан ҳам мамнун эди.

— Отамнинг мазорларига бориб, жудаям енгил тортдим. Борганим сари енгил тортяпман. Ишим юришяпти.

Мен Раънохон учун суюниб кетдим. Янги сураларни ўрганаётганини айтди. Энди у ота қабридан хабар олиб туриш, тиловат қилиш бурч эканини ҳис қиларди. «Қанийди, Қуръонни ўқишни билсам, ўқирдим», — дерди армон билан. Бу армоннинг боиси бор эди, чунки у рус мактабида ўқиган, руслар кўпроқ жойлашган ҳудудда ул-ғайган эди.

Уйимизда Қуръони каримнинг русча нашри сақланарди. Абдуолим акамлар фалсафа соҳасида илмий иш қилганлари учун ҳам юз чиғириқдан ўтиб, бу китобга эга бўлгандилар. Мен уни жуда эҳтиёт қилардим. Раънохонга Қуръони карим борлигини айтганимда кўзлари чақнаб кетди. Уч кунга бериб туришимни илтимос қилди. Бу муддат унга камлик қилишини айтиб, қўлига топширдим. Раънохон келишилган муддатда уни олиб келиб берди. У шундай бахтиёр эдики, шунчалик хаяжонга тўла эдики, Абдуолим акамлар билан

Қуръони карим ва мусулмончилик тарихи ҳақида анча гаплашиб қолишди. Чунки Абдуолим акамлар ўша кунларга нисбатан бу тарихнинг чуқур билимдони эдилар.

Фарзандли бўлгач, Раънохоннинг кўнглида янги орзу пайдо бўлди. Бу режиссёр бўлиш истаги эди. Ҳайрулла ҳам уни қўллаб-қувватлади. Энди келинимиз бу ихтисосликка алоҳида муҳаббат ва чанқоқлик билан ўқий бошлади... Афсус ва яна афсуски, бевақт ўлим кутилмаганда уни орамиздан олиб кетди. Афсуски ўлимдан: «Не сабабдан шундай бағри кенг инсонни, яна бир фарзандга, орзули фарзандга ҳаёт бериш арафасида турган аёлни юлиб олиб кетдинг?», — деб сўраб бўлмайди. Алвидо! Алвидо, жигарим. Биз-ку бу айрилиққа зўрға чидадик, Ҳайрулла тортган руҳий азобни ҳеч ким тортмасин. Ҳеч кимнинг ёш бошига айрилиқ доғи тушмасин. Бошидан ўтгани учун ҳам у бир мухбирнинг қийинчилик ҳақидаги сўровига шундай жавоб берганди: «Ўлимдан қийини йўқдир, қолгани эса яшаш учун кураш!»

Ҳаёт давом этади. Яхшиямки қаторида дўстлари бор, онаизори, жигарлари бор. Унга ҳамдард бўлишди, оғирини енгил қилишди. Унинг энг оғир кунда ҳаммадан кўпроқ Тоҳир Маҳрамовдек дўсти дардига шерик бўлди, уни ёлғиз қўймади. Овутди, кўнглини кўтарди. Тоҳир билан Ҳайрулла институтдош эдилар. Тоҳир қўғирчоқ театрида ишлар, ҳам актёр, ҳам режиссёр эди. Хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганди. Афсус, энг оғир кунларида унинг ёнидан жилмаган дўсти ҳозир орамизда йўқ.

Инсон яхшиямки ҳўл, ёниб кетмайди... Ҳамма нарсанинг давоси вақт. Ва вақтики келиб Ҳайрулланинг ҳаётига Маликахон кириб кела бошлади. У, Раънохонни унутмаган ҳолда, унинг руҳи олдидаги масъулиятни ҳис қилиб кириб кела бошлади. Ҳувиллаб қолган уйни тўлдириб, илиқлик киритиб, файз киритиб...

Йиллар уларга қизлари Эъзозахонни ҳадя этди.

Инглиз тили мутахассиси бўлмиш Маликахонга отаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг йирик намояндаси, ўзбек футболининг бетакрор раҳна-моларидан бири бўлган Жўраҳон ака Хоназаров ва оиланинг заҳматкаш тебратувчиси Муҳаббатхон аядан ўтган уқув ва ғайрат тиниб-тинчимасликни, мард-у майдонликни ҳада этди. Давр ўзгарди. Ўлкага баҳор келди. Ҳар ким ўз йўлида янгиликка интилди. Чет эллар билан алоқа ўрнатувчи дастлабки фирмалардан бирини ташкил этган ҳам Маликахон бўлди.

* * *

Ҳайрулла ҳамон ўша-ўша. Ўша югуриш, ўша чопиш. Дам театрга, дам кинога, дам телестудияга. 1986 йил Абдулла Қаҳҳор номли Ўзбек Давлат сатира театри ташкил топди ва уни ўша ерга таклиф этишди. Юморни яхши кўрганлиги боис рад этмади. Телевизион миниатюралар театрида кетма-кет роллар ижро этганда бунга ўзи ҳам иқрор бўлган. Янги театрда пантомима, эстрада йўналиши бўлмоқчи. Бу интилиш уни сатира театрига етаклади. Янги театрда Ҳайрулла Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» пьесасидаги шофёр ролини ижро этди. Ўйнаб ўзи яйради. Роллар кетидан роллар келаверди. Ижодий сафарлар эса кўпайгандан кўпаяверди. Афсуски, сатира театри томошабин кутганидек бўла олмади. Дастлаб яхши асарлар қўйилди. Шаҳар-қишлоқлар кезилди, ҳамон кезилмоқда. Ўз сахнаси йўқ театрни актёрлар юз уринсинлар, минг уринсинлар тўлиқ театр дейиш мумкинми? Кўп актёрлар уни тарк этдилар. Лекин ҳамма кетса ҳам Ҳайрулла у ердан кетмади. Кунлари гастролда ўтса ҳам ундан воз кечмади. Ҳайрулланинг бир одати бор, эшитса бўладиган. У гастролга борганида бировнинг қўлига қараб ўтирмайди. Махсус сандиқчаси бор. Туздан тортиб, дастурхондан тортиб ўқловгача олволади. Хамир овқатга ўч эмасми, хамир қоради-ю ёйса ёйиб юбораверади. Шуям қийин иш бўлибдими? Яна-чи оппоқ ёстиқ жилд, оппоқ чойшаб олишния

унутмайди. «Қани опахон-акахонлар, ўрин-кўрпа жилдини ўзгартириб беринглар», — деб ўтирмайди. Ўзи шартта ўзгартириб, кирини ювиб осиб қўяди. Киноларга суратга тушишга боради-ю, унда ҳам шундай. Ҳатто ширингина набираси Жаҳонгирни ҳам шунга ўргатиб олган. «Алпомиш» фильмида Алпомишнинг ўғли Ёдгор ролига бола қидирилаётган эди. Шошмай туринглар, деди-ю, Сурхондан Тошкентга учиб келиб, Жаҳонгирни олиб кетди. Тутмачадек ўтлон бошқа болаларга ўхшаб шўх ёмас, кўзлари тийрак, қарашлари маънодор. У ахир бекорга «Шайтанат» бадиий фильмида Асадебкнинг болалигини ўйнамаган. Жаҳонгирни синовсиз Ёдгорбекка тайинлашди. Рол ижросидаги тинчлиги майли-я, бошқа пайт ҳам бу болакайнинг тик этган овози эшитилмайди. Овқат-чой тайёрлашда бобосига ёрдам беради. Хонани тозалашниқу ҳадисини олди. Яна атрофдагиларни лол қолдирган нарса — кўйлаги сал кир бўлса, ўзи ювади. Ана шунақа гаплар. Бизнинг Ҳайрулла ўзигина эмас, набирасини ҳам ишга солиб юборадиган боболардан чиқиб қолган.

Журналистлар Ҳайруллани жуда яхши кўришади. Қайга борса, олдидан чиқишади. Суҳбатлашишини иташади. Бу суҳбатларда Ҳайрулланинг ўзига ўхшаш қувноқлик ҳукм суради. Келинг, ҳеч бўлмаса биттасидан парча ўқиб кўринг. Ўзиям ёзилганига ўн йилдан ошиб кетган бўлсада, шу кеча-кундузда ёзилгандек.

«Шум болани элликка кирипти, деб эшитганимда рости ишонмадим. Тўғри-да, кечагина ойнаи жаҳонда хаммани кулдириб юрган болани дабдурустан қандай қилиб шунча ёшга кириб қолганини ҳазм қила олардим. Бунга бир мен эмас, кўпчилик кулгисеварлар ҳам ишонмаслиги аниқ. Охири уни излаб топдим. Ҳалиям ўша-ўша, калта жингалак соч, қисик кўз. Сўрашмасданок кулиб юбордим. Шукурки, артист. Артист бўлганда ҳам анойи эмас. Бир у ёқ-бу ёғига қараб олди-да:

— Нима бирор жойим...

Йўғ-е, ўзим сизни кўриб, — дея олдим хижо-лат бўлиб. — Ҳечам ўзгармапсиз. Сизни элик ёшингиз билан табрикласам бўлар.

— Секинроқ айтсангиз-чи, эшитганлар нима дейди? Ҳайрулла ўзини реклама қиляпти, демасин тагин.

— Майли-ю, лекин нима эликка кирганингизни тан олмайсизми?

— Нега энди, ўзим ҳам ҳайронман. Қандай қилиб шунча ёшни уриб қўйганимга. Шу десангиз, юраверибман одамларга ишониб. Биттаси «Вой ана, уни қара, шум бола-ку» деса бир яшарибман, «Конфетвой келяпти» деса икки яшарибман. Бу умр дегани ўтаверар экан. Сира ҳисоб-ки-тобни билмайди-ей.

— Энди... Бир очилиб гаплашайлик.

— Нима, ҳали суҳбатни бошламадикми?

— Энди-да. Бир шартим бор.

— Бой отага ўхшаб-а?

— Илтимос, ҳеч бўлмаса эликка кирганингизга бизни ишонтиринг.

— Кўндим. Аммо сал-пал...»

Ажойиб журналист укамиз Норқобил Жалилнинг суҳбати ана шундай қувноқлик билан давом этади.

Ҳайрулла ижодининг яна бир қирраси «шумлик» қила-қила ўзбек кино санъатида ўз ўрнига эга бўлганида кўринади. Эринмасангиз, ўзингиз санаб кўринг. Энди «Наштар»даги иштироки навбатсиз. «Сариқ девни миниб» фильмида Ҳошим. Эсингизда-а, ўша Ҳошим Рўзиев. Орзулари осмон бола. «Акмал, аждар ва Малика»да Эртақчи бобо. «Хурмача»да... қани, буни ўзингиз топиб кўринг-чи? «Марғиёна»да хоннинг масхарабози. Ақлли, ўткир фикрли, тўғрисиўз... Ие-ие, «Тўйлар муборак» қолиб кетди-ю. Ўзиям зўр фильм-да. Халқимиз севган санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Икрома Болтаева, таърифга сиймас Обид Юнусов, сулув Гавҳар Зокирова... рўйхатни ёзсам давом этиб кетаверади. Ана шу фильмда Ҳайруллавой сураатчи ўртоғини ўйнаган. Ўзи ҳам кичкина, ҳам катта рол.

Кичкиналиги фильмда жудаям кўп кўринавермайди. Лекин кўринганда атроф гўё ёришиб кетади. Унинг қилиқларидан, гапларидан кулгингиз қистайди. Аянчли гапни гапирса ҳам лабингизни йиға олмай қоласиз. Ҳўв, ўша кўлда ўзи чўкиб кетай деса ҳам: «Шўтга чўккан новчароқ ўликни кўрмадингларми?» — деган жойи бор-а? Эшитасизу куласиз. Сизни мириқтирган бу лавҳани суратта олиш пайти бошқачароқ бўлган. Аввало, у кузнинг салқини тушиб қолган октябр ойида, ўзимизнинг Бешёғочдаги кўлда суратта олинган. Одатда, бу вақтда кўлнинг суви оқизиб юборилган бўлади. Суратта олиш учун кўлга қайтатдан сув қуйилди. Кўл — кўл-да, ўз чуқурлиги, ўз «ҳангома»лари бор. Ҳайруллавой пўрим кийинганлар десангиз. Оёқларида платформа. Сувга йиқилардилару, қалқиб чиқиб, оғзиларидаги сувни пуркай-пуркай айтадиган машҳур гапларини айтишлари керак. Бу кадр бир марта суратта олинди, хўп. Иккинчи марта суратта олинди, яна хўп. Совуқ кунда ҳадеб сувга йиқилаверишнинг ўзи бўлмайди. Устига-устак платформанинг оғирлиги ҳам нақ йигирма килога бориб қолган. Ҳамма бўладигани ана шу учинчи дублда содир бўлди. Суратчимиз сувга қалқиб тушиб кетганларида ботинканинг оғирлиги қўшилиб сув тортиб кета бошлади. Талпиниб чиқаман десалар, қани чиқа олсалар. Ҳайтовур, ролдаги қутқарувчилар ростакамига қутқариб қолишди. Бурун-қулоқларига сув кириб кетган, оғзига тўлган сувни пуркаб энтикиб-энтикиб сизга таниш ўша машҳур гапни айтадилар. Ҳа, сиз экранда кўрган ўша лавҳани суратта олишда укагинамни Аллоҳ бир асраб қолган.

* * *

Ҳайрулла ҳаётда юмшоққўнгил йигит. Аччиқ-узуқ гапларни ёмон кўради. Шартакиликни, чўртке-сарликни ёқтирмайди. Ҳар қандай қийин ҳолатларнинг ҳам яхшилик билан ҳал қилиниши тарафдори. Лекин рол ижросига келганда унинг «тили чиқиб қолади». Яна бемалолнинг бемалоли

бўлиб. Бунинг исботини кўриб турибсиз. Бу — ўша, сиз ва биз севиб қолган Жалилдир. Ҳайрулла Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» китобини ўқиганида ундаги қаҳрамонлардан дам ғазабланар, дам кимгадир ачинар, дам кимгадир тан берарди. Аслида тан бергани ва ёқтириб қолгани Жалил эди. У кўзига «зулмат ичра нур бўлиб» кўринарди. Шу нур шайтанат ҳукмдори кўнглига оз бўлсада ўз адолатини олиб кирарди, ҳақиқатни рўй-рост айтарди-қўярди. Асадбек унинг гапинигина эшитарди. Кўз олдингизга келтиринг-а, шундай бақувват устун, бир имоси билан борлиқни така-пука қилиб юборовчи, ҳеч кимга бўйсунмас Асадбек унинг олдида жим ўтиради, керак вақтида у билан маслаҳатлашади. Дунёни титратгудек одам оддийгина, болалик ўртоғига нега шунчалик ихлос қўйган? Нега уни кўрмаса соғинади? Чунки Жалил унинг энг яқин беғубор инсони, дўсти, ҳалолларнинг ҳалоли. У хато гапирмайди, ножўя қадам босмайди, ўртоғини хатолардан асрагиси келади. Қалбига покизалик уруғини солгиси келади. Ҳайрулла Жалилни ана шундай қилиб яратган. Ҳайрулла ижросидаги Жалил оддийгина моянага яшаб кун кўрадиган инсон. У ўртоғидан борини аямайди. Муаллифнинг таърифи бунинг исботи: «Жалил тўёна бературиб чўнтакни қоқиб, топган-тутганим шу бўлди, бориға барака, деб қўйган эди. Асадбекка пулнинг чўғи кўпроқ туюлди. Холироқ қолганида пулни санаб, аввал ажабланди, чунки ўша дамларда бойваччалар ҳам бунчалик кўп тўёна беришмас эди». Ҳайрулла Жалилнинг қувлик-шумликни билмаслигини шундай очиб берганки, кўриб актёр маҳоратига қойил қоласиз. Кўз олдингизга Асадбек ҳадя қилган уй анжоми туширалаётган кадрларни келтиринг-а. Ҳайрулланинг ҳар бир хатти-ҳаракати ипидан-игнасиғача табиий. Ҳаммаси ўзбекона. Актёр шу жуссаси билан Жалилни шундай яратганки, Асадбек олдида у катта бир шахсдек кўринади. Сиз бунга ишонасиз. Рухингиз енгил тортади. Кўпинча ҳозир бекни боплайди, деб юборасиз. Ўзбекона ижро, эски шаҳарликларга хос

хусусиятлар ҳам якқол кўринади. Эсингизда бўлса, Жалил уйига келгач, кишилик дўпписини бошидан олиб, бир-икки енгилгина чертиб юборади-да, пуфлайди. Сўнг хотинига узатади. Оталаримиз дўппи кийиб юриладиган замонларда кўчадан келгач, бошларидаги дўппини ечиб худди шундай қилиб, сўнг уй дўппиларини кийиб олишарди.

Ҳайрулланинг Жалилни ижро этиши оsonга тушмади. Неча-неча йиллар олдирилмаган, ўзига ярашган қўнғироқ сочларини олдириб ташлади. Сочига юраги туздек ачишди. Начора, образ образдек бўлиши керак. Ҳайрулла рол талқинида болаликдан бирга ўсган қўшниси Абдужалилни кўз олдига келтирди. Унинг юриш-туришини, гапириш оҳанглари, ҳатто қўл ҳаракатларини эсга олди. Кулишидан тортиб, одам бетига тап тортмай гапиришдаги ҳолатигача назаридан қочирмади. Нега? Чунки Тоҳир Малик Жалилни курсдоши ва сафдоши Абдужалил Зокировдан олган эди. Яъни Абдужалил Жалилнинг ҳаётдаги прототипи эди. Шундай экан, Абдужалил Зокиров ким ўзи? Мен бу исм-шарифни ўзгача ҳурмат билан тилга оламан. Тилга ола туриб бу йигит ҳақида ўтган замон билан гапираётганимга афсусланаман. Абдужалил жуда сода, овози бир оз дағалроқ эди. Эҳтимол, худойим унга шу овозини ҳақиқатни бемалол айтсин, дея ҳадя қилгандир. У ниҳоятда тўғри сўз эди. Ўзини ўша вазиятда ҳақ деб билса шартта айтарди-қўярди. Кўпчиликка унинг бу хусусияти ёқарди. Ёқмайдиганлари ҳам бор эди. Булар Абдужалил билан баҳсга киришишдан, ҳатто йиғинларда тўғри келиб қолишдан қочардилар. Бу Абдужалилнинг одамларни яхши кўришидан, айниқса, адолатли бўлишларини исташидан эди. Тоҳир ўз қарамонининг исмини Абдужалилдан олиб Жалил қўйди. Абдужалил ҳаётлигида «Шайтанат» асари доврў таратди. Бу вақтда Абдужалил «Ғунча» журнали таҳририятида биз билан бирга ишларди. Ҳамма ёқда бўлганидек ишхонамизда ҳам бу асар ҳақида гапиришардик. Лекин бирор марта у Жалилнинг ўзига алоқадор экани ҳақида индамаган. Бу унга хос ху-

сусият эди. Абдужалил аввал айтганимдек, биз билан девор-дармиён қўшни эди. Мактабни битиргач, ишга кирди. Сўнг университетнинг кечки журналистика бўлимига. Мен ўша вақтларда «Гулхан» журналида бош муҳаррир эдим. Абдужалил ўқишни битириш арафасида келиб қолди ва таҳририятга ишга олишимни сўради. Мен жой борлиги, лекин уни бу лавозимга қабул қила олмаслигимни айтдим. Бу лавозиму, 44 сўмлик маошни, гарчанд ўша вақтларда бир қути гутурт бир тийин турса ҳам, унга муносиб кўришдан ийманардим. Бу ярим ставка корректорлик лавозими эди. Тўғриси айтдим. Шунда Абдужалил бу ёғи қандоқ бўлди, деб ўйлаб ўтирмади.

— Э, опа, йигит моли ерда, — деди ўзига хос тантилик билан.

Кўнглимдаги хижолатим бир ондаёқ тарқалиб кетди. Эртасигаёқ уни ишга олиш ҳақида буйруқ чиқди. Орадан бир неча йил ўтгач, у Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» радиоканалига ишга ўтди. Аввалига муҳаррир, кейинчалик эса бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Ёш ижодкорларга ёрдам берди, уларни тарбиялади. Бу орада бора-бора соғлиги ёмонлаша бошлади. Ошқозон яраси, нафас йўлининг шамоллаши уни тез-тез безовта қилар эди. Сал тинчроқ бўлсин деб Абдужалилни «Гунча»га таклиф этдик. Бу ердан у беморлик нафақасига чиқди. Унинг касалхонада операция столида оламдан ўтгани ҳақидаги биринчи хабар Ҳайрулла ва Ёдгорга келди. Улар дўст эдилар, оға-ини эдилар. Жалил қайноқ ижодкор Абдужалил хотирасига ўрнатилган ёдномадир.

* * *

Одамлар хўп қизиқ бўлишади-да. Яхши одамни ҳамма ҳам ўзининг яқини деб билгиси келади. Эҳтимол, бу табиийдир. Лекин очик юз билан шуни айтаманки, мен укаларим билан ҳеч кимга ҳеч қачон мақтанмаганман. Кўп ҳолларда ҳатто билдирмаганман ҳам. Мабодо сезиб қолиб сўраш-

са, ҳа, укаларим, дердим. Шунда, биласизми, одамларнинг менга берадиган саволлари, қизиқишлари кўпайиб кетарди. Лекин ҳаммадан нуқул бир хил гап эшитардим: «Нега шу пайтгача индамадингиз?» Мен кулиб қўя қолардим.

Мени ишхонанинг машинаси олиб юарди. Бир кун янги шофёр келиб қолди. Бир-икки олиб юргач, гапдан-гап чиқиб: «Шум бола бизнинг қариндош», — деб қолди. Мен ҳайрон бўлиб у кишига қарадим, сир-бой бермадим. Ҳатто шу ёшга кириб шундай қариндошимиз борлигини билмаган эканман, деб ажабланиб ҳам қўйдим ўзимча. Шофёрнинг тантилиги тутиб, Ҳайрулла ҳақида анча-мунча яхши гапларни ҳикоя қиларди. Гапирганда оғзи тўлиб, шундай қариндоши борлигидан фахрланиб гапирарди. Ҳамма нарсани айтарди-ю, лекин қандай қариндошлиги ҳақида индамасди. Бу орада манзилга ҳам етиб қолдик. Охири сабрим чидамай ўзим сўрадим:

— Шум бола қандай қариндошингиз бўлади?

— Аёлимнинг келинининг...

— Яъни келинингизнинг...

— Йўре, укасини хотинининг ойисининг... — у бир неча бор «нинг» қўшимчасини қўшиб тушунтириб берди. Тўғрироғи адамнинг аммаларининг қизларининг қизининг қайнэгачисининг умр йўлдоши экан шофёримиз. Шундай қариндошимиз борлигидан мен ҳам суюндим. Машинадан тушгач, ҳайрлашаётиб секингина: «Мен шум боланинг опасиман», — дедим.

* * *

Одамлар Ҳайруллани яхши кўришади. Унга ҳавас қилишади. Қолаверса, улар ҳам суюкли актёрларининг енгил қадам ташлаб кулиб юришига ўрганишган, унинг хушчақчақ чехрасига, саломлашган одами билан тўхтаб ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиши-ю, атрофдагиларга эътибор билан қарашига ўрганишган. Иссиқ жон. Сал ўз хаёли билан бўлиб ўтиб кетса борми, тўхтатиб нега хафасиз, деб сўрашади. Ҳайрулла эса юрагида бир оз дарди

бўлса-да, сир бой бермайди. Ўзи айтмиш, дард уники, одамлар уни билиши шарт эмас. «Актёр шунинг учун ҳам актёрки, шахсий ташвишини атроф сезмасин» — Ҳайрулланинг ҳаёт тарзи шу!

... Маликахон оғир учинди. Ишонган дўхтир уни нотўғри даволади. Маликахон бориб-бориб келди... Ҳайрулла ҳам бориб-бориб келди. Аёли учун юраги эзилгандан-эзилди. Ҳайтовур ўтиб кетди у кунлар...

Оғир кечди у кунлар...

Набираси Маликжоннинг боғчасига цирк келиб қолди. Болажонлар масхарабозларнинг қилиқларидан қиқирлаб кулишди. Оппоққина кучукчанинг учга учни қўшиш ҳисобини чиқариб берганига қизиқиб қолишди. Айниқса, дўмбоқчанинг кўйлаги-ю шими уларга ёқиб қолди. Орадан озгина вақт ўтгач, узун қора кўйлак кийган, ўзиям бақувватгина аёл ўртага чиқди. У елкасига жуда катта, ҳайбатли илонни худди шарфдек осиб, бир қўли билан бошидан, бир қўли билан думидан ушлаб олган эди. Мана у болаларга яқинлашди. Маликжон илонни яқиндан, жуда яқиндан кўрди-ю, аввалига сесканди. Кейин кўрқиб кетди. Илон эртаклардаги аждаҳога ўхшарди. Мана ҳозир у эгасининг қўлидан чиқиб, уни ютиб юборади. Кейин ҳамма ўртоқларини. Шу даҳшат ичида юзини жажжи қўллари билан беркитганича қичқириб юборди. Бола гўё олов ичида эди. Уни боғчадан олиб уйга келганларидагина бу кўрқувнинг оқибати намоён бўлди. Бола ҳушидан кетди, оёқ-қўл томирлари тортиша бошлади. Бироз ўзига келар, кейин яна ўша кўргилик қайтариларди. Ҳайрулла ва Маликахон эсанкираб қолай дейишди. Дўхтирма-дўхтир югуришди. Эъзоза ўша серташвиш кунларда ўғилчасининг тузук бўлиб кетишига умид қилиб яшади. Ва дардни енгди!

Оғир кечди у кунлар...

Менинг «шумгина» укажоним қариндош-уруғларнинг, ошна-оғайниларнинг, қолаверса, маҳалланинг борди-келдисидан четда турмайди. Дардликнинг дардига шерик, хурсандчилик онларининг тафтига тафт бергувчи дилкаш йигит. Ҳайрулланинг яна бир томонини айтайми, мабодо ўзи ҳақида гапиришга тўғри келса, илҳоми жудаям келавермайди. Борди-ю, кўнгил нуқтасини топиб, бирор яхши кўрган роли ҳақида сўраб қолсангиз, эҳ-ҳе, эшитиб туриб ўзингиз ҳам завқланиб кетасиз. Фақат ҳаяжони ва фикрларини қамраб олишга улгурсангиз бўлгани. Гўё иккинги гўзал, сервиқор саҳнадасиз. Ҳаяжонингиз ҳам бир, кулгингиз ҳам. Ҳатто айтмоқчи бўлган қўшиғингиз ҳам. Бу — бизнинг, сизнинг Ҳайрулла. Энди яна бир янгиликни айтай, яқинда-чи яна бир Ҳайрулла пайдо бўлиб қолди. Бу Ҳайрулла аввал ҳам бор эди. Лекин у ўзини унчаям юзага чиқармас, кулгута ошно Ҳайрулланинг соясида қолиб кетганди. Онда-сонда кўриниб қолса ҳам ҳеч ким бу Ҳайруллани тан олмас, ҳатто тан олишни ҳам истамасди. Томчи-томчи йиғилиб, дарё бўлар деганларидек, ниҳоят иккинчи Ҳайрулла қаддини ростлади. Энди у: «Кел, қўй, индамай қўя қолай», «Кел, қўй, шунинг дили оғримай қўяқолсин, эсини йиғиб олар», — деб ўтирмайди. Фикрини дадил ўртага ташлайди. Энди у куяди, жони ачийди. Аввал ҳам жони ачирди, энди бошқачароқ. Одамларни, атрофни кузатиб туриб фикрлари қайнайди. Телевизорнинг қайси каналини бурамасин, ўзини кўз-кўз қилишга уринган «чиллаки» ашуланини кўриб феъли айнийди. Намунча ўзига зеб бермаса, дейди. Бундайларни кўравериш иккинчи Ҳайрулла анча шиддаткор, шартта айтгучи бўлиб қолди. Яқинда у ошна-оғайниларидан бирининг тўйига борган эди. Ўйин-кулги, ҳаммаси жойида. Лекин Ҳайруллага бир нарса ғалатироқ таъсир қилди. Тўй олиб борувчи ёш йигитчани микрофонга таклиф эта туриб оғзини тўлдириб Наби Раҳимовнинг шогирди дея эълон қилди. Шогирд ҳам чиқиб ниҳоятда фахр

ва кўтаринки руҳ билан Наби Раҳимовни эслади, «Бизнинг устоз бўладилар», — деди виқор-ла. Шундан кейин у устозининг овозини ўхшатиб берди. Табиийки, юксакликка даъво қилувчи йигитча артист бўлиб артистмас, ҳаваскор бўлиб ҳаваскор эмас, ўртамиёна ижрочи эди. Ҳатто у Наби Раҳимовга умрида бақамти келмаган эди. Ҳа, у устоз овозини ўхшатди, томоғини қириб яна кимнингдир овозини тарғиб қилди. Тамом. Шундан нарига ўта олмади. Наби Раҳимов Ҳайрулла учун энг азият инсон. Отасини кўрган, у билан дўст бўлган. Ҳайрулла Ёдгор билан устоз умрининг сўнгги дақиқаларигача ёнларида бўлган... Ижро тутагач, Ҳайрулла йигитчани секин четга олди... Тўғриси айтди. «Улуғлар номини сотиб, обрў орттирганингдан кўра кўзга кўринмай ўтганинг маъқул», — деди. Йигитчага бу гап ёқмаса ҳам ҳарқалай одоб сақлаб эшитиб турди. Ҳайруллани яна бир нарсга қаттиқ ўйлантиряпти. Нима учун кинофильмлар олишга «четдан» фақат ташқи қиёфасинигина назарга олиб актёр танлашлар кўпайиб кетди. Бундайларнинг кўпи рол «ўйнайдилар»у лекин ўз қаҳрамонларининг ички кечинмаларини очиб беришга жуда қийналадилар. Чунки қозонда бори чўмичга чиқади-да. Қозонда эса ҳеч вақо йўқ. На санъатдан билим ва на маҳорат. Кинода битта, борингки иккита рол ўйнаб, ўзини санъаткор деб билгувчилар ҳам ҳали санъаткор дегани эмас. Ана ўшандайлар саҳнада бирор рол ўйнаб кўрсинлар-чи?! Зал тўла томошабин олдида саҳнада икки қадам босиб кўрсинлар-чи? Ташқи кўриниши мос тушгани учун танланган йигит ва қизнинг бу соҳадаги фаолияти фильмни суратга олиш туташи билан тамом бўлади. Алпомиш ролига карате бўйича жаҳон чемпиони Азамат Қаландаров танланди. Ўзи хушрўй, кўз қарашлари маънили, қоматли, қатъиятли йигит. Жуда одобли, муомалали инсон. Режиссёр Ҳабибулла Файзиев, бу орада Ҳайрулла ҳам фильмнинг Алпомишга тегишли қисмларини суратга олинаётганда у билан обдон ишлашди. Азамат ролни ёмон ижро этмади. У дашт йигити, отни

зўр минади. Унга айрим мураккаб саҳналарда дуб-
лёрнинг ҳожати бўлмади. Ҳавас қилгудек жараён-
ларни бажарди. Бунга гап йўқ. Лекин унинг шах-
сий ҳаёт тарзи, йўналиши, мақсади бошқа. Ҳозир
карате бўйича катта тренер, ўзи юрист. Тақдир
тақозоси билан катта эпопеяда рол ўйнади. Ке-
йинчи? Эҳтимол яна бирорта рол ўйнар, лекин бу
билан у актёр бўлиб қолмайди-да, ҳақиқий актёр
бўлмоқ учун унинг мактабини ўтамоқ керак.

Ҳайрулланинг яна бир жон куйдириб айтган
гапи бор:

— Театр санъати институтига ўқишга кираман
деб келган айрим йигитчаларга ҳайрон қолдим.
Ҳеч вақода йўқлар ҳам шу институт орзусида.
Нега бу ерни танладинг, деб сўрасам, ўртоғим
кирмоқчийди, мен ҳам бирга келавердим, дейди
уялмай-нетмай. Бундайларда санъат талаб этгучи
юрак тугул, унинг ирмоқ томири ҳам йўқ. Касб
танлаётганда бундайларнинг ўзига инсоф берсин.
Лекин очигини айтай, театр санъати институтига
киришга интилган шундай қобилиятли ёшлар бор-
ки, улар билан ишлаб мазза қиласан.

Ҳайрулла нега тўсатдан институтни тилга олиб
қолди, деб ажабланманг. Аввалига уни қабул ко-
миссиясига чақиришди. Кейин талабаларга дарс
берасиз, деб туриб олишди. Йўқ, дея олмади. Чун-
ки унинг эсига: «Ҳунарни асрабон нетгумдир
охир», — деган сўзлар келди. Тажриба, маҳорат,
ихлос, ёшларга бергучи билим... ҳаммаси етарли
эди унда. Энди Ҳайрулла — устоз. Ишдаги шо-
гирдларига устоз, унга қараб тўймайдиган, ундан
кўп нарса олиб қолишга уринаётган толибларга
устоз. Сизга айтсам, ана шу устоз ҳамон «шум
бола»-я. Аллақачон 60 дан ошиб кетган бўлса-да,
тўйиб-тўйиб унинг гапларини айтади. Учрашув-
ларда, гоҳ саҳнада бўлсин, гоҳ дўстлар давраси-
да.

Ҳайрулла мени кўргани шунчалар яйраб,
ҳаяжон билан кириб келдики, унинг ҳаяжонига
шерик бўла қолдим.

— Мен ҳув ўша вақтларда олтимиш ёшга кир-

ганимда ҳам «Шум бола»ни ўйнасам, деб ният қилгандим. Ҳатто ТЮЗда «Шум бола»ни қўйганимиздаги кийимимни асраб қўйгандим. Ниятимга етдим, опа. Яна қайси театр саҳнасида денг. Миллий Академик театримиз саҳнасида, Фафур Ғуломнинг 100 йиллик юбилеи нишонланаётган кунда... Фақат кийимим сал торлик қилиб қолди-да.

Ҳайрулла бирам мириқиб кулдики, унга ҳавасим келиб кетди.

— Ўттиз йилча вақт ўтибди-ку, тораймайдими, Яйра опа? Ўзиям «шум болалар» кўпайиб кетишибди. Абдурайим Абдуваҳобов, Мадина Мухторова, яна бир талай шум болачалар. Кўпайганимиз яхши.

Бундан кейин ҳам «шум бола»лар кўпаяверади. Ҳа, ҳар давр ўз «шум бола»сини бераверади. Лекин Ҳайрулла оила тебратувчи ўғилдек энг катта «шум бола» бўлиб қолаверади.

* * *

Ҳозирги болажонлар Ҳайруллани биласизми нима деб чақиришади? «Камалак» бувам, деб. Ана насиб этса, кечаги «шум бола» укагинам ҳозирги «шум болача»ларга бува бўлиб қолди. Укажоним уларга телевизорнинг қаерда, қандай пайдо бўлгани борми, мультфильмларнинг яратилиши борми, алмисоқдан қолган мис баркашнинг тарихи борми, хуллас, болаларни қизиқтирган ҳамма соҳалардан ҳикоя қилади. Уларни ҳаёт бағрига, унинг мўжизалари бағрига олиб киради.

Ҳаёт давом этади. Энди Ҳайрулланинг фарзандлари улғайиб, уларнинг ўзлари ота-она бўлишди. Бундан хабарингиз бор. Ҳайрулла бош фарзанди Сардорга ўз тенгидек қарайди. Улар бири-бирига меҳрибон, маслаҳатгўй. Сардор фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этади. Лобархон эса келинлик бурчини. Бош набираси Жаҳонгирдан Ҳайрулланинг умиди катта. Раъно қизчасини суйгандан суяди. Бу ширин ва жажжи оиланинг тинч-тотувлигига, бир-бирини тушуниб яшаётганига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Шундай, ҳаёт давом этади. Ҳайрулла давом этаётган умрини, оиласини қадрлайди. У гоҳ театрга, гоҳ кинога, гоҳ телестудияга югуради. Югуравер, укажоним, югуравер. Фақат чарчамагин. Олтмишингда югуриб юрибсан, етмишинг, саксонингда ҳам югур. Майли, тўқсонингда қандай югуришинг лозимлигини маслаҳатлашиб кўрармиз. Фақат бир нарса дейишга ожизлик қиляпман. Ўшандаям сени: «Ана, «Шум бола» келяпти», — дейишармикин ёки «Шум бобо» келяпти», — дейишармикин? Нима дейишса ҳам майли, фақат оиланг тинч, бағринг бутун бўлиб, халққа хизмат қилиб юрсанг бўлгани.

ҚЎШ КАБУТАР

Учинчи қаватдаги уйимизнинг айвони каттагина. Унинг ташқарисига, шундоққина бир четига гул экиш учун тахта яшик қилинган. Янги кўчиб келганимизда тупроқ солиб, гуллар экардик. Бора-бора пастта сув оқиб тушиб, қўшниларни безовта қилавергач, бу иш қолиб кетган эди. Энди эса бу жой қушлар учун емишхонага айланган. Унга ушоқ ёки у-бу егуликларнинг қолдиғини ташлаб турамиз. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча чумчуқлар учиб келиб, еб кетишади. Мусичалар эса вазминлик билан қўнишади. Бир чўқиб, бир ютиниб, ора-чора бир-бирларига мурожаат ҳам қилиб қўйишади.

Кейинги вақтда уйимиз атрофида каптарлар оралаб қолишди. Баъзан қўшни уй томи узра парвоз қилишганда қанотларининг силкиниш овозлари ҳовлини тутиб кетгандек бўлади. Мен улар сайрини негадир томоша қилгим келади. Яқин-яқиндан икки чиройли кабутар донхонамизга келиб қўнадиган бўлиб қолишди. Улар кўҳликкина. Қараб туриб қушлар ҳам шунча файзли бўларкан-а, дейман ўзимга-ўзим. Бир-бирларига бирам меҳрибон, бир-бирларини аяб тургандек. Ҳатто ўзаро илтифотларини сезгандек бўламан. Ёш оилабоши нозиккина келинчакнинг қулоқларига ни-

мадир пичирлагандек бўлади, нимагадир имо қилади. Ошиқлар бир он у-бу еган бўладилар. Сўнг олдинма-кетин учиб, тўғридаги олма шохига қўнадилар. Яна бир зум атрофга маҳлиё боқадилар. Табиатнинг гўзаллиги, нафосатидан улар гўё ором оладилар. Пириллаб учиб, бирга рақсга тушадилар ва яна келиб деразанинг ёнига қўнадилар. Бу икки кабутарга қараб туриб, ҳавас қиламан. Уларни ҳар кўрганимда икки азиз жигарим — Гулчеҳраҳон ва Лутфуллаҳонлар эсимга тушаверишади.

Гулчеҳра ва Лутфулла. Улар — икки кабутар, икки ошиқ қалб... Санъатга деярли бир вақтда кириб келиб, бир вақтда асл устозлар қўлига тушиб, бир вақтда юлдуздек порлаб ва унинг заррин нурини асраб қолган заҳматкашларим. Бир-бирини қўллаб-қувватлаган, бир-бирини тўлдирган. Ҳамма ерда бирга. Ишда ҳам, оилада ҳам елкадош. Бир оила бўлса шунчалик бўлади-да. Ташқи «олам»ни эплаб, Гулираънодек, Сарваржондек, Муқаддасхондек фарзандларга ота-она бўлиш, халқ севган санъаткор Фатҳулла Маъсудовдек куёв билан фахр этиш, Камолахондек барно келинга қайнона, қайнота бўлиш ҳазилакам гап эмас. Баракасини бергур набираларга бува-буви бўлмоқ масъулияти елкаларида. Қўш кабутар ана шу олий даргоҳни — оила бахтини ҳимоя қилишади, эъзозлашади.

* * *

Лутфулла мактабни тугатгач, санъат йўлини танлади. Ўзи у ёқда турсин, мен ҳам унинг шу соҳада ишлашини истардим. Назаримда бир бўшлиқ бору, шу бўшлиқни у билан Ҳайрулла иккаласигина тўлдирадигандек. Бу бўшлиқ Ҳикматулла Қориев билан Ҳабиб Саъдийларни юзага чиқарган санъат даври билан бутунги кун оралиғи эди. Мен ўзим ҳам санъатни жуда севардим. Болаликдан театрга бориб ўрганган эдим. Мен кўрмаган спектакллар деярли бўлмасди. Атайлаб Тахтапул, 147 дан Хадрагача артистларни томоша қилиш учун яёв кетардим. Йўлда ТЮЗ ва Ҳамза

театри бор эди-да. Кўп тенгдошларим қатори «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий» спектакллари-ни деярли ёддан билардим. Театрга бўлган хуморимни мактаб сахнасида ўйнаган ролларим билан тарқатардим. Уруш йилларининг акс-садоси бўлмиш «Ёш гвардия»дан парча сахналаштириб, унда бошловчи бўлганим, 10-синфда «Шоҳи сўзана»ни қўйиб, Омон ролида чиққаним. Дорилфунунда Шукур Бурхонни кўриб ҳайратланганларим, у бошлиқ драма тўтарагида «Қутлуғ қон»ни қўйишаётганини эшитиб, оддийгина бир таклиф билан репетицияга борганларим. Унсун бўлганим. Ҳамза театри сахнасида уни қўйганимиз, ҳатто Мирзакаримбой билан Унсун сахнасидаги ижроимга залдагилар қарсак чалиб юборгани... Улар зое кетмаган эди. Юрагимнинг туб-тубида яшириниб ётган санъатга меҳрим укаларимнинг бу орзуларини гўнча давридаёқ ҳис қила олишимга ва уларни қутлашимга сабабчи бўлгандир.

«Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газета-сида янгигина иш бошлаган вақтим эди. Ўша вақтда артист Тўлқин Тожиевнинг «Тўлқин Тожиев!» бўлиб кетган давлари эди. Газетада унинг мақоласини бериш режалаштириб қолинди. Уни ўзим таклиф этган эдим, ўзимга топширишди. Тўлқин Тожиев ҳали талаба эканини билардим. Театр ва рассомчилик институтига уни излаб бордим, лекин топа олмадим. Тасодифан қариндошимиз Баҳриддинни кўриб қолдим. Улар Тўлқин билан бирга ўқишаркан. Унга мақсадимни айтиб, уйга қайтдим. Орадан кўпам вақт ўтмади. Уй юмушлари билан ғимирсиб юрган эдим, эшикдан Тўлқин кириб келди. Уйимизни ҳойнаҳой қариндошимиз тушунтириб берган чоғи. Меҳмонни кўриб, мендан олдин Лутфулла суюниб кетди. Кейинчалик бу кунни у шундай эслаганди:

— Шундай одамга тикилиб қарашга ботина олмасдим. Опам Тўлқин ака билан суҳбатлашяптилару, мен эшик ёнидан унга қарайман. Артист қанақа бўларкин деб у ёққа ўтаман — бу ёққа ўтаман. Нуқул ботинкасига тикиламан. Артист-

ларнинг ботинкаси қанақа бўлар экан деб. Тўлқин акани кўчагача кузатиб чиқдим, ўша ғимирлаган орзу қалқиб чиқди-қўйди.

У вақтда Лутфулла адамнинг газ заводларида ишлар, мотороллер ҳайдар, хуллас, бўш турмасди. Лутфулла секин-аста адамларга йўл топа бошлади. У қилиб-бу қилиб ниятини бир амаллаб айтиб олди. Ана энди адамлардан эшитинг. Хўп дейиш қаёқда-ю, сал бўшашиш қаёқда? Ундай деймиз—кўнмайдилар, бундай деймиз—кўнмайдилар. Биздан Аброр Ҳидоятлов ҳам қолмайди, Олим Хўжаев ҳам. Мен ҳам гапираман, гапиравераман. Адамларнинг елкаларини уқалашга тушамиз. Буни биз ўзимиз ўйлаб топганмиз. Уларга ишимиз тушса, елкаларини эркаланиб-эркаланиб енгилгина уқалаймиз. Улар билмасликка олиб:

— Айтақол, неча пул керак? — дейдилар.

— Бу гал пул эмас, рухсатнома керак, — дейман Лутфуллага кўзим билан келмай тур ишорасини қилиб. Ҳозиргина қувнаб турган адам жиддий тус оладилар.

— Сан ўзи санъатнинг мушкуллигини биласанми? Артистликка ўқиб, чиллаки махсум бўлиб юрадими? — дедилар охири.

Шунда мен гап оҳангларида бир нарсани уқиб олдим: адам Лутфулланинг бу йўлдан кетишини хоҳлаганлару, лекин санъаткор бўлса, ҳақиқийси бўлсин, ивирсиб-ғимирсиб юрадигани бўлса, бўлмагани маъқул, дея ўзларини ушлаб турганлар. Қолаверса, унинг нияти чинданми ёки шунчаки ҳавасми, буни ўзлари синаб кўрмоқчи бўлганлар. Мана икки оёқларини бир этикка тикиб олганларининг бош сабаби қаерда эди. Телевизор экрани орқали Лутфулланинг ижодига бағишланган кўрсатувлардан бирида: «Санъаткор бўлишига отаси қаршилиқ қилган», — дея фикр юритишди. Шунда менинг дилим бир оз озор чекди. Бундай гапларни айтганда, айниқса, радио-телевидение орқали гапирганда ё матбуотдаги чиқишларда жуда ҳушёр бўлиш керак. Чунки санъат аҳлининг ҳаёти халқнинг тирноғи устида.

Лутфулла сабр-қаноат ила адамнинг оқ фотиҳаларини кутди. Бир оз олдинроқ кетсам-да, айттай. Институтни тамомлаётганида диплом спектакли учун Н. Гоголнинг «Ревизор»ини танлашган ва уни Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театри сахнасида кўрсатишган. Табиий ҳол. Таклиф этилганлар анча-мунча. Биз онам, опам ичимиз қуриб ҳаммадан олдин бориб олибмиз. Залга кирдик. Зал ҳали бўм-бўш. Фақат олдинги қаторда бир киши сахнага тикилганича ўтирибди. Бундай қарасак — адамлар!

Сиздан яшириб ҳам нима қилай, театр ва расомчилик институтига кириш Ҳайрулла билан бўлганидек Лутфулла учун ҳам мушкул кечди. Маҳоратдан бўлган биринчи имтиҳондаёқ йиқилиб чиқди. Ҳайрулланинг нутқи тўғри келмаса, бунинг маҳорати тўғри келмади. На илож, осмон йироқ, ер қаттиқ! Ҳайрулланику, хабардор бўлдингиз, ўқиши учун Назира Алиева оёққа турдилар, Лутфулланинг бахтига эса ўша йили институтнинг кечки бўлими очилиб қолди. Икки йигитнинг санъатдаги тақдири ва йўли, меҳнати ва зафарлари кириш имтиҳонларининг нисбий эканини исботлади.

* * *

Лутфулла «кечки»да ўқиб туриб, Республика Ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилинди. Бу театр Лутфулла учун муқаддас даргоҳ эди. Чунки болалигида унинг бирорта спектаклини қўймай томоша қиларди. Актёрларнинг сахнани яйратиб ўйнаганларига ҳаваси келарди. Шу болада, подшо айвоқчисининг биқинини пойлаб туриб, рогаткасидан «ўқ» отган! Айвоқчи биқинини ушлаб вой-войлаганда, яна ёмонлик қилсанг шунақа бўлади, деб мириққан. Мириқишга мириққану, лекин қулоғи чўзилиб, лавлагиси чиқиб кетгунча тавбасига таянмаган. Шукурким, энди у атоқли актёрлар қатори ўзи ҳам сахнага чиқади. Ҳа, Лутфулла болаларни, жажжи томошабинларни севиб қолди. Залда ўтириб сахна қаҳрамонлари билан

баравар яшаган, ҳайқирса ҳайқирган, кулса кулган, йиғласа йиғлаган болаларни севиб қолди. Чиндан ҳам болалар ишонувчан, сезгир бўладилар. Улар билан ёлгон сўзлашув у ёқда турсин, юзаки муомала ҳам қилиб бўлмайди. Актёрнинг ҳар бир хатти-ҳаракати воқеалар жараёнида ўзини оқлаши лозим. Катта ёшли томошабин баъзи камчиликларни ҳазм қилади, кечиради. Болалар эса жуда синчков, адолатли томошабин. Лутфулла ТЮЗга ишга келганида бу талабларга жавоб бериш учун тайёр эди.

«Шуълаи офтоб»да ёвуз куч Холдур офтоб шуъласини ўғирлаб қўяди. Уни излаб топиш ва ҳаётга қайтариш керак. Болалардек содда, болалардек қизиқ эртақ-спектакл. Лутфулла унда шаҳзода Абдусалом ролини ижро этди. В. Иваловскийнинг «Чандунинг саргузаштлари» пьесасида эса бош қаҳрамон Чандуни. Бу икки рол театр томонидан унга берилган оқ фотиҳа эди. Бу орада Лутфуллани телестудияга тез-тез таклиф этиб туришарди. Фидойи мураббий, қобилиятли журналист Элбек Мусаев бошчилигидаги «Ёшлик» студияси унга ва унинг тенгдошларига катта эътибор берар, ўз кўрсатувларига, таклиф этарди. Бу орада Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари саҳналаштирилди-ю, Ҳайрулла Шум бола бўлиб, Лутфулла эса Омон бўлиб танилди. Лутфулланинг истеъдодини юзага чиқарган яна бир асар туркман ёзувчиси Хидир Диряевнинг «Қисмат»идаги Берди роли бўлди. «Қисмат» ўзбек театри саҳнасига Гулчехрани олиб кирди.

Ўз даврининг кучли телережиссёри Саъдулла Анорқулов «Қисмат» романи асосида телеспектакл яратмоқчи бўлди. Бош қаҳрамон ролларини ижро этишга ҳали томошабинга унча таниш бўлмаган, аммо ташқи қиёфаси, қалби билан асар қаҳрамонларига мос келадиган йигит-қизларни жалб этмоқчи эди. Лутфулла учун «унча таниш бўлмаган» деган фикр жудаям мос эмасди. Чунки унинг Омони одамлар оғзига тушганди. Лутфулла ижодининг қирралари энди очилмоқда эди. Бер-

ди учун режиссёр уни танлади. Энди у Узукжамол учун ижрочи топиши керак эди.

Бир кун телестудия режиссёри Дамира Курбонова Гулчеҳрани кўриб: «Янги телевизион спектаклга актрисалар танланыпти. Сени бош қаҳрамон роли учун синовга олиб бораман. Қатнашсан. Агар ўта олмасанг, хафа бўлмайсан», — деди. Гулчеҳра Учқун Раҳмон бошчилигидаги тўғарақда иштирок этарди. Уни рол ўйнашдан ҳам кўра катта артистларни кўриш орзуси қамраб олгани боис дарров рози бўлди ва айтилган вақтда телестудияга етиб борди. Қизчани Дамира Курбонованинг ўзи кутиб олиб, Саъдулла аканинг олдига олиб борди.

Режиссёр Гулчеҳрага назар ташлади-ю, «бўлди» деди. Чунки ўн олти ёшли ниҳоятда истараси иссиқ қизалоқ Узукжамолга мос эди. Энг асосийси экранда янги овоз, янги рухсор, янгича талқин пайдо бўларди.

Узукжамол — гўзал туркман қизи. Уни Берди билан муҳаббат иплари бовлаган. Уни зўрлаб бой саройига олиб кетадилар. Зўравонликка қаршилик қилган отаси, акаси ўлдирилди. Берди ҳам улар қўлида ҳалок бўлди. Бой хонадонида Узукжамолни хўрлайдилар, қамчилайдилар. Бойнинг ўғли Омонмурод уни депсиб ўтади, бахтини ўғирлайди. Қийноқ ва руҳий эзилишлар қизни исёнкорга айлантиради, ақл-ҳушини ўғирлайди. Телбасифат Узукжамол ярим тунда бу хонадондан қочади. Шариллаб оқаётган дарё бўйидаги қояга кўтарилади ва хайқиради:

— Ҳаёт, бунча бешафқатсан, бунча қаҳрлисан?! Бутун умидим шулардан эди-ку. Энди улардан ҳам айрилиб қолган бўлсам, бу ёруғ дунёда нима қилиб юрибман, нега?! Бердижон, бу дунёда тақдиримиз қўшилмади, балки у дунёда тақдиримиз қўшилар! Онажон, бахтсиз қизингдан рози бўл! Мен отам кетган жойга кетаман, акам кетган жойга кетаман... Берди кетган жойга кетаман. Мени қарғама, онажон! (Ақддан озган) Алвидо, онажон! Ҳаҳ... ҳа... ҳа!!

Одамлар маҳлиё эди шу кеча, тўрт маҳзун кеча. Узукжамол ва Берди муҳаббатининг, улар тортган азоб-уқубатларнинг, топталган инсон шаънининг гулханида ёнишарди улар. Шу нотинч ва ҳайқирikli кечаларда ўзбек сахнасида икки умидли юлдуз порлади. Бу Гулчеҳра ва Лутфулла эди.

Кўп ўтмай табаррук Лутфихон ая Саримсоқова «Бу кичкина қиз телбалик сахнасини мендан ўтказиб ижро этди. Қалби дарё экан. Илойим умри узун бўлсин», — дея дуо қилдилар. «Қизгинанинг қайсидир ҳаракатлари сизга ўхшайди-я. Сизнинг ёшлигингизни эслатиб юборди у», — дейишди Сора Эшонтўраевага ҳамкасблари. Сора опа мамнун бош силкидилар: «Қизчанинг ширали, нозик овози мени ўзига сеҳрлади, юзидан иффат ёғилди-я». Кўп ўтмай Сорахоним унга оқ йўл тиладилар. Ҳатто шундай деб ёздилар: «Бу икки ёшни сахнада кўрсам, Аброр Ҳидоятлов билан биргаликда ижод этган бахтиёр чоғларни эслайман». Яқингинада таниқли актриса Раъно Ярашева: «Мени санъат йўлига бошлаган Гулчеҳра Саъдуллаеванинг Узукжамоли бўлган», — деб қолди. Яхши гап. Фоят қобилиятли актёр Ғайбулла Ҳожиёв ўша кунларни хотирлаб дейди: «Бизнинг томорқамиз бўларди. Отам биз ака-укаларга: «Агар шу жойни чопиб қўйсаларинг, Узукжамолни кўрасанлар, бўлмаса йўқ», — деб шарт қўярдилар. Биз театр ишқида анча-мунча жойни чопиб қўярдик».

Телеспектаклини кўрган одамлар Лутфуллага: «Шу қизга уйланасан», — дедилар. Қолаверса, Гулчеҳра онамларга ҳам маъқул келган эди. «Қисмат» уларнинг тақдирини бирлаштирди. Тўйлари 1968 йилнинг ноябрида бўлди. Энди одамлар уларни доим бирга кўрадилар. Бирга суядилар, бирга олқишлайдилар. Улар энди сахнада ҳам, уйда ҳам бирга эдилар. Гулчеҳра шунчалар содда, беғубор эдики, келинчалигини унутиб, ҳатто кенжа укам Туйғун билан қорбўрон ўйнаб, чана учарди. Гулчеҳра ҳам ТЮЗга ишга кирди...

Икки кабутар кун сайин сахнада ўсиб боришди. «Пўлат қандай тобланди» спектакли театрнинг энг

машхур асарларидан бўлди. Павел Корчагин ро-
лини бажарган Лутфулла Николай Островский-
нинг ҳаёт йўлини, яшаш шиорини биларди. Унинг
иродасига тан берарди. «Инсон ҳаётда ёниб яша-
моғи керак, тутаб ўтган умр — умр эмас. Яшасин
ҳаёт алангаси!» Лутфулла Островский каби ёниб
ижро этди. У Павел Корчагиннинг «Ҳаёт инсонга
бир марта берилади», — деб бошланувчи моноло-
гини ўқиганида сахна гўё титрарди, олам яшарар-
ди. Уни ўқиганда актёрни ҳаяжон босарди. Унинг
ҳаяжони томошабинларга ҳам ўтарди. Театрдан
мактабга қайтган болалар унинг таъсиридан чиқа
олмас эдилар. Болгар ёзувчиси Панчо Панчевнинг
«Тўрт эгизак» спектаклида Лутфулла бир вақт-
нинг ўзида тўрт хил характерга эга бўлган эгизак
ака-укалар образини яратди. Уларнинг бири ях-
шилиқ учун хизмат қилса, бири ёмонлик оғушида.
Уларнинг ҳар биридан томошабин ўзига керакли-
гини оларди. Гулчеҳра эса булғор қизи Бенько
қиёфасида кўринди. Спектакл кўригида иштирок
этган муаллиф бу икки ижрочига, қолаверса, бу-
тун жамоага ўз баҳосини бера олди:

— Мен ўзбек сахнасида ўз асаримни кўриб
роят мамнун бўлдим. Мени қувонтирган нарсა
шундаки, бу ерда мен хушчақчақ, шўх, очиқкўн-
гил булғор қизини учратдим. Бир неча муддатда
бир йўла тўрт эгизакни ўйнай олган актёрга тан
бердим. Гарчи мен ўзбек тилини билмасам-да,
актёрларнинг юз-кўзларидан, ҳаракатларидан улар
дилидаги гапларини эшитдим.

Лутфулланинг «Мусо Жалил» спектаклидаги
Мусо Жалили бошқа ижро этган ролларига мут-
лақо ўхшамайди. Ижрода қаҳрамонлик руҳи, ва-
тан севгиси ва унга садоқат ўзгача. «Маобид даф-
тари»дан келтирилган шеърлар ва унинг жаранги
бошқача. Театр Лазиз Қаюмовнинг «Қалдирғоч»
пьесасини сахналаштирди. Унда Лутфулла Ҳамза,
Гулчеҳра эса Қалдирғоч исмли қиз ролида чиқди.
Асарни болалар, айниқса, юқори синф ўқувчила-
ри яхши қабул қилишди.

Гулчеҳра яратган образлари ичида Буратино

алоҳида ўрин эгаллайди. Спектаклда ўзига хос мураккаб саҳналар ҳам бор эди. Шуларни ҳам чўчимасдан ижро этди. Ҳатто кўринишларнинг бирида Гулчеҳра ижросидаги Буратинони тўрга солиб осиб қўйишарди. Шундай бўлганки, антрактларнинг бирида уни «осмони фалақдан» тушириб қўйиш саҳна ишчиларининг эсидан чиқиб қолган. Гулчеҳра эса то улар келиб туширмагунларича қалин иплардан тўқилган тўр халта ичида ўтираверган. Қолаверса, биласиз, болалар саҳнадаги воқеаларга жуда ишонишади. Улар Буратинони шунчалар яхши кўришадики, унинг учун куйиб-ёнадилар, бирга қийқиришадилар, бирга ҳушёр тортадилар. Қийин вазиятга тушганда эса Буратинога ҳатто ёрдам бергилари келади. Спектакллардан бирида Карабас Барабас Буратинони тутиб занжир билан боғлаб қўяётганда зални одатдагидан зиёд қий-чув босиб кетди.

— Боғлама, қўйвор! Қўйвор!!

Шунда Буратинога ачиниб кетган болалардан бири саҳнага югуриб чиқиб, уни озод қилмоқчи бўлди. У бир-икки сакраб Буратинонинг олдига борди. Гулчеҳра ҳам вазиятдан чиқмаган ҳолда ташвиш билан:

— Тезроқ кет, тезроқ! Карабас Барабас кўриб қолса, сени ҳам боғлаб қўяди, — деди.

Карабас Барабас ролидаги Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев болага яқинлашиб:

— Шўхлик қилма, бўлмаса сени ҳам боғлаб қўяман, — деди ва болани эсон-омон саҳнадан тушириб юборди.

Шундай, болалар театрининг актёри ниҳоятда сергак, ниҳоятда топқир бўлиши керак.

Спектаклда Карло бувани хизмат кўрсатган артист Бадал Нурмуҳамедов, Карабас Барабасни Карим Хонкелдиев ва Жавлон Ғофурбековлар талқин қилдилар. «Олтин тулпор» спектаклида эса Гулчеҳра Малика Қуёшгулни, Лутфулла унинг суюклиси Антин образини яратди.

Лутфулла ёшлигида ҳам саҳнада ўз томошабини каби ҳушёр, топқир эди. Айниқса, кутилмаган

ходисалар ечимини дарров топар, унинг гирдобидан чиқиб кета оларди. Вилоятлардан бирига бўлган гастролда «Ким айбдор» спектакли қўйилаётганди. Унда ота билан ўғил саҳнаси бор. Ота бебош бўлиб кетаётган фарзандини йўлга солмоқчи бўлиб қўлини кўтаради. Ҳатто камарини ечиб урмоқчи бўлади. Ўғил ундан қочиб саҳнанинг нариги тарафига ўтади. Ота ҳам унинг кетидан ғазаб-ла бориши керак. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Саҳна остига тушиладиган йўлакчанинг қопқоғи очиқ қолган экан. Ота — Саттор Ўлжабоев буни сезмай қолиб беҳосдан унга тушиб кетди. Бу воқеани саҳнада оқлаш керак. Ўғил ролини ижро этаётган Лутфулла дарров хушёр тортди. Образдан чиқмай «дадаси» йиқилган бўшлиққа қараб қўйиб, ойиси томон йўналди.

— Сабзи ўранинг оғзини ёпиб қўйгин, деб дадам сизга неча марта айтганлар, ойи?!

Ота саҳнага инқиллаб-синқиллаб чиқиб олгач, унга қараб:

— Дада, агар сиз мени яна урсангиз, ойим кир ўранинг қопқоғини ҳам очиб қўярканлар, — деди.

* * *

Айтадиларки, асалари бир килограмм асални тайёрлаши учун ер куррасини экватор бўйлаб тўрт марта айлангудек масофани босиб ўтаркан. Афсуски асалдек киши кўнглига ҳузур бахш этувчи образлар яратилганда унга кетган меҳнатни на соатлар билан, на масофа билан ўлчаб бўлмайди. Бу масофалар, муддатлар саҳна орқасида қолади. Улар меҳнат билан ўтган кунларнинг қатламига қатлам бўлиб қўшилаверади. Уларнинг сарфи образларни жонлантириб, мазмунига ҳарорат, эзгулик олиб киради. Иззат Султоннинг «Донишманднинг ёшлиги» спектаклини тайёрлашга кетган вақт беҳисобдек туюлса-да, аслида ёш Ибн Синони тайёрлаётган Лутфулла, Заррингису жамолидаги Гулчеҳра учун машаққатли, аммо тотли таомдек эди. Машқ даврининг ҳар дақиқаси улар учун

улуғ олим сиймосининг тенгсиз рамзини очгандек бўларди. Гулчеҳранинг оддийгина устоз деб мурожаат қилиши, бу сўзнинг ҳар оҳанги, ҳар талаффузи воқеаларга лиризмни олиб киргандек бўларди. Саҳнада Абу Али ибн Сино яратган табобат гулшанининг илк даврлари, илк юмушлари, изланишлари, тажрибалари, улар келтирган жафо-ю вафонинг талқини, кураш жараёнлари акс этди. Асарда миллий рух, муҳаббат лаҳзалари кучли эди.

Нисо шаҳрининг маликаси Заррингису бетоб бўлиб қолди. Уни сарой табиблари тузата олмадилар. Фақат Ибн Синогина маликани ўлимдан асраб қолди. Сарой табиби Ибн Жаъфар ҳасад туфайли олимни жафоларга гирифтор этмоқчи бўлди. Ибн Сино эса унга зарба бермади. Беришни истамади. Шу ўринда Ибн Сино ва Заррингуси ўртасидаги диалогни келтирай:

Заррингису: Эй, Ҳусайн, табиб Ибн Жаъфар бошингга қилич кўтариб келганда ҳам нега сен индамадинг? Нега имконият бўлганида ундан қасдингни олмадинг, ўлдирмадинг?

Ибн Сино бу саволга шунда жавоб берди:

— Мен ўн олти ёшимда Бухоро ҳукмдори Нуҳни ҳеч ким тузата олмаган хасталиқдан халос этганда одамлар мени жодутар деб эълон қилдилар. Бухоро нодир кутубхонасига ўт тушганда бунни Ибн Сино қилди, дегувчилар топилди. Куйиб кетган китобларни ёддан эслаб, ўз мушоҳада-мулоҳазаларимни қўшиб «Ал-Қонун» китобини битганимда одамлар Ибн Сино бировларнинг асарларини кўчириб олгувчи асардўз, деб эълон қилишди. Мен қаерга борсам, олдиндан шуҳратим етиб боради. Ортимдан эса ҳасадлар қувиб келади. Мен ҳасадларни рад этиш билан овора бўлсам, савоб ишлар қилишга қўлим тегмай қолади. Менинг раддиям — савоб ишларим. Мана сен ҳам менинг раддиямсан, гўзал Заррингису.

Лутфулла яратган Ибн Сино ана шундай эди ва саҳнага жуда ярашарди. Гулчеҳранинг Заррингису ҳеч нарсадан чўчимайдиган оқила малика эди.

Султон Маҳмуд Нисо шаҳрини бўйсундирмоқ истагида эканини сезган шаҳар маликаси унга шундай мактуб йўллайди: «Шаҳримга бостириб кириб мабодо мени енгсанг, енгса ожиза аёлни енгипти, деб сенинг устингдан куладилар. Борди-ю бу жангда мен қолиб келсам, одамлар ожиза аёлдан енгилибди-да, деб устингдан яна куладилар. Сенга уч кун муҳлат, ўйлаб кўр!» Хатни ўқигач, Султон Маҳмуд Нисо шаҳрига ҳужум қилмасликка қарор қилди. Гулчехранинг маликаси ана шундай жасур ва доно эди.

Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги муносабати билан ҳозирги Миллий театрда Уйғуннинг «Абу Али ибн Сино» пьесаси сахналаштирилди. Буюк табиб ролини ижод чўққисида турган забардаст актёр Обид Юнусов ижро этди. У ТЮЗда ҳам юбилей спектакли қўйилаётганидан хабар топиб, уни кўргани келди. Спектакл тутагач, бу беғубор актёр бутун жамоани, айниқса, Лутфулла ва Гулчехрани самимий қутлади. У Лутфуллани эркалаб, Луфус дерди.

— Луфус, асарларинг кучли, зўр ўйнабсан.

Обид Юнусов Ибн Синони ўйнаган Лутфуллага тан берди. Бу барча санъаткорларга берилган катта баҳо эди.

Эндиги навбат «Ойгул ва Бахтиёр»га. Ойгул — Гулчехра, Бахтиёр — Лутфулла. Дарвоқе, Гулчехра ҳар гал ўзбек қизи ролини тайёрлаётганида унинг қулоқлари остида устоз Назира Алиева билан қилган суҳбати жарангларди. Ўшанда Назира Алиева ўз тажрибасидан сўзлаб, ўзбек қизи ролини ўйнайдиган актрисада қандай фазилатлар бўлишини уқтирган, кўп нарсалар айтиб берганди. Ўшанда Гулчехра бир нарсани илғаб кўнглига жо қилиб олган эди. Бу — миллийлик ва яна миллийлик.

— Арзимаган бирорта ҳаракат билан ўйнаётган қизингизни ўзбегимдан узоқлаштириб қўйишингиз мумкин. Ёшлигимда менинг ўзимда шундай бўлган, Гулчехрахон. «Холисхон»ни машқ

қилаётган вақтимиз эди. Мен Холисхонман. Акам устимга ўдағайлаб бостириб келяпти. Мен гужанак бўлиб бошимни чангаллаганимча ўзимни ҳимоя қиламан ва кафтимни тескари ўтириб акамнинг кўзига бақрайганча тураверишман. Бу кўришни ўзбекчиликка тўғри келмас экан.

Шунда Гулчеҳра ўзбек аёли образини яратаётганида керак бўладиган кўзни ерга олиш, липпа уриш, рўмол танғиш, рўмол ўраш турларини, енг шимариш, ўтириб-туриш ҳолатларини устоз гапларидан уқиб олди. Худди шундай гапларни Манзура опа ҳам уқтирардилар. Бу ўғитлар, ширин суҳбатлар хоҳ саҳнада, хоҳ телевидение, хоҳ радио орқали бўлсин, актриса яратган образларда ўз акс-садосини берди. Гулчеҳра ўзбек қизи одобини, унинг шарқона хулқини ўз ижодида биринчи ўринга олиб чиқди. Унинг севгисини муқаддаслик поғонасига кўтарди. Аллоҳ унга латофатли ва нафис овозни тақдим этган эди. Лирикага бой бу овоз унинг ижросини чўққига кўтарди.

Дарвоқе, радионинг олтин хазинасида сақланаётган буюк асар — Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» радиоспектаклидаги Кумушбибинини тингланг-а, юрагингиз алланечук бўлиб кетадими? Қалбингизга Отабек ва Кумуш севгиси меҳмон бўладими? Бу овоз соҳибаси — Гулчеҳра. Унинг «От кишнаган оқшомда» (Тоғай Мурод асари) фарзанд кўриш орзусида диллари ёнган аёли-чи? Бундай назокатли роллар Гулчеҳрада бесаноқ.

* * *

Икки кабутарнинг ижод чўққиларидан бири халқимиз суйган ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» телеспектакли билан боғлиқдир. Асар Муқаддам ва Алимардонларнинг севги тарихи, унинг оқибатли ва оқибатсиз кўлами, вафо ва бевафоликнинг акс садосидир. Режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов асарни саҳналаштиришни ният қилгандаёқ ҳеч иккиланмай бу икки ролга Лутфулла ва Гулчеҳраларни белгилаб қўйган эдиким, актёрлар ҳам бу таклифни катта умид ва қониқиш

билан қабул қилдилар. Уларнинг дўсти Анвар об-
рази марҳум актёр Рустам Афзаловга топширил-
ган эди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ артистлари
Муҳаббат Йўлдошева, Воҳид Қодиров ва бошқа-
лар ҳам спектаклга таклиф этилгандилар. Асар
санъаткор ҳаёти турли томонларининг талқини
бўлгани учунми, телеспектаклни одамлар ҳам ўзгача
эҳтирос, қизиқиш билан қабул қилдилар. Ҳусн-
дор, овози ширали йигит Алимардон Тўраев қўшиқ-
ни чиройли куйлайди. Саҳнага у аввалига гўзаллик
ва иштиёқ тарағиб кириб келади. Халқ уни севиб
тинглайди. Қайта-қайта айтмагунча саҳнадан қўйиб
юбормайди. Қарсаклари орқали уни шарафлайди,
унга кайфият беради. Бора-бора у шуҳрат чўққи-
сига чиқади. Шуҳратни эса кўтара билиш, мисқол-
лаб йиғилган обрўни асрай олиш керак. Ким бу-
нинг урдасидан чиқади-ю, ким чиқмайди. Кимдир
уни доимийликка берилгандек фараз қилади, бо-
сар-тусарини билмай қолади. Алимардон Тўраев ана
шундай инсон бўлиб чиқди. Зиналардан кўтарил-
ган сари ўзини осмонда кўра бошлади. Фурур деб
аталувчи оғу уни ўз гирдобига торта бошлади. У
энди ҳеч кимни писанд қилмай қўйди. Уни ўраб
олган яна бир мудҳишлик оиласига хиёнатни бўлди
ва буни табиийдек қабул қилди. Афсуски, ана шу
хиёнат унинг гулдек оиласини парчалаб ташлади.
Эсингиздами, Алимардоннинг сўнгги қўшиғи. Ҳой-
наҳой у сизни ҳам мафтун этган, хаёллар оғушига
элтган, юрагингизни эзган. Дилингиз Алимардон-
дан қанчалик озор чекмасин, барибир унга ачина-
сиз. Қўшиқнинг дарди сизни узоқ вақтгача қўйиб
юбормайди:

*Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар кетмоқдаман.
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман.
На ишончу, на қувончу, на кўнгулдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмоқдаман.
Мен қуёш юзлимга деб тун кечалар бердим юрак,
Оқибат отганда тонг қондир жигар, кетмоқдаман.
Неча кунлар ўтди, лекин сўрмадинг ҳолимни бир,
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмоқдаман.
Келганимга дедларки, бу йигит кони зарар,
Кетмагимдан охир айт, борми зарар, кетмоқдаман.*

Хўш, оддий инсон сифатида Лутфулланинг Алимардонга муносабати қандай эди? Томошабинлардан бири: «Ҳаётингизда Алимардон Тўраевга тўқнаш келганмисиз?» — дея берган саволига шундай жавоб бергани аниқ:

— Албатта, нафақат мен, ҳар биримиз ҳар куни кўплаб Алимардонларга тўқнаш келамиз. Алимардоннинг қилмиши хато, у ўзига ўзи қилди. Уни бу йўлга ҳеч ким етакламаган. Буларнинг барига тўқлик сабаб бўлди. Тўқликка шўхлик эса иймонга қарши боришдир.

Гулчеҳранинг Муқаддами ифбатли, ориятли, лекин ҳамма нарсани кечирса ҳам хиёнатни кечирмайдиган. Шу боис оилани тарк этади. Гулчеҳра видоеспектаклда Муқаддам дарди билан яшайди, куяди, ўртанади. Асар томошабинларнинг илтимосига кўра жонли ижрода қайта-қайта қўйилди. Орадан йиллар ўтди ва ниҳоят, у олтин хазина учун суратга олинди. «Баҳор қайтмайди» шу кеча-кундузда ҳам кўрсатилиб турибди. Унда худди бутуннинг нафаси уфураётгандек.

* * *

Телевидение икки кабулар учун ростакамига мактаб бўлди. Айниқса, унинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви улар учун ҳаёт сабоғидек эди. Кўрсатувда яратилган турли кўринишдаги, ички дунёси ҳар хил бўлган қаҳрамонлар актёрларни ҳаётга, қолаверса, халққа яна ҳам яқинлаштирди. Аввалига ўғиллар ролида кўринаётган Лутфулла энди ота қиёфасида кўрина бошлади. Гулчеҳранинг актёрлик фаолиятига фақат лирик қаҳрамон эмас, оналик шукуҳи ҳам кира бошлади. Меҳрибон, фарзанди учун жонини фидо қилувчи она, кўзида ёш, ҳатто кулгини унутган она, фарзанди учун жафо кечган, унинг одам бўлишини истаб-истаб ўзини қийнаб яшаган она... Кейинги вақтда актриса репертуарида янги йўналиш кўзга ташлана бошлади. Бу енгилтак, молу дунёга хирс қўйган, фарзанд тарбиясига бефарқ қараган аёллар образидир. «Тойчоқ» видеофиль-

мида ана шу икки Гулчеҳра намоён бўлди. Ростини айтсам, мен уни шаллақи, бақироқ, бачкана аёллар ролини ижро этганда аяб, қизганиб кетаман. Бундан анчагина аввал Абдулла Қаҳҳор номли Давлат сатира театрида қўйилган «Тобутдан товуш» спектаклида Нетайхонни ижро этганда ҳам негадир уни Нетайхондан қизганган эдим. Ҳатто Гулчеҳранинг лирик қаҳрамонларига ўрганган ҳурматли ёзувчимиз Саид Аҳмад унга: «Сиз бунақа ролларни ўйнаманг», — деб айтган ҳам эканлар. Чунки Нетайхонни зўр ўйнаганига тан берганлари ҳолда биз билган Гулчеҳрани йўқотиб қўяётгандек эдилар. Сора Эшонтўраева илк ролларида кўрганида бағрига босиб, чиройли овозингиз бор, дея эркалаганида ажиб бир хосият бор эди. Ҳалиям, азизам, овозингизни қадрланг, дегим келади.

Бир кун Гулчеҳра кулиб-кулиб гапириб берган эди. Маҳалла-маҳаллада. Ҳамма бир-бирини танийди, кирди-чиқди дегандек. Бир ҳовлидан «тиқ» этган товуш чиқдимиди, тамом, ташқарига юмалаб-юмалаб кетганини сезмай қоласиз. Уларнинг уйлари деразаси кўчага қараган. Кўчадан биласиз, ўтган ҳам ўтади, ўтмаган ҳам. Кўпчилик бу кимнинг хонадони эканини билгани учун ҳам кўз-қулоқ бўлиб туради. Ёнидан ўтганда ҳам разм солиб ўтади. Шундайларидан бири ўтаётганда ичкаридан нақд икки қаватли деразани қарсиллатиб юборгудек овозлар эшитилди.

— Тавба, кимсан палончилар-а, улардан ҳам ахийри чиқаркан! — дея аёл дераза олдида таққа тўхтаб қолди. Қулоқлари диккайди. Ёқасини ушлади. Ичкаридаги овозлар пасайиш ўрнига авжига чиқарди.

— Ўлар бўлсам, ўлдим. Тинчлик борми ўзи бу хонадонда! — Бу Гулчеҳранинг овози.

— Сен бор экансан, тинчлик бўлмайди! — Бу Лутфулланинг бўғиқ овози эди.

— Кетаман!

— Йўқол!

Қўшни аёл тилло топиб олган одамдек сергакланиб қолди. «Ана сизга аҳиллар, мана сизга аҳил-

лар!» У асосий гапни эшитганидан мамнун, пилдираб нари кетди. Бу янгиликни кимгадир айтмаса, ўлай агар, ёрилиб кетади. Айтди. Тинглаган қўшни аёл эса бу хабардан ташвиш тортди.

— Бўлди, бундай гапни кўтариб юрманг, — дея унга танбеҳ берди-ю, ўзи безовта бўлиб Гулчеҳралар хонадони сари интилди. Ҳовли эшиги қия очик эди. Уни кенгроқ очиб ичкари киргани ботина олмади. Секин қулоқ солди. Ҳовли жимжит. Хавотирланиб эшикни тақиллатди. Сокинликни Гулчеҳранинг кулгиси бузгандек бўлди. Чидолмай ичкари кирди.

— Гулчеҳрахон, — овози баланд чиқдимипастми, ўзи ҳам билмади.

— Лаббай, келинг-келинг, ассалому алайкум, — деган нафис овоз уни ўзига келтирди. Қўшни аёл турган жойида туриб қолди. Чиройлиқкина кийиниб ишга отланишган қўш кабутарларни кўриб аёл фақат худога шукур, худога шукур, дерди. У Гулчеҳра билан шошиб кўришди.

— Тинчмисизлар? Маҳалла кўчиб кетишига сал қолди-я.

Лутфулла ва Гулчеҳра ҳеч нарсага тушунмай, тинчмиз, дейишди бирваракайига. Шунда аёл ҳозиргина бўлган «ташвишли» хабарни айтиб бергач, эр-хотин роса кулишди. Улар фақат навбатдаги ролга тайёрланаётганларини эшитган қўшни аёл ҳам кулгига қўшилди. Шунақаси ҳам бўлиб тураркан-да. Илойим, «Бўри қулоғи овда»лардан ўзи асрасин.

* * *

Ҳукумат қарори билан Абдулла Қаҳҳор номли сатира театри ташкил этилганда икки кабутарни ҳам ишга таклиф этишди. Актёрлар аввалига иккиланишди, театрларини кўзлари қиймади. Охири рози бўлдилар. Аммо уларни театр жамоаси юборгиси келмасди. Фақат интилиш зўр чиқди. Аризаларига қўл қўйибди. Лутфулла, Гулчеҳра энди бу ердаги вазифаларидан озод эдилар. Лекин бош режиссёр йўриққа киритилган «Ойгул

ва Бахтиёр» спектаклида сўнгги бор ўйнаб кетишларини сўради. Улар рад эта олмадилар. Рад эта олмас ҳам эдилар. Чунки уларнинг қалблари барибир шу ерда қолаётгандек эди. Сўнгги спектакл... Спектаклда улар худди аввалгидек бор вужудлари билан, ундан-да аълороқ, ундан-да юксакроқ ижро этдилар. Спектакл давомида Ойгул ва Шоҳ саҳнасида кутилмаган кўриниш пайдо бўлди. Шоҳ Ойгулга қазаб билан гапиради. Уни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Шунда Шоҳ ролини ижро этаётган Жавлон Ғафурбеков вазоҳатла гапирарди-ю, кўзларида ёш қалқирди. Унинг вазоҳати аста-секин пасайиб, ёши дув этиб тушди. У шундай бетиним, бетакрор актриса билан охириги марта саҳнага чиқаётганидан, болалар театри учун яралган икки устуннинг кетаётганидан юраги увушиб қолган эди. Буни кўриб Гулчехра ҳам чидай олмади. Унинг кўзида ҳам, саҳнадаги актёрларнинг кўзларида ҳам ёш эди...

Сатира театри янги ташкил этилган вақтларда обрўси ниҳоятда баланд, томошабини ҳам етарли даргоҳ эди. Лутфулла у ерда актёр бўлибгина қолмай, тез орада режиссёр сифатида ҳам кўзга кўринди. «Адашганлар», «Афанди, хотини ва Азроил» ҳамда бошқа спектакллари саҳналаштирди. Улар театр жамоаси билан шаҳар-қишлоқларни кезишди, халққа хизмат қилишди. Лекин бу катта ҳаёт уларни нимаси биландир қониқтирмасди. Улар мана шу «нимаси»га жавоб ахтаришарди. Охири топишди. Бу кўз очиб кўрганлари — болалар театрини бошқатдан қўмсаётганларида эди. Унинг саҳнасини, унинг томошабинини, жамоадаги устозларни қўмсаётганларида эди. Улар болажонлар қарсагини, болажонлар кулгисини, болажонларнинг беғуборлигини соғинган эдилар. «Катта томошабин ҳам сизга қарсак чалади. Лекин болаларники... Уларга асар маъқул бўлса, қувониб олқишлашади. Болалар катталарга хос димоғдорликни, ўзларини маданиятли қилиб кўрсатиш ёки олижаноблик юзасидан қуруқчина чапак чалишни билишмайди. Дилдан чиқадиган

бу олқишларни, бу самимиятни соғиндик», — деб журналистлар саволига жавоб берган эди Гулчеҳра ўшанда.

Эски шаҳардаги ўз театрлари икки кабутарни киприклари билан имларди. Улар сатира театри билан хайрлашишди. Афсус, пирпираб чорлаган киприклар улар театрга боришлари билан қимир этмай қолди. Кўзлар юмилди, йўллар тўсилди. Уларни театрга қайта қабул қилмадилар. Ўртага штат масаласи қўйилди. Асл моҳияти эса бошқа ёқда эди. «У» келса, кимлар учундир «мушугини пишт» дейдиган одам яна пайдо бўлиб қоларди. Ўртага Маданият ишлари вазири, ғоят меҳрибон инсон Ўлмас Умарбеков тушди. Унга хўп, дедилару, раҳбарлар ўз билганларидан қолмадилар. Ўлмас ака икки гуркираган санъаткорни Академик театрга ёки истасалар ёшлар театрига ишлашга таклиф этди. На чора, юрак барибир ТЮЗ ни дерди. Ўлмас ака уларни яхши тушунарди. Уларнинг кўнглини кўтармоқ, кайфиятларини яхшиламоқ учун ҳукумат концерти дастурига киритди. Ўлмас ака уларнинг ҳақиқий жонкуяри бўлди ва ўз ниятига эришди. Актёрларни қайтатдан ТЮЗ га қабул қилишди. Болалар театри учун туғилганлари рост экан. Яна бирпасда аланга ўтида тобландилар. Икки кабутар саҳнада ўз қаҳрамонлари кулишса — кулишди, йиғлашса — йиғлашди... Лекин улар йўғида театрнинг ички ҳаётига булут оралаган эди. Нафақага чиққан директор Гуландом опа Ғуломова театр вақти-вақтида келиб турарди. Кун сайин опа у-бу нарсаларнинг кўринмай қолганини сезиб борарди. Спектакллар учун актёрларнинг саҳна ортидаги ҳаётлари учун зарур бўлган нарсаларнинг маълум қисмлари чиндан ҳам йўқолган эди. Театр ҳисобида турган яп-янги музлатгич худди эртаклардагидек кўздан ғойиб бўлганди. Самоварларнинг ўрни бўшаб қолганди. Яна яп-янги гилам... Гуландом опа Лутфуллани чақириб, нега қараб турибсан, ахир бу театрники-ку, деб қойиб бердилар. Худди шу нарса Лутфуллани ҳам ўйлатаётган эди. Эҳтимол, бошқа санъаткорларни ҳам ўйлатаётгандир.

Агар жим турилаверса, яна нималар бўлиши мумкин? Кимдир бунинг олдини олиши керак-ку. Бу вазифа келиб-келиб Лутфуллани танлади. Бутина эмас, умуман, театр ишини яхшилаш, спектакллар савиясини ошириш ҳақидаги фикрларни ҳам ўртага ташлаш лозим. Келинглар, гаплашиб олайлик, дея таклиф киритди Лутфулла ва мажлис куни эълон қилинди. Лутфулла унга алоҳида тайёргарлик ҳам кўрмади. Чунки ҳамма нарсаси аён эди. У астар-аврани ағдариб, раҳбарларни шармандаи шармисор қилмоқчи ҳам эмасди. Кўнглини очиб гапириш, жамоани тинглаш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва йўл-йўриқ олиш...

У мажлисга отланди. Лекин мажлисни «тинч ўтказишни» истаганлар уни бир-икки соатга «йўлдан олиш» режасини тузганларидан хабарсиз эди. Гулчеҳра бир оз бетоблиги учун уйда қолди. Лутфулла театрга кетди. Унинг машинаси эрталаб соат ўнларга яқин театр дарвозаси олдида келиб тўхтади. Ундан Лутфулла тушиши билан қоровулхонадаги телефон ҳам жиринглаб қолди. Уни сўрашди. Қоровул саломлашишга ҳам улгурмаган Лутфуллага гўшакни узатди. Лутфулла уни қулоғига тутди-ю, ранги қум-қут ўчиб кетди.

— Ада, мен Сарварман, — гўшакдан овоз эшитилди.

— Сарвармисан? Овозинг бошқача-ку.

— Машина урворди. Опкетишвотти.

— Қаердасан?! Мен ҳозир...

Саволга жавоб ўрнига у томондан қисқа-қисқа гудок эшитилди. Лутфулла қотиб қолди. Қўлидаги гўшакни қандай қўйганини билмади. Оёқлари остидаги ер йўқолиб, атроф остин-устин бўлиб кетган эди гўё. Пиёладаги чойни қўлида тутиб турган қоровулнинг сўровигина уни ўзига келтирди.

— Нима бўлди, тинчликми?

Лутфулла у узатган пиёладаги чойдан бир қултум ҳўплади. Шу бир қултум чой эс-ҳушини йиғиб олишига ёрдам берди.

— Сарварни машина уриб кетибди.

У шундай деди-ю, кўчага чикди. Машинасига ўтириб, тўғри Сарвар ўқиётган маданият институти томон кетди. Йўл-йулакай асосий пост патрулларида сўраб борди. У ерларда бундай ҳодиса рўй бермаганди. Лутфулла шу юришича кирмаган кўчаси, кирмаган касалхонаси, милиция бўлими қолмади. Яна бирор хабар бормикин, деб театрига қайтди. Худди пойлагандек театр олдида машинасидан тушиши билан қоровулхонадаги қўнғироқ яна жиринглаб, уни сўрашди. Қоровулнинг ташвиши баттар ортди.

— Лутфулла ака, ўғлингиз...

Лутфулланинг юраги «шиғ» этиб кетди. Шошиб кираман, деб бўй барабар қалқиди.

— Сарвар? — Қандайдир ҳайқирик ва шубҳа томоғини хиппа бўғди. Энди бу овоз Сарварнинг овозига яқин ҳам келмасди, — Қаердасан?!

— Касал... — сўз охиригача айтилмади. У томондаги гўшак яна қўйиб қўйилди.

Майли, шунисига ҳам шукур, эс-хуши ўзида. У қайниси Ботирга қўнғироқ қилди. Аҳволни тушунтирди. Лутфулла машинани ортиқ бошқара олмаслигини айтиб, уйда учрашишга келишишди.

— Бевақт келиб қолдингизлар, — деди олдинма-кетин кириб келган йигитларни кўриб Гулчеҳра.

— Ҳозир кетамиз, — кулгига олди Ботирхон кўнгли нотинч бўлса ҳам. Гулчеҳрага ҳеч нарсани сездиришмади. У ёзган дастурхондан тамадди қилишган бўлишди-ю, эшик томон талпинишди. Рулга Ботирхон ўтирди. Лутфулла машина эшигига энди қўл узатаётган эди... Кўзларига ишонмади. Аъзои баданини титроқ босиб кетди. Кўча муюлишида қўлига папкасини кўтариб олган Сарвар кўринганди. У бамайлихотир эди.

— Сарвар!

— Сарвар!!

Лутфулла эсанкираб қолай деди. Ўғли ўқишга қандай кетган бўлса, ўшандай ораста, ўшандай қувноқ ва шўх қайтиб келарди. Шукурким, у билан ҳеч қандай воқеа содир бўлмаганди.

Лутфулла энди бу воқеанинг мазмунига, унинг сценарийси ҳоясини ким бергану, ким бажарганига тушуниб етди. Айрим инсонларнинг ўз манфаатлари йўлида шунчалик тубанликка боришлари унинг қалбини яралади. Лутфулла эртасига ишга ҳеч нарса бўлмагандек ўз вақтида борди. Кечаги воқеа ҳақида лом-мим деб офиз очмади. Очмадилар ҳам...

Театрдаги мажлис тинчгина ўтган эди.

* * *

Кунларнинг бирида... Лутфулла бир оз ҳаяллаб қолди. Репитицияда тутилиб қолгандир деб ўйладик. Қиш пайти эмасми, қор ҳам пойлаб тургандек гупиллаб ёғиб кетди. Ҳа-ҳу дегунча ер бирпасда оқариб, дарахтлар шохига қўнган юлдузчалар чироқ нурида товлана бошлади. Пахтали нимчамга ўралиб айвонга чиқдим. Ҳовлини томоша қилаётган киши бўлиб йўлакка чиқдим. Юзига ёпиқ эшикни очиб, кўчамизга мўраладим. Ҳеч ким кўринмайди. Э, бунақа ҳавони жуда яхши кўради, эҳтимол трамвайни кутиб ўтирмай яёв келаётгандир. Бу фикримдан кўнглим сал тинчигандек бўлди. Ҳайтовур шу пайт қуюқлашиб бораётган қорлар орасидан, чироқнинг хирагина ёруғида кимдир кўринди. Худога шукур, дедим нимчамга яхшироқ ўралиб. Сабрим чидамай унга пешвоз бора бошладим. Мени кўриб Лутфулланинг қадами тезлашди.

— Кечикдинг-а, Иноппам кино билан овора бўлиб сезмай қолдилар, — дедим. — Яхши келдингми? — қўшиб қўйдим яна.

— Келдим. Хўп қизиқ иш бўлди, — деди кулиб.

Биз йўлакда туриб қолдик. У ҳаяжон аралаш тез-тез гапирар, мени эса унга қўшилиб безовталик тортарди. У айтганимдек, трамвай келавермагач, ҳавода яйраб яёв кела бошлапти. Янгигина кийган сувсар телпагини бостириб, пальтоси ёқасини кўтариб олган экан. Ким билади дейсиз, хиргойи қилиб келяптими, ичида бирор ролини

ёдлаб келяптими, атрофда ҳеч ким йўқ. Олдидан икки барваста йигит тўсиб чиқибди.

— Қани, телпакни еч, — депти улардан бири.

Лутфулла жавоб беришга ҳам улгурмапти. Кечагина хаппа ҳалол пулига олган телпагини «азаматлар» бошидан шартта ечиб олишибди.

— Ие, бу қанақаси бўлди?

— Финг десанг, пальтони ҳам ечиб оламиз.

— Бемалол, — депти Лутфулла.

Бу орада ғизиллаб енгил машина ўтиб қолипти. Унинг чироқлари бир зумгина Лутфулланинг юзини ёритиб ўтибди. Йўлтўсарлар уни илғаб қолиптилару, ҳушёр тортибдилар.

— Узр, ака, сизмидингиз? Билмапмиз, — дейишипти шоша-пиша. Лутфулла жилмайиб қўйипти.

— Телевизорда сизни кўп кўрганмиз, — дея улардан бири телпакни қайтариб берипти. Тўғрироғи бошига кийгазиб қўйипти.

— Кузатиб қўяйликми? Яна бошқалар...

— Хавотирланманглар, ҳар куни юрадиган йўлим.

Барибир йўлтўсарлар узр сўрай-сўрай уни анча жойгача кузатиб боришипти.

— Телпак ёнга қолди, — деди кулиб Лутфулла.

Биз бу воқеани онамларга билдирмадик.

* * *

Кунларнинг бирида... Сир эмас, уй-дунё, тирикчилик, ёлғиз мояна нима ҳам бўларди. Шу боис кўплар қатори тўй-ҳашамларга бориб туради, элдан хизматини аямайди. Аммо бирор кимса таклиф этиб қолса, аввал ўйлаб кўради. Баъзи кунлар қисти-бастига олинади. Ўша даврлари тўй-ҳашамларга бориб хизмат қилганлар юзига матбуотда қора куя сурилади. Шуларни ўйлайди. Ўз шаънини эҳтиёт қилади. Қолаверса, тўйда хизмат қилиш учун у «қуруқ» бормади. Унга ҳам ўзига яраша тайёргарлик кўради. Чунки гапирар гапини ўйлаши, одамларга маъқулини айтиши лозим. Тўй — хурсандчиликни шарафлаш маросими.

Эшик тақиллади. Чикди. Саломлашди. Нотаниш икки йигит. Уларга разм солди, сал кайфлари борга ўхшади. Шундай бўлса-да, йўқлаб келишибди, деб уйга таклиф қилди. Йигитлар киришмади. Палончининг ўғли уйланаётган экан, тайинлаб айтиб юборибди. Турар гапки, Лутфулла у кишини танимади. Адрес ёзилган қоғозни олатуриб, агар имкони бўлса боражагини айтди. Лекин ваъда бермади. Чунки уларнинг ўзини тутиши, илтифоти ва ҳатто ранг-рўйлари ёқмаган эди. Кета туриб улардан бири бериб юбордилар, деб қўлига бир даста пул тутқазди. Лутфулла ҳушёр тортди. У умрида бундай пулни тутмаган эди. Қолаверса, шу дақиқаларда меҳнати ва қадрини пулга сотаётгандек туюлди. Унинг қошлари чимирилди. Ўзини қўлга олди. Кулиб туриб пулни уларга қайтарди, олмаймиз, деганларига қарамади... Йигитлар таклиф этган кун бирровга ҳам бормади. Кўнгли кўтармади. Ҳамма машмаша орадан икки кун ўтгач бошланди. Вақт ярим кечадан ошганда, ҳамма ширин уйкуда ётганда кўча эшиги шиддат билан тақиллади. Қўнғироғи эса портагудек жаранглади. Лутфулла чўчиб уйғониб ҳовлига чиқди. «Кимди?» — деди эшикка яқинлашаётиб. Эшик яна зарб билан урилди. «Ҳозир». Лутфулла оёқ шарпасини эшитди. Орқасидан Гулчеҳра чиқди. Эшик очилганда ҳеч ким йўқ эди. Атроф эса сокин. Ишонсангиз худди шу ҳолат неча-неча кунлаб қайтарилди. Аввалига унинг асл сабаби ва моҳияти унча етиб бормади. Асаблари бузилса ҳам тўхтаб қолар, деб умид қилишди. Бўлмади. Охири керакли жойга мурожаат этишди. Мурожаат этишди-ю, тинчишди. Бу тўйга бормагани учун берилган «жазо» эди.

* * *

Кунларнинг бирида... Жуда ҳурматли одам бир ҳафта олдин келиб ўз иззати билан фарзандларининг тўйига таклиф этиб кетди. Водийга. Бормаса бўлмас. Борди, гўғрироғи машина келиб олиб кетди. Унинг келишини эшитганлар тўйга келаверибди, келаверибди. Лутфулла одамлар кўплигини

кўриб неча чандон ортиқ хизмат қилди. Дил сўзларини, санъат дурдоналарини аямади. Келин-куёвдан тортиб, нуроний отахону онахонлар нимани ишташса, қўлидан келганча уларни бажо этди. Давра шундай чиройли эдики, тўйни бундай олиб бориш, ҳаммага эътибор беришу ҳамманинг кўнглига йўл топиш олиб борувчидан катта қобилият талаб қиларди. Шундай файзли ўтаётган даврага кутилмаганда кўз тегди. Тўй аини қизиган паллада бир маст йигит микрофон олдига келиб олиб, шилқимлик қила бошлади. «Унга сўз бер! Бунга сўз бер!» «Анун ашулани айтларинг! Тўйни мен олиб бораман» ва ҳ.к. Тўйдагиларнинг кайфияти бирпасда ўзгарди. Асл кайфиятни сақлаб қолиш ва йигитни ҳамирдан қил суғиргандек ўртадан олиб чиқиб кетиш — тўй олиб борувчининг ҳозирги вазифаси эди. Лутфулла унинг ҳурматини жойига қўйиб муомала қилди, бўлмади. У деди, бўлмади. Бу деди, бўлмади. Атрофда ғала-ғовур бошланди. Ўша ерларнинг «козири» бўлган мастни ўртадан бир амаллаб олиб чиқишди. Лутфулланинг шарофати билан бирпасда тўй изига тушиб кетди ва вақти келиб чиройли якунланди. Келин-куёвлар чимилдиққа кирди. Энди нафасни ростлаб йўлга тушса бўлади. Лекин ташқарида бўлган воқеалардан на Лутфулланинг, на бир оз безовталаниб, кейин хотиржам бўлган меҳмонларнинг хабарлари бор эди. Шаҳарга элтувчи неча йўл бўлса, «козир» топшириғига кўра ҳаммасида Лутфуллани пойлашарди. Кўзини очиб қўйиш учун, тўйдан чиқариб юборилгани учун, тавбасига таянтириш учун. Бундан огоҳ тортган хонадон соҳиблари ташвишда эдилар. Ҳалол хизмат қилган азиз меҳмонни эсон-омон манзилига етказиш бурчлари эди. Йўлга чиқилганда улар ҳар эҳтимолга қарши икки ҳамроҳни қўшиб бердилар. Ҳамроҳлар тамоман бошқа — «пойлоқчи»ларнинг эсига келмаган йўл орқали кузатиб бордилар. Шундагина Лутфулла бу эҳтиёткорликнинг асл сабабини тушунди. «Зона»дан ўтиб олингач, улар бир-бирлари билан хайрлашдилар ва бир-бирларига омонлик тиладилар.

Кунларнинг бирида... Лутфулла телевизорни «Ёшлар» каналига бураса, «Синфдош» кўрсатуви бўлаётган экан. Тошкентдаги мактаблардан бирининг 11-синф ўқувчилари билан суҳбат борарди. Суҳбат анча қизиган пайтда бошловчи қизларга: «Театрга бориб турасизларми?» — деб савол ташлади. Бу саволга ҳаммалари келишиб қўйгандек «йўқ» деб жавоб беришди. Табиийки, бошловчи яна саволга тутди: «Нима учун, нега?»

— Ҳозирги театрлар зерикарли, унинг ўрнига дискотекаларга борамиз, — дейишди ёшлар.

Лутфуллага ҳаёт йўлига қадам қўйиш арафасида турган қизчаларнинг театрға нисбатан айтган фикрлари, муносабатлари оғир ботди, анча ўйлатиб қўйди. Эртасига эрталаб ҳамма ишни четга суриб, ўша мактаб томон йўлга тушди. Тўғри директорнинг олдига кириб, телевизорда чиққан ўқувчилар билан учрашиш ниятида эканини, қолаверса, уларнинг жавобларидан дили озор чекканини айтди. Директор ҳам бир оз ўйланиб туриб, уни синфга бошлади.

Ўқувчилар шундай актёр ўз оёғи билан келиб қолганидан ҳайратда эдилар. Лутфулланинг дастлабки сўрови шу бўлди: Ким, қачон театрға тушган? Сукунат. Демак бу яқин орада уларнинг биронтаси ҳам театрға бормаган.

— Қизлар, бутун мамлакатга ўз маънавиятингизни ўзингиз паст қилиб кўрсатдингиз. Театр ёқмаса ҳам бир боринглар. Сизларни таклиф этаман.

Ўша кунлари «Алп Жамол монологи» тайёрланаётган эди. Аниқ бориш кунлари, соатларини айтиб, актёр таклифнома бериб кетди.

Кутилган кун келди. Қизларни эшик олдида Лутфулланинг ўзи кутиб олди. Спектакл драматург ва телевизион миниатюралр театри ташкилотчиларидан бири Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) хотирасига бағишланган эди. Алп Жамол камсуқум, ўзи босиқ кўринса-да, қалби жўшқин, тиниб-тинчимас инсон эди. У ҳаётда уч-

райдиган камчиликларни ўз асарлари орқали фош этишга интилар, қалами ўзига яраша ўткир эди. Баъзан у шундай кучли миниатюралар, инсценировкалар ёзардики, ҳатто томошабинлар унинг муаллифлигини унутиб, Саид Аҳмад зўр ёзибди, дейишарди. Алп Жамол «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» кўрсатувининг ҳам асосий муаллифларидан эди. «Алп Жамол монологи» ижодкорнинг ўз даврида унчаюм қадр топмаган ҳаёт ва ижод йўли ҳақида унинг ўз тилидан ҳикоя қилинарди. Муаллиф ёзган «Ғизғизон» каби машҳур миниатюралари пьесага сингдириб юборилган эди. Спектакл жуда жонли, ҳам тўйиб қуладиган, ҳам кўзга ёш олиб томоша қиладиган асар бўлди.

Ҳамма қатори меҳмон ўқувчилар ҳам муаллимлари бошчилигида уни томоша қилдилар, қарсак чалдилар, қутладилар, Эртасига Лутфулла яна ўша синфга, қизлар ҳузурига борди. Синфга кириши билан улар қарсак чалиб юборишди. Бу болаларни театрга жалб қилишнинг яна бир усули эди.

* * *

Кунларнинг бирида... Лутфулла спектаклда банд бўлмагани учун театрга бемалол келди. Томошабинлар аллақачон жой-жойларини эгаллашган, лекин театр эшиги олдида етти-саккиз ёшли бола уч-тўрт ёшли укачаси билан жунжикиб турарди. Билет текширувчи опага қўйворақолинг, дея кўзларини жовдиратиб ялинарди.

— Билетингни кўрсат, — дерди уни писанда қилмай опа.

— Пулим йўқ, киргизақолинг. Укамга йиғламасанг театрга олиб тушаман, девдим.

Бу гаплар қулоғига кириб турган Лутфулла секин улар олдига бориб, болаларга разм солди. Улар юпунгина кийинишганди. Ҳатто укасининг оёғидаги шиппагининг оғзи очилиб кетганди. Лутфулла уларни ўзи билан бирга ичкарига олиб кирди. Залга ўтқазди. Кичкинтойнинг оёғидаги шиппагини ечиб олди-да, Сизлар бемалол кўраве-ринглар, мен ҳозир келаман, деб чиқиб кетди.

Тўғри бозор ичидаги устага олиб чиқиб уни тузаттирди. Яна секин олиб кириб, боланинг оёғига кийгазиб қўйди. Спектакл тутагач:

— Қачон театр кўргиларинг келса, келаверинглар, — деди болаларга. Назоратчи опага эса тайинлади. — Шу болалар келишса, қўйиб юбораверинг. Чунки театрни яхши кўрган боладан ёмонлик чиқмайди.

* * *

Кунларнинг бирида... Гулчеҳрага савол бердилар:

— Спектаклларда доим Лутфулла ака билан бирга ўйнайсиз. Бу рашқданми?

— Йўқ, — дея жавоб берди актриса, — биз бир-биримизга ишонамиз. Бирга рол ўйнашимизнинг сабаби иккимиз бўлганда эркин ўйнаймиз. Ишда чала қолганини уйда давом эттирамиз. Лутфулла акамга қайси актрисалар мос тушишини ўзим маслаҳат бериб тураман.

— Сизнингча бахт нима?

— Менимча, бахтнинг калити оилада. Оила бахти эса аввало аёлга боғлиқ. Эркак киши аёлнинг мададига муҳтож. Лекин аёл аёллигича қолиши керак. Эркакнинг фариштаси улуг бўлади.

* * *

Кунларнинг бирида... Таъмирлаш ишлари кетарди. Лутфулла ҳовлида тўпланиб ётган чиқиндилар ёнидан ўта туриб, бир чети кўриниб турган расмларга кўзи тушди. Четлаб ўтиб кета олмади. Бориб чиқиндилар орасидан кўпгина керакли расмларни топиб олди. Унда турли даврдаги спектакллардан олинган, ҳатто театр тарихига оид кўринишлар, севимли устозлари Обид Толипов ва Муҳаббат опаларнинг расмлари бор эди. Лутфуллага бу жуда ёмон таъсир этса-да, ўзини босиб, таъмирловчилар олдида бориб сўради:

— Бу қанақаси?

Таъмирловчилар ҳеч нарса тушунмагандек елка қисишди. Бу ҳол Лутфуллага янаям кўпроқ таъсир этди.

— Ахир бу театрнинг тарихи-ку!

Унинг куйиб кетаётганини сезган таъмирчилар гап бошқа томонга бурилиб кетмасин дея сергак тортишди.

— Биз билмапмиз, ака.

— Болалигингизда ўзи ТЮЗга тушганмисизлар?

— Ака, биз вилоятдан.

Лутфулла ортиқ индамади. Гапириши фойдасиз эди.

У бир даста расмни кўтариб хонасига кирди. Уларни артиб, текислади. Устозлар расмини деворга қоқиб қўйди. Қолганларини стол тортмасига солди. Буни қарангки, бу ишларни энди бажариб бўлганида саксон ёшни қоралаб қолган Муҳаббат опа кириб келди. Девордаги расмларни кўриб суюниб кетди.

— Қаерда экан бу расмим?

Лутфулла сир бой бермасдан:

— Биз топамиз-да, — дея ҳазилнамо жавоб берди ва Муҳаббат опани ўтиришга таклиф этди. Опа девордаги расмларга бир-бир қараб олди-да, ўтириш ўрнига унинг елкасига қоқиб:

— Болам, саҳнага чиққим келяпти. Менга рол беринглар, — деди.

Лутфулла бир зум жим бўлиб қолди. У театрда раҳбар бўлмаса, ундан сўраётганларини қаранг. Эҳтимол, ўз ўғлимдек кўраман, деганлари шудирда. Демак, унга орқа қилиб дилларини очяптилар, эътибор беришини истаяптилар. Лутфулла эса савоб ишларга, одамлар кўнглини, айниқса, кексалар кўнглини олишга тайёр. Лутфулла Муҳаббат опанинг саҳнани софинганликларини уларнинг кўзларидан ҳам, сўзлари оҳангидан ҳам ҳис этарди. Ахир бу инсон шу ерда катта бўлиб, шу даргоҳда улғайиб, қарилик ёшига етиб юрибдилар. Ролни қўмсашлари, саҳнани қўмсашлари табиий. Саҳна-ку уларга мунтазир. Аммо рол қани? Йўқ, уларга мос асар йўқ. Нима қилиш керак? У қўлидан ёзиш келиб қолган Ҳайитали Низомиддиновга

мурожаат этди. Кўп куттирмай, Ҳайитали ҳам Муҳаббат опага атаб «Тиниб-тинчимас бувижоним» номли пьесасини ёзди. Лутфулла режиссёрлик қилди. Бу спектакл кекса санъаткорнинг табаррук 80 ёшига бағишланди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат опа шу қутлуғ ёшида яна бош ролни — бувижоним ролини ёшлигидагидек ҳарорат ва маҳорат билан ижро этди. Бу спектакл уларнинг муборақ ёшларига аталган тўйлари билан қўшилиб кетди. Тўй ниҳоятда файзли ўтди. Қутловлар кўп бўлди.

— Шу ёшимда яна саҳнага чиқдим. Саҳна мен учун азиз жой. Мен унга қуллуқ қиламан.

Юзларидан нур ёғиб турган опа оҳиста энгашиб, қадимий ва кимларни кўрмаган саҳнага бошини қўйди. «Мен Обид ака учун ҳам сенинг олдинда бош эгаман». Уларни қийналмасинлар деб қўлларидан ушлаб турғаздилар.

— Ҳаммангиз менинг ёшимга кириб юринглар. Санъатта хизмат қилинглар. Катта раҳмат!

* * *

Гулчеҳра ва Лутфулла «анча вақтни ўтказиб» кинофильмларда ҳам кўрина бошлашди. «Шайтанат» бадий фильмида Лутфулла яратган Сулаймонов ижроси ҳар қандай таъриф, мақтовдан устундир. Ҳозир у кетма-кет иккита фильмда суратга тушмоқда. Гулчеҳра ҳайтовур кейинги йилларда яна киночиларнинг эсига тушиб колди. «Ўтган кунлар» билан «Келинлар қўзғалони» ўртасидаги йиллар масофаси қанчалик узун бўлса, «Келинлар қўзғалони» билан «Чаёнгул» фильмининг оралиғи ҳам шунчалик узун бўлди. Эндilikда Гулчеҳра қатор фильмларда қатнашмоқда, «Беш қисмат» (она), «Чаёнгул» (Чаман ая), «Аёл макри» (Маккор аёл), «Жумбоқ» (Қора қалбли аёл) фильмлари унинг иштирокида суратга олинган. Тиниб-тинчимаган Лутфулла ниҳоят кинофильм яратишга ҳам қўл урди. Унда Гулчеҳра мунис она ролида, Лутфулла эса ота. Набираси ролини қизлари Муқаддас ижро этмоқда. Уғил-

лари эса республикада хизмат кўрсатган артистлар Илҳом Фармонов ва Фатхулла Маъсудов. Дарвоқе, худди шу ерда мен нозиктаъб актёр Фатхулла Маъсудов ҳақида мухтасаргина ҳикоя қилгим келди. Чунки у авлодимизга куёв бўлади.

Фатхулла ҳали институтнинг иккинчи курсида ўқирди. Оғайниси Ҳамза театрида суфлёр бўлиб ишларди. Ўша кезларда драматург Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» асари қўйилаётган эди. Суфлёр ҳар гал спектакл қўйилишидан бир ҳафтача олдиндан Шукур Бурҳонов хонадонига бориб, у ерда актёр билан пьеса сўзларини қайта-қайта машқ қиларди, токи сахнада устозга қийин бўлмасин, сўзлари ёдда қолсин. Нима бўлди-ю, у бешолти кунга ишга чиқолмайдиган бўлиб қолди. Раҳбарлар, қолаверса, Шукур Бурҳоновнинг розилиги билан Фатхуллани ўз ўрнига қолдирди. Фатхулла ҳам хурсанд. Шукур Бурҳоновдек улкан санъаткорнинг иш жараёнидан воқиф бўлади. Қолаверса, шундай инсон билан юзма-юз «ишлайди».

Келишилган кун келди. Фатхулла ўша айтилган вақт, айтилган соатда устоз ҳовлисининг катта дарвозаси олдида эди. Лекин негадир у бу ерга оёғининг учида оҳисталик билан юриб борган эди. Фатхулла эшикка тикилганича бир оз жим туриб қолди. Қўнғироқни босмоқчи бўлиб, қўлини секингина унга олиб борди-ю, босишга ботина олмай, тортиб олди. Босайми-босмайми деб турди-да, яна қўлини олиб борди. Яна тортиб олди. Негадир тўрт-беш қадам орқасига юрди. Тўхтади. Ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди. Кейин худди сафда кетаётган аскардек шаҳдам юриб бориб, эшик қўнғирогини босди. Бу қолни деразадан кузатиб турган устоз мийиғида кулиб туриб, эшикни очди. Ичкарига олиб кирди. Қўярда-қўймай бир-икки пиёла чой ичказди. Сўнг «машқ хонаси»га бошлади. Стол устида фожиали ҳалок бўлган қизалоғининг қора лента тортилган расми турарди. Фатхулла алланечук бўлиб кетди-ю, лекин сир бой бермади.

— Қани, Фатхуллавой, бошладик.

Йигит «буйруқ»ни олгач, Сулаймон отанинг сўзларидан бошқа ҳамма иштирокчиларнинг сўзларини шариллатиб ўқиб кета бошлади. Ўқишлари бир хил: на бошини ажратиб бўларди, на охирини. Шукур ака эса ўзига хос салобат билан ўз гапларини жой-жойида қайтара бошлади. Кейин Фатҳуллани эшитиб туриб, бирданига таққа тўхтади ва унга қараб ҳайбатли овози билан:

— Кўчиб кетган ҳовли экансан-ку, — деди.

Фатҳулла устозга қараганича бир зум бақрайиб турди. Мияси алланечук ғувилаб кетди.

— Авлодингда артистлар борми?

— Йў...

— Ҳмм...

Шукур ака бир оз жимиб қолди. Сўнг:

— Эртага кел, — деди сал юмшаб.

Фатҳулла бора-боргунча «кўчиб кетган ҳовли» ҳақида ўйлади. Ҳайдаб юбормаганига суюнди. Шукур ака бу сўзларни нечун айтди? Нима демоқчи эди бу билан? ...Э, тушунди, устоз демоқчиларки... У туни билан «Қиёмат қарз»ни қайта-қайта ўқиди, асардаги ҳар бир иштирокчининг гапларини унинг характериға, ҳолатига мослаб ўқишни қайта-қайта машқ қилди.

Эртасига энди у ўзини худди синовга кетаётган талабадек хис қиларди. Бир оз ташвиш, бир оз сергаклик билан Шукур Бурҳон хонадонига кириб борди.

«Имтиҳон» бошланди. Бир-икки иштирокчи гапларидан сўнг устоз Фатҳуллага бир қараб олдий-да;

— Мана бу бошқа гап, — деди ўта жиддийлик билан, — актёрда юрак бўлиши керак.

Йиллар ўтди. Фатҳулла шу юракни ўзида яратди. Миллий театр сахнасида бунёд этган оддий ролларидан тортиб шоир Усмон Носиргача шу юрак унга далда берди, шу юрак уни халқ орасига олиб кирди.

*Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак сенсан ишқибозим.*

*Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажиб гоҳи
Сени таржима қилмоқдан...*

Усмон НОСИР

Саҳнада жасорат-ла ижро этган Усмон Носирининг назмига монанд шу юрак уни ижод чўққиларига чорламоқда. Низомжонидан («Уфқ») тортиб, Раҳимбек («Абулфазхон»)гача Умиддан («Тухмат») тортиб Ойбекгача («Кундузсиз кечалар»), «Юлдузли тунлар»даги Беҳзоддан тортиб «Тойчоқ» фильмидаги Ботиргача... шу юрак билан яратилди. Шу юрак билан томошабинга ҳада этилди. Улар хоҳ эл олқишини олгувчи образ бўлсин, хоҳ инсоннинг қаҳрини келтирувчи бўлсин, актёр уларга барибир ўз юрагини бериб ўйнади, ўйнайди. У баъзан кўнглида йиғилиб қолган тугёнларни, айтмоқчи бўлган гапларини яратган образлари орқали одамларга етказади. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилганда актёрдаги элга яқинлик ҳам назарга олинган эди.

Фатҳулланинг ажиб бир мўъжазгина дафтари бор. Унга кўнглини очади. Дафтарда улуғ актёрларнинг сўзлари ҳам битилган. Бу сўзлар унинг учун ҳаёт дарслиги. Бу дарсликни у ҳар куни варақлайди, уни ҳар куни тўлдиради. Келинг, ундаги айрим ёзувларга кўз югуртирайлик.

● Ҳалима Носирова. «Маннон Уйғур бутун ҳаётини санъатга бағишлаган одам эди. Сўнгги нафасигача театр ҳаёли билан яшади. Ўзида бори-ни унга берди.»

Эҳ, бундай дафтарни нега аввалроқ тутмадим. Шу пайтгача кўп хотиралар ёзилиб қолган бўларди.

● Маннон Уйғур шиори: Шу йўлдан келибман, шу йўлдан кетай, томошабинларга саломим айтай.

● Маннон Уйғур деган экан: «Исламасанг, қотиб қоласан. Актёрнинг кушандаси бир хиллик».

Эй, олий устоз, мен ана шу нарсадан қўрқаман. Ният қиламанки, тиниб қолмай. Бунинг учун

ҳаракат қиламан, токи томошабин, бу ролинг ану-винисига ўхшаб қолибди, Фатҳулла, демасинлар.

- Микеланжело. «Санъат рашкчидир. У инсоннинг ўзига тамоман берилишини истайди».

- К. С. Станиславский. «Театр зеби-зийнат эмас, ҳаётий заруратдир.»

- Аброр Ҳидоятлов. «Саҳнада айтиладиган гапингни, қиладиган ишингни, ҳаракатингни маъносига эътибор бер. Сен ижро этадиган рол аввало ўз юрагингда пишиб етилсин. Ёлғондакам йиғидан, ёлғондакам кулгидан қоч. Ҳамма нарса юракдан чиқмас экан, томошабинни ишонтира олмайди.»

Мен ишонишларини истайман.

- Сора Эшонтўраева: «Актёр саҳнада ҳеч қачон ўзининг шахсий кайфияти, дарди билан яшамаслиги керак... Актёр рол ўйнайдиган куни бошқа ишларга чалғимаслиги, таъсирли воқеаларга эътибор бермаслиги керак. Аброр ака шундай иш тутардилар. Ҳамлетнинг, кейин Отеллонинг сўзлари ёзилган дафтарларини ўқийвериб йиртиб юборардилар. Аброр ака-ей, ролнинг ҳам сийқасини чиқарвордингиз, десам: — Окаси, сўзни яхши ёдламасдан туриб саҳнага чиққан одам довдираб қолади. Бир қулоғи суфлёрда, бир қулоғи ёнидагиларда бўлиб, ўзиниям, партнериниям довдиратади. Шунинг учун ролни пишиқ тайёрлаш керак, дердилар.»

- Сора Эшонтўраева: «Сизга айтиб қўяйки, санъаткор ҳеч қачон саҳнага ёлғиз ўзи чиқмайди. Ҳамиша икки киши бўлиб чиқади. Бири ўша ролда ўйнайди, бири назорат қилиб боради».

- Шукур Бурҳонов: «Залда учта томошабин бўлса-да, берилиб ўйна. Улар ичида ҳеч бўлмаса биттаси ақлли бўлади.»

- Қизиқ-а, бир қизиқчидан санъатта қандай кириб келгансиз, деб сўрашганда, яёв кириб келганман, деган экан.

- Театрда Нодира Рашидованинг «Усмон Носир» пьесасини саҳналаштириш ниятидамиз. Шоир Усмон Носирни менга мўлжаллашяпти. Розиман.

Бу мен учун катта бахт. Усмон Носир ҳақида ўқиб чиқяпман. Аъзои баданимни титроқ босяпти. Бир одамга шунча азоб... Биз роҳатда яшаётган эканмиз. Ҳаётни қадрламоқ. Шукур қилмоқ.

- Дубляж анча мураккаб жараён экан. Унинг тилини билиш керак. Дубляж усталари Ҳамза Умаров, Обид Юнусов, Мукамбар Раҳимова, Омон Абдураззоқов. Улардан ўрганиш лозим.

- Онажон, сиздан айрилдим. Дунё мен учун бўшаб қолди. Кундузи йиғлайман, кечаси йиғлайман. Буни ҳеч кимга сездирмайман. Лекин Гулираъно сезади. У менинг дардимга шерик. Менга далда беради. Келинингиз сизга жуда меҳрибон эди.

- Л. Саъдуллаев: «Болалар театри нима? У — тарбия ўчоғи, маърифат ва маънавият ўчоғи. Театр қачон театр бўлади, қачонки унда ишлаганлар маслақдош бўлса, раҳбарият ва актёрлар бир мақсадли, бир фикрли, самимий ва куйинчак бўлса».

- Гавҳар ва Жамшид Зокировлар. Уларга ҳавасим келади. Аҳил оила. Жамшид ака жуда содда ва бегубор инсон. Гавҳар опа талантига тан бераман. Гавҳар опа билан гаплашиб ўтирдик. Вақтимиз бор эди. Ёдгор акам ҳақларида гап очилиб қолди. Тўғри гапни айтдилар: «Саҳнада энг қийини муҳаббатни ижро этиш. Актёр бир-бирини алдай олмайди. Яхши партнерни топиш анча қийин. Унинг кўзлари сенга қарамаса, ўйнай олмайсан. Ёдгор ака тамоман бошқа актёр. Унинг кўзлари гапирди. Унга партнер бўлиш катта гап. У ёрдам берибгина қолмай, сени бойитади. Фикрингни илиб кета олади. «Юлдузли тунлар» спектаклида Ёдгор ака Бобурни, мен эса Ойшабегимни ўйнардик. Биз йиғлаб-йиғлаб хайрлашардик. Тўйиб-тўйиб йиғлаганмиз...»

- Зикир Муҳаммаджоновнинг «Улуғлар орасида» номли китобларини бир кунда ўқиб чиқдим. Керакли жойлари тагига чизиб қўйдим. Китоб ўзимники-ку. Зикир ака улуғ актёрлар билан ишлаган улуғ актёрдирлар. Уларнинг ўзлари бир мактаб.

Лутфулла анчадан бери янги ишга қўл уриш ниятида эди. Очиғини айтганда бу иш унга ҳам яқин, ҳам бир оз узоқ. Яқинлиги ижод ва яна ижод, бир оз узоқлиги эса кино соҳаси. Фильм ғояси унга охири тинчлик бермай қўйди. Нечун инсон тинч-тотув яшаши мумкин бўлганда йўлдан адашади? Нечун инсонлар бир-бирларини қадрламайдилар? Бир марта берилган умрни кўзга тўтиё қилмайдилар? Лутфулла ана шу саволларга «Мунис онам» фильми орқали жавоб берди. Фильм заминида уч оила тақдири ётибди. Мунис она, унинг ўғиллари Ғолиб ва Иқбол; Мухтор ва унинг аёли; Носир ака, унинг аёли ва ўғли. Уч тақдир, уч ҳаёт!

Муниса онанинг катта ўғли Ғолиб қўшиқчи. Лекин у кутилмаганда ичкиликка берилиб кетади. Саҳнада кўринмай қолади. Ҳатто уни тўйларга ҳам тақлиф этмай қўядилар. Топиш-тутиш бўлмагач, у вулқонга айланади, хотин, бола-чақасини ҳайдайди. Уйдаги нарсаларни, ҳатто уйини ҳам сотиб юборади. Онасини, у туфайли кўзи ожиз бўлиб қолган волидаи меҳрибонини гадоичилик қилишга мажбур этади. Орада ўзи ўғирлаган нарсасини укасининг чўнтагига солиб қўйиб, номардлик қилади. Бегуноҳ Иқбол қамоққа олинади.

Иқбол ақлли йигит. Унинг қўшиқларини ҳам халқ яхши кўради. Афсус, тақдир уни қаттиқ кунларни кўришга мажбур этади. Носир аканинг қамоқхонадаги гапларини эсланг: «Аҳволингдан ёмон болага ўхшамайсан». Носир ака бағри кенг, қўли очиқ инсон. Афсус, унинг якка-ёлғиз ўғли нашавад бўлиб кетган. Офат ва бахтсизлик келтирган ўғлидан у воз кечади. Ўғлини йўқотиш унинг учун жуда оғир. На чора! Унинг Иқболга нисбатан бир кўришдаёқ пайдо бўлган меҳрини сезасиз. Демак, у асли ёмон одам эмас экан. Иқболнинг хиргойилари Носир акага далда беради, Но-

сир ака эса унга. Озодликка чиқишгач, Иқболни ҳам, Мухторни ҳам, ишга олади. Мамнун этувчи жойи шундаки, Носир ака ҳозир пайдо бўлаётган бойларимизнинг бири. Унинг айримлардан фарқи — қўлидан келган ёрдамини яхшилардан аямайди, етимларнинг бошини силайди... Лутфулла яратган Носир ака образи бағрикенгликда ҳозирги бойларимизга намуна бўлса ажабмас.

Гулчеҳра ижросидаги она ҳақиқий жафокаш, фарзанд учун жонини фидо қилишга тайёр она, тақдирга тан берувчи, вақти келса, қатъий характерли аёл. Фолиб берган аянчларга кўнган, Иқболга туҳмат бўлганда гулдек фарзандидан ғазабланган ҳам у. Актриса икки ҳолатда ҳам табиий ўйнаган. Фатҳулла Маъсудов ижросидаги Фолиб мураккаб образ, ёшларга ўзни ҳар хил ишлардан жиловлаш лозимлигини намоён эта олувчи образ. Иқбол эса хонанда Илҳом Фармоновнинг кинодаги илк ролидир. У ўз ролига жуда ярашган. Гўё хонанда билан унинг ролдаги образи бир-бирига қўшилиб кетган, бир-бирини тўлдирган.

Фильм инсонларни яхшиликка чорлайди. Ёшларни ёмон йўللардан огоҳлантиради. Ота-она ҳурматини жойига қўйиш, oilани эҳтиёт қилишга ундайди.

* * *

Менинг икки кабутарим, икки парвозли қушим тиним билмайди. Дарё каби тошади. Ирмоқ-ирмоқ бўлиб ҳамма ёққа ўз тафтларини бергилари келади. Улар радио-телевидениега, учрашувга шошадилар. Учрашув дилни дилга пайванд этувчи олтин занжир. Одамлар уларга илҳом беришади, сўроқлашади. Кўришмаса, қўмсашади. Қандай бахтки, одамлар уларга ташна бўлсалар, юракларини ёзсалар.

Журналистлар бўлса Гулчеҳра ва Лутфуллани қўйиб юборишмайди, кузатишади. Вақти вақтида саволларга тутишади. Баъзан шундай саволлар беришадики, худди «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Дилфузахон қизимиз берган саволларидек:

— Санъаткорнинг тупроғи енгил дейишади. Сизлар ҳақингизда ҳам ўзингизга ёқмаган миш-мишлар бўлганми?

— Миш-мишлар қурсин, — дея жавоб берган экан Гулчеҳра, — ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деган гап бор. Биз оилада ва саҳнада биргамиз. Ўзимизни қаерда, қандай тутмайлик, оилада у киши — бошлиқ, мен аёллик вазифасидаман.

— Лутфулла ака, ҳам оилада бирга бўлиш, ҳам саҳнада бирга рол ўйнаш зерикарли эмасми?

— Биласизми, Гулчеҳраҳон билан ҳеч қачон зерикамаганман. Ўйлайманки, у ҳам шундай.

— Машҳурлик ҳақида фикрингиз қандай, Гулчеҳра опа?

— Ҳеч қачон машҳурликка интилмаганман. Лекин ўз ишимни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Бахтсиз Зайнабни ўйнадимми, ўша Зайнаб менман. Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшомда» асаридаги бахтта ташна, бефарзанд аёл ҳам менман. Умуман томошабинни алдаб бўлмайди. Минг бор машҳурликка интилинг, ўзингизда бўлмаса, қийин. Мен учун ҳаётимда муҳими — оила. Оиламга гард юқмасин дейман. Ўзим ҳам оддийлик ва камтарликни яхши кўраман.

— Лутфулла ака, Гулчеҳра опанинг сизга ёқмайдиган хусусиятлари ҳам борми?

— Менга ўта куйинчаклиги, ҳамма нарсага сиқлавериши ёқмайди.

— Гулчеҳра опа, сизга-чи?

— Ҳамма хислатлари ёқади. Куйди-пишди, меҳрибон, ҳақиқий ота, жонкуяр инсон.

Гулчеҳра ва Лутфулла учун хизматларидаги афзалларнинг афзали барибир Ёш томошабинлар театридир. Абдулла Қодирий истироҳат боғининг шундай биқинига жойлашган, Эски шаҳарнинг ўтган кунларини эслатувчи ўз театрлари, унинг саҳнаси, унга келган жажжи томошабинлар. Актёрлар улар учун ижод қилишади. Ёниб-ёниб унинг биноси ҳақида ўйлашади. Қачон бўлсада, болакайлари янги бино бағрида кўришни орзу қилишади. Лутфулла кейинги вақтларда телеэк-

ран орқали халққа айтиб берган ривоятларини нашрга тайёрлайди, кетма-кет пьеса ёзади. Режиссёрлик фаолиятини кенгайтиради. Энди у ўзи билан сахнадош бўлган камсуқум актёрларнинг қадрий кечаларини ўтказишга бош-қош бўлади. Уни ҳам уддалайди. Уни артистларнинг ўзлари қўллаб-қувватлайдилар. Лутфулла театрга келган ёшларга таълим беришга, уларга ёш томошабинлар театрининг ўзлигини, унинг мактабини, темир интизомини тушунтиришга интилади.

...Икки кабутар парвоз қилади. Улар ҳаётга муҳаббатли, набиралари Абдулла, Улуғбек, Гулноза, Малика, Абдурахим ва Зуфархонларга муҳаббатли. Кекса оналарига муҳаббатли, жигарларига оқибатли. Қўлидан келган яхшиликни ҳеч кимдан аямаган, доим изланган, янгиликка ошиқ қўш кабутарларим, парвозингиз яна ҳам баланд бўлсин.

«МАНАМ ДЕВОНАСИ БЎЛДИМ»

Бошқа укаларимга ғалатироқ туюлмасину, негадир Ёдгорни сал бошқачароқ кўраман. Ҳаммасининг зафарларидан дилим яйраб кетади-ю, лекин Ёдгорнинг зафарларидан сал кўпроқ қувонгандай бўламан. Мендан ҳол-аҳвол сўраган укаларимнинг ҳаммасига дилимдаги нолишимни ҳам қўшиб айтарману, унга эса озор етказмаслик, ортиқча безовта қилмаслик учун овозимга жаранг бераман, негадир аяйман. Унинг қувончларидан бошим кўпроқ фалакка етса, тавшишларидан ростмана ўртанаман. У-бу битикларимдан меҳри қониб, мен ҳақимда сўзлаганда оғзидан бол томиб, озорлик кунларимда ёнимдан жилмай турган жигаржоним... Ҳа, буни ҳаёт дейдилар. Бир-бирини эҳтиёт қилиш, бир-бирини ҳурмат қилиш, қадрлаш эҳтимол шудир.

Нега унга бошқачароқ қарайман, деб баъзан ўйлаб қоламан ва саволимга ўзим жавоб топгандай бўламан. У ота дийдорини кўрмаган. Бизлардек ота дийдорига тўймаган. Унинг гўдаклик пешонасига амакимнинг табаррук қўллари тегма-

ган. Ёдгорнинг ингасини, тим қора кўзлари жовдираб туришини, чақалоқлик табассумини улар кўрмаганлар. Янги фарзанд туғилишидек севинчли лаҳзаларнинг томир-томирига айрилиқ ва йўқотишнинг аччиқ дарди сингиб кетган. Унинг бешиги устида айгилган аллаларга фивон қўшилган. Отадан икки ой кейин ўз номи ўзи билан туғилган Ёдгорим! Она бағрида, етимлик нима эканини билмай, етим ошини емай ўсган укажоним Ҳайрулладек акасининг елкаларида ўйноқлаб-ўйноқлаб катта бўлган укажоним. Бир кўз билан боқиб, бир кўзлик аламини ўз ўғилларига сездирмаган холажоним... бунини мен эсламай, ким эласин? Юрагида жилваланиб ётган ота меҳрини Ёдгор куйламаса, ким куйласин?!

... Ёдгорнинг ижодий кечаси эди. Жуда тотувли, файзли кеча бўлган эди. Аллома санъаткорларнинг излари қолган, овозлари жаранлаган, Ҳабиб Саъдийнинг сўнгги ошиёни бўлган муқаддас саҳна — Аббор Ҳидояттов номли драма театрининг саҳнаси. Ёдгор ҳақида саҳнадош дўстларининг илиқ сўзлари айтиляпти, асарлардан саҳналар ижро этиляпти, кулги, ҳаммаси навбати билан бўларди, ҳаммаси омухта эди. Кулги ва қувноқлик аста секин босилиб, саҳна бир зум бўшаб қолди. Сув қуйгандек жимжитлик. Шунда бир куй бошландики, у юракларни забт этарди. Ёдгорнинг фарзандлари Ҳабибулло ва Мунисахон боболарининг каттагина сурагини кўтариб чиқадилар ва саҳна ўртасида тўхтайдилар. Расмдаги файзли, қалам қош, чап қўлини иягига енгилгина тираган йигит сиймоси атрофга жилмайибгина нигоҳ ташлаётгандек. Уни залдагиларнинг кўпчилиги танийди. Танимаганлар эса дарров ҳис этдилар: Бу — Ҳабиб Саъдийнинг сурати, ота сурати! «Тошкент ироқи» бошланди. Уни Ёдгор куйларди. Ота расмига қараб, ота жамолига тўймай Ёдгор куйларди. Ота ёшидан аллақачон ўтиб кетган ўғил куйларди:

*Манам мажнунини ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман.*

*Ажаб бир тийрагилардурман, қамар сиймони изларман.
Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,
Ўшандай офати жон шўхи парвони изларман.*

*Асири гул юзидурман — жаҳон гулзорини найлай,
Анга кўнгулни олдурдим — бўлак дилдорини найлай,
Деюрға сирри-махрам йўқ — бу ғам рафторини найлай,
Маломат қилса-қилсин эл — алар гуфторини найлай,
Кечарман ор-у номусдин, ўшал барнони изларман.*

*Ёронлар, бир париваш ишқининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод ақлимни, хирад бегонаси бўлдум,
Кўриб хусни чироғини, ёниб парвонаси бўлдум,
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум.
Жунуним айб қилмаганлар, маҳи Анқони изларман.*

Ёдгор куйлаяпти. Ҳамма гўё мажнуни ишқ,
ўғил мажнуни ишқ. Лекин бу ишқ мухаммасда
куйлангандек ёр васлига эмас. Падари бузруквор
васлини қўмсаш, ташналик, унинг дийдорини, меҳ-
рини излаш. Ҳа, Мискин мухаммасининг оҳ-у
зорига фарзанднинг оҳ-у зори қўшилиб кетган
эди. Шу топда барно сиймоси ўрнини ота сиймоси
эгаллаганди. Барнога илтижо ўрнини ота пойига
бош эгмоқ эгаллаганди. У отасини излаяпти. Ота
деганда кўнгил чироғи хира. Сизни топа олмасам
найлай, деб армон қилади. Унинг парвонаси бўла-
ди. Ёр васли жимир-жимир қилиб ота васлига
айланади. Ёдгор расмга қарайди, тикилади, куй-
лайди. Кўзларига ҳалқа-ҳалқа ёш келади. Бўфила-
ди, лекин у куйлашда давом этади. Ота сурати
бирдан жонлангандек бўлади: «Болам, Ёдгорим!»
дея қўлларини ёзаётгандек. Ўғил талпинади:

— Ада, адажон! — у гўё ота бағрига отилади.

— Кел, ўғлим, пешонангдан ўпай.

— Адажон, мен сизни сира кўрмаганман. Сиз-
ни соғинаман.

— Мана кўриб турибсан. Сен худди менга
ўхшайсан. Овозингни қара. Кел бағримга.

Очилган қулочлар яна очилар. Бағрига инти-
лар ўғил бесабр. Икки бахт, икки гул ва икки
тоқат қўшилмиш армоннинг гултожи бўлиб...
«Жунуним, айб қилманглар, маҳи Анқони излар-
ман»... Изларман... изларман...

Ашула тугади. Зал жимжит, гўё унда ҳеч ким йўқ. Бирдан қарсақлар отилди кучли фаввора бўлиб. Бирдан одамлар огоҳ тортишди. Улар те-атрда эдилар. Уларнинг кўпчилиги пиқ-пиқ йиғларди. Маҳбуба холамлар, Ҳамидулла амаким, Муҳаббат келинойим, Мамлакат опам... Ёдгор сездириб-сездирмай кўз ёшларини артди. Энди у залда ўғлининг қўлига тутаман деб гулдаста асраб ўтирган она учун, онаси учун куйлайди. Холамларга бағишлаб ашула айтади. Волидаи меҳрибонининг севган қўшиқлари эса «Фарғона тонг отқунча» (Ҳазиний ғазали, М. Муртазоев мусиқаси). Унинг мағзи-мазмунни юксаклик чўққисида. Саҳнада Ёдгор куйлайди, мен унга қўшилиб кетаман гўё бутун борлиғим билан.

*Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отқунча.
Мен Вомиқ-у Узро—сан, васлингга етолмасдин
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.*

*Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хуморим;
Ҳажрингга бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча.*

*Ҳеч кимга деёлмасман, бу арз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отқунча.*

*Ахшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,
Айтай санга ҳолимни, парвона тонг отқунча.*

*Найлайки, иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.*

Бу қўшиқни куйлаш даражасига етмоқ, халқнинг оғзига тушмоқ, унинг эътиборини қозонмоқ бир лаҳзалик ё бир-икки кунлик иш эмас. Асаларидек бол тўпламоқ машаққатидир бу иш.

* * *

Мен ижозатингиз ила бир оз орқага, Ёдгорнинг болалигига қайтмоқчиман. Ёдгор ниҳоятда шўх эди. Лекин бу шўхлик, ерга урса осмонга сакрашдек хароратли бўлиш заминида ўзига хос идрок, ўзига хос қизиқиш ётарди. У оёқ остидаги нарсани четга олиб қўйиш, кигизга илашиб қолган ипми ё

бошқа нарсани қўл билан териб олишга, қозикқа илиғлиқ сочиқнинг чумчақирдек туришига, ҳамма ёқнинг саранжом-саришта бўлишига, дордаги кир қуриди дегунча чўзилиб бўлсада олиб, аясига ўхшаб сидириб-сидириб тахлаб қўйишга ўрганган эди. Копток тепиш эса унинг жони. Тутилган куни совға қилинган коптокни тепганида равоннинг каттагина ойнаси чил-чил синганида ҳеч ким уни койимаган эди. Шундай бўлса ҳам унга мурғакки-на бола ачингандан-ачинган, ниҳол қалбида хижолат деб аталмиш ҳиссиётнинг учқунлари пайдо бўлган. Бу учқун унинг юз-кўзини бир онда бўрттириб юборган эди. Иқболхон ойим: «Эҳтиёт бўл, қўлингга кирмасин», — дея авайлаганлари ва ўзлари ойна синиқларини бирга йиққанлари — уни бундан кейинги хатти-ҳаракатида хушёрликка чорлаганди. Унга ҳамма меҳрибон бўлсада, бир одам етишмасди! У ҳар тонгни ўша одам бағрида кутиб олгиси, аяжон деган сўзи ёнига адажон сўзини қўшиб айтгиси, Ҳайрулла акасига ўхшаб адаси билан гурпаклашгиси келарди.

...Ўшанда саккиз-тўққиз ёшлар чамаси эди. Фатҳулла амаким уни ўзлари билан бозорга олиб тушиб, майда-чуйда харж қилдилар. Кейин автобуста узоқ-узоққа боришди. Ҳарқалай, Ёдгорга йўл жуда узоқ туюлди. Автобусдан тушгач, йўлни кесиб ўтиб, боққа ўхшаш кўм-кўк, одамлар кириб-чиқиб турган жойга боришди. Қадди-қоматли, қоп-қора сочлари жингалак кишининг олдига киришдими — йўлакда кўришдими, ҳарқалай учрашишди. Ёдгорни ҳайрон қолдиргани — ҳалиги киши негадир узун халатда эди. Фатҳулла амаким у билан қуюқ сўрашдилар. Ёдгор ҳам торти-нибгина салом берди.

— Ҳабакамнинг ўғиллари, Ёдгор, — таништирдилар амаким.

Халатли киши унга бир қараб олди-да, бағрига босиб, пешонасидан ўпиб, чўнтагидан булочка олиб унга берди. Бўрсилдоқ булочка ҳали илиқ эди. Унинг тотли иси гуркираб кетди. Ёдгор аввалига ийманиб турди. Кейин еяқол йигитча, де-

ган таклифдан сўнггина битта тишлади, яна битта. У шундай ширин эдики, бунақасини ҳали емаган эди. Шу таъм бир умр оғзида сақланиб қолди. Унга шундай булочка совға қилган, бағрига босиб пешонасидан ўпган жингалак киши Аброр Ҳидоятлов эди. Бунини Ёдгор ақл-ҳушини таниб, санъатнинг нурли йўлларига кўзи тушгандагина билди. Борган боғлари эса ўша вақтдаги ҳукумат стационари, ҳозирги «Она ва бола» даволаш маскани эди. Фатҳулло амаким атайлаб уни Аброр Ҳидоятловга кўрсатиш учун, қолаверса, Ёдгор ҳам шундай инсонни кўрсин, танисин, дея олиб борган эдилар. Ҳаётни қарангки, З. Фатхуллиннинг «Томоша давом этади» пьесасида Ёдгор санъат тарихида илк бор Аброр Ҳидоятлов образини сахнага олиб чиқди.

* * *

Холамлар ўша «Катта ҳовли»да туришар, бизнинг оила эса «Ўрда»га, сўнг «Ҳувайдо»га кўчган эди. Болаликнинг энг шўх паллаларида Ёдгор бизникига тез-тез келиб турар, ўйнаб кетарди. Баъзида шўхлиги чунонам авжига чиқадики, уни эп-лаш қийинроқ бўлиб қолади. Онам шунақада сал тинчроқ ўйнанглар, деб қўядилар. Ёдгор нафасини бир оз ростлаган бўлади-ю, яна тўполонни бошлайверади. Онам унимас, ака-укаларни қўйган бўладилар:

— Бўлди энди, бошимни жудаям қотириб юбординглар.

Бу гапдан хушёр тортган Ёдгор ўзини уйига кетгиси келиб қолганга солади.

— Аба, мен уйга кетаман, — сал аразлаган бўлиб дейди у.

Ойим унга сездирмай, жилмайиб оладилар.

— Борақол, уйингдан тингин-а, — дейдилар сунъий жиддийлик билан. Аслида кеткизгилари келмайди.

Ёдгор бу жавобни кутмаган экан шекилли, бир оз туриб қолади ва астагина отлана бошлайди. Кўз қири билан уни кузатиб турган онам бошқа

ҳеч нарса демайдилар. Ёдгор ноилож йўлак томон йўналади.

— Аба, ман кетдим, — дейди чўзиб.

— Уйингдан тингин.

Ёдгор яна бир-икки қадам ташлаб тўхтайди.

— Аба, ман кетдим, — дейди янаям чўзиб.

Энди онамининг ўзлари чидай олмайдилар.

— Кетмай қўяқол, Ёдгор, — дейдилар кўнгиллари алланечук бўлиб кетганини яширолмай.

Ёдгор қувнаб кетади. Югуриб олдиларига келади:

— Аба, бошқа тўполон қилмайман.

Бу ваъда жудаям узоққа чўзилмайди.

Ёдгор кетади-келади, келади-кетади. Ҳар гал эшикдан кўринганида бир хил оҳанг, бир хил сўз:

— Ассалому алайкўм, аба, ман келдим.

— Келақол, болам, абанг ўргилсин.

Онам уни бағриларига босадилар. Насибаси деболиб қўйган тотли таомларни оғзига тутадилар.

Бу орада Ёдгор анча улғайиб, ўсмиргина бола бўлиб қолган эди. Ҳовлимиз ҳар қалай янги эмасми, унда иш қайнарди. Бир кун у келганида укаларим ўра қазигаётган эди. Ўша куни адам ҳам уйда эдилар. Ёдгорни ишлаттилари келди чоғи, гапга солдилар.

— Ашула айтиб турибсанми, Ёдгор?

Чиндан ҳам Ёдгор мактабда ашула айтишни ўрганаётган, ҳатто кўрик-танловларда иштирок этаётган эди.

— «Куйлайман»ни этвомман.

— Қани, бошла-чи.

Адам ўзлари айвоннинг четига ўтириб олдилар.

— Барака топгур, олдин чой-пой ичиб олсин, — гапга аралашдилар онам.

— Қорни тўйиб қолса, яхши айтолмайди.

Адам Ёдгорга қараб бошлайвер, дегандек имо қилдилар. Ёдгор чиндан ҳам суюниб кетган эди. Ахир катта адаси сўраяптиларда.

— Хўп, — дея қаддини саҳнада тургандек ростлаб бошлаб юборди:

Адам ўзи тўхтамагунча ашулани бузмадилар.
Охири:

— Э, яшавор, овозинг анча яхши бўлиб қолипти, — дедилар, — янаям яхши бўлишини хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман.

Адам уни қазилаётган ўра томон бошладилар.

— Агар ўрага тушиб айтсанг, овозинг янаям очилади.

— Ростданми, катта ада?

— Э, рост бўлганда қандоқ. Ҳой, Лутфулла, қани ашула айтиб юборчи.

Ҳазил-ҳузил гаплар қулоғига кираётган Лутфулла ўра қазидан тўхтаб: «Эй, қуёш, кўрсат юзинг...» деб ашула айтиб юборди. Лутфулланинг ашула айтганини умрида эшитмаган Ёдгор лол қолди-ю, ўрага тушишга шайланди. Онамнинг қистовлари билан тез тамадди қилиб, ўрага тушиб кетди. Тушди-ю, ҳам теша уриб, ҳам ашулани айта кетди. Биз ҳовлида иш қилаётганлар бир-биримизга қараб кулишиб қўярдик. Бу кулгида ёшликнинг беғуборлиги, айнаи вақтда, укамизни ардоқлаш, эркалаш рамзи бор эди. Ўқтин-ўқтин Ёдгор пастдан: «Яхши эшитилвотими?» — дерди.

— Овозинг анча жарангли бўлиб қолди, — дердик қайси биримиз бўлсак ҳам.

Ўрадан яна овоз келарди: «Жаҳонда энг бахти кулган инсонман...»

* * *

Ёдгорни холам орзули дунё деб негадир инженер қилгилари келиб қолди ва Тошкент қурилиш техникумига ўқишга бердилар. Ўғил бу соҳага унча қизиқмаса ҳам она сўзини қайтара олмади. Техникум шундоққина Ҳамза номли театрнинг ёнгинасида эди. Ёдгор ҳар гал унинг ёнидан ўтганда бамисоли ташна одамга ўхшар, бинога қарай-қарай тўймасди. Кўпроқ актёрлар кириб-чиқиб турадиган томонга назар ташларди. Ўша томондан гўё

сеҳрли бир нарса чиқиб келаётганга ўхшарди. Деярли ҳар куни у бир неча актёрни кўради, кузатади, томоша қилади. Уларнинг ҳар бирида адасининг бирор хислатини топгиси келади. Қайси биринидир уйларининг тўрида осифлиқ турган сувратдаги адасига ўхшатгиси келади. Гарчи у бу ўхшашликнинг нимада эканини билмаса ҳам.

Ўртоқлари билан ўқишдан чиққан Ёдгор дума-лоқдан келган, барвастагина кишига қараб-қараб қўйди. Таниди, танийди, Уйида номи тилга олиниб турадиган актёр Лутфулла Назруллаев. Аяси бу актёрнинг «Макр ва муҳаббат»да Луизанинг отасини, «Алишер Навоий»да Ҳусайн Бойқарони ўйнаганини айтиб берганлар... Негадир унга нигоҳи қадалди. Ўша киши шу тобда кўзига чайқалиб кетгандек кўринди. Аввалига илғаб олдимиди ё шунчаки туюлдимиди, ўзи ҳам яхши била олмади. Кейин... кишининг ранги оқара бошлади. Қўли ўз-ўзидан юраги томон кетди. Буни кўриб турган Ёдгор ўртоқлари орасини ёриб ўтиб, у томон чопиб бориб оҳиста ушлаб қолди ва унинг имоси билан кастюмининг соат чўнтагидаги дорини олиб, тилининг тагига солди. Бемор тамшанди. Ютинди. Жимилаб кетган кўзини бир оз юмиб, тин олгандек бўлди. Секин-секин бир-икки қадам босди. Юрак безовталиги ҳайтовур ўтиб кетди. Лекин Ёдгор у кишини қўйиб юбормади. Тирсагидан оҳиста ушлаганича унга ҳамроҳ бўлди. Ўзига анча келиб қолган актёр Ёдгорга бир қараб олди-да, негадир ғалати бўлиб кетди. Миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди-ю, унинг ўрнига: «Кимнинг боласан?» — дея сўради. Дарвоқе, ўша пайтларда ҳозир деярли йўқолиб кетган бундай сўров табиий эди. Болалар ўта шўхлик ё бирор маъқул иш қилишса, одатда, шундай савол берилар эди. Бу саволдан Ёдгор ҳам алланечук бўлиб кетди. Чунки шу вақтгача унга ҳеч ким бундай савол бермаган эди.

— Ҳабиб Саъдийнинг.

Лутфулла Назруллаев бу номни эшитди-ю, таққа тўхтаб қолди. Ёдгорга қараб кўзлари ёнди, сўнг

йиғлаб юборди. Бу сафдошининг шундай фарзани учратгани учун, айни юрак хуружи вақтида Аллоҳ унинг ёнига шундай суянчиқни етказгани учун, қолаверса, саҳнадошига аталган соғинч ёшла-ри эди. Тасодиф унга бевақт кетган дўстининг ўрнида пайдо бўлган ва бўлаётган ажиб бир ғунчани совға қилган эди.

* * *

Ёдгор техникумда ўқиб туриб «Пахтакор» қошидаги футбол мактабига борди. Ёшига нисбатан анча бақувват кўринган йигитчани мактабга индамай қабул қилишди. Тошиб ётган жўшқинлик унга ғайрат берарди. Ҳақиқий тўп телишни ўрганган сари ундаги ҳарорат ошиб борарди. Сирли-асрорли олам экан бу копток деганлари. Қўйиб берсанг, нима ҳунарларни кўрсатмас экан. Минг-минглаб одамлар бақириб-чақириб, қийқира-қийқира хуморидан чиқиб, ўртадаги битта коптокнинг «қилиқларига» маҳлиё бўлиб ўтираверишаркан. Шу бир тўп сени баъзан кўкларга кўтараркан, баъзан ерга уриб юбораркан. Копток билан жуда хушёр муомала кераклиги шундан бўлса ажаб эмас. Ушанда Ёдгорга кимдир ёзувчи Ойбекнинг футболга бориш ҳангомаларини айтиб берганида роса кулган эди. Ойбек домла табиатан жуда босиқ бўлганлари учун машмашали ўйинларга қизиқмас эканлар. Бир кун дўсти-биродарлари қўярда-қўймай уларни «Пахтакор»га олиб тушишибди. Домла ҳам кемага тушганининг жони бир деб тишларини-тишларига қўйиб ўтираверибдилар. Лекин атрофдагилар футболдан олаётган лаззатни улар ололмабдилар. Майдоннинг ўртасида копток талаш бўлиб кетганда: «Ё алҳазар, битта коптокка-я», — дея кулиб ўтиравериптилар. Копток ўйинчилардан сал бўшагач, битта футболчи уни шунақанги иштаҳа билан тепибдики, у осмону фалакка кўтарилиб, нариги дарвозанинг ёнгинасига тушибди. Шунда Ойбек домланинг тоқатлари тоқ бўлиб:

— Энди ҳеч қайсиси бундан баланд тепа олмайди, кетдик, — деган эканлар юмшоққина қилиб.

Ёдгор коптокни баланд ҳам тепди, паст ҳам. Уни бошида ўйнатди, оёғида ўйнатди, машқ қилди. Уни командага олдилар. Яна ким қилиб — дарво-
забон қилиб. Машҳур Юрий Пшеничниковга ўрин-
босар қилиб. У энди собиқ иттифоқ терма коман-
дасида чет элда ўйин ўйналаётганда бир зарби
билан рақиб дарвозаси тўрини тешиб ўтган Генна-
дий Красницкий, бомбардир Биродар Абдураи-
мов, Ҳамид Раҳматуллаев, Баҳодир Ибрагимов каби
забардаст футболчилар қаторига қўшилди ва уларга
муносиб бўлди. Ўша вақтлари футболни ҳамма
яхши кўрарди. Ёш-у қари футболга бефарқ қара-
масди. Ўйин бўладиган куни ҳамма ғимирлаб қолар-
ди. «Пахтакор»га борувчи йўллар тўсиларди. Трам-
вай-троллейбус, машиналар Навоий кўчаси бўйлаб
юришдан тўхтарди. Одамлар оқими стадион сари
борарди. Улар баҳслашар, баъзан тортишиб ҳам
кетишарди. Ўйиннинг қандай бориши, ким қанча
гол уриши, қайси команда ютиши ҳақида гап кет-
ганда шинавандалар бир-бирларига гап бермай
қўярдилар, «Пахтакор» ютса берди худо, ютқаз-
са... Вой-вой, ўша вақтдаги кўчадаги аҳволга, одам-
ларга худо тўзим берсин. «Пахтакор» ўзиям кучли
командалар билан ёқа бўғишгудек ташлашар,
кўпинча ютар, бўш саналган «меҳмон»ларга эса
кўп ҳолларда шартта ютқазиб қўярди. Ҳар қалай
ўша вақтларда менга шундай туюлар эди. Ўйин
қандай бўлмасин, эртасигаёқ ҳамма «Пахтакор»га
аввалгидек меҳр, аввалгидек умид билан қарарди-
лар. «Пахтакор»чиларнинг ҳар бири шахсга ай-
ланган эди. Уларнинг ҳар бирини халқ алоҳида-
алоҳида яхлит муҳаббат билан севар ва эъзозлар-
ди. Улар қаторида ёш дарвозабон Ёдгор Ҳабибул-
лақори ўғли Саъдиев ҳам бор эди. Уни Тошкент
жисмоний тарбия институтига чорлаган ҳам спортга
муҳаббати ва у билан узвий боғлиқлиги эди. Лекин
барибир... Ана шу «лекин» унга тинчлик бермасди.
Бу актёр бўлиш, ота йўлини танлаш орзуси эди. Бу
орзунини ниҳоллик вақтидаёқ йўқотгиси келди. Эп-
лолмади. У улғайса-улғайдики, камаймади. Уни
«Пахтакор» кўри билан босмоқчи бўлди, бўлмади.

Ва ниҳоят... Қатъий қарорга келди — ўзини, келажagini санъатдан ташқарида ҳис эта олмади. Шунда Ҳайрулла Ёдгорни қўллаб-қувватлади. Икковлари аяжонларининг атрофида гирдикапалак бўла-бўла, охири кўндиришди. Ҳа, холажоним рози бўлдилар.

* * *

Ёдгорнинг Театр санъати институтига кириш учун борган вақти унинг футболлист сифатида оммалашиб кетган даврига тўғри келган эди. Фойеда уни кўрганлар, имтиҳон олди машғулотда бирга бўлганлар: «Биз билан бирга ўқишга кияпти», — деб қандайдир ифтихор ҳам қилиб қўйишарди. Пичир-пичир ҳам бўлиб турарди. Лекин улар орасидаги қорачадан келган, ўрта бўйли, ориққина йигитча бу пичир-пичирларга аралашмасди. Баъзан унинг олдида туриб олган йигитлар: «Ана Ёдгор Саъдиев! Ана Ёдгор Саъдиев!», — деяверишарди. Негадир бу унинг гашига тегарди. Оддий кунлардан бирида фойедагилардан бири: «Наҳот танимайсиз?» — деган таъна оҳангида, — «Бу — Ёдгор Саъдиев», — деб қолди. Қолганлар унга қўшилишди. Йигитча уларга секингина қаради-ю:

— Мен Жамшид Зокировман, — деб юборди.

Йигитлар ханг-у манг бўлиб қолишди. Шундай ёнларидан ўтиб кетаётган Ёдгор тўхтаб Жамшид томонга қаради. Кўзлар учрашди. Улар имо билан сўрашишди. Ана шу имо, ана шу дақиқа ҳали бир-бирини танимаган икки навқиронни узилмас занжир билан боғлади. Улар шу дақиқаларда ўзлари учун қадрдонлик, дўстлик аталмиш салтанатни яратган эдилар. Институт бағри ўзаро ишончга, ҳурматга асосланган бу салтанатни мустаҳкамлади.

Улар бир-бирлариникига тез-тез бориб турадиган, этюдларни бирга тайёрлайдиган бўлишди. Оғайнилар нима биландир бир-бирларини тўлдиришарди. Жамшид кўпинча Ёдгорникида ётиб қоларди. Аяжон, дея холамларни бир фарзанд

каби суярди. У Ёдгорнинг адаси йўқ эканини биларди-ю, лекин бирор марта аданг ким бўлганлар деб сўрамасди. Бир кун овқатга фотиҳа ўқиётиб, Маҳбуба холамлар: «Илойим Ҳайруллам ҳам, Ёдгорим ҳам отасига ўхшаб халқ севган санъаткор бўлсин», — дея дуо қилдилар. Шундан кейингина Жамшид кимнинг оиласига келаётганини билиб, бора солиб адасига, машҳур Карим Зокирийга айтди.

— Ие, ие, бу йигит кимга ўхшаб кетади, десама... — деди Карим ака қувониб.

Ўша куни Карим ака Жамшидга Ҳабиб Саъдий ҳақида кўп яхши гапларни айтиб берди:

— Жуда қобилиятли, ўзиям чиройли, овози ҳам чиройли эди. Биз саҳнадошгина эмас, яхши оғайни ҳам эдик.

Кунларнинг бирида Карим ака Ёдгор билан Жамшиднинг ашула айтишаётгани устидан чиқиб қолди. Улар зўр бериб «Фарғона тонг отқунча»ни ўрганишарди. Йигитлар ҳаяжонланишмасин деб ўзини четроққа олиб эшитиб турди. Биб-бинойи айтишяпти. Ашула тутагач, Карим ака уларни бир оз холи қўйди. Кейин:

— Қани, мана бундоқ ўтир-чи, — дея ёнига чақирди Ёдгорни. Жамшиддан дуторни узатиб юборишини сўради. Ва «Тошкент ироқи»ни чала кетди. Юракларни титратиб чалди-айтди. Дутор тинди. Карим ака бир оз хаёлга толди. Икки йигит эса бошларини эгтанларича қўшиқ таъсиридан чиқа олмас эдилар. Уларни Карим аканинг ўзи «хушларига келтирди».

— Шу қўшиқни аданг раҳматли жуда яхши айтарди, Ёдгор. Сенга шуни ўргатаман.

Ёдгор ҳозир юрагидан чиқариб айтаётган «Тошкент ироқи»ни унга Ўзбекистон халқ артисти, устоз санъаткор, ўзбек операсининг асосчиларидан бири Карим Зокиров ўргатдилар. Сўзларининг мазмуни ва талаффузи-ю мусиқасининг авж пардаларигача. «Манам Мажнуни ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони изларман...»

Ёдгор ва Жамшиднинг ўртоқлиги энди асл зан-

жир билан мустаҳкамланган эди. Карим ака, Шохиста опаю Ботирлар энди Ёдгорга ўзгача меҳр билан қарардилар. Бу хонадон ҳаёт санъатининг олийгоҳи эди. Маҳбуба холамларнинг ота ҳақидаги илиқ хикоялари, Ҳабиб Саъдий иштирокидаги спектакллар ҳақидаги суҳбатлари йигитлар учун намуна эди. Жамшид учун чиндан ҳам Ёдгорнинг хонадони ўз хонадонидек бўлиб қолганди.

— Биринчи сўрашганимиздаёқ бир-биримизга илиқлик сездик. Демокчиманки, гапимиз-гапимизга қовушиб кетди, — дейди Жамшид. Ўқиш жараёнида-ку, бир-биримиздан ажрашолмай қолдик. Аввалига уйларимизга бориб юрдик. Бирга дарс тайёрладик, этюдлар қилдик. Этюд воқеасини биримиз топсак, мусиқасини иккинчимиз топардик. Бора-бора унинг уйи меники, менинг уйим уники бўлиб қолди. Доим келиш-кетишимни суриштириб турадиган ойим: «Ёдгорникига кетдим», — десам индамасдилар. Мен уларникида ётиб қолишни яхши кўрардим. Аям худо раҳмат қилсин, Ҳайрулла акам билан Ёдгорга қандай меҳрибон бўлсалар, менга ҳам шундай меҳрибон эдилар. Бир-икки кун кўрмасалар, чидамай кетардилар. Иккаламиз ҳам шўхмиз, бетиниммиз, чидайдилар-а, ширин сўзларини аямайдилар. Ширин овқатларини-ку, қўяверасиз. Кўз очиб-юмгунингча егулик тайёр бўлади. Айниқса, бир куни олдимизга мен ҳеч емаган овқатни олиб желиб қўйганлар. Ўзиям чиройли тақсимчада. Вермишел, гуруч, пиёз билан гўштли сардак. Ёнида уч-тўрт паррак бодринг-помидор. Отини сўрай дедиму, иймандим ўшанда.

— Ол, совиб қолади, — деди Ёдгор овқатга тикилиб турганимни кўриб, бу овқатнинг исм-шарифлари — рагу. Олаверинг, оғайни.

Бирам ширин бўлган экан бу «рагу» деганлари, «добавкаям» евордик кейин-е.

Олтин даврининг олтин фаслларида Ёдгорга яна бир машҳурлик кулиб боқди. Тасодиф уни киностудияга чорлади. «Дилбарим» фильмининг иккинчи режиссёри фильм синовига таклиф этиш учун Ҳайруллани қидириб ТЮЗга борганди. У ер-

дан топа олмагач, тўғри ҳовлига келди. Уни Ёдгор қутиб олди. — Саъдиевмисан?

— Ҳа, Саъдиевман.

Иккинчи режиссёр қадди-қомати келишган хушрўйгина йигитчани: «Эртага киностудияга бор», — деб таклиф қилиб кетди. Тақдирни қарангки, «Дилбарим»да рол ўйнаш Ҳайруллага эмас, Ёдгорга насиб этган эди. Ёдгор энди институтнинг биринчи курсида ўқирди. Бу рол унга қутлуғ келди. Кино гулшани сари поёндоз ёзди. Ҳали толиби илм бўлатуриб «Қизил қум» ва «Ўн уч терак кўчаси» фильмларида етакчи ролларни ижро этди.

Ёдгор олийгоҳни битириб, ўзининг саккиз тенгдоши билан яна бир муқаддас «олийгоҳ»га келди. Бу «олийгоҳ»нинг ўз мактаби, ўз тутган йўли, ўз обрў-эътибори бор эди. Фақат уни гапирганда «отахон» сўзини қўшиб айтардилар. Яна уни шундай оҳангда айтардиларки, бу оҳангда юракни қалқитувчи бир муҳаббат ва иззат балқирди. Унинг мактаби Маннон Уйғур таълимидан, унинг услуги, ўғитидан дарс берарди. Унинг мактаби санъат йўлида босилган ҳар бир қадамнинг, айтилажак ҳар бир сўзнинг масъулият ўлчовини айтиб турарди. Бу «олийгоҳ» анъаналарнинг давомийлиги, қадриятининг бесамар кетмаслиги, узвийлиги билан ўзга «олийгоҳ»ларга ўхшамас эди. Ўз интизоми, ўз қонун-қоидаси бор эди унинг. Бу ҳозирги Миллий Академик драма театри эди. Улуғлар ишларди ҳали бу ерда. Отаси тенгилар, улар билан ҳамнафас бўлганлар ишлашарди. Уни театрда илк бор кўрган кекса авлод кимнидир эслар, уни кимгадир ўхшатарди. Ие, деб қўйди Фани Аъзамов Ёдгорни таниб. Таниб кўксига босди ва кўзига ёш олди. Ёдгорни танидилар, таниб қолдилар. Чунки Фани ака Ҳабиб Садийнинг энг яқин дўсти эди. Ёдгор кимнинг зурриёди эканини саҳнадошларига айтган у эди.

— Ёдгор, сен Ҳабибнинг ўғлимисан? — деб қолди ўзига хос улуғворлик билан Шукур Бурҳон.— Шунақа дейишяпти. Хўп аданг бор эди, ниҳоятда дилкаш эди. Гавдангмасу, юз-кўзинг

ўхшаб кетаркан, — Шукур Бурҳон унинг елкасига қоқиб қўйди, — умринг ўхшамасин.

Елкасига қўйилган қўл эгасининг қалбидек ис-сиқ эди. Ёдгор ҳаяжонланиб кетди. Буни сезган устоз бошини силкиб, шу ердан, деб қўйди. Бу керагида ёрдамимни аямайман, сен менинг ҳам жигаримсан, дегани эди.

Ёдгор у-буни сўраб Шукур Бурҳонни безовта қилмади. Фақат алломанинг рол устида ишлаши, унинг ижросини кузатди. Бугина эмас, унинг атрофидагиларига муносабатини, ҳаққонийлигини, тўғри сўзлигини илғаб олди. Шукур Бурҳоннинг саҳнага ҳурматсиз бўлган кишиларга аямай зарба беришини ҳис қилди. Шукур Бурҳонов Ёдгор, Эркин, Ҳожиакбар, Жамшид каби «янги туғилган» фарзандларига ўтит берарди:

— Мен ўз маҳоратимни баланд чўққига олиб чиқиш учун уч нарсага риоя қиламан. Бунинг биринчиси — ўз ишимга муҳаббат ва садоқат, иккинчиси — кунлик фаолиятимнинг ажралмас қисмига айланиб қолган темир интизом, учинчиси — иложи борича халққа яқин бўлиш, унинг дардини тушунишга ҳаракат қилиш.

Айтишларича, она лочин қаноти чиқа бошлаган боласини жуда-жуда юксак баландликка олиб чиқиб ташлаб юбораркан. Ҳайиққан лочин боласи биринчи дафъа талпинар, бироқ қанот ёзиб учолмас ва ерга тезлик билан тушиб кетаверар экан. Бироқ она лочин ҳушёр тортиб, тошдек тушиб бораётган боласига етиб бориб, уни илиб олар ва яна ҳам юсакроққа олиб чиқиб, ташлаб юборар ва мустақил учишга ўрганмагунча шу зайлда такрорлайверар экан. Театр Ёдгор ва тенгдошлари учун она лочин бўлди. Уларга қанот берди, учирма қилди. Театрга улар билан олдинма-кетин келган ўзига хос истеъдод соҳиби, режиссёр Баҳодир Йўлдошев ёшларга ҳамнафас бўлди. Баҳодир Йўлдошев изланувчан, шижоатли режиссёр бўлиб, театрдаги кекса авлодни ҳурмат қилгани ҳолда ёшларга суянардди. У бир кун қўлига театр учун азиз бўлиб қолган немис драматурги Фридрих Шиллернинг

«Қароқчилар» пьесасини олди. Атиги 46 йил умр кўриб шундан 32 йилини ижодга бағишлаган бу ёзувчи «Қароқчилар»ни 1779 йилда — Карл Ҳарбий академиясида ўқиб юрган чоғларида ёзган. Асарнинг илк тақдироти 1782 йилнинг январ ойида Баден маркграфлигининг маркази Мангеймда бўлган. Пьесанинг ёзилиши ҳам ижроси ҳам ўта гўзал. Унинг бош ғояси — озодликка чорлаш. Мана, орадан неча-неча йиллар ўтяпти. «Қароқчилар» ҳамон юксакликда. Асар ўзбек сахнасида дастлаб 1921 йилда «Намуна» труппаси томонидан сахналаштирилган ва пьесани ўзбек тилига Хуршид таржима қилган эди. (Кейинчалик уни Маъруф Ҳаким ва Асқад Мухторлар ҳам таржима қилишган). Драма театри сахнасида эса 1955 йилда сахналаштирилди. Ундаги бош рол Карл Моорни халқ артисти Олим Хўжаев ижро этгани ўшанда. Халқ бу спектаклни ихлос билан кўрган. Бу келишган қомат, келишган кийим, улғворлик, айни вақтда тугён, озодликка ташналик. Қаранг, менинг жигарим дунё драматургиясининг шоҳ асарларидан бири, жаҳон ва ўзбек сахнасининг неча-неча буюк актёрлари ижро этган, кимлар учундир фақат орзу бўлиб қолган Карл Моорни ижро этди. У яна улкан санъат арбоби Олим Хўжаевнинг олқиши ва табригига сазовор бўлди. Асарда ёшлик руҳи кучли эди. Спектакл режадан ташқари тайёрланди. Ёш актёрлар театрнинг асосий ишини қилишга — спектаклларда ва репетицияларда қатнашишга улгуришар, яна ўша қўр ҳамда куч билан янги спектаклга ҳозирлик кўришарди. Мусиқа ва рақс... ҳатто сахна безакларини тайёрлашга ҳам ёрдам беришарди. Карл Моор Ёдгор томонидан ҳам ақлли, ҳам аламзада, эҳтиросли, ҳақиқаттўй шахс сифатида яратилди. Укаси Франц Моор қабиҳлигини енга олган, уни фош қила олган инсон сифатида кўзга ташланди. «Олим Хўжаев билан суҳбат» китобида театршунос Я.Фельдман шундай ёзади: «Ё. Саъдиев мураккаб классик ролларни ёш актёрлар ҳам зафарли талқин қила олиши мумкинлигини исботлади. «Қароқчилар» кўзга ташланувчи,

эсда қолувчи, мағзи тўқ ва ўзига чорловчи спектакл сифатида саҳналаштирилган. У сизни XVIII аср охирларидаги феодал дунёсининг қабоҳатлари ҳақида ўйлашга мажбур этади».

Олим Хўжаев ёш актёрларни жуда хурмат қиларди. Ёдгор талқинидаги Карл Моорни кўриб кўнгли тўлди. Ўз фарзандининг меҳнати муваффақиятини кўргандек қувонди. «Ёдгор Ф. Шиллернинг кўтаринки руҳини сақлаб қолди», — дея юқори баҳо берди устоз. Фақат Ёдгорнигина эмас, Дилбарни, Ҳожиакбарни, Саидкомилни — барча иштирокчиларни қутлади.

Энди ёшлар томошабинни сал кулдириш учун Н. Гоголнинг «Уйланиш» асарини танлашди. Уни режиссёр В. Иогельсон саҳналаштирган эди. Ёдгорга Кочкарёв роли топширилди. Бу рол бошқа роллардан тамоман ажралиб туради. Аввало, бу комедияда Ёдгор юморга ҳам бой актёр эканини кўрсатди. Асли у характерли ролларни юрагидан севади, бундай роллардан завқ олади ва олган завқини томошабинга етказа олади.

Кечагина ўта жиддий, таъбир жоиз бўлса, фалсафий ролларда қанот қоққан Ёдгорни «Уйланиш»да кўрган одамлар наҳот бу ўша актёр, дея танимай қолдилар. Ҳа, бу чиндан ҳам ўша савлатли ва кўркем Ёдгор эди. Лекин энди у кишиларни бир оз бўлса-да ҳаёт ташвишларидан чалғитувчи, бир оз дам олдириб, мириқиб кулдиришга интилувчи актёр эди. Спектаклга тайёргарлик кўришда у фақат репетициялар билан, режиссёр ва устозлар ўғити билан чекланиб қолмади. Актёр «Уйланиш»нинг қўйилиш тарихи жараёни билан ҳам қизиқди. Асар 1842 йилнинг 9 декабрида Петербургнинг Александрия театрида (актёр И. Сосницкий бенефисида) ва 1843 йилнинг 5 феввалида буюк актёр М.Шепкиннинг бенефиси муносабати билан Москвада Катта театрда қўйилган экан. Афсуски асар анча бўш саҳналаштирилганди. Ҳатто В. Белинский: «Гоголнинг рақиблари мазза қиладиган бўлишди-да», — деб ёзган эди спектаклни кўргач. М.Шепкин аввалига Подколёсинни, кейинчалик Кочка-

рѐвни ўйнаса ҳам негадир ролга унчалик ёпишмаган эди. (Н.В. Гоголь. Асарлар тўплами. IV том. Москва. «Правда» нашриёти 1984 йил. 420-бет). «Ўйланиш» характерлари хилма-хил, персонажлари мўл, ўткир сатирик асардир. Буни таъкидлай туриб В. Белинский Кочкарёв устида алоҳида тўхталган ва актёрни рол моҳиятини чуқурроқ англашга чақирган эди. Мана шу сўзлар Ёдгорга катта дарслик бўлди. Савдогар қизи Агафья Тихоновна турмушга чиқишни жуда-жуда хоҳлайди. Совчи Фёкла Ивановна ишга тушиб кетади. Қарабсизки, куёвлар қатор-қатор. Лекин бири ундоқ, бири бундоқ. Улар ичида Иван Кузьмич Подкалёсин бор. У хизматчи, маслаҳатчи. Лекин қатъий фикрли эмас. Ҳозир уйлангиси келиб турса, озгина ўтмай фикри ўзгаради-қолади. Фёкла Ивановна бу «куёвтўра»ни бошқалар қатори келинпошшага рўбарў қилгиси келади. Лекин ҳарқалай бунинг уддасидан чиқиши мушкулроқ. Иван Кузьмичнинг Кочкарёвдек тиниб-тинчимас ўртоғи бор. Орага у тушади. Унинг нияти қатъий — оғайнисининг бошини иккита қилиш, уни ўйланишга кўндириш, шошманг-шошманг, аввалига қизни кўришга кўндиришнинг ўзи бўлмайди. Илья Фомич Кочкарёв — Ёдгор дам аврайди, дам бақиради, дам ялинади, дам дод деворай дейди. Подкалёсинни бир амаллаб кўндиради-ю, Агафья Тихоновнанинг уйига олиб боради. Ана энди у ердаги «машмаша»ни кўринг. Қизпошшаникида куёвлар танлови аллақачон бошланиб кетган. Куёвларга Кочкарёв бўш келмайди, ўртоғи учун-да, албатта. Ҳар қадамда уларни ўйиндан чиқаришга ҳаракат қилади. Тилидан чиқаётган сўзлари, уларни фош этиш... Ёдгорнинг лаби лабига тегмайди. Кочкарёв Агафья Тихоновнага Подкалёсинни шундай мақтайдики келинпошша куёвларнинг жавобини бергиси келиб қолади. Лекин йўлини топа олмай хижолат тортганда у йўл кўрсатади: «Ҳали ёшман, турмушга чиққим келмаяпти денг. Агар унга кўнишмаса, йўқолларинг аҳмоқлар, денг-қўйинг».

Айтинг-чи, ҳар дақиқада янги фикр айтиш, ўз

айтган сўзини исботлаш, гапиравериб чарчамас-лик актёрга осон кечганмикан? Ёки «Агар ўзинг учун уйланишни хоҳламасанг, мен учун уйлан», — дея ёлвориши-чи?! Ўртоғини кўндириш учун тиз чўкиши-чи... Қизга кўнгилдаги сўзни айтишга ботинмай, кетишга ҳозирланган йигитга жаҳл билан: «Агар сен ҳозир уйланмасанг, бир умр аҳмоқ бўлиб қоласан. Бор-бор, кетавер, илойим чиққанингадەк оёғингни синдириб ол. Илойим маст извошчи олдиндан чиқиб, сени туртиб кетсин. Сен амалдор тўра эмас, латтасан!» — дейиши-чи?

Ёдгор саҳнада енгил ҳаракат қилади. Оёғидан ўт чақнайди. Сўзи қуйилиб-қуйилиб келаверади. Ўшанга монанд хатти-ҳаракат ўзгаради. Ҳозир осмон бўлиб юрган йигит бир зумда ер бўлиши ҳам қийин эмас. Ҳа, биз учун қийин эмас. Аслида-чи, бирпасда сўз оҳангини ўзгартириш, бирпасда бошқа ҳолатга кира олиш, сатирани юқори поғонага кўтариш — бу фақат юксак маҳорат тўфайлигина юзага келади.

«Уйланиш»да иштирок этган барча актёрларга ҳам маҳорат бобида шундай баҳо бермоқ даркор. Чунки уларнинг барчаси ўз ролларини томошабинга бекаму кўст етказган ва етказа олган актёрлардир. Бу ижролар театр санъати тарихига битилган ўлмас ижролардир. Подколесин — Ҳожиакбар Нурматов, Агафья Тихоновна — Гавҳар Зокирова, Фёкла Ивановна — Дилбар Икромов, Қўймоқов — Пўлат Носиров в.б. Бу образлар актёрларнинг ёшлигидан унутилмас эсдалик, Миллий театр мактабига мансуб ўчмас дарслик саҳифасидир.

Дарвоқе, келиним Зайлихон Саъдиева Ёдгор ҳақида «Себзорлик йигит» деган ўзи жажжигина, ўқишга арзигулик рисола битганлар. Улар ўша кунларни шундай эслайдилар: «Айрим кунлари эрталаб ишга кетаётиб, кучлироқ овқат қилгин, дердилар. Мен билардимки, бутун «Уйланиш». Кочкарёвни ижро этиш ғайратни, жисмоний кучни талаб қилади. Шу боис спектаклга кетаётганларида яхши кўрган таомлари қийма билан картошка қовуриб қўяман. Келишларига яна бир

ширин таом. Ана энди келганларида кўрсангиз. Худди эрталабдан кечгача кетмон чопган одам-дек ҳориб келадилар. Кочкарёв жуда серҳаракат, жағи тинмайдиган одамда. Спектаклнинг бошидан охиригача тинмай гапиришнинг ўзи бўлади-ми. Мен уларни кулибгина кутиб оламан. Аччиқ чой дамлаб, олдиларига енгилгина таом қўяман. Ҳазиллашиб дейман: «Ҳар куни Кочкарёв бўлсин-а, сал озаркансиз». Уларнинг кулишга ҳам ҳоллари келмай дейдилар:

— Эртага яна қўямиз, талаб тушибди.

— Қандай яхши, — дейман хурсанд бўлиб, — одамлар театрға тушмай қўйишди деганларнинг оғзига қопқоқ.

Яна бамайлихотир дейман:

— Яхши спектакл бўлса ҳамма тушади».

Авваллари Оғалар ва буюк санъаткорлар даврида театрға одам оқиб келарди. Шуниси қадрли эдики, уларнинг ўрнини тўлдираётган ёш авлод ижросини кўриш учун ҳам томошабин тўда-тўда, оила-оила бўлиб ўзи келарди.

Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида тайёрланган спектакл ҳам томошабинни чорловчи тухфалардан бири бўлди. Унда Заҳириддин Муҳаммад Бобур родини икки актёр ижро этди. Етуклик даври, жангу жадаллар даври Ёдгор ижросида бўлса, шоир ва шоҳ ҳаётининг сўнгги даврини ҳозирги кунда устоз санъаткор даражасига етган ва заҳматкаш раҳбар сифатида ҳам обрў топган халқ артисти Ёқуб Аҳмедов талқин этди. Болалигини эса Гавҳар ва Жамшид Зокировларнинг фарзанди Жавоҳир ўйнади. Ёқуб Аҳмедов ҳам, Ёдгор ҳам актёрларнинг катта ансамблига моҳир дирижёрдек эдилар. Бир-бирларини тўлдирадилар.

Энди Ёдгор Бобур умри билан яшашга, унинг ишонувчан қиёфасини, қалбини талқин қилишга киришди. Рассом Г. Брим саҳнани безаганда саҳнага Қўқон араванинг катта ғилдирагини олиб чиққан эди. Бу режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва рассомнинг рамзий маънода киритган белгила-

ри эди. Юришларда ўтган умрга қиёс эди гўё у. Театр шу спектаклга тайёргарлик билан яшарди. Бу тайёргарлик қисман бўлса-да «Алишер Навоий» спектаклига тайёргарлик даврини эслатарди. Бобур даврини билишга ошиқиш, Бобурнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, одимларини тушунишга интилиш, шеърини руҳини сингдириш... Эҳе, театр Бобур дарди билан овриган эди. Мутолаа кучли эди ўша даврлар.

Ёдгор Бобур ҳақида кеча-кундуз ўйларди, «Бобурнома»ни ўқирди. Ҳазаларни кўзига суртарди. Унинг ҳазаларига битилган қўшиқларни тингларди, хиргойи қиларди. У яна бир қўшиқни тилидан қўймасдики, бу унга мадад берар ва образга чуқурроқ кириб боришига йўл очар эди. У уйига келгач, Шерали Жўраевнинг «Ошиқ бўлинг» қўшиғини ғинғиллаб айтиб юрарди. Шу қўшиқ оҳанги ва сўзлари ёрдамида яратаётган образининг янги қирраларини очишга ҳаракат қиларди. Жуда қизиқ бўларкан, эркак киши уйига келгач ими-жимиди овқатланиб, битта хонага кириб олса-да, кечаси алламаҳалгача «Ошиқ бўлинг»ни ғинғиллаб айтаверса. Бир, икки, уч марта.... Бугун, эрта, индин... Қани қайси аёл жим ўтираркин? Зайлихон ҳам рост, аввалига роллариникидир, деб ўйлади. Бир кун ўйлади, икки кун ўйлади. Қараса, ҳар қандай «ошиқ бўлиш» ҳам меъёридан ошиб кетяпти. «Ҳа, бекорга бир неча кундан бери сирли қўнғироқлар бўлмаётган экан-да», — деб юраккинасига тутиб қўйди. Охири ҳазиллашган бўлиб сўради:

— Кимга ошиқ бўлиб қолдингиз, адаси?

Ёдгор бундай саволни кутмаган экан шекилли, ҳайрон бўлиб унга қаради. Зайлихон кулиб тураверди.

— Мен... Ошиқ бўлиб қолдим?

— Неча кундан бери ошиқ бўлдим, ошиқ бўлдим, дейсиз. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?

— Э, ҳа, гап бу ёқда денг.

Ёдгор жойлашиб ўтириб олди ва қўшиқни зўр иштаҳа билан бошқатдан айта кетди. Зайлихон

бир оз туриб қолди. Сўнг у ҳам диванга оҳиста ўтирди. Уйда қўшиқ ҳукмрон эди. Ниҳоят қўшиқ тугади.

— Мен Бобур Мирзога ошиқман, Зайли.

Зайлихон тушунди. Лекин уни рашк ўтида ёндирмоқчи бўлиб вақти-бемаҳал қўнғироқ қилиб турувчилар-чи? «Палончи артистка билан доим севишганларни ўйнашади. Улар доим бирга.» Зайлихон бундайларга энди ўзи зарба бера олади. У Ёдгорга ишонади. Иккаласи учун оила покизалиги ҳамма нарсадан афзал. Бу ҳаёт синовларидан бири бўлса ажабмас. Эртасига бўлган шундай сирли қўнғироққа Зайлихон ширингина қилиб жавоб берди.

Спектаклда Бобур шеърига басталанган қўшиқни режиссёр талқинига кўра жонли ижро этиш лозим эди. У спектаклга ўша давр руҳини тезроқ етказишда, Бобур кечирган армон ва фироқнинг нозик нуқталарини тушуниш ва ҳис қила билишда таъсир кучига эга эди. Шу ниятда машҳур хонанда Шерали Жўраев таклиф этилган ва у сўридаги кўрпача устига ўтириб шундай куйлардики, унинг тўлқини зални эгалларди. Чунки бу қўшиқ Бобур Мирзо фарёдиннинг акс-садоси эди. Шералининг қўшиқ айтиши тайёргарлик давридаёқ ҳаммага овоза бўлиб кетган эди. Спектаклнинг тақдимида, ундан кейинги намоёишларда ҳам театрға одам сиймай кетди. Томошабинлар ҳатто ерга ўтириб олиб қўшиқ тинглардилар, театр томоша қилардилар. Лекин ўзини тутолмаган баъзи чапани йигитлар қўшиқ айтилаётган вақтда ҳиссиётларга берилиб кетдилар. «Ҳа, дўст!», «Яшшавор». Академик театр учун бундай ҳолат ёт эди. Чунки бу кутилмаган ҳайқириқлар спектакл боришига, актёрларнинг сахнадаги ҳолатларига салбий таъсир этарди. Айниқса, театр кексалари бу аҳволни ҳазм қила олмадилар, эътироз билдирдилар. Аслида бу «тўлқин» режиссёрни ҳам бефарқ қолдирмаган эди. У «бундайлар» турли овоз берсаларда, театр эшигини очиб келдилар-ку, деб ўзига тасалли берарди. Барибир театрнинг ўз интизоми, томошабиннинг маънавий дунёси деган гаплар бор. Шу

боис икки-уч спектаклдан сўнг қўшиқ фонограм-маси берила бошланди. Тамошабин бу спектаклни куттанларидан ҳам афзал қарши олди. Саҳна гулга тўлиб кетди. Афсуски, давр сиёсати кўп ўтмай «Юлдузли тунлар»ни юлдузли онлардан маҳрум этди. Бу спектакл билан боғлиқ кунлар Ёдгорнинг театрдаги энг бахтли кунларидан эди. Қўмсашга арзигулик, завқ-у шавққа тўла, меҳнат ва унинг мевасига лиммо-лим кунлар эди. У Бобур Мирзо-ни хуморидан чиқиб, мириқиб ўйнай олмади. Бунга қўймадилар. Бобур Мирзо унинг армонига айланди. Армон устига яна бир армон пайдо бўлди. Уни бир неча фаслли «Бобур» видеофильмида бош ролга таклиф этганларида рози бўлмади. Ўша вақтдаги унинг ҳолати шуни тақозо этарди.

Яқинда Ёдгор туш кўрди. Азим чинормиш. Чинор ёнида улуғ бир зот ўтирган эмиш. Унга ҳам маъюс, ҳам мағрур, ҳам умид-ла қарармиш. Нимадир депти-ю, ўрнидан туриб аста-секин кўздан ғойиб бўлибди. Эрталаб Ёдгор одатдагидан бошқача уйғонди. У ўзини жуда енгил ҳис қиларди. Руҳияти эса ниҳоятда баланд. Нонушта устида Зайлихонга кўрган тушини айтиб берди. Зайлихон уни эшитди-ю, бир оз хаёлга чўмиб: «Хосиятли туш кўрибсиз», — деди. Ёдгор чиндан ҳам хосиятли туш кўрганди. Бу туш юрак тахтига ёшлигидан ўрнашиб олган, поёнига етказа олмаган катта қадамнинг акс-садоси эди. Чинор... унинг ёнидаги зот... чорлов... Ишига борди-келди. Миясидан эса кўрган туши кетмасди. У анча ўйчан бўлиб қолди. Уни ўйга толдирган нарса катта муҳаббат ва қўмсаш эди. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурни — ёшлигининг энг бахтли дамларида учратган Бобур Мирзони, унинг шеъриятини, кўз кўриб қулоқ эшитмаган оламини соғинган эди. Армонни ва соғинчни тўлдирмоқ вақти ҳам келиб қолар, дея тасалли берди у ўз-ўзига.

Ёдгорнинг театр саҳнасида яратган образлари ҳақида санъатшунослар кўп гапиришган. Газета ва журналларда кўп ёзишган. Улар — Маъмур, Арслон, Абдурахмон, Мамат... Мен Ёдгорни кино

санъатимизнинг фидойиси сифатида ҳам сўзлагим келади. У яратган образларнинг халққа манзур бўлиши шу фидойиликнинг меваси эмасми? М. Горький номли киностудияда суратга олинган «Енгилмас» фильмидаги Шайх Жаъфар Ёдгор туфайли кўзга ташланди. Эсингиздами, Шайх Жаъфарнинг қўл жанги кадрлари. У вақтда Ёдгор бу услубни билмасди. Лекин у дублёр чақиришларига розилик бермади. У узлуксиз икки-уч ой машқ қилди. Қарабсизки, фильмнинг энг ҳаяжонли лаҳзалари табиий ҳолда пайдо бўлди. Актёр яратган Дадабўри-чи? («Армон» фильми) «Минархорлик Жўра овчи» фильмидаги Тоғай-чи? Яна қанча-қанча фильмлардаги роллар. Булар ҳаммаси жафоли меҳнат эвазига пайдо бўлгандир. Қолаверса, унинг ёнида Наби Раҳимовдек буюк устози турарди.

Ёдгор ҳар гал Наби акани кўрганида отасини кўргандек бўларди. Наби Раҳимов ҳам Ёдгорга жуда меҳрибон, бошқаларга нисбатан ортиқроқ кўрардилар. Бунинг боиси Ёдгорнинг фикрий қарашлари, ҳалоллиги, катталарга ҳурмати-ю санъатдаги ўз мурғак овози эди. Бутина эмас, иккалаларининг ўрталарида бир азиз инсон турарди. У Ҳабиб Саъдий эди. Наби Раҳимов умрларининг охиригача Ёдгорни кўздан қочирмадилар. Ютуғидан хурсанд бўлардилар, йўл-йўриқ кўрсатардилар. Ҳам саҳнадош, ҳам устоз бўлдилар. Улар ота-боладек эдилар. Кинофильмларда бирга рол ўйнадилар. Самимийлик, бир-бирига ҳадди сиғиш, ҳазилкашлик деган гаплар бор ҳаётда. «Минархорлик Жўра овчи» бадийий фильми суратга олинаётган пайтлар эди. Душанбе шаҳрининг меҳмонхонасида бир хонада яшашарди. Соат қўнғироғи ҳар куни азонги маълум вақтга тўғирлаб қўйиларди. Наби ака уни кутиб ётмай барвақт ўринларидан туриб олардилар. Бугун ҳам худди шундай бўлди.

— Тур, Ёдгор.

— Соат жирингласин, озгина ухлаб олай...

— Турақол, қаймоққа чиқиб кел.

— ...

Ёдгордан жавоб бўлмагач, Наби ака бўпти, дея ўзлари чиқиб кетдилар ва кўп ўтмай қаймоқ олиб келдилар.

Бу орада соат ҳам жиринглаган, Ёдгор ҳам туриб чой қўйишга улгурган эди. Шу пайт Наби акани режиссёр чақириб қолди. Ёдгор қараса, қаймоқ «имляпти». Ёнида турган бўрсилдоққина нонни ушатиб, тотиб кўрмоқчи бўлди. Бир еб кўрди, икки еб кўрди, ана шундан кейин иштаҳаси очилгандан очилиб ҳа-ху дегунча еб қўйди. Наби ака киргунларича аччиққина чой дамлаб ичиб ўтираверди. Наби ака қарасалар, қаймоқ йўқ.

— Оббо, Ёдгорвоей, қаймоқни сиз емайсиз, десам, биз емайдиган бўлибмиз-да.

Ёдгор ҳеч нарса бўлмагандек жим ўтираверди.

— Майли, энди майиз билан чой ичамиз.

Наби ака «запас»ларидан майиз олиб Ёдгорга етти дона бердилар. Ўзларига эса ўн бир дона санадилар.

— Нимага менга кам? — мўлтираб қаради Ёдгор.

— Сизнинг ёшингизга еттита ҳам бўлади, бизнинг ёшимизга ўн битта етади.

— Ҳа... бу...

— Бизнинг ёшга борганда ўн битта ейдиган бўласиз, Ёдгорвой.

Эртасига Ёдгор соат жиринглашини кутмай ўрнидан туриб, икки кишига еттулик қаймоқ олиб келди.

Ёдгор ҳали шу пайтгача бир ўтиришда ўн бир дона майиз егани йўқ. Наби аканинг ёшларига етишини кутяпти. Яхши-а!

Ёдгор ижодининг яна бир қирраси телевидение ва видеофильмлар билан боғлиқ. Уларнинг кўпини сиз кўргансиз. Кўнглингизга яқин олгансиз. Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ»идаги (режиссёр Ҳайбатулла Алиев) Жаҳонгирни эсланг. Ҳамза номли Давлат мукофотига сазовор бўлган роли Ўринбойни олинг (Турғун Пўлат «Ичкуёв», режиссёр Мақсуд Юнусов), Ўринбой ҳақиқат учун курашувчи жафокаш журналист. Ўктам Усмоновнинг

«Гирдоб» асаридаги (режиссёр М. Юнусов) Йўлдош-чи. Энди у тамоман бошқа лавздаги йигит. «Чангак»даги (режиссёр Жаҳонгир Қосимов) қиморбозлар бошлиғи-чи? Уни кўрганингизда ташвишланиб, фильм эканига шукур қилиб кетасиз.

* * *

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари илк китоби билан ўқувчиларни ўзига тортиб олди. Улар сабрсизлик билан иккинчи ва учинчи китобларини кутишди. Ҳатто қўни-қўшнилар, таниш-билишлар бу китобларни бир-бирларидан сўраб олиб ўқидилар. У нимаси билан китобхонни ўзига тортарди? Чунки унда шайтанат олами деб аталган хуфёна ҳаёт ва занжирбанд дунёнинг сиру асрори рўй-рост очиб ташланган эди. Ҳаётга катта фойдаси тегиши мумкин бўлган Асадбекнинг нечук шу йўлга киргани, у чеккан ўзига хос лаззату бахтсизликларни кўрсатиш, одамларни инсофли онларга, бутунги куннинг қадрига чорлаш. Асар олдига қўйган мақсад менингча шу. Ҳамманинг оғзига тушган бу китоб ҳақида Ғайрат билан Ёдгор гаплашиб қолишди. Гаплаша туриб, видеофильм қилиш ҳақида фикр чиқиб қолди. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Фильм яратишнинг ўз муаммолари, каттагина ташвишлари бор. Мос актёрлар топиш, улар билан ишлаш, айниқса, техника масаласи нима бўлади? Мана камера сенга, бемалол суратга олавер, демайдику ҳеч ким. Қолаверса, кўп масалалар маблағга бориб тақаладику. Хуллас, босилмоқчи бўлган қадамнинг ўз жиддий масъулияти бор. Бу масъулият оддий эмас. Чунки бир неча китобга жо бўлган воқеалар жараёнини бир неча соатда бериб бўлмайди. У кўп фасли фильм яратишни тақозо қиларди. Муаллиф билан ишлашнинг ўзи бўлмас. Демак, қатъий қарорга келинса, қатъий ният қилиб бел боғланса, бу муаммоларни ечиш мумкиндир.

Ният қатъий. Режа қатъий! Энди шу ният ва режа сари қатъий қадам ташламоқ керак. Ёдгорда ғайрат жўш урди. Олдида катта масала турган-

дек унга интилди. Энг асосийси янги студия ташкил этиш. У елди-югурди. Паст тушди, балаң чикди. Ички ишлар вазири Зокир Алиматов ҳузурида бўлди. Вазир уни ҳурмат билан қарши олди. Мақсадини тушгунгач, бир оз ўйлаб, таклифни ҳар томонлама тарозига солди. Адабиёт ва санъатни дилидан севган вазир Ёдгорнинг фикрларини қўллаб-қувватлашга қарор қилди. «Қалқон» студиясининг ташкил этилиши Зокир Алиматов номи билан бевосита боғлиқдир. ...Шундай қилиб «Қалқон» студияси ташкил топди. Керакли ходимлар, суратга олиш аппаратлари пайдо бўлди. Кўп фасли «Шайтанат» бадиий фильми суратга олина бошлади. Агар бир неча сатрни эгаллаган бу жумлалар тилга кирсалар кўпроқ Ёдгорни алқардилар. Чунки ишни бошлаган ҳам, унинг бошқошида турган ҳам, энг кўп жафо чеккан, энг уринган раҳбар ҳам у эди. 1999 йилнинг 15 феврал куни кеч соат 21.30 да Ўзбекистон телевидениеси орқали «Шайтанат» фильмининг тақдими қуйидаги сўзлар билан бошланди: «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланади!» Бу сўзлар сизни, мени, ҳаммани ларзага солган, тўлқинлантириб юборган эди. Шу соат шу дақиқалардан бошлаб Ёдгор Саъдиев ўзбек хонадонига Асадбек бўлиб кира бошлади.

Асадбек... У бекорга Асадбек бўлиб қолмади. Бекорга нафратли, бекорга қасоскор бўлмади. Болалигидаги унинг уйига даҳшат олиб кирган воқеа бунинг бош сабабчиси эди. Фильмда-ку кўргансиз, сизга яна ҳам яққолроқ намоён бўлиши учун китобдан сатрлар келтирай:

«...Асадбек хуфтонга яқин онасининг инграганини эшитди. Онасини тўлғоқ тутган эди. Отаси қўрқмай ўтиришини тайинлаб, ойисини касалхонага олиб кетди... Кўча томондан болаларнинг қийқириқлари келди. Ана шу пайтда кўча эшиги очилиб икки киши кириб келди. Айвонга чиқиб, оёқларини тап-тап уриб қорни қоқишди.

— Уйда ким бор? — деб сўради паст бўйли киши.

— Отанг қаерда? — деб сўради новчароғи.

...Улар этикларини ечмай, эски кигиз устида из қолдириб токча томонга ўтишди. Китобларни титкилашди. Кейин сандиқни очишди. Улар узоқ кутишди. Ниҳоят кўча эшиги оғзида дадаси кўринди...

— Сиз қамоққа олиндингиз! — деди паст бўйли одам унинг орқасига ўтиб.

— Халқ душмани сифатида! — деди новча одам унинг рўпарасига ўтиб.

...Дадаси шу кетганича қайтмади.

...Кўча эшиги эрталабгача тик этмади. Дадасининг кетиши ҳазил эмас, чинга айланаётган дамда кўча эшик очилди. «Дадам!» У ирғиб ўрнидан турди-ю, эшик оғзида ошнаси Жалилни кўриб ўша заҳоти жойида қотди. Ўзини йиғидан тутди. Вужудида ўзи ҳам англамаган куч уйғониб, ундаги йиғини бўғди... Бу ғойиб куч уни фақат йиғидан тўхтатмай, ожизлигини ҳам енгган, сирли қудрат ҳам берган эди. Ўша онда у мутелик кишанини ўзи билмаган ҳолда парчалаган эди. Шу билан бирга инсон боласига хос энг покиза туйғуларни қувган эди. Қоронғи кечада унга кўрқув яқинлашмади, лекин митти юрагига ёвузлик тухум қўйди. Ёвузликнинг биринчи овозини ўртоғи Жалил эшитди.

— Уларни ўлдираман!

...Булар пўписа эмас, амалга ошиши ҳақ бўлган ҳукм эди.»

Асадбек шу йўлга — шайтанат йўлига кириб кетди. У қасоскор бўламан деб одамларга ёмонлик келтирди. Аламимни оламан деб аламзадаларни туғдирди. Унга ва атрофдагиларга мен сендан ўзаман қабилидаги ҳаёт не машаққатлар келтирмади. Асадбек ва Ҳосилбойваччаларнинг гоҳ хуфёна, гоҳ ошкора олишувлари тарози палласини дам у томонга, дам бу томонга бостирарди. Томошабин фильмдаги ҳеч қайси воқеага нисбатан бефарқ бўлмайди. Гоҳ Манзура учун куйинса, дам қизи учун жафо чекади. Гоҳ Жамшидни ўйласа, гоҳ Элчин тақдири уни эзади. Эҳтимол, томошабин

қалбида тўпланган алам патоси, ташвиш патоси Асадбекнинг Ҳосилбойвачча тақдирига нуқта қўяётган чоғда ёрилгандир. Ана, Асадбек кириб келди. Тўғри Ҳосилбойвачча томон юриб борди ва... ва унга қараб ўқ узди! Дарвоқе, фильмнинг шу онлари намойиш этилаётган айни вақтда самода кимдир кузатиб турган бўлса, Ўзбекистоннинг деярли ҳамма хонадонидан кутилмаган ғаройиб овоз чиққанини биларди. Ҳамманинг юрагидаги патос ёрилгандек эди. Кимдир чуқур нафас олди ўша дамда. Яна кимдир бир вақтлар ўрганиш бўлиб кетганидек «ур-ра!» деб юборди. Кимдир қарсак чалди. Бу Асадбекнинг олган қасоси учун. Асадбек юз бора ёмон одам бўлсин, томошабин уни шу ёмонлиги, шу хатоси, шу заҳар-заққуми билан яхши кўрди. Унинг Асадбекка бўлган нафрати муҳаббати билан аралашиб кетди. Асадбекнинг Ҳосилбойваччага отган ўқи ўтган умрига, хазон умрларнинг чирик қирраларига отилган ўқ эди. У битта ашаддий ёмонни, ўқ иллизини йўқотди. Ёдгор — Асадбек ҳар галгидек босиқ эди. Шу ҳолат актёр талқинида ёрқин берилди.

Ёдгорнинг менга таъсир этган яна бир ҳолати ҳақида. Бек Аллоҳдан узоқда эди. Уни деярли унутган, унга илтижо нима-ю, сажда қилиш нималиги эсига келмас ҳам эди. Оғир дард туфайли азобда қолган танаси ором истайди, паноҳ истайди. Одатда, одамлар шундай пайтларда, ташвишлари оёқларини кишанлаб, ўз домига тортган пайтларда Аллоҳга муножот этадилар. Лекин Асадбек...

Асадбек табибникида. Худди ана шу ерда унинг қулоқларига мўжизавий сўзлар кира бошлади. Ана табиб ва Муҳиддин ота намоз ўқишяпти. Уларнинг овози беихтиёр Асадбекнинг жисми-жонига малҳам бўлгудек хуш кела бошлади. Энди уларнинг Аллоҳга илтижолари милтираб оққан сув нуқралари каби Асадбекнинг қалбига сизиб кира бошлади. Умр бўйи сезмаган, томирлари тоши остида қолиб кетган бир туйғуга сув югуртираётгандек бўлди. Бу нуқралар томир-томирларни босиб ётган зил-замбил харсанг тошларни кўтара бошлади.

Томчилар қудрати шунчалар кучли эдики, йилларнинг зарби, қоп-қора тунга айланган кундузлари-ю, юлдузлари алам найзасига айланган тунларнинг фигонини бир зумгина бўлса-да чекинтираёттандек бўлди. Ана шу томчи беҳол ўтирган Асадбекни ўрнидан қўзғатди. У қулоғига кираётган тиловатнинг сирли ва сеҳрли оҳангига мафтун бир оз туриб қолди. Сўнг аста-секин ҳовлига тушди. Ҳовли сув қуйгандек сокин. Жимжит эди атроф... Жимжит эди қишлоқ... Бугун борлиқ сукунатда эди гўё. Шу дақиқаларда бу дунёда фақат Асадбекнинг ўзигина бордек эди. Бу дунёда фақат Асадбек... Яна Асадбек... Унинг қалбида эса Аллоҳ, ёлғиз меҳрибони, ёлғиз дардкаши, ёлғиз паноҳи... Шу дақиқаларда бу оламда фақат Ёдгор ва унинг қалбида Аллоҳ, ёлғиз меҳрибони, ёлғиз дардкаши, ёлғиз паноҳи...

Ёдгор. У Асадбекни ўйнапти. Уни ўйлайди, унинг хаёллари билан яшайди. Бошқача қилиб айтгудек бўлсам... Ўша кезларда бир танда икки жон юриб борарди. Бир танда икки жон ҳукмрон эди: бири Асадбек, бири Ёдгор. Бир танда икки юрак ҳукмрон эди: бири Асадбекники, бири Ёдгорники. Улар баъзан бир-бирлари билан қўшилиб кетишарди, баъзан бир-бирларини инкор этишарди. Бир-бирларига бўй бермай ёқа бўғишарди. Қай ҳолда ҳам Ёдгор Асадбекка меҳр қўйган, унинг кирдикорларини, даҳшатли оқибат келтирган ҳаракатларини фош этса-да, уни оддий одамларга яқинлаштиргиси келарди. Асадбекка дунёда ёмонлик ёнида турган яхшилик борлигини, покиза умр аталмиш шамчироқ борлигини сингдиргиси келарди. Асадбекни шу таҳдидда талқин қилишни истади ва бунга эришди. Ёдгор суратта олиш йиллари Асадбек каби кулишни унутди. Юраги қаҳрамонининг, у яшаётган оламнинг зарбаларига бардош бера олмай неча бор фарёд кўтарди. Мана у ҳозир, сўнгги бор Асадбек бўлиб камера олдида турибди. Асадбек аввалгидек шаҳдам ҳам эмас, унинг дили вайрон ва саволларга лиқ тўла. Кўзлари, қарашлари шуни дейди: «Бу йўлга ки-

риб нима топдим? Қизимнинг бахтсизлиги ё ўғлимнинг ўлимими? Гуноҳларим шунчалар кўпми? Бу йўлда яна нималарни кўраман?..»

Ана аёли Манзура қаергадир отланяпти. Унинг руҳи эса бир оз тетик.

— Қизимиздан хабар олиб келай.

— Эри ҳассасини ташладими? — сўради Асадбек.

— Ҳали ташламади.

— Манзура, кўп куюнма. Ҳамма нарсанинг давоси вақт. Дардимизга ўзи даво берсин... Қизинг-у кўнар, агар куёвинг кўнса, шу ерга олиб келамиз. Шу ерда туришсин.

— Мен ҳам шуни ўйлаётгандим. Зайнаб...

— Яна Зайнабга нима бўлди?

— Яқинда сиз бува бўласиз.

Эшиқда Зайнаб кўринди. Ота-боланинг кўзлари учрашди. Шунча йил яшаб, давлат ичида ўз давлатига ҳукмронлик қилган қаҳри қаттиқ, ҳатто жилмайишни унутган Асадбекнинг кўзида илк бор севинч нури пайдо бўлди. Ҳа, Ёдгорнинг кўзида қувонч ғунчаси пайдо бўлди.

Фильм сўнггидаги ёзув: «1989 йил, июн. Ўзбекистонда раҳбарият ўзгарди. Биринчи галдаги вазифалар сифатида «ўзбеклар иши»га барҳам беришга киришилди. Уюшган жиноятчиликка, шайтанат оламига қарши аёвсиз кураш бошланди. Икки йилдан сўнг эса Ўзбекистоннинг покиза осмонида озодликнинг умидбахш байроғи қилпиради».

Фильмни суратга олиш тугади, ҳали олдинда фильм билан боғлиқ анча ишлар бўлса-да, Ёдгорнинг юраги алланечук бўшаб қолгандек эди. Негадир у увишади. У Асадбек билан хайрлашмоқда. Хайрлашмоқ, видолашмоқ осонмас Асадбек билан. Беш йилдан ортиқ у билан бирга яшади. Алвидо, Асадбек, алвидо, қилган гуноҳларингни Аллоҳнинг ўзи кечирсин.

...Ёдгор секин ўрнидан турди. Ҳозир уни ҳеч қандай куч хаёлларидан, дунёсидан ажрата олмасди. У чуқур-чуқур нафас олди. Юрагидаги ғубор шу нафас билан алмашгандек бўлди. У озгина юрди-

да оҳиста ерга энгашиди, уни сийпалади. Ердан бир чимдим тупроқ олиб унга тикилиб қолди. Тупроқ унга ниҳоятда майин, ниҳоятда юмшоқ туюлди. Ҳа, тўғри айтган эканлар: «Ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим». Ундан ҳали ҳеч ким шу пайтгача ватан не деб сўрамаган, зеро бунга ҳожат бўлмаган эди. Чунки Ёдгор ҳар доим шу ватан хизматида бўлди. Унинг кўзларида кутилмаганда ёш қалқди. Ҳўнграб, ҳўнграб йиғлагиси келди. Нега? Нега?! Бу саволга у ҳозир, шу топда жавоб бера олмайди. Эҳтимолки бу ёшлар юрагидан кўтарилган ғуборларнинг, ташвишларнинг акс сандоси эди. У тупроқни кўзига суртди. Шу тупроқнинг иссиқ тафти унинг борлиғига кўчган эди. Ватан меҳри бўлиб, юрт бўлиб, эл бўлиб. Унинг ҳар зарраси ватан ишқини тану жонига тўкканди. Ёдгор тупроққа яна қаради, яна қаради. Кафтидаги тупроқ зарралари орасида Асадбек жонлангандек бўлди. У энди чиндан ҳам Асадбек-ла хайрлашарди. Асадбекнинг ўтган кунларига ачинарди. Лекин уни бор хатоси, бор қаҳри, бор азобу уқубатлари, камчилиги билан севиб қолганди. Бахтли яшаши мумкин бўлган инсоннинг, бахтли яшашга ҳаққи бор инсоннинг тақдир тўхфа этган кўргилиги уни эзарди. Қаҳрамони давр қурбони эди. Унинг кўзида пайдо бўлган ёш Асадбек билан хайрлашув ёши эди. Хайр, Асадбек, хайр!

* * *

Эсингиздами, фильмдаги қўшиқлар ғурбат ботқоғи юзидан пардасини кўтарарди. Қўшиқ шеърлари ҳам (Шукур Қурбон ва Қутлибека Раҳимбоева қаламига мансуб), мусиқа ҳам, ижроси ҳам чўққида эди. Шундай бўлиб қолдики, Ёдгор тўй-ҳашамгами ё бирор жойга борса, айтилаётган қўшиқлар тўхтаб, фильмнинг Азим Муллахонов айтган энг машҳур қўшиғи ижро этиларди. Ёдгор бундан баъзан қувонса, баъзан хижолат чекарди. Қувонгани — фильмнинг томошабинга маъқул бўлгани, оммалашгани, уларни ўйлатгани. Хижолат чеккани — негадир ноқулайда. Ўзи ҳам ҳай-

рон, баъзи ота-оналар унга таассуф қилиб янги туғилган чақалоқларига Асадбек деб исм қўйиш-япти. «Нега бундай қилдингиз? — дейди босиқлик билан унга фахрла гапирган кишига Ёдгор, — Ахир Асадбек ҳаётда энг бахтсиз инсон-ку! Унинг бошига тушган савдолар ҳеч кимнинг бошига тушмасин». Майли, қўйишгандан кейин нима ҳам дерди. Ўз болаларига бундай исмни танлаган ота-оналар, бува-бувижонлар аввало фарзандларининг Ёдгордек камол топишини ният қилганлар. Ёдгордек эл-юртга хизмат қилувчи, унинг ардоғидаги инсон бўлиб етишишини истаганлар. Асадбекнинг Асадбеклиги ҳатто эсларига келмаган ҳам. Водийдаги туманлардан бирида туғилган тўққизта ўғил боланинг еттитасига Асадбек исми қўйилиб ва бунинг тантанасига Ёдгорни ҳам таклиф этишди. Бормасликнинг сира иложи йўқ эди. Даста-даста гул кўтариб бориб ҳаммаларини табриклаб келди.

Кўп ўтмай, Ёдгор узоқ туманлардан бирига оғай-нисиникига бориб қолди. Оғайниси шу дақиқаларда марказдаги ўйингоҳга, катта концертга кетаётган эди. Ёдгор уни йўлдан қолдирмай бирга кетди. Ўйингоҳга киришди. Уларни ҳурматлаб «ҳукумат жойи»га ўтказдилар. Концерт бошланди. Бошловчи ҳам анча ҳушёр йигит экан. Ёдгорнинг ўйингоҳда эканлиги ҳақидаги хабарни эшитиши билан суюниб кетди. Стадионга янаям файз киритмоқ, одамлар кўнглига янада кўтаринкилик бермоқ учун актёрнинг шу ердалигини эълон қилиб юборди, томошабинлар эса қарсак чалиб, бир хиллари ўрнидан туриб кетди. Ўйингоҳ ўйингоҳ бўлиб бундай олқишни кўрмаган эди. Ёдгор атрофидагиларга қуллуқ қилди. Бу етмади. Одамлар у томон оқиб кела бошладди. Уларни зўрға тўхтатиб қолишди. Оддийгина томошабин бўлиб ўтиришни мўлжаллаган Ёдгор майдонга чиқишга мажбур эди. Бу мажбурлик заминида унинг ҳурмати ётар эди. У чиқди. Анчагача барибир қарсак босилмади. Қарсаклардан унга гўё раҳмат ёғилар эди. Ёдгор микрофонга яқинлашди. Томошабинларни байрам билан қутлади, яхши ниятлар билдирди. Қайтаётган

эди, ўйингоҳ уни қўйиб юбормади. У монолог айтди, яна қўйиб юбормади. Қўшиқ айтди, қўшиғи қўшиққа уланиб кетди. Шўх куй янграши билан ёшу қари ўйинга тушиб кетди. Ҳамма мириқди. У майдондан чиқиб жойига ўтаётганида оппоқ соқолли отахон ёнига келиб, эғнидаги янгигина чопонини ечиб, унинг елкасига ташлади. Одамлар жуда бахтиёр эди, Ёдгор бахтиёр эди. Майдон уни кузатаркан: «Асадбек, Асадбек», — дея ҳайқирар эди. Бу фильмдаги Асадбекни қўмсаш эмас, Ёдгорга кўрсатилаётган илтифот эди.

Бир журналист укамиз: «Сиз ҳаётда ҳам Асадбекдек бой-бадавлат инсонсиз, дейлик. Яна кўпроқ бойлик орттириш ҳақида ўйлайсизми ёки бирор хайрли-савобли ишга қўл урасизми?» — деб сўраган экан. У шундай жавоб берибди:

— Биринчидан, мен ҳаётда Асадбекка мутлақо ўхшамайман. Ўртаҳол оиладанман. Уникичалик бойлик менда йўқ. Шунча бойлик тўплаш ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Лекин пешона тери билан бой бўламан, деб ҳаракат қилсам, урдасидан чиқа олсам керак. Агар Асадбек каби бой-бадавлат инсон бўлганимда, аввало етим-асирларнинг бошини силаган бўлардим. Кам таъминланган оилаларга қўлимдан келганча мадад берардим. Қолаверса, санъат соҳасининг ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилардим.

Мана Ёдгорнинг дили, борлиғи!

* * *

— Мен болангман, юрагингман, юрагингман, онажон.

— Сен боламсан, юрагимсан, юрагимсан, болажон...

Бу қўшиқни мен жуда яхши кўраман. У ўз даврида тез-тез айтилар, эфир орқали ҳам бот-бот бериб туриларди. У вақтда она ҳақидаги қўшиқлар бутунгидек бодраб кетмаган, анча-мунча танқис эди. Бошқа сўзларини билмасамда, унинг биринчи сатри миямга жойлашиб қолган. Иккинчисини эса шунга мослаб ўзим ўзгартирганман.

Шундай ҳолда хиргойи қилиб юраман. Бу билан онамга, оналаримизга бўлган ҳисларимни баён этаётгандек бўламан.

Авлодимизда тўйларимиз жуда ҳам чиройли ўтади. Укалар, жиянлар бисёр. Ҳовли чоғроқ бўлса ҳам тўйларимиз бемалол ўтаверади. Бизнинг тўйда укаларим, уларнинг дўсту биродарлари хизмат қилишади. Икки томон хурсанд. Айниқса, келин томондагилар. Ахир бир тўйда шунча артистни кўрса, унинг санъатидан баҳраманда бўлса, улар шодланмай ким шодлансин. Кўпчилиги укаларимнинг ашула айтишини эшитмаган. Айниқса, Ёдгорни ўртадан чиқариб юборгилари келмайди. Биз опа-сингиллар ҳам Ёдгор қўшиқ айтганда оғир-вазмин бўлиб туриш одатини ташлаймиз. Жонлангандан жонланиб кетамиз. Айниқса, «Кўзларингни яширма»ни айтганда Мамлакат опам жим тура олмайдилар. Биз ҳам буни сезиб, уларни ўртага тортамиз. Ҳайрулланинг тойчоқдек сакраб-сакраб ўйнаши, Лутфулланинг қулоч ёзиб елкасини силкитиши ҳаммани маҳлиё қилади. Гулшод ўртага тушса борми, «Баҳор» қизлари келиб қолганга ўхшайди. Тўй оқшоми тутагач, биз ҳаммамиз юмушларимизни тўхтатиб, тўйнинг иккинчи қисмини бошлаймиз. Ҳаммасидан ҳам ана шуниси зўр бўлади. Хизматчиларнинг қорни табиийки, оч бўлади. Кимдир нимадир тамадди қилади. Озгина ўтмай ўйин-кулги бошқатдан бошланади. Ёдгор қўшиқ айтганда онамлар ҳам, холамлар ҳам гўё бошқа дунёга кириб кетишади. Уларнинг рақслари ўзларига ярашади. Оёқ-қўллари унчалик бўйсунмаса-да, улардаги кексаларга хос чирой ва кўзларида пайдо бўлган нурли ҳаё бизни маҳлиё қилади. Ўйнаб-ўйнамай улар ийманибгина қўйишади. Бу ҳам уларга жуда ярашади. Энди ҳамма Ҳайрулла, Лутфулла ва Ёдгорларнинг аскиясини кутади. Ҳайрулла бир оз айтишиб ўйиндан чиқиб кетади. Лекин Лутфулла билан Ёдгор бир-бирларига бўш келишмайди. Кўпинча кино пайрови бўлади. Ташқаридан қараганда жуда содда, ҳатто ниҳоятда содда туюлган сўз ўйини ўша дақиқаларда бизга зўр топқирлик

ва ҳозиржавоблиқдек кўринади. Укаларимнинг қайси бири ўткирроқ гап топса, биз чапак чалиб юборамиз. Мана ҳозир шу ҳақида ёзатуриб, уларнинг кўпчилиги эсимда йўқлигига ачиниб кетдим. Майли, ёдимда қолганини келтирай.

Лутфулла: Ёдгорвой, гулмисиз, райҳонмисиз, сунбулмисиз.

Ёдгор: Айтганингизман.

Лутфулла: «Дилбарим»ни кўрганмисиз?

Ёдгор: Кўрганда қандоқ, салом бермоқчийдим, яна «Маҳаллада дув-дув гап» бўлмасин деб, «Индамадим».

Лутфулла: Қизларга доим: «Мафтун бўлдим» деб юришни биларкансизде-а?!

Ёдгор: «Енгилмас»лик шундан-да, Лутфулла ака.

* * *

Онам Ёдгорни бошқача кўрадилар. Ашула айтганда жон қулоқ бўлиб эшитадилар. «Ёдгор, — дейдилар кунларнинг бирида, — вақт қазойим етса тепамда «Қоро кўзим»ни айтгин, хўпми, болам». Ёдгор кулиб қўяди. Ҳали унчаям етиб бормайди унга бу сўзлар. Бир уй бўлиб биз ҳам куламиз. Ахир бу гап валатиноқ туюлади-да ўша пайтларда.

— Рост айтяпман, болам, тепамда йиғлаб юрманглар, Ёдгор «Қора кўзим»ни айтсин.

Биз тарқаламиз. Лекин онам бот-бот бу гапни эслатиб турадилар. Баъзан мен ҳазилга йўяман. Баъзан гапларининг моҳиятига тушуниб ич-ичидан зил кетаман. Наҳотки онам, эндигина етмиш ёшга тўлган онам ҳайё-ҳув деб бизни ташлаб кетсалар. Бундай вақтда дунё кўзимга тор кўриниб кетади ва дарров ўзимни тутиб олиб, онамнинг кўнгилларини кўтарувчи, руҳлантирувчи сўзлар, қизиқроқ воқеаларни айтиб кулдирмоқчи бўламан.

— Биласизми, Иноппа, яна қаерда денг, Туркияда тўқсон яшар кампир Фарҳоддай ўғил кўрганмиш. Битта маймун қафасидан чиқиб, трамвайнинг олдига тушиб кетаверибди. Трамвайчи қоч, йўлни бўшат деса бурнини кўрсатиб, ҳиринглармиш.

— Дунёнинг ишлари-ей, — дейдилар кулиб онам.

Шу пайт паст овозда қўйиб қўйилган радиодан Юнус Ражабийнинг «Қаро кўзим»и эшитилди. «Баландроқ қўйиб қўй». Онам қўшиқни кўзларини юмиб эшитадилар.

Бир кун борсам, анчагина мазалари йўқ. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб олдиларида анчагина ўтирдим. Гап яна «Қаро кўзим»га бориб тақалди.

— Ўғиллари ўлганида Тўйчи Ҳофиз тепасида «Қаро кўзим»ни айтган эканлар. Худо раҳмат қилгур Саъдуллақори отам айтиб берганлар. Йиғлаган ҳам йиғлаган экан, йиғламаган ҳам.

Мен онамнинг ниятларини дарров тушунаман. Чуқурлашиб кетмасликлари учун гапни бошқа томонга бурмоқчи бўламан. Лекин улар:

— Мен ростини этвомман. Ёдгор тепамда «Қора кўзим»ни айтсин.

— Қизиқсиз-а, Иноппа. Сиз... Тавба, сиз жимгина дунёни тарк этиб ётармишсиз-у, бизлар қўшиқ эшитиб ўтирарканмизми, — деб ҳазиллашгандек бўламан.

Онам гапларини яна қайтарадилар. Охири уларни тушунгандан тушунаман.

— Аввал сиз юзга киринг, кейин бир гап бўлар, — дейман бошларидаги рўмолларини тузатаётиб. Онамнинг кўнгиллари бир оз тинчигандек бўлади ва бошқа бу мавзуга қайтмайдилар.

Орадан кўпам вақт ўтмай қор қалин ёққан кеч~~да~~ онам қазо қиладилар. Ерлар оппоқ бўлиб, онам тиниб ухлаётган кечада онам вафот этдилар. Ақлли инсоннинг ўлими ҳам ақлли бўларкан, дейман доду фарёдимни ичимга ютиб. Шундай ётибдиларки, овоз чиқариб йиғласак, уларга гўё озор берамиз. Мана энди шу соатларда, шу дақиқаларда уларнинг бизга, менга қайта-қайта айтганлари қанчалар қадрли эканини ҳис қиламан. «Қанисан, Ёдгор, укажоним», — деб нидо қиларди кўнглим. Ахир у Тошкентда эмас, Тожикистонда «Минархорлик Жўра овчи» фильмида кинога тушяпти. Ҳамманинг қайғуси ёнида бир гап — Ёдгор,

қайдасан? Аллоҳнинг қудратини қаранг, бирдан телефон жиринглайди. Уни кўтаришади. Мени чақирйшади имлаб. Ёдгор! У ёқда у ййглайди, бу ёқда мен... Мен онамнинг кулоқларига пичирлайман: «Иппажон, Ёдгордан рози бўлинг, у сизни кузатишга етиб кела олмайди».

Оппоқ қор гупиллаб ёғаётган пайтда нури дийдамни сўнгги йўлга кузатамиз. Ҳилхонамиз бир оз узоқлиги учун озроқ юргач, уларни машинага қўйишади. Тепаларида Ёдгор эмас, Ҳайруллагинам «Қора кўзим»ни секингина айтиб кетади. Орадан бир-икки ҳафталар ўтгач, Ёдгор қайтиб келади. Уйга келиб тиловат қилади, мазор бошига бориб тиловат қилади.

— Абажон, мен келдим. Ёдгорман. — У бошқа ҳеч нима дея олмайди. Ҳўнг-ҳўнг ййглайди. Кейин ўзини босиб олиб паст, ниҳоятда паст овозда «Қаро кўзим»ни айтади. Ерда сокин ётганлар, қадамига илҳақ бўлганлар тинглайдилар уни.

*Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросига мардум киби ватан қилғил...*

* * *

Ёдгор холамлар ва Ҳайруллага суяниб қолган. Тиқ этса, улар учун куйган, уларнинг қўлидан юмушни олгиси, фармонбардор бўлгиси келган. Онасини улуғлаб, Ҳайруллага қараб бўй олган. Булар иккиси Ёдгор учун топилмас бебаҳо кўҳинур. Ижодий кечасида, муқаддас сахнада ўша машҳур «Тошкент ироқи» ва «Фарғона тонг отқунча» янграган кечада, атроф атиргуллару одамлар билан тўлган оқшомда Ёдгорнинг холамлар ҳақидаги сўзи янгради: «Ҳаётда битта инсон менга ҳар доим виждонли бўл, соф бўл, касбинга, дўстинга хиёнат қилма деб уқтирган эдилар. Мени вояга етказган, мени бир кўз билан мана шу кунгача ўстирган бу инсон менинг аямлар». Холам бу сўзларни биладилар, қадрлайдилар. Унинг ҳам қадамидан огоҳ, ҳамма мувафаққиятидан мамнун бўладилар. Ўғиллари давлат мукофоти билан тақдирланганда унинг

нишонини ўзи тақмай, кейинчалик хизмат кўрсатган артист, халқ артисти нишонини ҳам холамнинг кўксиларига таққанида кўзларидан ёш қалқигани ҳақиқат. Фарзанд келтирган тақдир нишони обрў ва ҳалол меҳнат рамзи. Ҳабиб Саъдий улғурмаган тақдирланишларнинг ўрнини тўлдирган олий мукофот. Агар Аллоҳ ота умрини қўйиб берганида улар ҳам шу ҳурматларга лойиқ бўлардилар ҳойнаҳой. Ҳайрулла ҳақидаги қалби тўла изҳоричи? «Ҳайрулла акам бир қориндан талашиб тушган яккаю ягона жигарим. Мен учун ота ўрнида ота бўлиб келдилар, шундай бўлиб қоладилар. Санъатдаги елкадошим, ҳаётдаги сирдошим».

Вақтнинг ҳам ўтаётганини қаранг, Ёдгорнинг қизи Мунисахон ҳам кўзга кўриниб қолибди. Ҳабибулло ҳам таппа-тайёр куёв. Холамлар, ҳарқалай қизингни олдин узат, совчилар ҳам эшигинг турминини бузвотти, дедилар. Ёдгор ва Зайлихон қарашса, аяжонларининг гаплари тўғрига ўхшайди. Муниса институтда ўқияпти. Айни узатиш вақти шекилли. Улар турнақатор келаётган совчилар орасидан ўзларига мос, тагли-тахтли оилани муносиб кўришди. Фотиҳа ҳам бўлди. Тўй куни ҳам белгиланди. Ҳаётни қарангки, кутилмаганда холамнинг соғлиқлари ёмонлашиб қолди. Кунлардан бирининг тонготарида улар ёруғ дунёни тарк этдилар. Бу ҳаммамиз учун, айниқса, Ҳайрулла, Ёдгор ва Сардор учун оғир йўқотиш эди. Барча уларга сабр тиларди. Орадан кунлар ўтди. Айтишларича, қиз бола унаштирилгану, тўй арафасида шундай кори ҳол бўлсаям, тўйни тўхтатмаслик керак экан. Катта ёшлилар, дўсту биродарлар шундай маслаҳат беришди. Ёдгор кўнмай-кўнмай, охири қулоқ солишга мажбур бўлди. На илож, тўй — ёшларники. Уларнинг ҳам ўз орзуси, нияти бор. Тўй ўтди. Тўй ўтяпти-ю, Ёдгорнинг кўнгли йиғларди... 84 йил умрини биллурдек пок кечирган онанинг руҳлари шод бўлсин. Улар фарзанд ва набираларига, биздек жигарларига меҳрларини ва «Хонбувимлар бир юз тўрт йил умр кўрганлар, сизларга ҳам Хонбувимнинг умрларини берсин», — деган яхши

ниятларини қолдирдилар. Маҳбуба холамлар ҳам-
мамизнинг, қолаверса, икки фарзандларининг
қўшгани билан қўша қаришини, невара-чеварали
бўлишини орзу қилардилар. Мана, ниятлари во-
жиб бўлмоқда. Ёдгор Зайлихондек умр йўлдоши
билан бахтиёр. Зайлихон «Шундай фидойи инсон
билан яшашни, унинг фикр ва ўйларидан воқиф
бўлишни, вақти келса, ижодий жараёнларнинг қай-
ноқ қозонида бирга қайнашни» ўзларининг бахт-
лари деб биладилар. Ҳабибулло ва Мунисхоннинг
ўзларидан кўпайиб юришлари уларнинг яна бир
бахтлари. Куёвлари Абдуллажон, келинлари Нар-
гизахон, набиралари Азизжон, Заринабону ва Асил-
беклар уларнинг бахт чироқлари. Ана шу набира-
лар-да чарчоқни оладиган. Ана шуларда ҳаёт таш-
вишларини бир зум бўлса-да унуттирадиган, белга
куч, кўзга нур берадиган. Сени йўлга, яшамокда
чорлайдиган, умидингга умид қўшадиган шулар-
да. Тўғрим, Ёдгор? Ҳа, укажоним, бу гапларимни
тасдиқлайсанми, йўқми, билмадимку, ҳарқалай гап-
ларимиз кўпинча бир ердан чиққан опа-укалар-
миз. Шу боис қулоқларингга айтмоқчи бўлган гап-
ларимни майли одамлар эшитсин. Сен мен учун
ардоқлисан, жигарим сифатида ҳам, санъаткор
сифатида ҳам. Мен саҳнадаги Ёдгорни соғинаман.
Сен яратган Бобур Мирзони соғинаман. «Жало-
лиддин»да адажонинг айтган қўшиқларидан ха-
бардорсан, Аллоҳ сенга илҳом берса-ю, шу қўшиққа
яна ҳаёт бахш этсанг. Биз эшитсак, одамлар эшит-
са. Ана, укажоним, орзулар кўп, юмушлар кўп,
ҳали олдинда яратилмиш образларинг кўп. Сенга
бу жафокаш йўлда ёшлик ғайратини тилайман.

* * *

*Менинг азиз укажонларим санъат йўлида тин-
мадилар. Уларнинг нафасидан одамлар баҳра олиш-
ди. Улар бирор марта ҳам ўз йўлларига хиёнат
қилмадилар, мисқоллаб йиққан обрўларини кўкка
совурмадилар. Ҳалоллик ва илҳом уларнинг ҳам-
роҳи бўлди. Улар шуҳрат кетидан интилмадилар.
Шуҳратнинг ўзи уларга ҳамроҳ бўлди. Халқнинг*

муҳаббати, оталар дуоסי йигитларнинг йўллари-
га гул бўлиб сочилди. Ана шу гуллардан гулдаста-
лар унди. Бу гулдасталар энди учинчи ва тўртинчи
авлод йўлини ёритса, ажабмас.

КЕНЖАТОЙЛАР

Санъат қуёшининг жилваси, оҳунинг нафис
кўзлари кенжатоЙлар қалбига ҳам учкун сочди.
Чунки улар оталаримиз номини эшитиб улғайди-
лар, бобо, тоға ё амаки бўлиб саналган актёрлар-
нинг руҳий оламидан хабардор бўлиб ўсдилар.
Оғаларининг санъатдаги қадами уларнинг деярли
кўз ўнгида эди. Ёшликка қадам қўйиб, уларга эр-
гашишни, улардек бўлишни орзу қила бошлашди.
Лекин биргина орзунинг ўзи камлик қилади.
Ўқиш-униш, меҳнат қилиш даркор. Мен нима дер-
дим, йигирманчи аср бошида ёнган машғала ўчма-
син дейман. Уни кенжаларимиз Сарвар, Уйғун,
Анвар, Ҳамза, Азиз ва кичкина бўлишса ҳам ки-
нода кўриниб қолган Жаҳонгир ва Муқаддас-
хонлар қўлда тутиб бормоқдалар.

Анварни сиз яхши танийсиз. Бўй-бастли, юзла-
ри тиниқ, сўзлари эса юморга бой. Мамлакат опам
ва Ҳаким поччамлар бор муҳаббатларини фақат
унга аташгандек. Анвар Тошкент Давлат Мадани-
ят институтини тамомлаб, телерадиокомпанияга
ишга келди. «Ёшлар» телеканалида режиссёрлик
лавозимида ишлаши билан бирга экранда ҳам кўри-
на бошлади. «Гап йўқ»да унга гап йўқ. Қани, сиз
кўрсатувни Анварсиз тасаввур этиб кўринг-чи,
унинг луқмаларисиз, ўзига ярашган хатти-ҳарака-
тисиз кўз олдингизга келтиринг-чи. Деярли кел-
тиролмайсиз. Буни қарангки, Мирзабек Холме-
довнинг ашаддий мухлиси бўлган Анвар устоз санъ-
аткор билан саҳнада бирор марта бўлсада бирга
чиқишни орзу қиларди. Ҳайтовур бу кун келди.
Цирқдан олиб кўрсатиладиган Ҳамза режиссёрли-
гидаги «Янги йил» базмида улар учрашишди. Мана
энди Анвар «Мирза» доирасига ҳам қўшилиб кет-
ди. Унинг янги қирралари янаям балқиб чиқа бош-

лади. Ҳарқалай катта мактаб кўрган устоз унинг шу қирраларини очишга ҳаракат қила бошлади. Эҳтимол вақти келиб «Машҳур кулги устаси Анвар Салимов ижодий кечасига марҳамат!» деган афиша пайдо бўлиб қолар. Шунда ажабланманг. Бу ўзимизнинг Анвар, деб қўйсангиз бас. Лекин бу куннинг келиши учун Анварнинг санъати янада камол топиши, овози янада баландроқ эшитилиши, қолаверса, тинмай тер тўкиши, «ўз»лигини кўрсатиши керак. «Ўзлик» эса янгиликка интилишни, халқ тилини, унинг урф-одатларини чуқур билишни, жаҳон кулги ва юмор усталарининг, устозларимизнинг мактабларидан чуқурроқ хабардор бўлишини тақозо этади.

* * *

Ҳамза ўз исмига мос қайноқ қалбли, доим ёниб турувчи йигит. Тошкент Давлат Маданият институтининг режиссёрлик факультетини тамомламаёқ Ўзтелерадиокомпаниясига ишга қабул қилинди. Ҳамза ўз тенгдошлари билан ишлаб, тенгдошлари учун кўрсатувлар тайёрлай бошлади. Кўп ўтмай «Хаёлпарастлар байрами» экран юзини кўрди. Унда кувноқлик ва ёшларга хос беғуборлик, қолаверса, миллийлик кучли эди. Ҳозирда кулги устаси даражасига етган Валижон Шамсиев, актёрлар Зафаржон, Бахтиёр Фозилов ва Анвар Салимовларнинг телевидениедаги илк қадамлари шу кўрсатувдан бошланган, «5+1» кўрсатувини эса ёшлар, айниқса, қизиқиб кўришди, чунки у ўзбек эстрада қўшиқларига бағишланган ва уларнинг бу соҳадаги саволларига жавоб бера олувчи кўрсатув эди... Ҳамза Каримов маълум вақт Ёдгорнинг устозлик сабоғидан баҳраманд бўлди. «Шайтанат»нинг иккинчи ва учинчи фасллари суратга олиш жараёнида унинг ёнида турди. Ёдгорнинг ҳар бир ўғити Ҳамза учун очилмаган кўриқ, кундалик дарслик эди. Ҳамза унинг қўлида ишлаган вақтида бадий фильм олиш жараёнларини билди, кинорежиссуранинг телережиссурадан фарқ қилувчи томонларини англади, актёрлар билан ишлаш йўллари уқди. «Шайтанат»да орттирган тажриба, уни яна бир

фильм жараёнида ишлашга олиб келди. Бу гал кинофильм яратишда ҳам ўзини синамоқчи бўлган Лутфулла Ҳамзани ҳамкорликка чақирди. Унинг «Мунис онам» фильми халққа манзур бўлган экан, бунда устоз санъаткорлар қатори Ҳамзанинг ҳам хизмати борлиги кўнглимни кўтаради. «Шайтанат» фильмининг титрида «Ҳамза Каримов» деган ёзувни ўқиб севинганидан кўзига ёш олган ва бундай мураккаб ижодий ишларда оқ йўл тилаш учун гулдаста кўтариб келган Марғуба опамлар Қориева бўлганларида янаям хурсанд бўлардилар, деб ўйлайман. Чунки акаларидан ёдгорлик бўлиб қолган Ҳамзахон ва қизларим юракларининг бир бўлаги эди. Бундай сахий ва жигаржон аммапошша кам топилади, илойим жойлари жаннатда бўлсин. Ота дуоси, аммажонининг дуолари болагинамнинг йўлини очсин. Ҳамзанинг телеасарлар, ўзига хос салмоқли кўрсатувлар тайёрлашига ишонаман. Чунки у ўз касбини севади, одамлар билан ишлай олади. Ҳа, Ҳамзанинг ижодий қирралари секин-аста очилмоқда. У телестудиянинг етук режиссёрлари қаторидан жой олмоқда. Ёнида эса касбдоши, маслакдоши, оқила Дилфузахон, оилада саранжон-саришта, барчага бирдек меҳрибон, кексаларнинг дуосини олган жуфти ҳалоли. Улар Раъно ва Ҳабибхонларнинг имон-эътиқодли, юрт корига ярайдиган фарзандлар бўлиб ўсишларини орзу қиладилар.

Олдинда катта ҳаёт, олдинда санъат гулшанининг янги саҳифаларини тўлдирмоқ. Бу йўлда Сарвар Саъдуллаев, Уйғун Убайдуллаев, Дилфуза Каримова, Азиз Салимовлар ҳам хизмат қилишмоқда. Бу йўлда Ҳайрулланинг набираси Жаҳонгир Саъдиев («Шайтанат»да Асадбекнинг болалиги, «Ал-помиш»да Ёдгор), ilk фильми «Беш қисмат» ва «Мунис онам»да қизалоқлар ролини ўйнаган Муқаддас Саъдуллаева митти юлдузчалардек чарақлаб туришибди. Ким билади дейсиз, улар ёнида авлодимизнинг яна қандай жажжи юлдузчалари пайдо бўларкин? Мен улар сафининг кенгайишини ва йўллари порлоқ бўлишини истаб қоламан.

III. ЎЗИДАН ТУНГАН ЖИГАРЛАРИМ

ҲАМИДУЛЛА АМАКИМ ВА БОШҚАЛАР

Ҳамидулла амаким саксондан ошган пиру бадавлат кишилар. Улар — Маъсудахон, Забиҳулла, Бортирхўжа, Машкурахон, Ҳикматуллоларнинг отажонлари. Муҳаббат келинойимлардек олижаноб ва жафокаш аёлнинг қоғоздаги қанддек асраб келаётган «гавҳар»лари. Келин-куёвларнинг иззатли оталари-ю, набира-абираларнинг буважонлари. Амакимнинг ҳар бир фарзандлари ўзи бир дoston, ўзи бир дунё. Ҳаётда ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлган оқил йигит-қизлар.

Ҳамидулла амаким «Катта ҳовли»да бир эмас, икки овалари ўзбек театрининг етук актёрлари бўлиб етишган даврда ўсиб улғайганлар. Оиланинг ҳамма аъзолари каби улар ҳам театр шайдоси бўлганлар. Эҳтимол, кўнгилларида санъат уқунининг порлашини, сахнага чиқишни орзу қилгандирлар. Лекин бу ҳол уларда узоқ чўзилмаган. Ялт этиб ёнгану, ўчгандир ҳойнаҳой. Чунки улар ўз ҳаётларини ота касбини давом эттиришга бағишлаганлар. Оғажоним иккинчи жаҳон урушининг оловли йўлларида эсон-омон қайтгач, шу йўлни тутдилар. Оддийгина озиқ-овқат дўкони, оддийгина газ сув сотадиган дўкон уларнинг рўзгорларини тебратиб турди. Бorigа шукур қилдилар, кўрпаларига қараб оёқ узатдилар. Уларнинг ҳамдамлари Муҳаббатхон келинойим бўлдилар, ифбатли ва доно келинойим. Барибир туз-насиба экан. Уларнинг хонадонида театр билан боғлиқ ёшлар етишиб чиқмаган бўлса-да, Ҳамидулла амаким Латиф Файзиёевнинг «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Рустам» бадий фильмларида ва яна бир-икки фильмда эпизодик рол ижро этдилар. Ўғил-қизлари: «Ада, қонингизда бор-да», — дея ҳазиллашиб қўйишади. Лекин ўғиллари Ботирхўжа танлаган йўл «қонда йўқ». У Тошкентдай шаҳри азимда «Ботир ошпаз» деган ҳурматли номга сазовор бўлган. Ботирхўжа катта ошларни дамлайди. Унинг

ошини еган одам яна бир есам дейди. Ўзи файзли, юришлари файзли, қилган меҳнати — ҳалол. Халқимиз удумини сал кам жаҳонга таратаётган жигаримга кўз тегмасин. Қўллари бундан ҳам ширин, қутли-баракали бўлсин.

Менга айтиб беришган бир ҳикоялари эсимда. Бир кун кечқурун «Катта ҳовли»да ҳаммалари йиғилишиб ўтиришганда отам дутор чертибдилар. Ҳабиб амаким ашула айтибдилар. Ёшгина Фатҳулла амаким ҳам хиргойи қилибдилар. Шунда Ҳабиб амаким Ҳамидулла акамларга қараб:

— Ҳамидуллахон, сиз ҳам ашула айтишни биласизми? — дебдилар мароқ билан.

— Ҳа, — дебдилар укалари ҳеч иккиланмай.

— Қани, эшитайлик-чи бўлмаса.

Ҳали шу вақтгача ҳеч ким уларнинг хиргойи қилиб юрганларини ҳам эшитмаган экан. Шунинг учун ҳам қизиқиб, сергак тортишибди. Ҳамидулла амаким биргина жумладан иборат бир қўшиқ куйлабдиларки, аввалига ҳаммалари ҳангу манг бўлиб қолишибди. Сўнг кулиб юборишибди. Бу қўшиқ ўзи содда, юморга бой бўлса ҳам, яшашга, ҳаётга чорловчи қўшиқ экан...

* * *

Фатҳулла амаким ака-укаларнинг кенжаси эдилар. Оёқ-қўллари жуда чаққон, уқувли йигит бўлганлар. Тўй-ҳашамлардаги хизматларини айтиб адо қилиб бўлмайди, Сахийликларига тараф йўқ. Педагогика институти тарих факультетининг кечки бўлимига ўқишга кириб, етуклик шаҳодатномаси йўқлиги учун давлат имтиҳонига қўйилмаганлари эсимда. Кейин кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқиганлари ҳам хотирамда қолган. Бу воқеа ўзларини тижоратга уриб юборишларига сабаб бўлгани ҳам ёдимда. Ҳатто бир кун қайси шаҳардандир костюм олиб келиб сотганларида пулини устиларидаги кўрғазмали костюмнинг ички чўнтагига солиб қўйганлари ва охир-оқибатда бошқа харидорга ўша пул билан қўшиб кийдириб юборганлари ҳам ёдимда.

Бизнинг ёшлигимизда ҳамма «Отелло» эди.

Ҳамма йигитлар Отелло бўлиб: «Қораманми мен», — деб монолог айтарди. Фатҳулла амаким ҳам бундан холи эмасдилар. Атрофни титратгудек овоз билан куйиб-пишиб «Отелло»дан, «Алишер Навоий»дан монолог ўқирдилар. Уларнинг жуда чиройли овозлари бор эди. Улар «Муножот»ни, ўша даврда оммалашиб кетган, Муқимий ғазали билан айтиладиган «Бири» қўшиғини мириқиб куйлардилар. Ҳамма сел бўлиб эшитар эди.

Фатҳулла амаким сурункали касал бўлиб ётганларини эсласам юрагим ҳамон ачишади. Лекин шу ётганларида ҳам бир зум бўлса-да, фарзандлари тарбиясини кўздан қочирмаганлар. Қолаверса, фарзандларига бебаҳо давлат қолдирганлар. Мен уларни ана шу бойлик учун ҳам қадрлайман. Улар дин қисти-бастига олинган вақтларда ҳам беш ўғилнинг ҳаммасига Куръонни танитдилар. Файзулло, Шукрулло, Неъматилло, Нурулло, Абдуллоларнинг қайси бири бўлмасин бирор мовриятда тиловат қилишса, сиз жон қулоқ бўлиб тинглайсиз. Мен шундай пайтда, айниқса, ҳаётнинг қийин томонларини енгиб, фарзандларига ана шундай муқаддас бойлик қолдирган Фатҳулла амакимнинг руҳлари шод бўлсин, дейман. Турмуш қийинчиликларини енгиб, болаларни оёққа турғизиб, уларни беш вақт намозларида дуои жон қиладиган Сайёра келинойимга таҳсинлар бўлсин. Фарзандларнинг бир-бирига вафоси, онага бўлган ҳурматига ҳамманинг ҳаваси келади. Бу ўша бойликнинг, амаким қолдирган «катта давлат»нинг бир бўлагидир. Бу бойлик сизга, қизингиз Санобархону келин-куёвларингизга, ўғилу набираларингизга бундан кейин ҳам вафо қилсин, Сайёра келинойижон!

* * *

Оиламизнинг бош фарзанди исмини Мамлакатхон қўйишганида чиндан ҳам ниятларини яхши қилишган экан. Мамлакат — бу юрт демак. Мамлакат — бу ватан демак. Ватан эса ҳамма учун азиздир. Опажоним ҳам барчамиз учун ота-онамиздек азиздирлар. Уларнинг бағри юрт бағридек

илиқ, юрт бағридек кенг. Ҳурматлари ҳам шу сўзларга монанд.

Мамлакат опам еттинчи синфни битирибоқ район озиқ-овқат таъминоти бўлимига шогирд-ҳисобчи бўлиб ишга тушдилар. Салкам етмиш ёшларигача шу ерда ишладилар. Лекин бир дақиқага бўлса-да, отам насиҳатларини унутмадилар: «Доим пул ичида бўласан, қаноатли йўл, топган бир сўмингни ҳам ҳалоллаб топ». Улар покиза ишлаб, ҳалол ризқ топдилар. Забардаст дўкдорларга ҳам бас кела олдилар. Асосийси, улар туфайли ҳеч кимнинг бурни қонамади. Опамнинг юзлари доим ёруғ эди.

Опажоним онам удумларини эгаллаганлар. Онамнинг йўлларида кетганлар. Урф-одатларимиз билимдонилар. Ҳамма тўйларимизга, бошимизга тушган барча оғир-енгил кунларда бош-қош, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдамчи бўлганлар. Эндиликда ўзлари ҳам «Катта ҳовли»нинг бекаси бўлиб, Ҳакимжон поччамлар билан қўша-қарияптилар. Рустам, Равшан, Анвардек уч оға-ини ботирнинг ота-оналари. Шоҳистахон, Моҳирахон, Дилфузахондек келинларнинг ҳурматли инсонлари. Азиз, Аваз, Маликахон, Умидахон, Мухлисахон, Азимтой ва Абдулазизларнинг бува-бувижонлари.

Опам бир мақолни тез-тез эслатадилар: «Ёр ичганда ёт яхши, қон ичганда — қариндош». Бу ҳаммамизни бирликка чақиришларидир. Опам фотиҳа ўқиганларида бир жумлани айтишни унутмайдилар: «Бирингни-бирингдан кам қилмасин, бирингни-бирингга муҳтож қилмасин». Бу деганлари шарҳга муҳтож эмас. Улар бор — менинг юрагим тинч. Мен хотиржамман. Маслаҳаттўйим, ҳамсухбатим, сирдошим бор деб.

* * *

Университетда ўқиб юрган кезларим факультетимиз талабаларининг дам олиш кечаси ўтказиладиган бўлди. Фаол бўлганим учун зиммамга кичиккина масъулият юклатилди: концерт дастурида бир-икки кўринишларни уюштириш. Кўпам ўйлаб ўтирмадим. Кел, яхшиси синглимни олиб

бораман. Гулшод жуда чиройли ўйнарди. Онам-ларга айтсам, рози бўдилар. Синглим энди беш ёшга тўлган, боғчага боради. Курсдошим Муаз-замхон мусиқа билим юртида скрипка чалишга ўқийдиган укасини, Эркин эса чилдирмачи йи-гитни олиб келадиган бўлишди. Ойим дарров рақ-қосамизга янги атлас кўйлак тикиб бердилар. Мен тиллақош ясадим. Товланиб турган оппоқ рўмол-ни унга қададим. Ишқилиб, қизалоқни чиройлик-кина қилиб безадик. Ўша кун келди. Чолғувчилар ҳам. Бошловчи В. Рецептер (кейинчалик у маш-хур артист бўлиб кетди) сахнага чиқиб:

— Энди навбат — бўлажак филолог Гулшод кизга! У «Тановар»га рақс тушиб беради. — дея эълон қилди.

Залдагилар ким экан, дейишига улгурмаёқ ма-йин куй ҳамма ёққа таралиб кетди. Миттигина қизалоқ сахнада пайдо бўлиб, раққосалардек хи-ром эта бошлади. У «Тановар»га берилиб ўйнади, чиройли ўйнади. Зал уни қизғин қутлади. Ўшан-да унга доира чалиб жўр бўлган йигит кейинча-лик ўзбек санъатини жаҳонга кўз-кўз қилган халқ артисти Қахрамон Дадаев эди.

Гулшод мактабни тугатгач, рус тили ва адабиё-ти институтига ўқишга кирди. Уни тамомлаб мана ўттиз йилдан ошибдики, муаллимлик қилмоқда. Маориф аълочиси. Қандай бўлмасин, қай шароит-да бўлмасин ўқувчиларига жаҳон адабиёти дурдо-наларидан, рус классикасидан чуқур билим беришга ҳаракат қилади. Мана ўттиз йилдирки, ҳозирги С.Х. Сирожиддинов номли академик лицейда иш-ламоқда. У — катта ташкилотчи. Турли учрашув-лар, кечалар, мусобақалар уюштиришда фаол қат-нашади. Ростини айтсам, онамиздан ҳаммамизга бир хилда ўтган жонкуярлик ва ташкилотчилик қоби-лиятини сезаман. Жигарларга бадастур синглим-нинг Ёркин деб аталмиш ўғли бор. Унинг исмини раҳматли адам қўйганлар. Ўзидан кўпайсин деб дуо қилганлар. Шукурким, Ёркиннинг Зухрахондек умр ҳамроҳи, Иқболхон ва Сайфуллодек фарзандлари бор. Гулшоднинг қувончи ва умиди шулар.

Ҳа, Гулшодхоннинг санъатга алоқаси борми-

йўқми, ҳойнаҳой, шуни сўрамоқчисиз. Майли, жавоб берай. Хулосани ўзингиз чиқариб оласиз. Улар эликдан ошган бўлсаларда, «Лазги»га тушсалар борми, «Лазги»нинг қизлари тан бериб, опажоним ёшликларини эслаб, қувнаб олсинлар, дея четта чиқиб туришади. Гулшодни бошқа жигарларимдан ажратиб турувчи хусусияти — у гулшайдоси. Ана шунақа гаплар. Ўзидан тиниб юрсин бу жигарим ҳам.

* * *

Шухрат хўп ажойиб йигит. Қараб турсам, энг камгап, энг юморга бой укам шу бўлса керак, деб ўйлаб кетаман. Бу ҳолати билан Лутфуллага жуда яқин. Ўзиям ташқи кўриниши билан акасига жуда ўхшайди. Ҳатто сизга айтсам, «Еттинчи қадах» телеспектакли суратга олинаётганда Лутфулла (унда Лутфулланинг роли бор эди) тўсатдан гастролга кетиб қолади. Суратга олинаётган бир сахнада унинг иштирок этиши шарт бўлган. Режиссёр нима қилади энди? Ўрнига «ўхшаш чехра» Шухратни суратга туширади. Бу ҳолатни томошабин илаб ололмаган.

Аслида Шухрат ҳам Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга киргиси келиб юрарди. Ҳатто ўзи зимдан тайёргарлик кўрарди. Энг ҳал қилиниши лозим бўлган паллада адамларнинг сўзларини қайтара олмади, раъйларига қарши бормади. Гулдек оиласи, гулдек фарзандлари, Гулнорахон келиним Шухратнинг фикрдоши, суянчиси. Дарвоқе, Гулнорахон «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» видеофильмида Бойкенжаевнинг қизини ўйнаганлар. Шухрат чиндан ҳам ота йўлидан кетди. Маълум муддат савдода хизмат қилди. Кейин ҳукуматнинг масъул идораларида ишлади. Шу кечакундузда Шухратнинг кутилмаган янги фазилати очиларди. У ҳикоялар ёзарди. Бири биридан ширин: «Дарахт», «Бола», «Меҳр», «Пушаймон». Унда турли мавзу, кутилмаган сўзлар, кутилмаган жумалар кишини фалсафий мушоҳадага чорлайди.

Ўғиллари Бахтиёр, Шерзод, қизи Маликахон-

лар, келинлару набиралар иссиқ оила бағрида камол топишмоқда. Фарзандларинг бахтини кўриб юр, укажоним.

* * *

Туйғун—укаларимнинг кенжаси. У қотмадан келган, куйди-пишди. Тутган жойини кесади. Ўжар десам ўжармасу, ҳар қалай шу кичкина танда ички тугён, ўзига ишонч кучли. Одамлар дилини сезиш, уларга йўл топиш кучли. Аввал савдони танлаб, кейин санъат йўлига кириши ҳам шу нотинч қалб туйфаили эди. Уни ҳажвийётга бошлаган, турмуш камчиликларини очиқ айтишга журъат эттирган ҳам ўша қалб. 90-йилларда, «Қизиқчи» танловлари кўзга ташланган вақтда майдонда кўриниши ҳам бежиз эмасди, айтишга, айта олишга имкон яратилганди. Унинг қизиқчилиги йиғилган одамни ҳиринглатиб ё ҳаҳолатиб кулдириш учун ўйлаб топилмаганди. Енгил-елпи қилиқлар ва сўзлардан йироқ эди. Уни тинглаган томошабин ўзича фикр юритар, кимгадир ачинар, кимдандир ичаги узилиб кулар, кимдандир қазабланарди. У танловларда кетма-кет совринлар олди. Энди уни сахнадагина эмас, тўйларда ҳам одамлар таниб, қарсак чалдилар... Тақдир экан, санъатнинг узоқ йўли Туйғунга кўпам насиб этмади. Ота касби уни ўзига чорлади — Туйғун бу йўлда ҳам ўзини синаб кўрмоқчи бўлди. Бу йўл унинг турмушида голиб келди. Мана ҳозир мўжазгина хусусий дўкони бор. Берганига шукур қилиб, харидорнинг дилини оғритмай, инсоф билан савдосотиқ қилиб келяпти.

Энди маҳалладагилар, яқинлари уни «Ҳожи ака» дея мурожаат этишади. Чунки у бир-икки бор Ҳаж сафарига бориб келди. Бу муборақ жойларда у Аллоҳдан юртимизга тинчлик, хонадонларга осойишталик ва бахт тилади. Ота-оналаримиз, ўтганларимиз руҳини шод айлади. Олам-олам таассуротларини ҳамма билан баҳам кўрди.

Ўувайдода автобусдан тушиб, Эшон бобохон кўчасидан ўнгга бурилсангиз, «Малика Саъдуллаева» кўчасига кўзингиз тушади. Бу аввалги «Роза» деб аталмиш 14 хонадонли поезд онамиз номида.

Унинг 13-уйида Туйғун ўз оиласи билан истиқомат қилади. Келинимиз Мавлудахон (у Инобатхон аммамнинг бош набиралари, Ҳидоят онамнинг қизлари. Аммамнинг невара-чеварали Ибодатхон, Шарофатхон қизлари ҳам ғоят бахтли) ҳаммага ҳар доим бағрини очиб кутиб олади. Узатилган қизлари Шаҳнозахон, Дилнозахонлар ўзларидан тинишган. Убайдулла бу хонадоннинг кенжаси. Набиралар кулгиси эшитилганда Туйғун ва Мавлудахонлар яйраб кетишади. Туйғун борини одамларга улашади. Бемор ва мискинлардан хабар олади. Тўкин дастурхон ёзади. Қўлининг очиклиги, дилининг поклиги унга Аллоҳнинг инъомидир. Бу ҳовлида у Гулшод синглим билан ота-она чироғини ёқиб ўтиради. Ота-она чироғи эса чароғон, у ҳаммани — ака-укаларни, опа-сингилларни, қолаверса, кенжа авлодни ўша ерга чорлайди.

* * *

Менинг икки қизим ҳам шу чироққа интилади-лар. Икки қизим — икки тиниқ осмоним, икки сирдошим, оғиримни енгил қилган икки бардошим. Иккиси ҳам тоза кўнгил. Бу уларга отамерос. Шу мерос уларга қанот беради, дунё гўзалликларидан баҳраманда этади. Ёлғиз укаларига, келинлари Дилфузахонга меҳрибон. Иззат қилиб иззат топганларим, қариндош-уруғлар билан пайваста чироқларим. Уларнинг ўзидан тинганлари — менинг хотиржамлигим.

Яшнар Миллий университетнинг журналистика факультетини тамомлаган. «Туркистон» газетасининг энг гуллаган даврида, Жаббор Раззоқовдек ўткир ва ташаббускор муҳаррир қўлида ишлаган, камол топган. «Оқ чойнакка кўк қопқоқ», «Ҳумо» каби рукнлар пайдо бўлишида, дам олиш саҳифаларининг қувноқ ва ҳазил-мutoйибага бой бўлишида ўзига хос ўрни бўлди. Талабалар, айниқса, қизлар ҳаёти уни бефарқ қолдирмади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида китоб чиқариш сирларидан воқиф бўлди. Яшнар ҳозирда эркин журналист, у чиройли ҳикоялар ёзади. Афсуски, у ҳикояларини матбуотда эълон қилмайди. Ийманади чоғи. Яшнарнинг яна бир их-

лос қўйган иши бор. У пишириқ-куйдириқларнинг жонини киргизади. Куёвим Бобуржон Мўминов Ўзтелерадиокомпаниясида, радионинг адабий бўлимида ишлайдилар. Имон-эътиқодли инсон. Шукурким, улар бир-бирларини тушуниб яшайдилар. Ўғиллари Иброҳимни тарбия қилишаяпти. Аллоҳдан ўзларидан тиниб, ўзларидан кўпайиб юришларини тилайман.

Юлдуз қизим жуда болажон. Ўзи ҳам боладек содда, боладек беғубор. Юлдузхон Рафиқа опамлардек иссиқ бағирли қайнонага келин бўлгани учун шукурлар қиламан. Чунки улар бир-бирларини аяб, бир-бирларини еру кўкка ишонишмай яшашади. Дилшоджон ҳам дилкаш йигит. Кўнгилга тортганими, улар ҳам режиссёрлар. Фарзандлари Беҳзод ва Дилсора жону диллари. Юлдузим радионинг «Болалар ва ўсмирлар» бош муҳарририятида ишлайди. «Бувижоним, бувижон», «Кичкинтой» каби қатор эшиттиришларни тайёрлайди. Ўзбекистон халқ артислари Маҳмуджон Ғофуров, Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева ҳақидаги эшиттиришлари болаларни санъат оламига етаклаган. Унинг бир қўлида гулдек оиласи, бир қўлида суюкли иши. Ёнида Насибaxon ва Муаттархондек, Тўлқинжон ва Абдулхайдек меҳрибон устозлари.

Сўзларим охирлаб бораяпти. Лекин мен сизларга яна нимадир, ким ҳақидадир дегим келаяпти. Бу дейдиганим бир оз мунглидир. Бу дейдиганим кўзларимни намга тўлдурар. Начора! Сен билан узоқ йиллар бирга яшаган, ота-онанг, устозларинг каби сенинг «сен» бўлишингга ҳисса қўшган инсон ҳақида эсламаслик гуноҳдир. Бу инсон менинг умр йўлдошим Абдуолим aka Каримов бўладилар.

БИЗ, ИККИМИЗ...

Биз иккимизни оналаримиз, опаларимиз топиштиришди.

Биз иккимизни муқаддас никоҳ бирлаштирди. Муқаддас никоҳ! Биз унга бир умр содиқ қолдик. Унинг руҳига, унинг нафис ва покиза йўллари содиқ қолдик.

Биз иккимиз бир маҳалладан эдик. Бир мактабдан. Лекин унда сира бақам келмагандик. Сизнинг уйингизга кўп борардик, синфдош дугонамининг уйига-да. Ички-ташқи ҳовлилар бизни маҳлиё этарди. Катта янгангизнинг оппоқ ҳарир кўйлақда, тақимиға теккан сочларини селкилатиб ҳовли супуришларига зимдан қарардик, мурғак юрагимизнинг туб-тубида уларга ҳавас қилардик. Бир кун дугонам синфга суюниб кириб келди. Акасининг Москвага кетгани ва ҳатто институтга ўқишга киргани ҳақида гапириб қолди. Биз энди унга янаям ҳавас билан қарардик. Москвада ўқийдиган акаси бор. Энди ўша акасиға бизнинг ҳавасимиз келарди. Унда ҳали «қандай қилиб 18 яшар йигитча у ерга бориб, яна ўз кучи билан аъло баҳолар олиб, институтга кира олдийкин?» — деган саволларни беришга ожиз эдик, ақлимиз ҳам унчалик етавермасди. Лекин бутун синфимиз Москвада ўқиётган «ака» билан фахр қиларди. Ўша вақтларда мен, мурғак жон бир куни келиб ҳавас қилган «ака»мизнинг қайлиғи бўлмоғимни қайдан билибман. Тақдир деганлари шу бўлса керак.

Ўзиям кутилмаган иш бўлган-да. Мен анча улғайиб, эс-ҳушимни йиғиб олган, оила деган сўзнинг маъзини чаққан пайтларим эди. Университетни битириб, ҳозирги «Туркистон» («Ёш ленинчи») газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлардим. Мирзачўлга отлан-отлан пайтлари эди. Эл қатори сизларникидан совчи келибди. Онамнинг юракларида негадир сизларга нисбатан мойиллик пайдо бўлибди. Лекин... бу орада бувижонингиз Ҳожи ойимлар оламдан ўтиб қолиптилар. Аспирантурага кириш имтиҳонларини топширган экансиз, сизни Киевга ўқишга чақириб қолишибди. У ёққа жўнаб кетибсиз. Мен эса бу орада йўлланма билан Мирзачўлга йўл олдим. Қандай жўшқин эди Мирзачўлдаги ҳаёт. Менинг қалбимда ёшлик олови ёнарди. Ишладим, чарчамадим. Ҳатто кўплар қатори ҳукуматнинг табригини олдим. Деҳқон топаётган бир бурда ноннинг, чанокдаги бир грамм пахтанинг қадрини, қолаверса, инсон қадрини тушуниб қайтдим. «Гулхан» журнаliga

бош муҳаррир этиб тайинлангандим. Кенгликлардан, бардошли қишлоқ аҳли ёнидан келган мен учун бу даргоҳ торлик қиларди. Яхшиямки хонанинг ҳайҳотдек иккита деразаси бор, ташқарига қарайман, юрган-турганларни кўраман. Яхшиямки эшиги бор, кириб-чиқиб тураман. Қолаверса, болалар журнали, унга кўникишим, унинг илмини чуқурроқ билишим даркор. Даркорлик менга ҳаётнинг янги саҳифаларини ўрганиш, излашга чорлади. Ишга муккамдан берилиб кетдим... Ана шунда йўлимда сиз пайдо бўлдингиз. Атрофига ҳеч кимни йўлатмаётган мен учун, ёши анча улгайган қизпошша учун бу «чироқ» қадрли эди. Олдидаги уч синглисига бахт поёндозини ёзган, ўзи эса илм истаб, менинг ҳам фалсафада ўз овозим бўлсин дея ният қилган покиза йигит вакиллари­нинг ханадонимизга келиши ҳам азиз эди. Қаранг-а, шунча одамлар билан ишляпмиз. Ҳар куни қанча-қанча одамларга сўзимизни ўтказамиз, ақлу хушимизни йиғиб олган ёшлармизу, илк бор кўришмоққа, бир-икки оғиз лутф қилмоққа тортинибмиз, қизарибмиз-бўзарибмиз...

Шукурким, ширин-шакар оила қурдик иккимиз. Катталар кўмагида, улуғлар кўмагида. Ориятли эди биз қурган умр. Ноёб эди биз қурган турмуш. Ҳаё кучли эди оиламизда. Ибо кучли эди оиламизда. Биз бир-биримизни қарашларимиздан тушунардик. Сиз одатларни ёриб ўтиб мени «сиз»ладингиз. Бу менга ғурур берарди. Сизга бўлган ҳурматимнинг тўлиб-тошмоғига йўл очарди. Чиндан ҳам Ҳаллоқберди дадамлар ва Мастурахон ойимлар вояга етказган ўн асл фарзандларининг асилини менга муносиб кўришган экан. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Биз бир-биримизни аяб яшадик. Нохуш хабарларни ичимизга ютдик. Хушхабарлар, севинчлар уйимизда қийвос бўлишини истадик. Болаларимиз ҳам тинч оилада ўсишди. «Адангларга ўхшанглар», — дердим уларга. Улар чиндан ҳам Сизга қараб бўй олдилар. Бизга қараб илтифотни ўргандилар, эзгулик нелигини тушундилар. Сиз Яшнарни ҳам, Юлдузни ҳам, Ҳамзани ҳам ўзин-

гизга тенг кўрардингиз. Айтганларини муҳайё қилардингиз. Улар эркаланишмади, талтайишмади. Укув ва сергаклик қонимиздан ўтди уларга.

Рўзгоримиз бўлак бўлиб «дом»га чиққанимиздан кейин... Кунларнинг бирида моянами, қалам ҳақими теккан кун итўғри Эски шаҳар бозорига тушиб, харажат қилиб чиқдим. Ҳали олиб чиққанларимни расаматлашга улгурмаган ҳам эдим, келиб қолдингиз. Бозорга тушганимга суюниб кетасиз деб ўйлаган эдим. Аксинча бўлиб чиқди. Бозорликни кўриб, офрингандек бўлдингиз. Лекин аввалига индамадингиз. Сўнг... чой ичиб ўтирганда, бундан кейин бозорга тушманг, рўзгорни эркак киши қилади, дедингиз секин ва негадир хўрсиниб қўйдингиз. Сиз кейин ҳам бозор ўчарни менинг гарданимга юкламадингиз. Шу-шу мен уни қўмсасам, одамларнинг турли-туман гапларини эшитгим келса, таътил вақтимга олиб қўярдим. Бозорни айланиб-айланиб чиқардим.

Москвада ўқиб юрган кезларингизда ошқозонингизни касал қилиб қўйгандингиз. У кейинчалик сизни кўп безовта қила бошлади. 1979 йилда операция бўлдингиз. Бунга Марғуба опамлар бошқош бўлдилар. У яхши ўтди. Эсон-омон уйга қайтдингиз. Лекин ҳали кучингиз йўқ эди. Ҳатто қаддингиз ҳам анча букик. Мен сиздан хотиржам ошхонага кирдим. Чунки ҳар соат, ҳар бир ярим соатда сизга парҳез таом тайёрлашим лозим. Бир вақт қарасам, кийингансиз, ёнингизда Яшнархон қизим.

— Вой, қаёққа? — дедим ажабланиб.

— Ярмаркага чиқиб келайлик, — дедингиз.

Менинг ҳайронлигимни кўриб, ота-бола кўз уриштириб олдингиз.

— Йўғ-е.

— Яшнарга қаламдон керак экан.

Мен эсанкираб қолаёздим. Яшнарга у-бу дедим чоғи. Шунда: «Эҳтимол худодан шуни сўрагандирман», — дедингиз секингина. Мен сизни дарҳол тушундим. Кетдингизлар. Мен эса уйимиз деразасидан сизларнинг ортингиздан қараб қолдим. Сиз қийналиб, букчайиброқ юрардингиз,

аммо бахтиёр эдингиз. Қизингиз алланималарни бидирлаб борарди...

Сиз узоқ йиллар Маданият институтида, Аграр университетда ишладингиз. Фалсафанинг турли йўналишларидан сабоқ бердингиз. Орада илмий иш ёзиб, уни муваффақият билан ёқлаб олдингиз. Доцент бўлдингиз. Неча-неча йиллар қишлоқ-қировли кунларда ҳам тонгда йўлга тушардингиз. Иккала институт ҳам шаҳар четида жойлашган эди-да. Ишга шундай киришимли эдингизки, бирор марта дарсга кечикиб ёки сабабсиз қолдирганингизни эслай олмайман. Ё бирор марта унга жиддий тайёргарликсиз бормадингиз. Ўша ўтилган мавзулар, ўзингизга ёд бўлиб кетган гаплар. Мавзуни бемалол таҳлил қила оласиз, талабанинг истаган саволига бемалол жавоб бера оласиз. Фан янгиликларидан хабардорсиз. Лекин сиз ҳар куни кечқурун эртанги дарсга тайёргарлик кўрардингиз. Мен тунларни ўқув ва конспект ёзиш билан ўтказганингизда ачиниб кетардим. Шунчалик тайёрланиш шартмикан, десам, болалар оғзимга қараб туришади, юзаки дарс бериб, уларга хиёнат қила олмайман, дейсиз. Менинг сизга ҳавасим келади. Шу ҳавасим мени руҳлантирган бўлса ажабмас. Шу ибрат ва жафокашлик менинг масъулиятимни янада оширгани ростдир. Мен ял-ял ёниб ишлаб юрганларим, ўз сўзимга эга бўлганим, ҳамманинг орасида бемалол қадам ташлаганларим сизнинг орқангиздан эди. Мажлис ва йиғинларда бийрон сўзлаганларим, шаҳар-қишлоқларни кезганларим сиз туфайли эди. «Ғунча»дек журналнинг оғир юкини чорак аср елкамда кўтарганим сизга орқа қилганимдан эди. Чунки мен оиламда тинч эдим. Сиз мени қўллаб-қувватлаб келардингиз. Ишим учун мен қатори ташвишланардингиз. Айниқса, 90-йилларнинг бўронли дамларида мен хонадонимга бўрон бўлиб кириб келардим. Мен гўё тўфон эдим. «Ғунча» ташвишлари мени тўфонга айлантирган эди. «Раҳнамолар» йўқолаётган пайт, болалар матбуоти осмонда муаллақ қолаётгандек эди. Фарзандини севган юрт матбуотини қаровсиз қолдирмас, дедингиз бир кун менинг ҳайқириқли

қалбимни тинчлантириш ниятида. Шу сўзингиз менинг миямга тиниқлик киритди. Болалар матбуотининг бош муҳаррирлари билан биргаликда биз оёққа турдик ва у давлат измига ўтди. Ана энди мен бемалол ҳақиқий дам олишга чиқишим мумкин. «Ғунча»нинг ота-онаси бор.

Ҳаёт жуда мураккаб экан. Унинг кутилмаган ғам-ғуссалари пайдо бўларкан-у, баъзида сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмай қоларкан. Сиз анча уриниб, анчагина чарчаган эдингиз. Аллоҳ берган дардга чалиндингиз. Лекин шундай қудратли инсон эдингизки, дардни енгиб яна ишга чиқиб кетдингиз. Шунда мен Аллоҳга шукурлар қилдим. Сиз нафақа ёшида бўлсангиз ҳам нафақа олмай ишлардингиз, кучингиз етарди. Дўхтирларнинг беморлик нафақасига чиқаришига кўнмадингиз. Сиз аввалгидек шижоат билан, чанқоқлик билан ишлардингиз. Лекин алғов-далғов вақтлар эди. Қайси талаба қайси фанга қандай қарайди, ким имтиҳонга қандай тайёрланади?.. Хуллас, навбатдаги имтиҳонга кириб бордингиз. Унда сидқидилдан жавоб берганлар, ҳалол баҳо олганлар кўп бўлди. Лекин бир талаба осонгина саволга ҳам жавоб бера олмади. Сиз эртага кел, деддингиз. Эртасига ҳам йигит тайёргарликсиз келди. Бу гап унинг кўнгли нотинчлигини, кўзида қандайдир ғазаб борлигини сездингиз. Устоз ва шоғирдлик ҳурмати унга чиройли муомала қилдингиз ва саволларга жавоб беришини сўрадингиз. Талаба жавоб ўрнига «портлаб» кетди:

— Қўядиганингизни қўйинг!

— Қўёлмайман, — деддингиз ўзингизни босиб.

Шунда йигит:

— Ўзи сизнинг фанингизни кимга кераги бор?! — деди кутилмаганда. Унинг кўзидаги ғазаб важоҳати билан қўшилиб кетди. Бу гап сизнинг миянгизга отилган ўқдек бўлди. Сиз лол эдингиз. Шунча йил ишлаб, шунча йил ўқиб, ўқитиб юрган одамга бу ҳолат меҳнатига берилган сўнгги баҳодек туюлиб кетди. Шунда ҳам сиз аудиториядан чиқиб кетмадингиз, ўзингизни босдингиз. Ахир имтиҳон топшираётган бошқа болаларда не

гуноҳ. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, имтиҳон олишни давом эттирдигиз. Ўша топда сиз барибир иззатингиз топталганини, 40 йилдан ортиқ қилган ҳалол меҳнатингиз азият чекканини ҳис қилган эдингиз. Унинг аччиқ меваси сизни қўйиб юбормади. Эссиз, эссиз... Яна касал бўлиб қолдингиз... Аллоҳ сизни яна қайтариб берди.

...Мен уйдаман, сиз уйдасиз. Биз иккимиз уйимиз айвонида ўтирамиз. Хонадонимизнинг учинчи қаватда эканини ҳис қилмаймиз. Чунки ташқари жуда гўзал кўринади. Болаларнинг чуғурчуғури, машиналарнинг онда-сонда ўтиб туриши бизни гўё олам билан боғлайди. Келди-кетди, жигарларнинг, қўшниларининг хабар олиши, набираларнинг ширин тиллари руҳимизни тетиклаштиради. Набиралар... улар бирам ширин, бирам асал. Беҳзод, Иброҳим, Раъно, Дилсора, Ҳабибхон... Келинимиз Дилфузахон ширин таомлар тутади. Куёвларимиз Бобуржон ва Дилшоджонлар тез-тез хабар олиб туришган. Мен бирор ишга уннасам, ёрдамга келасиз...

Менинг беозор қушим, учиб кетдингиз. Юрагимни ғам-ғуссага тўлдириб, айрилиқнинг аччиқ дамларига дучор этиб кетдингиз. Мен йиғладим ҳаммадан яшириб, ўкириб-ўкириб йиғладим. Мен айтиб-айтиб йиғладим. Бу йиғиларимни фақат Аллоҳ билди-ю, ёлғиз ўзим. Мен сизга бахшида ҳар тиловатимда Аллоҳдан жаннатда жавлон уриб юришингизни сўрадим. Яна кўзда ёшим билан қиблага қараб Аллоҳга илтижо қиламанки, жаннатда сиз билан кўришмоқликни насиб айласин. Омин.

Азизим, энди сиз йўқсиз, жисмонан йўқсиз. Лекин руҳингиз уй кезади. Мени йўқлайди. Менга далда беради. Мен аввалгидек сиз билан гаплашаман, маслаҳат сўрайман. Бир меҳрингизга юз меҳр қўшилиб, менга жавоб қиласиз. Мен унинглайман. Ана, яна иккимиз гаплашяпмиз, биз, иккимиз. Гапимиз гапимизга қовушяпти аввалгидек. Ана биз, иккимиз кетяпмиз бир-биримизга ҳамроҳ бўлиб аввалгидек. Кимларнингдир ҳавасини келтириб аввалгидек. Болаларимизга бахт тилаймиз аввалгидек. Биз, иккимиз кетяпмиз...

Бу рисолаи тайёрлашда бирмунча китобларга кўз югуртирдим. Ўзим қизиқ санаган воқеаларни оққа кўчириб олдим. Уларни ўқиб, ҳузур қилсангиз, деган ниятда сизларга ҳам тавсия этялман. Қолаверса, яна уч-тўртта эшитганларимни ҳам.

ЎҚИСАНГИЗ ДЕГАНДИМ

Машҳур санъаткоримиз Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев салкам ёзувчи бўлганлар. «Саҳнам, саҳнадошларим» китоби сўзларимнинг исботидир. Ундан лавҳалар келтирай:

«1941 йилнинг август ойларида кўзга кўринган артистларнинг ҳаммасига ҳарбий хизматдан озод қилингани ҳақида гувоҳнома — брон берилди. Лекин буларга ҳам ҳарбий тайёргарлик машқлари ўтказиш ҳақида буйруқ келди. Ҳар куни эрталаб соат 9 дан 10.30 гача шундоқ ёнимиздаги «Спартак» стадионига тўпланиб машқ қиламиз... Мени командир қилиб тайинладилар. Ҳарбий интизом мустаҳкам ўрнатилган эди. Устозлар айни машқлар пайтида менга итоат этишарди.

Қизиғи шундаки, замонамизнинг атоқли адиби шоир Фафур Фулом ҳам у пайтда туманимиз ҳудудида истиқомат қилгани туфайли бизнинг «полкимиз»га юборилган эди. Армия офицерлари, солдатлари қандай честь беришлари ҳаммага маълум. Фафур ака ҳар куни беш минут-ўн минут кечга қолар эдилар. Жуда жиддий, узоқдан оёқларини тик қилиб, кафтларини олдинга қаратиб, бошларига қадаган ҳолда командирга яқинлашар, сўнг ижозат сўрар эдилар ва жиддий равишда Фафур акага хос вазнда: «Энди ўртоқ командир, уйга меҳмонлар келиб қолган эди. Ҳа деганда кетишавермади. Кетилди. Мана ҳаллослаб турганимни кўряпсиз, чопиб келдим. Сафга туришга ижозат берақолинг!» — дерди. Бу эркалик биргина эмас, ҳар гал янги бир ҳодисани пеш келтирар эди. Бир куни ҳатто: «Гапнинг очигини айтсам, ўртоқ командир, ухлаб қолипман. Будилнигим ҳам нотўғри қўйилган экан, авф этасиз. Рухсатингиз билан сафга

кирсам», — дедилар. Ижозат бермай бўладими? Кимсан Фафур Фулом-а!

Бизнинг бу машқларимиз дастурига кичик командирлар тайёрлаш вазифаси ҳам кирарди. Бир кун бир машқда: «Жангчи Фафур Фулом!» — дедим. Фафур ака, сафда турган «жангчи» шошиб қолиб, бирдан қўлларини пахса қилиб честь берди. Тирсаги ёнида турган Обид Жалиловга бехосдан тегиб кетди. Фафур ака сафни унутиб, командирни унутиб, тирсаги теккан жойни силаб, Обид акадан узр сўрашга тутинди. «Ғоят интизомсиз жангчи» чиқиб қолган эди Фафур ака.

Бир машқ пайтида «жангчи Фафур Фулом»ни чақириб взводга командирлик қилишни топширдим. Фафур ака «Смирно»дан «Волно»га ўз ҳолича ўтиб, «Э, ука, шуни қўйсанг бўларди-да», — дедилар. Мен «Отставить!», «Коман্ডовайте взводом», — дедим. Ҳарбий интизом! Фафур ака «Есть»нинг ўрнига «Ҳа, бўпти» дедилару взводда саф тортиб турган «жангчилар»га қарадилар ва: «Қани, смирна», — дедилар. Қотиб-қотиб кулгимиз келади. Лекин кулиб бўлмайди. Ҳарбий интизом.

«Направо», — дедилар. «Ша-гу-у марш»ни айтдилар. Саф бошида Наби Раҳимов борар эди. «Айт-два, айт-два» — дедилар. Взвод боши стадион атрофидаги бир уйга яқинлашиб қолди. Лекин Фафур акага «Правое плечо шагом марш» сўзи келмади. Унгача анча вақт ўтди. Взвод деворга қадалиб қолди. Ҳатто Набижон пешонасини деворга уриб олди. Шунда Фафур ака: «Ҳаҳ, Аминжон, аковси, нима дейишим керак эди», — деб менга мурожаат қилдилар. Мен секин айтдим. Фафур ака қайтардилар. «Жангчилар» бурилишди. Энди бирон текисроқ жойга келганда взводни тўхтатиб «вольно» деса бўладиган дақиқага етди. Фафур ака: «Энди нима дейман», — дедилар. Мен жавоб бергунча взводдаги «жангчилар» тик пастликка сирғана-сирғана тушиб кетишди. Энди «ҳарбий интизомни» унутиб қотиб-қотиб, думалаб-думалаб кула бошладик. «Шоирдан чиққан маршал»нинг ўзи ҳам тиззаларига уриб-уриб куларди.

Шоир бу қилиқларни ҳарбий интизомдан мутлақо хабарсизлиги учун эмас, бизнинг маънос кайфиятимизга далда бериш учун, юзларимизга табассум қўндириш учун қилар эди, албатта.»

* * *

Сайфиқори Олимов Жомий ролини 703 марта ўйнаганлар.

«Алишер Нвоий» спектакли эълон қилинган. Сайфиқори ака соат бешларда уйга борса, рафиқаси бетоб бўлиб қолипти. Пазанда Сайфиқори ака ўзи овқат қилишга киришади. Ошни дамлаб бўлгандан кейин бундай қараса, олти ярим. Гримга кириш пайти яқинлашиб қолган. Ўспирин ўғлига йигирма минутдан кейин ошни сузасан, ўзинглар еб бўлгандан кейин, битта косага сузиб фазиллаб менга олиб бор, дейди-да, ўзи шошилганча театрга жўнайди. Грим қилиб саҳнага чиқиш олдидан ўғли ошни олиб келади. Иккинчи кўринишда ўйнаб бўлгач, қўлни ювиб, овқат тепасига келади. Юзига ёпиштирилган оппоқ нуроний соқол-мўйлов, албатта, ҳалақит беради. Мўйловни сидириб олиб столга қўяди ва паловни ейди. Жомий — Сайфиқори ака энди олтинчи кўринишга саҳнага чиқиши керак. Шошилмай, аччиқ чой ичиб суҳбатлашиб ўтиради. Олтинчи кўриниш бошланажagini режиссёр ёрдамчиси радио орқали эълон қилади. Қори ака шошилмай, бир чеккага олиб қўйилган саллани кияди, саҳнага чиқиб кетади. Бир неча дақиқадан кейин Қори ака саҳнага чиқиши керак. Бундан кейинги саҳнада Мунажжим ролини ўйнаши лозим бўлган Ғани Аъзамов Қори акага қараб ҳайрон бўлади. Шундай басавлат ҳазрати Жомий сиймоси бўлакчароқ кўринади. Разм солиб қараса, Қори аканинг мўйлови йўқ..

— Э, Қори ака, мўйловингиз йўқ-ку, — дейди Ғани Аъзамов.

Қори ака «А?» дейди-ю, бармоғини беихтиёр лабига юборади. Ҳа, чинакам мўйлов йўқ. Мўйлов гримхонада, стол устида қолаверибди. Қори ака ҳангу манг бўлади. Гримхонага кириб мўйловини

ёпиштириб чиқиш учун фурсат керак. Бу ёқда сахнага чиқиш дақиқалари яқинлашиб келмоқда. Шошиб қолган Қори ака Фани Аъзамовга қараб:

— Акаси, мўйловингни қарз бериб тур, — дер эмиш. Мунажжим Фани Аъзамовнинг мўйлови аввало Жомий домлага тўғри келмайди. Соқоллари оппоқ, Мунажжимнинг мўйлови мошкичири рангда. Ёрдамчи режиссёр ўқдай отилиб мўйловни олиб келган ва Қори ака уни дарров ёпиштириб сахнага чиққан.»

* * *

«Аброр аканинг диққатга сазовор одати шунда эдики, у шердай тапланиб, лекин ҳодиса бўйича бир неча дақиқа бир жойда туриб қолса, орқаси залга, халққа ўтирилган бўлса, шу дақиқалар асносида кулисда турган артист ёки сахна ходимларига қараб, қошларини қоқиб, ҳазиллашиб ҳам қўяр эди. Спектакл давомида бундай имконият уч-тўрт жойда тўғри келиб қолар эди. Яна шуни-си ажабланарлики, шу дақиқада қош қоқиб ҳазиллашишга имкон топган артист реплика келиши билан яна шеру-гаррон бўлиб, чўққига етакловчи оҳанг ва қадам олиш ритмасини топиб оларди. Янглишмасди.»

* * *

«1929 йил 5 сентябрда, Самарқандда тўпланганимизда бошида чуст дўппи, юпқа сурпдан яхтак, оҳори тушган йўл-йўл тўн ва почали шимини этик ичига жойлаб олган бир қотма йигит ҳаманинг ҳам диққатини ўзига тортмай қўймасди. Ўша йилларда «пўрим» бўлмаган фарғонача кийинган артист, хотирам хатога йўл қўймаётган бўлса, фақат шу Набижон — Наби Раҳимов эди. У билан Регистон майдонининг рўпарасидаги чойхонада, овқатланиш вақтида учрашиб қолдик. Узоқдан кўзимга камгап кўринган бу нотаниш ҳамкасбим ўтириши билан сўзга тушиб кетди. Яримдан кўпроғи кўриниб турган Регистондаги минорага имо қилиб:

— Оғайни, минорага чиқдингизми? — деди Набижон.

— Ҳа, чиқдим. Ташқаридан паст кўринар экану, лекин ўзи баланд экан.

— Мен ҳам чиқдим. Жуда совқотиб кетдим. — Набижон иршайиб сўзида давом этди. — Декабр ойи бўлса, ўша миноранинг тепасига чиқариб қўйиб, тарвуз сўйиб берса. Бирон киши латта ҳўллаб елканга галма-гал ёпиб турса, қулинг ўргулсин бўлса керак, дейман-а, — деди Набижон.

Мен бу сўз маъносини ўйлаб, беихтиёр кулдим.»

* * *

Санъатимиз кўрки Зайнаб Садриева эслайдилар:

— Дастлабки йиллар Бухорода гастролдамиз. Қандайдир инсценировкани ўйнаяпмиз. Мен Мас-тура исми аёл ролидаман. Амин Турдиев турмуш ўртоғим ролида чиққан. А. Турдиев ёш бўлса ҳам анча салобатли, гапга чечан, чайир йигит эди. Бир маҳал саҳнада ўзидан-ўзи менга олая бошлади. Нафасим ичимга тушиб кетди. Чунки ролида бунақа жой йўқ эди. Нима бўлди экан дейман. Парда ёпилгандан кейин можарони кўрсангиз.

— Реплика беришни билмасанг, саҳнада нима қилиб юрибсан?! — дейди.

Бу воқеа артистлик тажрибамда унутилмас сабоқ бўлиб, шундан эътиборан партнеримга репликани тўғри берадиган бўлганман.

* * *

Санъатшунос Баҳриддин Насриддинов Хуршид ҳақида ёзади:

— Бир куни санъат ишлари бошқармаси раиси ўринбосари Босит Қориев суҳбат чоғида «Макр ва муҳаббат» — жаҳон театр санъатининг «говхар» асари, деган сўзларни айтди. Суҳбатда иштирок этаётган Хуршид унинг сўзларини эшитгач, сиз «говхар» деманг, «гавҳар» денг, шунда биллур, бриллиант деган бўласиз. Агар «говхар»

десангиз, форс-тожикчада сигир-зшак деган бўла-сиз. Бунда маъно нима қилсин, деб тажанглашиб изоҳ берди.

* * *

Ўзбекистон халқ артисти Эркили Маликбоева хотирлайдилар:

— Наби ака жуда топқир эди. Спектаклга ўзи хоҳлаган сўзни қўшиб олаверарди. Қаерда нима қўшишнинг ҳадисини олган эди. «Оғриқ тишлар» тақдимотида Мария Кузнецова бехосдан қошиқ-ни ўзи билан олиб кетаётганда (бу ҳолат спектаклда йўқ эди — Я.С.) Наби ака ёзғириб қолади: «Ҳов, хола, келган ҳар бир одам шундай қилаверса, уйда қошиқ қоладими?» Залда ўтирган Абдулла Қаҳҳор ўрнидан туриб, шу гапни ҳам спектаклга киритинглар, деганди.

Шукур ака эса менинг барометрим эди. Кўпинча бирга ўйнардик. Фикри-ёдим залда, кўзим у кишида бўларди. Юз-кўзи сал тундлашса, билардимки, ниманидир, қаердадир хатога йўл қўйдим. Сал жилмайиши — мендан хурсанд бўлиши аломати эди. Мақсуд Шайхзоданинг «Улуғбек» спектаклида Шукур Бурҳонов — Улуғбек, мен — Феруза ролини ижро этардик. Улуғбек ўлдирилиши олдидан «Самарқанд мени кўради-ю, мен уни кўра олмайман», — дейди. Мен унинг сўзларини бошқачароқ шаклда айтишим керак. Нима бўлади-ю, фалокат босиб: «Сиз Самарқандни кўрасизу, Самарқанд сизни кўра олмайди», — деб тескари айтиб юборибман. Устоз шу заҳоти қўлимдан ушлаб, шунақа қисдики, тамом, парда ёпилганда уриб юборади деган ўйдан юрагим тўхтаб қолгандек бўлганди.

* * *

Халқ артисти Зиқир Муҳаммаджонов «Улуғлар орасида» китобида шундай ёзадилар:

— Элигинчи йиллар атрофида эди шекилли. Бизнинг академик театр жамоаси Каттақўрғон

шаҳрида сафарда бўлган эди. Шунда жумҳурият санъат ишлари бошқармаси республиканинг барча театрларидан вакиллари йиғиб «Станиславский системаси ҳақида» мунозара ташкил этди. Театр ва социалистик реализм ҳақида ҳамма ўз билганини айтди. Охири мунозарага раҳбарлик қилаётган кимса: «Шукур ака, ҳамма айтилган мулоҳазаларни эшитдингиз. Сиз ҳам шу система ҳақида бирор гап айтинг», — деди. У бироз ўйла-ниб олгач, бирданига кўзига ёш олди. Ва ўша даврда доврўғи кетган Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» пьесасидаги «Пул» монологини ўқиди. Йиғилишда ўтирганларнинг бутун вужудлари қулоққа айланди. Актёр бу монологни шундай эҳтирос билан ўқидики, диванда ўтирганлар су-янчиқдан кураklarини уздилар, курсида ўтир-ганлар ўринларидан турдилар, кимдир йиғлади, кимнингдир вазабдан кўзлари чақнади ва яна ким-дир қўлларини бир-бирига ишқаб эзғилаб қўйди. Хуллас, актёр Шукур Бурҳонов шу монологи би-лан ҳаммани ҳаяжонга солди. Мажлисни олиб бо-раётган раис ҳам йиғилишга якун ясаб, бирор фикр айтишга ботина олмади-ю, қисқа қилиб биз-нинг системамиз ана шу, деб қўя қолди.

* * *

Шароф Рашидов Шукур Бурҳоновни ниҳоятда ҳурмат қилар, ижодини кадрларди. Шукур Бур-ҳоновнинг қизи вафот этганида у киши таъзия билдирибгина қолмай, эшигининг тагида бир неча соат ҳассакашлик қилган эди.

* * *

Менга гапириб беришган: Телеспектакллар тўғридан-тўғри кўрсатиладиган пайтлар эди. «Оқ қайин» спектаклида Обид Юнусов рус солдати ролини ижро этарди. Немислар солдатни осийшга ҳукм этадилар. Экранда осилган солдат — Обид Юнусовнинг оёғи кўрсатилаётган эди. Айни да-қиқаларда «Панарама!» дея кўрсатма олган опе-ратор солдатнинг оёғидан бошигача бемалол

кўрсата бошлади. Шу вақтда мустаҳкам темирга осилиб олган Обид Юнусов ҳеч нарсадан хабарсиз жилмайганича кимгадир муқом қилаётган эди...

* * *

Тўйчи Орипов «Қутлуғ қон» спектаклида Мирзакаримбойни ўйнади. Миршаб ролини ижро этаётган Рўзи Ҳакимовга буйруқ берди:

— Рўзи Ҳаким миршаб, олинг уни!

Рўзи Ҳакимов ҳангу манг бўлиб қолди-ю, индамади. Саҳнадан чиққач, Тўйчи Ориповга обдан қараб туриб деди:

— Мен ҳам сизни бопламоқчи бўлдим, аядим.

— Нима демоқчи эдингиз?

— Хўп бўлади, Тўйчи Мирзакаримбой...

* * *

Артист Рўзи Ҳакимов шоҳ ролини ўйнаётган эди. Мулозимларидан бири кириб:

— Олий ҳазратлари, элчилар ташриф буюришди! — деди.

Шунда шоҳ виқор билан буйруқ берди:

— Пожалуйста, кирсин!!

* * *

Машҳур бастакорлардан бирининг дафн маросимида сўзга чиққан раҳбар русча гапирди. Бундан ажабланган шоир Собир Абдулла ёнида турган марҳумнинг қизига деди:

— Мусулмоннинг жанозасида ҳам рус тилида гапирадиларми?

— Незнаю, почему о папе говорят на русском языке, — дея жавоб берди қиз.

* * *

Сора Эшонтўраева хотирлайдилар:

— Бир маҳал («Қопқон» саҳнасида) қиролнинг қулоғига заҳар қуйилганда, Клавдий «ҳим...мм» деб ўрнидан туриб кетади. Шунда Ҳамлет — Ҳидояттов бир сакраб тахт устига чиқиб

шундай тантанавор қаҳ-қаҳ урардики, одамнинг этлари жимирлаб кетарди. Аброр аканинг бу кулгиси менга ғалаги туюлди. Бир куни навбатдаги репетициядан уйга кета туриб у кишидан шу ҳақида сўрадим:

— Аброр ака, «Қопқон» сахнасидаги Ҳамлетнинг кулгиси ўзгача. Ҳар қачонгидек «ҳаҳ, ҳа, ҳа» эмасу «тҳаҳ-ҳа-ҳа» деб эшитилади, — дедим. У киши:

— Аковси, буниям бир сири бор-да, — дедилар. — Олдинги «т» товуши овозни бир оз тўсиб чиқаради. Шунда овоз тўлқинланиб узоққа етади.

* * *

Назира Алиева деган эканлар:

— Агар томошадан олдин ҳам, кейин ҳам артист ўз шинавандалари олдида ҳуда-беҳудага кўринаверса, сахна асарининг путури кетади. Театр этикаси шуни тақозо этади.

* * *

Ботир Зокиров деган эди:

— Саҳна кенг, унга ҳамма сиғаверади. Лекин унда ҳамма ҳам қолавермайди.

* * *

Болалар театридаги воқеалар эса ўзига хос.

«Мусо Жалил» спектакли қўйилаётган эди. Концлагердаги тутқунлар: «Волга-Волга, мать родная», — дея қўшиқ айтишяпти. Соқчи ролидаги Карим Хонкелдиев милтиғи билан уларни турта-турта нуқул уч сўзни қайтаради:

— Хайл! Майл! Вайл!!

У Мусо Жалил олдида келиб яна зарда ва даҳшат билан шу сўзни қайтаради. Шунда Лутфулла ўзини зўрға тутиб, секингина: «Нима деяпсиз, Карим ака?» — деди пичирлаб.

— Сени немисчасига сўкяпман! — деди Карим ака ўша вазоҳат билан ва яна давом этди: «Хайл! Майл! Вайл!»

«Полиздаги воқеа» спектаклида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Сулаймон ака ит ролини ҳам ўйнарди. Воқеага асосан сахна ёнида тилини осилтириб, даҳанини икки қўли устига қўйиб ётганида сахна ёпилиши керак. Парда ҳадеганда ёпилавермади. Сулаймон ака қараса, тайинлаб қўйган ишчи бепарвогина турибди. Шунда у залга қараб кучук бўлиб «хап», ҳалиги ишчига қараб «ёп» деди. Бу бир неча бор давом этди:

— Хап, ёп! Хап, ёп!!

Актёр Тўхтамурод ака Исамуҳамедов ҳайвонлар ролини жуда чиройли ижро этарди. Қайсидир спектаклда соқчи ролини ҳам ўйнаб қолди. Асар қаҳрамони актёр Цинкабуровни қўлидан боғлаб тортиб кетяпти. Цинкабуров бехосдан арқонни қаттиқроқ тортиб юборади. Соқчи ролида экани эсидан чиққан Тўхтамурод ака Цинкабуровга қараб вовуллаб юборади.

Мана, азизлар, хайрлашмоқ вақти ҳам келди. Айтилгувчи тоғ-тоғ гаплар ичидан сизларга айримларинигина ҳикоя қилиб бера олдим. Ахир буни умр дейдилар, ҳаёт дейдилар. Биласиз, ҳаётнинг кутилмаган воқеалари, мўъжизалари кўп. Санъатнинг ўзи бир мўъжиза бўлса, унинг тасвири ҳам анча мураккабдир. Шу боис унда учрамиш камчиликларни маъзур тутасиз, деб ўйлайман. Умр — лаззатли, умр — ташвишли. Мен эса барчангизга лаззатли умр тилайман.

Ушбу рисолани тайёрлашимда маслаҳат берган, руҳимни кўтарган, бевосита ёрдамини аямаган қадрдонларим олдида қўлим кўксимда. Барчангизга омонлик ёр бўлсин!

М У Н Д А Р И Ж А

I. Баланд учган қалдирғочлар

Муҳаббатдан ортиқ ажиб дунёдир	5
Тахтапул, 147.....	7
Йўллариини берсин	11
Гулқанд ёхуд бобомнинг «дўкон»лари	17
Оҳутинам, қайга чорлайсан	20
Булоқнинг гавҳар кўзи	23
Нега олқишламай Хуршид домлани?.....	27
«Сал бошқача бола»	34
Уни Ҳабиб Саъдий, дердилар	46
Ота қадами	85
Онам ёпган нонлар	87

II. Баҳор қулоч очмиш уларга

Юракларга мадор бўлган инсоним	95
Менинг «шум»гина укажоним	123
Қўш кабутар	163
«Манам девонаси бўлдим»	202
Кенжатойлар	243

III. Ўзидан тинган жигарларим

Ҳамидулла амаким ва бошқалар	246
Биз, иккимиз	254
Ўқисангиз, дегандим	261

Яйра Саъдуллаева

КАТТА ҲОВЛИ

(Эссе)

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2005

Мухаррир *Нигора Ҳорова*
Рассом *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусахҳиҳлар: *Ж. Тоирова, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 9.12.2004. Босишга рухсат этилди 20.04.2005.
Бичими 84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 14,3. Нашриёт-ҳисоб табоғи 14,9.
Адади 5000 нуска. Буюртма № 1075. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.